

323
Б-55



ЮСУФ БЕРДИЕВ

**ЁНИБ
ЯШАЁТГАН
ОДАМЛАР**



ЮСУФ БЕРДИЕВ

ЁНИБ ЯШАЁТГАН ОДАМЛАР

Очерклар

ТОШКЕНТ — 2000
«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ

Б 55

Бердиев Ю.

Ёниб яшаётган одамлар: Очерклар. — Т.: Шарқ, 2000.—288 б.

Ушбу китобдаги очеркларда Истиқлол йилларида Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодий қудратини юксалтириш, ислохотларни чуқурлаштиришда ибратли фаолият кўрсатаётган, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида намунали иштирок этиб, миллий истиқлол ғояларини амалга оширишга салмоқли ҳисса қўшаётган, яъни, чинакамига элим деб, юртим деб ёниб яшаётган машҳур замондошларимиз ҳақида ҳикоя қилинади.

Истиқлол даври Қаҳрамонлари ва илғорлари ҳақидаги мазкур публицистик асарлар сизга манзур бўлади, деб ўйлаймиз.

ББК 66.3(5У)6

ЮСУФ БЕРДИЕВ

ЁНИБ ЯШАЁТГАН ОДАМЛАР

Очерклар

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни
Бош таҳририяти
Тошкент — 2000

Мухаррир И Шоймарганов

Рассом Т. Қаноатов

Бадий муҳаррир Ф. Башарова

Техник муҳаррир Д. Габдрахманова

Мусаҳҳиҳ Ж. Тоцрова

Теришга берилди 14.01.2000. Босишга рухсат этилди 06.03.2000.
Бичими 84x108^{1/32}. Балтика гарнитураси. Оффсет босма. Шартли босма табоғи 15,12. Нашриёт ҳисоб табоғи 15,3. Адади 5000 дона.
Буюртма № 61. Баҳоси шартнома асосида.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмаҳонаси,
700083, Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41

© «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни
Бош таҳририяти, 2000 йил.

Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!

Ислом КАРИМОВ

НУРЛИ УМР СОҲИБЛАРИ

Ҳар бир даврнинг ўз қаҳрамонлари бўлади. Бундан саккиз-тўққиз йил илгари ўз умрини тугатган совет даврининг ҳам, шак-шубҳасиз, қаҳрамонлари бўлган. Улар ҳақида талайгина романлар, дostonлар, кино ва театр асарлари яратилган. Шундай асарларда шарафланган ва бошқалар учун ибрат намунаси бўлиб хизмат қилган қаҳрамонлардан бири Павел Корчагиндир. Н. А. Островскийнинг «Пўлат қандай тобланди» романида катта бадий куч билан тасвирланган бу қаҳрамон образида ёзувчи ўзининг машаққатли ҳаёти ва курашини акс эттирган. Бугун биз Павел Корчагиннинг азоб ва уқубатда кечган ҳаётини кўз олдидан ўтказиб, унинг нима учун курашгани ва кишига бир марта бериладиган ҳаётини нимага бағишлагани ҳақида фикр юритсак, тайинли бир маҳражга келишимиз қийин кечади. Негаки, у олиб борган кураш оқибатида на ўзи, на бошқа минглаб-миллионлаб кишилар ҳаловатли ҳаётга эриша олмадилар. У ҳаётини бағишлаган Совет ҳокимияти Павел Корчагин сингари фидойи кишилар ёрдамида вужудга келиб, сўнг уларни 1937 йили маҳв этиб ташлади.

Табиатнинг темир қонунлари мавжуд бўлганидек, кишилиқ жамиятининг ҳам ўз қонун-қоидалари бўлади. Бу қонунлар сохта ғоялар билан йўғрилган, бойлар ва ўзига тўқ кишиларни синф сифатида йўқотиб, хусусий мулкка қарши ўт очган, аммо ўзи бошқа мамлакатлар ва халқларнинг бойлигини талаган давлат тузумини тан олишни истамади. СССР деб номланган, ҳатто бир мунча йиллар давомида ер юзини титратган давлат ичидан чириб, тутади. Унинг қаҳрамонлари ҳам ўз қадр-қимматларини йўқотдилар.

Бугун собиқ СССРга қарашли республикалар, шу жумладан, Ўзбекистон ҳам ўз тақдирини ўзи белгилаб, миллий тараққиёт йўлидан дадил қадамлар билан бормоқда. Шундай даврда одатда янги қаҳрамонлар дунёга келади. Шундай даврда одатда янги қаҳрамонларга эҳтиёж бўлади. Эҳтиёж фарзандлари бўлган қаҳрамонлар эса, ўз ортларидан бутун бир халқни, унинг пешқадам кишиларини эргаштириб борадилар.

Бу қаҳрамонларнинг Павел Корчагинлардан фарқи шундаки, улар ўзларининг тарихий Ватанларини севадилар, унинг озодлик ва мустақилликка эришгани билан астойдил фахрланадилар ва ана шу мустақиллик самараларини мустаҳкамлашда ўз ҳаётларининг маъносини кўрадилар. Шунинг учун ҳам бугун кўҳна ўзбек диёрида ёниб яшаётган кишилар сони оз эмас.

Таниқли журналист Юсуф Бердиев бир неча йилдан бери Истиқлол йилларида Ўзбекистон халқ хўжалиги, тиббиёти, маърифати ва бадий маданиятининг равнақи йўлида ёниб яшаётган ва фаолият кўрсатаётган сиймолар тўғрисида очерклар яратиб келади. Бу бадий-публицистик асарларни ўқиб, тасвир этилган кишилар билан яқиндан танишган ҳар бир ўқувчи уларнинг ҳозирги давримиз қаҳрамонлари эканига алақачон ишонч ҳосил қилган. Бу қаҳрамонлар орасида ўзбек ёзувчиларининг сардори Абдулла Ориповдек закий сиймолар ҳам, тупроқдан, тоғ жинсларидан олтин ажратиб олаётган Анатолий Панин ва Жонсаид Турдиев каби кончилар ҳам, Мирумар Асадов сингари Самарқанддаги қатор тарихий обидаларга сайқал берган мумтоз таъмирчи уста ҳам, миллий маърифатимизнинг Манзура Маъдалиева ва Мавлуда Исматова каби чинакам фидойилари ҳам бор. Бахтимизга, улар сафи оз эмас. Журналист давримизнинг шу ажойиб қаҳрамонлари, улар олиб бораётган ижтимоий фаолият, уларнинг маънавий олами ҳақида ҳикоя қилар экан, улар бизнинг яқин биродарларимизга айланиб боради. Биз уларнинг ижод ва меҳнатлари туфайли ўзбек халқининг миллий тараққиёт йўлига шахдам қадамлар билан чиқиб олаётгани, жаҳоннинг бошқа тараққий этган мамлакатлари даражасига эришиши учун астойдил тер тўкаётгани ҳақида тасаввур ҳосил қиламиз. Ва, бу тасаввур бизнинг бағримизни келажакка катта умид ва ишонч туйғулари билан тўлдиради.

Бир юз ўттиз йиллик мустамлакачилик давридан кейин ўзбек халқи эндигина эркин нафас олиб, ўзи хоҳлаган давлатни, ўзи хоҳлаган турмуш тарзини, ўзи хоҳлаган келажакни барпо этмоқда. Шундай хайрли ишлар рўёбга чиқаётган даврда чор атрофни банд этган қурилиш ҳавзаларига, кишиларнинг ботиний ҳаётида кечаётган ўзгаришларга, жамиятнинг ич-ичида рўй бераётган улкан ўзгаришларга лоқайд қараб туриш жиноятдир. Зеро, биз ўз уйимизни қурмоқдамиз. Ўз оиламизнинг эртанги фаровон ва чароғон

ҳаётини таъмин этиш йўлида тер тўкмоқдамиз. Ўз болаларимизнинг ХХI асрга — тараққиёт, маънавий юксалиш, ижтимоий янгиланиш ва покланиш асрига муносиб кишилар бўлиб вояга етиши устида бош қотирмоқдамиз. Шундай бир даврда ёниб, куйиниб, энгни тирсакка қадар шимариб яшаш ва ишлашдан ўзга чора ҳам борми?!

Сиз варақлаётган китобда ана шундай ёниб яшаётган замондошларингиз — Истиқлол даври илғорлари ҳаёти тасвир этилган. Шояд Сиз ушбу китобни ўқиб тугатгач, «Илоҳим, менинг фарзандларим ҳам шундай кишилар бўлиб улгайсин!» дея ният қилсангиз. Шундай ниятнинг Сизда туғилиши беиз кетмайди. Сиз ўз фарзандларингизни шу ажойиб кишилар мисолида тарбиялаш жараёнида ўзингиз ҳам ўзгариб боришингиз, ўзингиз ёниб яшаш йўлини танлашингиз мумкин. Китобни ёзишдан ҳам мақсад аслида Сизда шундай ўзгаришни содир этишдир.

Президентимиз ҳар икки сўзининг бирида ёниб яшаш лозимлиги ҳақида гапиради. Ўзи ҳам ёниб яшамоқда. Ёниб яшаш нур сочиб, теварак-атрофни мунаввар этиб яшашдир. Жамият, кишилар ёниб яшаётган замондошларининг ана шу ҳаётбахш нуридан баҳраманда бўлган ҳолда юксалиб боради.

Бир юз ўттиз йиллик давр мобайнида биз бошқа қатор халқлардан орқада қолдик. Энди ёниб яшама-сак, уларга етиб олишимиз, улар билан бир сафда боришимиз, уларда ўзимизга нисбатан ҳурмат уйғотишимиз қийин. Ёниб яшаган халқгина ўз орзусига эришади. Ёниб яшаган кишиларгина бахт-саодатнинг таъмини яхши биладилар.

Наим КАРИМОВ,

*филология фанлари доктори,
Беруний номидаги Давлат мукофоти лауреати.*

НОН ИСИ

«ЎЗИНГИЗГАКУ, ИШОНАРКАНСИЗ...»



Содиқжон Абдурасулов бу кунни сира унутмайди. Бир умр ёдидан чиқмаса керак...

У ўша куни қўшни хўжалиқдаги ҳамкасбининг таклифи билан унинг хузурига ўтиб, экин далаларини бирга айланиб, кўриб юрган эди. Катта йўл ёқасидаги пайкал билан танишаётганда дала тўғрисига бирдан уч енгил машина келиб тўхтади. Вилоят ёки туман ҳокимларидан бирортаси бўлса керак, дея бир-бири-

га қарашиб тахмин қилишди улар.

— Йўқ, — деди шу заҳоти унинг мезбон ҳамроҳи, — янглишибмиз, Президентимиз Ислон ака-ку?!

— Ҳа, тўғри айтасиз, биродар, ўша киши. Бирдан далага юрганликларидан билдим, — деди Содиқжон ака.

— Э, ҳокимимиз Муҳаммаджон ака бизни ўзларига томон имляпти-ку?

— Нима қилдик?

— Борамиз-да. Кетдик.

— Махсус қўл силтаб чақиришмаганда ҳам йўлга чиқиб бориб саломлашишимиз керак эди, яхши, — деди шахдам юриб бораётган Содиқжон ака.

Улар салом беришга улгуришолмади. Рўпараларидан:

— Ҳорманглар, деҳқонбувалар! — деган ёқимли товуш эшитилди.

Президент шундоқ ғалла пайкалининг бошида улар билан қўл бериб сўрашди.

Ҳоким деҳқонларни Йўлбошчига таништирди. Шунда у киши Содиқжон аканинг елкасига меҳр билан қўлини қўяркан:

— Пахтачи ғаллакор Содиқжон Абдурасуловда-а? — деди.

Ҳокимлар ҳам, унинг ўзи ҳам бош ирғаб, «шундай» дейишди.

Президент:

— Яшанг, раҳмат, биродар, ғалла Содиқ акамиз бир умр пахтасига содиқ бўлиб юраверадими, бизга ҳам қарасин деб, турган эди, у томонга ўтиб тўғри қилдингиз, бу ишда ҳам омадингизни берсин, — дея самимий кулиб, унинг елкасига яна бир бор оталарча қоқиб қўйди.

Юртбошимиз республикада ғалла мустақиллиги йўлида олиб борилаётган ишлар, вазифалар, муаммолар ҳақида қисқача гапириб, шаҳрихонлик деҳқонларнинг бу борадаги изланишлари билан қизиқди. Уларга баъзи саволлар берди, умуман, ғаллачиликни янада ривожлантириш учун нималар қилиш кераклиги тўғрисидаги шахсий фикр-мулоҳазаларини эшитди. Суҳбат кўпроқ дон уруғи масаласида бўлди. Шунда, фикр алмашув охирида, Президент Содиқжон акага юзланиб:

— Масалан, сиз нима дейсиз, Андижонни республикага дон уруғи етказиб берадиган, яъни ихтисослашган вилоятга айлантирсак бўладими? — деб сўради.

— Бўади, Ислом ака! — деди Содиқжон Абдурасулов дарров, ҳеч қанақа «мумкин», «ҳаракат қилса»ларсиз. — Вилоятимиз республикага дон уруғи етказиб бериш масъулиятини бемалол ўз бўйнига олади.

— Баракалла! — деди Юртбоши беихтиёр...

Меҳмонлар жўнаб кетиши билан унинг қадрдон ҳамкасби:

— Содиқжон ака, ўзингизга-ку, ишонаркансиз, кўзингизга ҳам ишонасизми? — деди.

Кутилмаганда азиз дамлардан баҳраманда бўлган деҳқонлар мамнун ҳолда самимий кулиб юборишди.

— Ўшанда тумандош дўстим менга «кўзингизга ишонасизми?» деб жуда тўғри савол берганди, — дейди Содиқжон ака бу унутилмас воқеа ҳақида тўлқинланиб, алоҳида фахр билан ҳикоя қиларкан. — Ахир, кимнинг хаёлига келибдики, мамлакат раҳбарини, Президентни, халқнинг улуғ Йўлбошчисини қадрдон ҳам-

касбининг деярли ўзиникидай бўлиб кетган даласида кутиб оламан, кўраман, сўрашаман, суҳбатлашаман, деган ўй тугул орзу?! Бир сўз билан айтганда, бу — омад, бахт эди, биродар. Юртбошимизнинг оталарча бир айрича меҳрибонлик билан қўларини елкамга қўйиб, соғлигимни, ишларимни, ҳатто оиламни сўрашини ўйласам, кўз олдимга келтирсам, қандай ажойиб инсонпарвар раҳбаримиз бор-а, деб хурсанд бўлганимдан теримга сиймай кетаман. «Мана бу масалада, масалан, сиз нима дейсиз?» деб мендай оддий бир қишлоқ деҳқоннинг фикр-мулоҳазалари билан қизиқиш турганликларини эласам, Худо бизга чинакам халқпарвар Йўлбошчи бериб қўйганидан шукр қиламан. У кишининг қишлоқ хўжалиги муаммолари, масалан, дон уруғчилиги масаласида тўхталиб, янги навлар ва навшунос олимларнинг бу борадаги изланишларини шу заҳоти бекаму кўст таҳлил қилиб берганликлари ёдимга тушганда эса, ҳақиқий аллома Юртбошимиз борлигига тақрор ва тақрор амин бўламан.

Меҳмонхона айвонида бошланган суҳбатимиз бўлинди. Ассалому алайкум, деб кириб келган йигит менга қараб: «узр, ака» дегач, устоз, келишилган вақтда келдим, машина тайёр, нима қиламиз? — деди. Мезбон, даласига чигит эккан шогирдларимдан бири пайкалимни бирров кўриб берасизми, маслаҳатингиз керак бўлиб қолди, деганди, соат саккизда келади, деб мени огоҳлантирганди. Шунинг учун биз хайрлашиб, суҳбатни кечқурун давом эттиришга келишдик.

Содиқжон ака эшик томон йўл олаётиб, «нима қиламиз, барибир пахтакорликдан дарров кечолмай-миз-да», деб кулиб қўйди.

ЯҚИНИНГ ГАР УСТОЗДИР...

Ҳа, Содиқжон ака аввал пахтакор эди. Пахтакор бўлганда ҳам Шаҳрихон туманининг энг пешқадам, моҳир, Андижоннинг таниқли пахтакорларидан бири эди. Унинг суяги чигит ва унинг ниҳоли, ғўзаси парвариши билан шуғулланиладиган худди шу деҳқончиликда қотган...

Абдубий қишлоғилик ўн етти ёшли Содиқжон ўрта мактабни битириб, зооветеринария техникумининг биринчи курсида ўқиётганида отаси — оддий деҳқон Абдурасул ака тўсатдан вафот этиб қолди. Қатағонлар ҳамон давом этаётган 50-йилларнинг ўрталари. Одам-

лар ниҳоятда қийналиб кун кечираётган пайтлар. Стипендияга қўшимча бериб турадиган отадан ажралса ҳам ўқиш мумкин, лекин, етти болали, саккиз жонли оила қийналиб қолади-ку? Унга ёрдам бермаса бўладими? Нима қилиш керак? Содиқжон ўқишни тўхтатишга аҳд қилди. Шунда онаси Баҳринисо опа «сен, болам, ўқишни давом эттиравер, биз бир амаллаб кун ўтказиб турармиз» деганида, йўқ, ҳали ёшман, ойи, балки, кейинчалик сиртдан ўқиб оларман, ҳозир уйга қарашмасам бўлмайди, сиз касалманда акам ва укаларим билан қийналиб қолишингизни хоҳламайман, деб қароридан қайтмади.

У қишлоқ пахтачилик бригадасида оддий деҳқон бўлиб ишлай бошлади. Жамоа етакчисининг кўрсатмаси билан бир гал сувчиларга қарашса, янаги гал механизаторга ёрдамлашди. Йиғим-терим пайтида пахта юклаш билан банд бўлди. Мавсум тугаши билан ерларни ҳайдашга киришилганда, механизатор ёнида юриб, техникага кўзи пишиб, қўли ўрганиб қолгани учун, бемалол шудгорловчи тракторни ҳам бошқариб кетди.

Янги мавсумга тайёргарлик кўрилаётган пайтда уни хўжалик раҳбари ўз ҳузурига чақирди.

— Содиқжон, бригадага яхши ёрдам бердинг, — деди раис Мўминжон Иброҳимов, — бундан хурсандмиз, яша. Энди бизни яна бир хурсанд қиладиган иш қиласан. Янги пахтачилик бригадаси тузямиз. Шунинг етакчилигини сенга топширишга қарор қилдик.

— Қандай бўлади, раис бува? — деди кутилмаган бу таклифни эшитган Содиқжон. — Менга қийин эмасми. Эплаб кета оламанми?

— Эплаб кетасан, ука. Биз бежизга бу фикрга келмадик. Биринчидан, сен хўжаликка анча меҳнати сингган камтар, меҳнаткаш, ҳар қандай одам билан ҳам тил топишиб кета оладиган ажойиб инсон, деҳқон, раҳматли Абдурасул аканинг фарзандисан. Иккинчидан, сенинг отанга муносиблигингни, яъни ишчанлигингни, киришимлилигингни ўз кўзимиз билан кўриб, амин бўлдик. Шунинг учун, ҳеч иккиланмасдан эртдан ишни бошлайверасан. Қандай маслаҳат ёки ёрдам керак бўлса, бемалол, эшигим очик.

Баҳринисо опа ўғлидан бу таклифни эшитиб, ҳам хурсанд бўлди, ҳам «худо раҳмати отанг баъзида бригадирлик белбоғининг масъулияти офир, дерди, ишқилиб, эплаб кетсанг бўлди-да», деб бироз ўйланиб

қолди. Шунда акаси Ғофиржон, ойи, биз ҳам қараб турмаймиз, ёрдам берамиз, Содикжон бемалол эплаб кетади, деб у кишининг ишончини мустақкамлади.

Хўжалик мутахассислари Содикжонга эрта баҳорда 80 гектар ер ўлчаб беришди. Бригада аъзолари асосан абдубийлик одамлар эди. Уларнинг орасида Содикжоннинг отаси бригадирлик қилган пайтида у кишининг қўлида ишлаган, ҳатто етакчи билан кадрдон бўлиб кетган деҳқонлар ҳам бор эди. Бригадир бегонамас, дўстимизнинг фарзанди, дея янги мавсум ишларига киришган худди шу пахтакорлар асосий юмушларни ўз зиммаларига олишди. Содикжон раисдан бригада учун алоҳида универсал олишга муваффақ бўлганида, жамоа аъзолари: «жойларда ҳамон техника навбатини кутиб деҳқончилик қилинаётган бир пайтда етакчининг шарофати билан ўз уловимизга эга бўлдикми, ишимиз албатта яхши бўлади», деган қатъий ишонч билан далада тер тўкишарди.

Чигит ўз вақтида ундирилиб, унга ишлов берилаётган кезларда Содикжон марҳум отасининг қўшни туманда деҳқончилик қиладиган, Андижон вилоятида моҳир пахтакор сифатида танилган бир биродари ҳузурига ўтиб келди. Ундан ўзига зарур бўлиб қолган баъзи маслаҳатларни олиб қайтди. Қобилжон ака деган бу одам кўп ўтмай, янги шогирдининг даласига махсус ташриф буюриб, ишларини кўрди, илк етакчилик йилинг бўлса ҳам ғўзаларинг ёмонмас, ўғлим, дея яна тегишли йўл-йўриқлар, кўрсатмалар бериб кетди.

Содикжон ўз жамоаси билан ўша йили ҳар гектар ердан 29 центнердан ҳосил йиғиштириб олиб, ишонччи оқлади. Уни бу илк ғалаба билан табриклаган раис «Содикжон, сен биринчи навбатда ажойиб деҳқон, бригадир бўлган раҳматли отангнинг руҳини шод этдинг», деганида у беихтиёр тўлқинланиб кетди...

Элик саккизинчи йил ҳам Содикжон ака ва унинг жамоаси учун муваффақиятли бўлди. Учинчи мавсумда унинг ерлари кенгайиб 100 гектарга етди. Йиллик режа хўжаликдагина эмас, балки, бутун туманда биринчилардан бўлиб бажарилди. Ҳосилдорлик гектар ҳисобига 35 центнерга етди. Туман миқёсида «илфор бригадир Содикжон Абдурасулов» деган ибора пайдо бўлди. Ҳатто вилоят газетасида «Қумри опанинг даладоши» деган мақола ҳам эълон қилинди. Унда муаллиф машҳур пахтакор, звено бошлиғи, Меҳнат

Қаҳрамони Қумри Рустамова билан ёнма-ён меҳнат қилаётган деҳқонлар, айниқса, ёшлар орасида унга муносиб шогирдлар ҳам пайдо бўлганини, шундайлардан бири Киров (ҳозирги «Олтин водий») номи жамоа хўжалигининг бригадири эканлигини фахр билан ёзди. Ҳақиқатан ҳам, Содиқжон

«Яқининг гар устоздир,
Ишинг баҳоси «соз»дир»,

ўғитига амал қилиб, ўша давр Андижон пахтачилигининг чинакам устозларидан бири бўлган Қумри опага шогирд бўлиб яқинлашган эди. Олдин моҳир звено етакчиси, кейин ташаббускор бригада бошлиғи бўлган Қумри опа Содиқжоннинг янада малакали деҳқон бўлиб шакланувида катта ёрдам берди. Эҳтиёж туғилиб қолганда техникадан қарашди. Туман доирасида тажрибали пахтакорларнинг давраси уюштирилдиган бўлса, раиснинг тавсияси ёки қўллаб-қувватлови билан уни ёнида олиб кетди. Давра кўрган деҳқон давр суради, каби ажойиб ҳикматларни мен ўша йиллари илк бор Қумри опадан эшитганман, дейди Содиқжон Абдурасулов.

Мен Содиқжон Абдурасуловнинг етмишинчи-саксонинчи йиллардаги меҳнат ютуқларининг асосий омиллари билан қизиққананда, сирлар кўпроқ ана шундай устоз-шогирдчиликнинг шарофатида, қаҳрамонимизнинг моҳир деҳқонлар пахтачиликда яратган ўзига хос мактабларнинг тажрибаларини меҳр ва қунт билан ўзлаштириб олганлигида, деган хулосага келдим. Менинг бу фикримга қўшилган таниқли пахтакор Валижон Қаҳҳоров, яъни, Содиқжон Абдурасуловнинг кўп йиллик сафдоши шундай ҳикоя қилади:

— Чинданам Содиқжон пахтачиликдаги машҳур тажрибаларга айрича қизиқиши билан бизлардан ажралиб турарди. Газета-пазетадан узоқ вилоятлик бирор моҳир деҳқоннинг тажрибалари, янгиликлари ҳақида ёзилган бўлса, ўқигач, изланишлар ёқса, ўзини гойибона бўлса ҳам ўша пахтакорнинг шогирдидай ҳисоблайверарди. Бизга яқин ерда деҳқончилик қилдиган донгдор бригада бошлиғи, ҳатто Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган Эргаш Мирзаев билан ҳам ниҳоятда қалин, ака-ука эди. У айти вақтда пахташунос олимларнинг янгиликлари, навлари билан ҳам мунтазам қизиқиб борарди. Шунинг учун қўлида

баъзан «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журналини ҳам кўриб қолардик. Унинг саксонинчи йилларнинг охирига келиб, вилоятдагига эмас, балки, бутун республикада энг пешқадам, энг моҳир бригада бошлиғи сифатида довуғ таратганини жуда кўпчилик билади. Содиқжон ҳам устоз пахтакор сифатида деҳқончиликда ўзига хос тажриба мактаби яратган эди. Бу гапларимни менинг, Содиқжоннинг қадрдонлари, мусобақадорлари бўлган уста деҳқонлар — Юсуфжон Аблакимов, Улуғбек Нишонов, Урайимжон Ашуровлар ҳам тасдиқлаши мумкин.

«ДОНЧИЛИК — НОНЧИЛИК-КУ?»

Илғорлар имони тез илғайди. Мустақиллигимизнинг биринчи йилидаёқ Президентимиз қишлоқ хўжалиги ходимлари, мутахассислар, эл сардорлари олдига пахта якқаҳоқимлигига чек қўйиб, ғалла мустақиллигини таъминлаш вазифасини қўйганида Содиқжон Абдурашулов ҳам бу даъватга жавоб беришдан четда туролмади. 1992 йил пахта ҳосилини йиғиштириб оламан-да, янги мавсумдан бошлаб ғаллачилик билан шуғулланишга ўтаман, ўрнимга муносиб шогирдларим бор, бемалол удалаб кетишади, деган ниятни кўнглига тутиб қўйди. У пахта мавсумини одатдагидек ҳосилдор ва серхирмон қилиб тугатди. Ғўзапояларни йиғиштиргач, таклифимни раиснинг ўзига айтаман-да, деб турганида уни хўжалик бошқарувига чақиришди.

— Содиқжон акага соғинчли саломлар, — дея уни хушнудлик билан кутиб олди раис Ҳусниддин Жўраев.

— Қанақасига «соғинчли» бўлади, раис бува, ўтган куни кўришувдик-ку? — деди ажаблангандай бўлиб бригадир.

— У далада эди, сиздай одамларни кабинетда кутиш, кўриш бошқача-да, Содиқжон ака!

— Ундай бўлса, майли, тез-тез келиб турамиз.

Ўртада самимий кулгу янгради.

— Ишқилиб, «кабинетвоз» бригадирлардан худо сақласин, оқсоқол, — деди яна кулиб раис.

Ҳ. Жўраев асосий мақсадга ўтиб, республикада Президентнинг хайрли даъвати билан ғалла мустақиллиги учун кураш бошланганини, дон экиладиган майдонлар кенгайтирилаётганини, ғаллакорлар сафи тажрибали деҳқонлар ҳисобига кучайтирилаётганини эслатиб:

— Биз ҳам шу ажойиб ҳаракатга қўшилсакми дегандик, хўжалигимизнинг кайвони деҳқонларидан бири сифатида сиз нима дейсиз? — деди.

— Мен аввало Юртбошимизнинг бу қимматли даъвати гоятда ўз вақтида бўлганлигини таъкидлайман, — деди дарров Содиқжон ака. — Агар шу ҳаракат амалга ошса, ниҳоятда улуғ, тарихий иш бажарилади. Шунинг учун, буёғини сўрасангиз, мен ушбу чорловни эшитган кунимоқ бу ҳаракатга қўшилишни ўйлаб қўйган эдим.

— Демак, янги тузилаётган ғаллачилик бригадасининг етакчилигига илтимос қилсак, йўқ, демайсиз?

— Оддий мироблигига десангиз ҳам ўтаман, раис бува. Ахир, бу ўз оти билан — дончилик, яъни, нончилик-ку?!

— Раҳмат, Содиқжон ака. Мен бизни қўллаб-қувватлашингизга ишонгандим. Кутганимдан ҳам зиёда бўлди.

Содиқжон Абдурасуловга 130 гектар ер ажратиб берилди. Фахриддин Содиқов, Муҳиддин Исмоилов, Дилшод Овулов, Мамадали Мансуров, Йўлдошали Ҳошимов каби тажрибали деҳқонлар ўз ихтиёрлари билан, тўғрироғи, хайрли ҳаракатни дилдан маъқуллаган ҳолда бригаданинг биринчи аъзолари бўлишди. У аввал ерга яхшилаб фосфорли ўғит сочтирди, кейин майдон оби-тобида ўз вақтида сифатли қилиб шудгорланди. Ер текислаш ҳам кўнгилдагидек бажарилди. Дориланган «Спартанка» уруғи сепилгач, далага бир марта сув тортилди. Уруғ униб чиққач, ҳар гектар ерга 400—500 килограмдан селитра солинди. Такрор сувдан кейин кўпаядиган бегона ўтлар унчаликмасди, борларидан ҳам пайкалар ўз вақтида тозаланди. Шарбат яхшилаб оқизилди. Эҳтиёж сезилган ерларга яна бир марта ўғит улашилди.

Ғалла экиш ва парваришининг ана шундай «системаси»га қатъий амал қилган Содиқжон Абдурасулов бригадаси биринчи йили ҳар гектар ердан 41 центнердан дон йиғиштириб олди. Унинг илк йилдаёқ бундай ютуққа эришганини кўрган дўстлари табриклашаётиб, «Содиқжон, сиз ўзи пахтакормисиз, ёки ғаллакор», деб ҳазиллашишди. Шунда улардан ўта бир ҳазилкаши, гапга чечани: «биласизларми, жаноб Абдурасулов пахтакорчилик қилиб юриб, «подполе»да ғаллачилик билан ҳам шуғуланган, бўлмасам, бирданига бундай натижага эришиб бўлармиди, биродарлар!» деган...

Бригада 1994 йилда ҳосилдорликда 43,5 центнерлик маррага эришди. Кейинги йили Содикжон аканинг ташаббуси, илтимоси билан экин майдони кенгайтирилиб, 220 гектарга етказилди. Далаларга янги «Юна» навидан уруғ сепилиб, рекорд натижага — ҳар гектар ердан 56 центнердан ҳосил олишга муваффақ бўлинди. 1996 йил экин майдони 315 гектарга кўпайтирилиб, янги мавсум ҳосили йиғиштирилиб олинаётган кезларда фидойи деҳқон ҳаётида чинакамига бахтли воқеа юз берди: Фалла экиладиган майдонларини йилдан-йилга кенгайтириб бориб, ҳар йили ҳосилдорликда янгидан-янги ютуқларни қўлга киритиб, республика-мизни дон уруғи билан таъминлашга муносиб ҳисса қўшаётган Содикжон Абдурасуловга Президентимиз Фармони билан «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони ва Олтин юлдуз медали берилди!

Бу тарихий воқеа, улуғ эътироф муносабати билан Шаҳрихон туманида, қолаверса, бутун Андижон вилоятида ўзига хос тўй-тантана бўлди. Масалан, бу ғамхўрлик учун энг аввало ҳукуматимизга, Президентимизга астойдил миннатдорчилик сўзлари айтмоқ ниятида йиғилганларнинг фикрини ифодалаб, Шаҳрихон тумани ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Муҳаммаджон Раззоқов шундай деди:

— Оддий деҳқоннинг бундай юксак эътирофга сазовор бўлиши Президентимиз раҳбарлигида, ташаббуси билан олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий сиёсатнинг нечоғлик инсонпарварлигини, Ватан, халқим деган одамнинг қадр-қимматини ўз вақтида ўрнига қўйишини ёрқин кўрсатувчи бетакрор факт-мисолдир. Биз шунинг учун айрича миннатдор-мизки, Содикжон Абдурасуловни моҳир ғалакор сифатида Президентимизнинг ўзи, у кишининг улуғ даъвати кашф қилди. Бундан биз, шаҳрихонликлар ҳар қанча фахрлансак, Юртбошимизга таъзим қилсак арзийди. Мамлакатимиз ғалакорлари орасида, бутун андижонликлар даврасида биринчи бўлиб бизнинг тумандош Содикжон Абдурасуловнинг «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони билан тақдирланиши эса, қалбимизни қўшимча фахр-ифтихор туйғуларига тўлиб-тоштиради. Бизнинг эндиги вазифамиз ана шундай буюк меҳрибонлик ва эъзоз-эътиборга муносиб меҳнат зафарлари билан жавоб бериш, Истиқлол йилларида республикамызда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларга янада самарали ҳисса қўшишдир.

Миннатдор ҳокимнинг айтганидай бўлди. Шаҳрихон тумани 1996 йили барча соҳалар бўйича ўз режаларини бажарди. Қаҳрамон Содиқжон Абдурасулов бошлиқ бригада эса, 315 гектар ернинг ҳар гектаридан аввалги йиллардагидан кўп, яъни, 68 центнердан дон йиғиштириб олди. Бу туман, вилоятдагина эмас, балки, бутун мамлакатимизда ҳосилдорлик бўйича энг юқори кўрсаткич эди! Бошқача айтганда, шаҳрихонлик машҳур ғаллакор ўзига олий унвон ва нишон ҳада этилган йилда ҳосилдорлик борасида республикадаги ҳамкасблари орасида биринчи ўринни эгаллади. Содиқжон аканинг ўримдаги таянчлари — «Кейс»ни бошқарган Йўлдошали Ҳожиев, Бахтиёржон Қирғизбоев, Исроилжон Исмоиловлар мамлакатга машҳур комбайнчилар сифатида танилишди.

Давр даъватига ҳамиша лаббай деб жавоб бериб келган Қаҳрамон етакчи оилавий ижара пудрати усулига ҳам биринчилардан бўлиб ўтди. Ҳозир 323 гектар ер 64 оилавий ижарачига бўлиб берилган.

— Шахсан бригадиримизнинг ташаббуси билан бу гал далаларга «Купова», «Горлица», «Умманка» навларидан уруғ сепганмиз, — дейди ижарачи Муҳиддин Исмоилов. — Устозимизнинг янглишмаганига яна бир бор амин бўлдик. Учала нав ҳам ажойиб ниҳоллар ҳада этди. Экинларимиз ҳозир гуркираб ўсяпти. Айниқса, Очил Овулов, Отахон Муҳиддинов, Равшан Абдулаҳадовларнинг пайкаларида бўлажак ҳосилнинг чўғи баланд. Мавсумни яхши яқунласак, бу энг аввало ғаллачилик йшининг чинакам пирларидан саналган устозимиз Содиқжон ака кўрсатмалари, маслаҳатлари ва ёрдамларининг натижаси бўлади.

Бу — бир шогирднинг дил сўзи. Содиқжон акада эса, шогирдлар кўп. Ўнлаб, юзлаб. Уларни Шаҳрихон пахтазорларида ҳам, ғаллазорларида ҳам учратиш мумкин. Содиқжон ака — менинг устозим, деган сўзни биз ҳатто «Олтин водий» жамоа хўжалигининг ҳозирги раҳбари Шодмоной Мирзаевадан ҳам эшитдик. Шунда, у кишининг мардлигига қойил қолиб, «унда сиз устозингизни яхшилаб ушлаб олинг, имкониятларини бировлар илиб кетмасин», дея самимий ҳазиллашдик...

Содиқжон ака меҳрибон, ибратли оила бошлиғи ҳам. Эрта саҳарда турганда чой-нонуштасини тайёрлаб қўйишга улгурадиган, оқшомда, ишдан кеч қайтганда «чарчамадингизми, адаси», деган меҳр билан кутиб оладиган садоқатли умр йўлдоши Фазина опани

баъзан Хазинам менинг, деб сийлаб, қўяди. Фарзандлари ҳам уни хурсанд қилган ўғил-қизлардир. Масалан, Ҳасанбой билан Аъзамжон Ички ишлар соҳасида, Назоқатхон болалар боғчасида тарбиячи бўлиб фаолият кўрсатади. Ақромжон эса, деҳқон фермер бўлиб ишляпти. Уларнинг фарзандлари меҳрибон бобосининг ширин-шакарларидир. Бобурбек олдинроқ келса, «бутун Жаҳонгирмирзо бобосини забт этишда кеч қолди-ку?» деб самимий кулиб қўяди баъзан Содиқжон ака уларни эркалатганда...

...Ўрим яқинлашиб қолган пайтлар. Содиқжон ака билан унинг пайкали ёқасида турибмиз. Ғалазор кечки баҳор шабадасида тиниқ денгиз мисол оҳиста чайқалади. Бошоқлари қуёшда унинг нурларини ўзига кийиб олгандек товланади. Дала дарғаси эса, ғалазорига мағрур боқади. У менинг ҳам бўлиқ ҳосилдан чексиз хурсандлигимни кўриб, секин сўрайди:

— Нимани сезяпсиз, ука?

— Нон исини.

— Э, баракалла, биродар! Ишқилиб, далаларимизни шундай ёқимли, азиз, ҳаётбахш ис тарк этмасин!

Мен бу фикрга дил-дилимдан қўшиларканман, хаёлимдан беихтиёр «шундай табаррук ис ижодкорлари бўлган сиздай улуғ инсонлар ҳам омон бўлсин», деган ўй кечади ва тилагимни хайрлашаётганда албатта Содиқжон акага айтишга аҳд қиламан!

ЧИЛАНГАР

ШОГИРД «ШИФО»СИ

Мустақилликнинг тўрт йиллиги арафаси кунларидан бири эди. Соат ўн саккизда бериладиган радиоахборотда суҳандон мамлакатимизнинг илғор кишиларидан бир гуруҳини «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони ва Олтин Юдуз билан мукофотлаш тўғрисида Президентимизнинг Фармони эълон қилди. Шунда, биринчи фамилия ўқилиши билан, Тошкентдаги касб касалликлари илмий тадқиқот институтининг шифохонасида даволанаётганлардан бири — етмиш ёшлардаги




Василий Соловьев деган бемор «О, маладес, Эркин, он — мой ученик!» деб қолди. Дастлаб палатадошлари ҳеч нарсага тушунишмади, ажабланишди: қанақа ўқувчиси бўлади? Отахон авиа заводда ишлаганман деганди, мактабдамас, заводда устозлик қилганмикин, десак, у ерда ўзбеклар деярли ишлашмайди? Балки, бирон билим юрти ёки техникумда дарс берган бўлса, қўлида ўқиган бўлиши мумкин...

Эргаш ота деган бемор уколени олиб, палатага қайтиб кирган эди, қадрдони экан шекилли, Василий ота беихтиёр:

— Эдик, мани табрикла, мой ученик стал «Герой Узбекистана», — деб ўрнидан туриб кетди.

— Э, шунақами, Восиқ ака (ҳазил), — деди русча чиройли гапирадиган Эргаш ота қадрдонининг тилида. — Тошкент авиашлабчиқариш бирлашмасидан ҳам бир кишининг фамилиясини ўқиди, ўша одам сизнинг шогирдингизми?

— Ҳа-да, Эркин Алимухамедов, слесарь, — суҳбат русча давом эта бошлади, — ўзининг илк иш фаолиятини менинг қўлимда бошлаган, самолётсозликдаги биринчи устози, агар у тан олса, менман,



биродар, — миннатдор мураббий хурсандчилигининг чеки йўқ эди.

— Уруш вақтлари қўлингизда ишлаган бўлса керак-да? — деди Эргаш ота заводга ишчи тақчил бўлган йилларни эслаб.

— Қаерда, у вақтларда Эркин кўча чангитиб юрган ёш бола бўлган. Заводимизга, янглишмасам, элик тўққизинчи йили ишга келувди. Вақтнинг ўтишини қаранг, шунга ҳам роппа-роса ўттиз беш йил бўлибди-я. Эркинвойнинг ёши ҳам элиқдан ошиб қолди.

— Василий Павлович, қўлни беринг, табриклаймиз, — хонага оқ халатли шифокор кириб келди. — Айтмайсизам, яхшиям уколчи қизларимиз бор экан, хабар топишиб, айтиб қолишди. Бўлмасам, даволовчи врачингиз бўла туриб, табриклашдан кеч қолардим.

— Энди сиздан битта илтимос, дўхтир, — деди дарров Соловьев.

— Эшитаман, оқсоқол?

— Авиазавод қабулхонасининг телефон номерини топиб берсангиз, ўзим ҳам билардим, қаричилиқда, яхши эслай олмаяпман. Кейин улардан Эркиннинг уй номерини сўраб оламан. Ҳозир, бугун уни телефонда бўлсаям табриклашим керак. Бўлмасам, одамга ноқулай бўлади, ука.

Чин юракдан айтилган бу сўзларни эшитган даволовчи врач «хўп, албатта топамиз» деб ўрнидан турди. Кўп ўтмай у қайтиб кириб, «номерни топиб, қабулхонани тергандим, котиба қиз кутиб турибди, ўзингиз гаплаша қолинг», деб Василий Павловични бошлаб кетди.

Беш минутлардан кейин қария янаям ўзида йўқ шод бўлиб палатага кириб келди.

— Эркинни табрикладим, уйда экан, — деди кроватига ўтираркан.

Орқасидан келган ҳамшира уни кундалик уколини олишга таклиф этди.

Соловьев чиқиб кетгач, ҳамхоналари унга ҳавас қилишиб, «янгилик, хурсандчилик яхши-да, қаранг, чол бир пасда анча ўзгариб, ҳатто юзларига қон югуриб қолди-я», дейишди.

Шунда Эргаш ота:

— Камдан-кам бўладиган бундай хурсандчиликлар ҳам бемор пайтда ўзига хос даво, — деди. — Василий Павлович бизнинг кўз ўнгимизда худди шундай, яъни шогирд қувончи деган шифодан баҳраманд бўлди!

— Тўғри, — дейишди беихтиёр даволанувчилар.

Эртасига эрталаб «Ўзбекистон Қаҳрамони» Эркин Алимухамедов пакет кўтариб, Василий Соловьевни кўргани шифохонага келганида, устоз-шогирд кучоқлашиб, бир-бирини такрор-такрор табриклашганида уларнинг ҳаваси яна ҳам ортиб кетди. Биттаси ҳатто «бошқаларга ҳам шундай шогирд буюрсин» деб ният қилди...

«МАРА ЙИГИТНИНГ ИШИ БУ»

— Ҳақиқатан мен меҳрибон устоз Василий Соловьевнинг шогирдиман, — дейди биз билан суҳбатда Эркин Алимухамедов. — Бу одам авваллари самолёт-созлик заводи деб аталган, ҳозирда ишлаб чиқариш бирлашмаси деб номланган корхонамизнинг муваффақиятларига, аниқроғи, қирқ биринчи йили Тошкентга кўчириб келтирилган заводнинг бу ерда шаклланиши ва равнақига муносиб ҳисса қўшган фидоий ишчилардан биридир. Эллик тўққизинчи йили заводда ишлайдиган акам Акбар Алимухамедовнинг маслаҳати билан бу ерга ишга қабул қилинганимда у «бу йигитча ўзига бутунлай нотаниш бўлган соҳани тезда ўзлаштиролмай қийнамасмикин», деб ўйланиб ўтирмасдан дарров мени ўз ёнига олган, парчинловчи-йигувчилик касбини ўргатган. Ким билади, агар тақдир мени шундай ажойиб инсонга учраштирмаганда, балки, тушимга ҳам кирмаган самолётсозлик соҳасини умуман ўргана олмасдим, бундай халқ, Ватан эътирофи эса, ҳавас, орзу бўлибгина қолиши мумкин эди...

Ҳа, Тошкентнинг Қашқар маҳалласида туғилган, эри урушда ҳалок бўлган Нури опанинг қўлида отасиз ўсган ўн саккиз ёшли Эркинжонни Политехника институтининг механика факультетида ўқиётганида тақдир бошқа йўлга буриб юборди: Вафодор турмуш ўртоғининг кутилмаган фироғи, тўрт етим ўғилни ўксинтирмай тарбиялаш ташвишлари озгина чарчатдимми, Нури опа тўсатдан оғир хасталикка чалиниб шол бўлиб қолди, шунда онаси айрича яхши кўрадиган Эркинжон ўқишни тўхтатди, кундузи, яъни акалари ишда бўлган вақтда у хаста волидасининг ёнида бўлди, улар уйга қайтгач, тунлари заводда ишлай бошлади.

Василий Соловьевнинг цехи самолёт қанотларини йиғадиган цех бўлиб, ўзи парчинловчи-йигувчилик касбининг ҳақиқий устаси, пири эди. Унга Эркинжон-

нинг уқувчанлиги ёқиб қолди. У шогирдига касб сирларини эринмай ўргатарди. Кечаги йўл-йўриқларининг тугал ўзлаштирмасини бугун унда кўрса беихтиёр хурсанд бўлиб, ўзбек тилида «Баракалла, Эркинвой!» деб қўярди. Эркинжон илк иш кунларидаёқ устозидан заводда ишлаб чиқарилаётган машхур ИЛ-14, шунингдек, ҳар хил транспорт самолётларининг қандай яратилиши, уларнинг қисмлари, конструкторлар ва моҳир самолётсозлар ҳақида маълумотлар олди. Унинг қизиқувчанлигидан мамнун бўлган Василий Соловьев «тўғри қиласан, заводда ишлаётган ҳар бир одам, шу ернинг нонини еяптими, буларни билиб қўйиши керак, чунки, ишига бугун бўлмаса, эртага албатта нафи тегиши мумкин», деди.

У бу ерга ишга келиб, четдан эшитиб юрган: «авиазаводда маҳаллий миллат вакиллари жуда кам, йўқ даражада» деган гапларнинг бутунлай нотўғрилигига амин бўлди. Самолётсозлар орасида ҳатто Икром Акмалов, Назрулла Маннопов деган машхур ўзбек йиғувчи-слесарлари бор экан.

Эркинжон заводда бир йилга яқин ишлади. Сўнг ҳарбий хизматга — йигитлик бурчини ўташга жўнаб кетди. Узоқ Свердловскда армия формасини кийди. Омадни қарангки, унинг билан хизмат қилаётганлар орасида бошқа собиқ «авиачилар» ҳам бор экан. Эркинжон улар билан тезда тил топишиб кетди. Белоруссиялик йигит нисбатан тажрибалилиги билан ажралиб турарди. Унда ҳатто конструкторлик, самолётсозликка оид китоблар, журналлар ҳам бор эди. Эркинжон дам олиш пайтларида уларни варақларди. Бир куни ўша взводдош дўсти унга «аслида авиациянинг, ҳатто космонавтиканинг асосчилари — сизлар, Шарқ, яъни буюк астроном Улуғбек», деган эсдан чиқмайдиган сўзни айтган. Шунинг учун бўлса керак, у Эркинни ҳазил аралаш «Улуғбекнинг набираси» деб ҳурмат қиларди.

Армия хизмати тутагач, Эркинжон яна ўша кадрдон ўн саккизинчи цехига қайтди. Кўп ўтмай уни янги цехга парчинловчи-йиғувчи қилиб ўтказишди. У барибир Василий Соловьевдан узоқлашмади. Тажрибангизни ўрганаётганимда орада узилиш бўлди-ку, устоз, деб маслаҳатларини олаверди, ишларини тез-тез унинг назаридан ўтказиб турди.

— Мустақил, сифатли ишларини кўравериб, бир куни «Эркин, бўлди, сенга энди ҳеч қандай консульта-

ция керак эмас, назоратга ҳам муҳтож эмасан ёки расмий равишда биз устоз-шоғирдчиликни ўзаро алмашдик, деб ёзиб берайми, деган ҳазил қилганман!, — дейди фахрланиб Василий Соловьев.

— Номланишидан кўриниб турганидек, парчинловчи-йиғувчилик ғоятда оғир, қийин иш, — дейди Эркин Алимұхамедовнинг қадрдон ҳамкасбларидан бири Владимир Останин. — Айтавериш айб эмас, бу ишда ишлаётганда одамнинг қўллари мунтазам қалтираб, зирқираб туради. Табиийки, бундай ҳолатда биринчи навбатда асабга таъсир қилинади. Шунинг учун бу ишда чидаган одам, яъни энг аввало асаби мустаҳкам, чидамли, шу касбга ўзини бахш этган мард киши ишлай олади. Эркин Ҳайдарович ана шундай фидоийларнинг фидоийси! Унинг иродасига фақат таъзим қилиш мумкин. Парчинловчи-йиғувчиликдай мураккаб, қайсар касбни ўнгарилмайдиган қилиб мағлуб этган бул мард дўстимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

«АЛИМУҲАМЕДОВ ТАКЛИФИ БИЛАН...»

Олтиш олтинчи йилдан бошлаб Тошкент авиазаводи АН-22 самолётларини ҳам ишлаб чиқара бошлади. Бу янгилик корхонада чилангар (слесарь) — йиғувчилар кўпроқ бўлишини тақозо этарди. Шунда заводнинг етакчи мутахассислари Эркин Алимұхамедовни ҳам шу касбга лойиқ деб топишди.

Янги касбга ўтказилганлар билан суҳбатда катта муҳандис Виктор Сивец (у орадан икки йил ўтгач, заводга директор бўлиб кўтарилганди) улардан «иш жараёнида» таклиф туғилса, бемалол айтаверинглар, ихтироларнику кўзимизга суртамыз, дадил бўлинглар», деб илтимос қилди.

Бу даъват парчинловчи-йиғувчилигидаёқ самолётларнинг қанотини яна қандай қилиб такомиллаштира болади, деган хаёл билан юрган, ҳатто «Пилон» агрегатнинг қисмларини йиғиб, бир-бирига маҳкамлашни қўл билан эмас, «АК-2,2—05» автомати билан бажарса болади, деган ташаббуси аллақачон маъқулланган Эркин Алимұхамедовни руҳлантирди. У кўп ўтмай, битта қанот йиғувчи ускунада бир йўла икки — «ИЛ-76МФ» ва «ИЛ-76ТД» самолётларининг қанотини ягона мослама билан йиғиш мумкинлигини айтиб, фикрини исботлаб берди ва уни амалиётда си-

наб кўришни илтимос қилди. Мутахассислар оддий ишчининг бу таклифини таҳлил этишиб, уни ўзига хос ихтиро деб баҳоладилар.

Ушбу янгилик амалиётга жорий қилинган кунларнинг бирида заводда самолётсозларнинг анъанавий йиғилиши бўлди. Унинг ишгирокчилари борасида Москвадан ҳам меҳмонлар бор эди. Йиғилишда сўзга чиққан корхона раҳбари Константин Поспелов «шуниси қувончлики, авиасоз рационализатор-ихтирочиларимиз сафи тобора ортиб бормоқда, мана, энг сўнгги мисол...» деди-да, Эркин Алимұхамедовнинг янгилигини таъкидлаб ўтди.

Собиқ Иттифоқ радиоси ўша куниеқ бу янгилик ва унинг ижодкори ҳақида ўз тингловчиларига маълумот бериб, материални «Ака изидан» деб атади.

Москвалик радиожурналистлар тўғри таъкидлаганларидек, акаси маслаҳатига ўз вақтида амал қилган, унинг изидан бу машҳур заводга қадам қўйган Эркин Алимұхамедовнинг меҳнат ютуқларида ҳақиқатан ҳам Акбар офанинг муносиб ҳиссаси бор эди. «Ука, сени яхши устознинг қўлига беришди» деган сўзиданоқ акамнинг бу ҳиссасини ҳис қилганман, дейди у. Акбар ака унга «расман» устоз бўлмасада, доимо тайёр маслаҳатчи эди. Эркин Василий Соловьевнинг олдидан ўтиш шарт бўлган иш маслаҳатидан тортиб, бирор янгилик ҳақидаги ўй-таклифигача энг аввал акасининг фикридан ўтказиб оларди. Акбар аканинг ёрдами билан у заводнинг бошқа таниқли кишиларига ҳам яқинлашди. Акасига ошна-дўст бўлган олий маълумотли мутахассислар унинг ҳам қадрдонларига айланишди.

Эркин Алимұхамедов саксонинчи йилларга келиб, заводнинг энг илғор чилангар-йиғувчиларидан бири сифатида танилди. Ўша йиллари Назрулла Манноповнинг довуғи баланд эди. У ҳақда газета-журналларда тез-тез мақолалар босилар, радио-телевидениеда эса, вақти-вақти билан эшиттириш ва кўрсатувлар бериб бориларди. Ўша материалларда шогирд, авиазаводнинг ёш илғор ишчилари ҳақида гап кетгудек бўлса, муаллиф ёки Назрулла ака албатта Эркин Алимұхамедовнинг номини ҳам тилга оларди.

Саксон биринчи йили Н. Маннопов даврнинг энг олий эътирофи — Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди. Бошқалар қатори Эркин Алимұхамедов ҳам уни чин юракдан юксак унвон билан табриклади.

Шунда, Назрулла ака унинг қутловига миннатдорчилик билдираркан, «ука, бутунлай ихтирочиликка ўтиб кетсангиз ҳам касбингизни ташламанг», деб ҳазиллашди. Моҳир йиғувчи-чилангар унинг навбатдаги ташаббусидан ҳам хабардор эди...

У герметизация қилишда атиги бир марта ишлатиладиган қоғоз идишчалар ўрнига полиэтилендан тайёрланган идишчалардан фойдаланса бўлмайдими, бундай идишни камида ўн марта ишлатиш мумкин, деган таклифни ўртага ташлади. Самолётсоз — муҳандислар бир кўринишда оддийгина бўлиб туюлган бу таклиф қабул қилинса албатта ўзига хос қулайлик ва афзалликка эришилишини дарров фаҳмадилар. Шу тариқа изланувчан чилангар-йиғувчининг бу тавсияси ҳам қабул қилиниб, «Завод ихтиролар дафтари»га «Алимуҳамедовнинг таклифи билан амалга оширилди» деб ёзиб қўйилди.

— Дўстим Эркин Алимуҳамедовнинг ўз касбига садоқати гоётада ибратлидир, — дейди унинг ҳамкасби Муса Мусаев. — Завод раҳбарияти унга «бир вақтлари иложсизликдан олий мактабдаги ўқишни тўхтатган экансиз, агар уни сиртдан ёки кечкида ўқиб давом эттираман десангиз, ёрдам, шароит яратиб берамиз, ўқиб олинг», дейишганда, раҳмат, ёшлар ўқисин, мен энди устозимни, шогирдларимни ташлаб кетолмайман, деб унамаган. У парчинловчи-йиғувчилик, чилангар-йиғувчиликни ниҳоятда севганлиги учун ҳам бу касбларнинг чинакам мардона касб эканлигини фолибона исботлади. Айни вақтда ўнлаб ёшларга, шогирдларига ҳам шундай ишсеварликни юқтириб, уларнинг дилида матонатли касбига муҳаббат уйғотди. Эндиликда номлари кўпчиликка таниш бўлиб бораётган Анатолий Коваленко, Музаффар Тожибоев, Сапарбой Давлетов каби ёшлар «Эркин Алимуҳамедовнинг шогирдиман» дейишдан дилларида алоҳида фахр туядилар.

Тўқсонинчи йилда республика радиоси у ишлайдиган корхонанинг 50 йиллиги олдидан «Тошкент авиазаводи: турли даврлар донгдорлари» рўқни остида эшиттириш тайёрлаб, тингловчиларга ҳаё этди. Ана шу материалда, масалан, ўз даврининг энг юксак мукофоти — Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган Таисия Павлова, Икром Акмаловлар олтишинчи йилларда завод довуғини таратганлар сифатида эътироф этилган бўлса, Степан Кадишчев, Виктор Сивецлар етмишинчи йилларнинг машҳур кишилари

деб аталди. Саксонинчи йилларнинг донгдорлари дейилганда эса, бутун республикага таниқли Назрулла Маннопов қаторида чилангар-ихтирочи Эркин Алимухамедовнинг номи ҳам тилга олинди!

Ўз Байроғи, Герби, Мадҳиясига эга бўлган, ўзининг биринчи Қаҳрамонини шарафлаган мустақил республикамиз ўзининг навбатдаги рағбатини улашишга тайёргарлик кўрилаётган дамларда Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарияти эзгу ният ила Эркин Алимухамедовнинг номзодини бу муборак эътирофлардан бирига кўрсатишга қарор қилди. Тавсияномада қуйидаги тавсифлар алоҳида урғу бериб таъкидланди: «Тошкент авиация корхонасидан осмонга кўтарилаётган самолётларнинг барчасида Эркин Алимухамедовнинг ҳиссаси бор. «АН-12», «АН-22», «ИЛ-76», «ИЛ-114» самолётларининг парвози ҳавода баян бўлиши учун у ўттиздан зиёд ихтиро қилди.

Моҳир чилангар-йиғувчи ўттиз беш йилдирки, ҳаво кемалари сир-асрорларини тўла билиб олди. Бир неча касбни эгаллади. Деталлар тақчил бўлган ҳозирги пайтда самолётларнинг қанотини такомиллаштиришда, четдан келтирилаётган қисмни шу ернинг ўзида тайёрлашда бунинг нафи катта бўляпти. Янги «ИЛ-76МФ» самолётининг двигателига ҳам Э. Алимухамедов анчагина янги деталлар ўрнатди. У айни вақтда меҳрибон мураббий ҳам. Ҳозир унинг йигирмадан зиёд шогирди фаол изланиш билан банд».

«СИЗ УЧУН ЁРДАМ БЕРАМАН»

Эркин ака ишдан қайтаётиб, бекатда автобус кутиб ўтирарди. Йўлнинг нариги бетидан олдинма-кейин ўтиб келган, кўринишларидан қишлоқликлар бўлган, ўрта ёшлардаги эру хотиннинг бири «Бўшми?» деб унинг ёнига ўтирди. Шу заҳоти аёл эрига қараб гапира кетди:

— Мен сизга бир неча бор «Тошкентга боринг, ҳам шаҳарни айланиб, ҳам ўрлингизнинг ўқишидан, яшаш-туришидан хабар солиб келасиз» деганман, эътибор бермагансиз. Агар ўз вақтида шундай қилганингизда, балки, бу ишлар умуман бўлмасди, яъни ўғлимизни институтдан атчислит қилармиш деб, бу ерларда оёғимизни қўлимизга олиб, югуриб юрмасдик. Болам бечора ҳатто авиа заводдай қийин жойда ишлаганда ҳам бирор марта аҳволлашиб келай демагансиз-а.

Аёлнинг кейинги гапи беихтиёр Эркин аканинг эътиборини тортди. «Тошкентда бошқа авиа завод йўқ. Демак, ўгли бизда ишлаганда. Қачон ишлаган экан, ким бўлиши мумкин? Булар нега унинг ташвишида юришибди?» — ўйлади у. Сўнг «кечирасизлар, мен ҳам авиа заводда ишлайман», деб уларга хаёдан кечган саволлар билан мурожаат қилди.

— Икки йил бурун ўқишга киргунча бир йилга яқин ишлаган, Қашқадарёдан, китоблик йигит. Сиз уни танимасангиз керак, ука, — деди ота, бу катта заводда кимлар ишлаб кетмайди, қайсинисини таниб қолади, деган хаёл билан.

— Китобдан бўлса, исми Қурбон эмасми?

— Худди шундай, — деди ота сергак тортиб.

— У менинг қўлимда ишлаганди. Уни яхши билман. Қандай қилиб шундай одобли, ҳаракатчан, уқувли йигит ўқишни ўзлаштиролмай қолиши мумкин?

— Бизлар ҳам шунга ҳайронмиз, укажон, — дея гапга қўшилади аёл. — Бўмасам, ўқишга ҳам ишлаб, ҳам тайёрланиб, ўз кучи, ўз билими билан кирган. Биринчи курсни «аъло» ва «яхши» баҳолар билан битирганди.

— Боя сиз амакига билдирган эътирозга мен ҳам юз фойиз қўшиламан, опа, — деди Эркин ака. — Фарзанддан фақат мактабдалик вақтидамас, институт-дорилфунунда ўқиётган пайтида ҳам албатта хабар олиб туриш керак. Шунда унинг дўст-ошнаси ким, давраси қанақалигидан огоҳ бўлинади. Балки, Қурбонбойнинг ўзгариб, «ўзлаштиролмовчилар» қаторига тушиб қолишига шўхроқ ошналари сабаб бўлгандир?

— Менам худди шундай фикрдаман, укажон.

— Оз вақт бўлса ҳам ўғлимиз қўлингизда ишлаган экан, демак, сиз бизнинг Қурбонбойнинг устози экансиз, ука, — деди ота кескин ўзгариб, хурсанд бўлиб. — Сизни бизга худо етказди. Энди бизларга маслаҳат беринг. Биз янгангиз билан Қурбоннинг ректорига кирмоқчи бўлиб келганмиз. Кирсак бўлаверадими, катта домла қабул қилармикин? Сиз нима дейсиз?

— Ота-оналарнинг ректорга мурожаат этиши айб эмас. Кирсаларингиз бўлаверади. Фақат мурожаат қабул кунига тўғри келиши керак. Бордию қабул бугун-эртага тўғри келмаса, кутиб, овора бўлиб қола-сизларми дейман. — Эркин ака шундай деди-да, бироз

ўйланиб қолди. «Қурбонбойнинг устози экансиз». Қурбонга шундай одамнинг ёнида, қўлида ишлаган экансан, аҳволингни айтувдик, эътиборсиз муносабатда бўлди, дейишса, у мени нима деб ўйлайди?»

— Унда, бундай қиласизлар, — деди Эркин ака меҳмонларга юзланиб, — ҳозир бориб Қурбонбойга мендан салом айтасизлар, кейин авиа заводда бирга ишлаган ана шу акахонингга телефон қиларкансан, дейсизлар.

— Нўмирингизни билармикан?

— Тўғри айтасиз, ака, билмайди. Қоғоз борми?

— Бор.

Эркин ака ички ён чўнтагидан ручка олди.

— Ёзинг: 53...

Кучқурун Эркин аканинг уйига Қурбонбой қўнғироқ қилди. У ўзида йўқ хурсанд эди. Қувончини ичига сиғдиrolмай, яхшиям фанлардан қарзим бор экан, бўлмасам сизни топа олармидим, Эркин ака, дея ҳазиллашди. Сўнг жиддийлашиб, ёшлиқда, студентчиликда бир марта шундай бўлиб қолди, айбга буюрмайсиз, узр, устоз, ёрдам бериб юборсангиз, бу ёнига энди ҳечам такрорланмайди, сизга ваъда бераман, деди. Эркин ака унинг уялаётганини, ичидан қийналаётганини дарров сезди, тушунди. Шу боис нима бўлганини батафсил сўраб-суриштириб ўтирмади. Унга ота-онасини овора қилиб юрмаслигини, домлалар кечирадиган бўлишди деб, уларни кузатиб юборишини тайинлаб, ректорга ўзи учрашишини айтди.

У эртасига эрталаб айтилган жойда Қурбон билан кўришиб, институт раҳбари ҳузурига ўтди.

Ректорнинг котибаси энди «ким бўласиз, домлага нима ишингиз бор эди?» деб сўраётган эди, ичкаридан раҳбарнинг ўзи чиқиб қолди. Ректор қабулида оддий, кўринишидан ғирт иш одами эканлиги сезилиб турган одамни кўриб, бирдан «келинг, ака», деб унга қўл тутди ва қани марҳамат дея кабинетига бошлади.

Эркин ака ўзини таништиради. Сўнг узр, домла, бир илтимос билан келгандим, деб Қурбон ҳақида гапирди. Ректор унинг сўзи тугаши билан:

— Сиз анув кунги йиғилишда Президентимиз «бундай фидоий одамларга Қаҳрамонлик унвони берса арзийди» деб тилга олган ишчи слесарь Эркин Алимуҳамедов эмасмисиз? — деб сўради.

— Ҳа, — деди камтарлик билан Эркин ака.

— Бахтли инсон экансиз, биродар. Йўлбошчимизнинг назарига ҳар ким ҳам тушавермайди. Унда шундай машҳур одамнинг ўғли ўқишни ўзлаштиролмай, қарздор бўлиб юриши қизиқ-ку?!

— Домла, Қурбонжон ўғлим эмас, шогирдим.

— Э, шунақами. Ҳали шогирднинг ташвиши билан юрибман денг. Яшанг, ака. Биз, олимлар баъзан диссертацияси тайёр бўлган шогирдларимизнинг илмий ишлари юзасидан ўз вақтида фикр билдиришга улгуролмай қоламиз. Сизлар эса, ишни ҳам қойил қиласизлар, устозликни ҳам. Ака, гап йўқ, оддий ишчи бўла туриб собиқ шогирдингизнинг тақдири ҳақида қайғуриб, овора бўлиб бу ерга келибсизми, сиз учун Қурбонбойга ёрдам берамиз. Хавотирланманг, у ёғини эплаб кетса бас.

— Минг раҳмат, домла, — Эркин ака беихтиёр кўлини кўксига қўйиб, ўрнидан туриб миннатдорчилик билдирди...

«ЛИРИК ЧЕКИНИШ ҚИЛАМИЗМИ?»

Сухбатимиз нуқул ўзи, устозлари, ҳамкасблари, яъни иш ҳақида давом этаверганидан ҳижолат сездим ёки кўнглидаги бирор нарсани мен билан ўртоқлашгиси келдим, Эркин ака кулиб: «Сизларнинг тилларингиз билан айтганда, бироз лирик чекиниш қиламизми» деб қолди. Маъқул, дедим. Шунда у кеча телевизордан актёр Ёқуб Аҳмедовнинг интервьюсини эшитдингизми?» деб сўради. Мен редакцияда навбатчи бўлиб қолиб, кўролмаганимни айтдим.

— У марҳум устозлари ҳақида юракдан ажойиб сўзларни айтди, — деди Эркин ака. — Ўзи яхши актёрда. Лекин театрга директор бўлгандан бери янги ролларда кам кўриняпти. Маъмурий иш ижодга барибир ҳалақит беради-да.

— Ҳамза театрининг мухлисимисиз? — дедим Эркин аканинг «кўнглидаги гапи»ни топгандек бўлиб.

— Бўлмасамчи, — деди у бирдан, сўнг давом этди: — Ахир, Аброр Ҳидоятлов, Олим Хўжаев, Шукур Бурхонов, Наби Раҳимов, Сора Эшонтўраева каби санъат алломалари ижод қилган ва қилаётган бундай табаррук маданият масканидан йироқ юриб бўладими?! Уларнинг саҳнадан улашган сабоқлари ҳар қандай қалин ўқишли китобниқидан қолишмайди. Мен

худди шу ердан ҳаётнинг жуда кўп жумбоқларига жавоб топганман. Ҳамзачиларнинг репертуарини ўзига хос ҳаёт дарслиги дейиш мумкин. Бу баҳони биздан ҳам кўпроқ «ашаддий» томошабинлар аллақачон беришган. Гапнинг қисқаси, бу театрнинг ҳар бир янги асарини доимо кўриб бораман.

— Демак, шу маскан мисолида ҳозирги томошабиннинг театрга ташрифи нечоғлик қониқарли ёки сусайиб кетаётганлигини яхши биласиз. Одамлар театрдан узоқлашиб кетди, томошабин театрга келмай қўйди, деган, бироз валатироқ эшитиладиган ташвишни ўринли деб ўйлайсизми?

— Уни бутунлай маъқулламасам ҳам, ташвишда жон бор деб ўйлайман. Масалан, мана шу сеvimли театримиз зали ҳам баъзи спектаклилар намойиши пайтида кўпинча тўлмайди. Томошабинларга эътибор берсангиз, аксарияти — катта ёшдаги одамлар. Ёшлар ниҳоятда кам. Тўғри, уларни баъзан илм масканларидан уюштириб олиб келишади. Шунда ҳам ёшларимизнинг айримлари биринчи танаффус эълон қилиниши билан залдан секингина чиқиб кетишади. Саҳнада бўш, зерикарли асар кўрсатиляптими, деб ўйласангиз, ундай эмас. Улуғ адиб ёки драматург асари асосида яратилган қизиқарли, муҳим мавзудаги спектакль. Масалан, буюк тарбиявий аҳамияти билан ажралиб турадиган, Наби ака ва Сора опадай мумтоз санъаткорлар севиб ижро этадиган «Ғариблар» драмасини бир кўрган одам ҳатто такрор кўргиси келади. Ёки унинг кейинги намойишига албатта ўзининг яқинларини бошлаб келади. Бу асар айнан ёшлар кўриши, сабоқ олиши керак бўлган ажойиб спектакль. Афсуски, унда ҳам худди шу қутилган «навқирон» томошабини кам учратасиз ёки умуман кўрмайсиз.

— Маданият — маънавият, деган ҳикматдан келиб чиқиб, бундай ёшларга нима деган бўлардингиз?

— Эътибор берган бўлсангиз, Президентимиз мустақилликнинг биринчи кунларидаёқ «Соғлом авлод учун!», «Юксак маънавият ва маърифат учун!» деган шиорларни ўртага ташлади. Соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш учун, аввало, зўр маънавият зарур. Бундай маънавиятга эса энг аввало маданият, китоб туфайли эришиб бўлади. Шунинг учун доимо маданият ўчоқларига интилиш керак, уларда тез-тез бўлиб туришни одатга айлантириш лозим. Европаликларга ўхшаб, ҳар ҳафтада камида бир марта театрга, китоб дўконига

тушиб туришни ўргансак қандай яхши. Масалан, музей ҳам асл маданият ўчоғидир. Унга ташриф буюрсангиз, у тарих, санъат, уй музейими, бундан қатъи назар, сизга албатта таассурот деган ажойиб маънавият улашади.

Маданий-оқартув маскани ҳисобланадиган кутубхонани менга қолса маънавиятхона деб атардим. Афсуски, ўзларининг камолотида муҳим роль ўйновчи бундай зиё ўчоқларига ҳам ёшларимизда эътиборсизлик кучли. Фикримнинг исботи: вилоятдан келган бир аспирант йигит яқинда қўшнимнинг дорилфунунда ўқийдиган ўғлидан Навоий номидаги Давлат кутубхонаси қаерда, у ерга қандай борса бўлади? — деб сўраса, билмабди, билмайман, деб жавоб берибди...

Энди кутубхонанинг қимматини, ҳосиятини кўрсатувчи бир мисол: Эски шаҳарда яшаганимизда қўшнимизникида сурхондарёлик бир йигит ижарада турарди. Эрталаб дорилфунунга ўқишга кетганича уйга қоронғу тушганда кириб келарди. Маршрути «квартира — дорилфунун — кутубхона — квартира» эди. Ўша йигит ҳозир фан доктори, профессор. Мана, сизга маънавият улашувчи маданият масканининг бетакрор шарофати!

Энди икки оғиз китоб ҳақида. Баъзилар бирданига китоб — маънавият, дейишаверади. Менимча, китоб ўқилиб, уқилгандан кейингина маънавиятга айланади. Хўш, ҳозир биз китобхонимизни, китобсеваримизми? Жавоб беришга қийналамиз. Чунки, китоб дўконларига деярли кирмаймиз, ниҳоятда кам китоб харид қиламиз. Истиқлол шарофати туфайли қандай ажойиб китоблар нашр этилди ва нашр этилмоқда! Афсуски, уларнинг аксарияти китоб расталарида тахланганича турибди. Масалан, Президентимизнинг жасорати боис юртимиз ва халқимизга қайтарилган буюк Соҳибқирон Амир Темурнинг ўғитлари ва у ҳақдаги китобларнинг сотилмай турилишидан барчамиз ҳам бирдай ҳижолат чекавермаймиз. Дейлик, Францияда Наполеон тўғрисидаги машҳур китоб қайта нашр этилса ҳам санокли кунларда тарқаб кетаркан. Рус китобхонлари эса, Петр I ҳақида минггинчи асар босилса ҳам, неччи пул туришидан қатъий назар, кўрган заҳоти сотиб олишади...

Ҳолбуки, бошқаларга нисбатан бизнинг аждодларимиз азал-азалдан асл китобхон, чинакам китобсевар бўлишган.

Маънавий баркамол ёшларгина давлатимизнинг келажакдаги буюклигига муносиб ҳисса қўша олади. Бунинг учун эса, инсон энг аввало чинакам маданият-парвар бўлмоғи керак!

... Эркин аканинг ўзим кутмаган бу ибратли мулоҳазаларини эшитгач, Президентимиз Фармони билан эътироф этилган бугунги Ўзбекистон Қаҳрамони иш одамигина эмас, айти вақтда юксак маънавиятли инсон ҳам эканлигига амин бўлиб, бундан кўнглимда алоҳида фахр туйдим! Қаҳрамонимнинг суратига асосий чизгиларни топгандек бўлдим.

УСТА МИРУМАР



Самарқанд етти иқ-лимга машҳур қадимий шаҳар бўлганлиги учун бу ердан йил-ўн икки ой давомида дунёнинг турли бурчакларидан ташриф буюрадиган туристларнинг, саёҳатчиларнинг қадами узилмайди. Миллий меъморчилигимизнинг, қадриятларимизнинг асл гултожлари сифатида асраб-авайлаб сақланаётган, одамга фақат завқли ҳайрат улашиб келаётган тарихий обидаларни томоша қиларкан, хорижликлардан, айниқса, овраўполиклардан айримлари баъзан «биламиниз, дўстлар, буларнинг ҳақиқий

ижодкорлари ҳозир йўқ, алақачон вафот этиб кетишган, лекин бу табаррук биноларни таъмирлаб, умрларини узайтириб турадиган усталар бўлса керак, уларнинг биронтаси билан учрашишнинг иложи борми?» деган илтимосни қилиб қолишади. Шундай таклифлардан навбатдагиси билдирилганда шаҳар маъмулари маслаҳатлашиб «Мирумар отани учраштира қолайлик, йўқ демайди, чунки, аввалги худди шундай йўқлаганимизга анча бўлди, унинг устига бу орада у киши «Ўзбекистон Қаҳрамони» ҳам бўлдилар», деган фикрга келишди.

Отани меҳмонларга «самарқандлик таъмирчи-усталарнинг устози, мустақил Ўзбекистонимизнинг биринчи қаҳрамонларидан бири Мирумар Асадов» деб таъништиришди. Шунда саёҳатчилардан биттаси беихтиёр:

— «Ўзбекистон Қаҳрамони» дедингизми? — деб сўради.

— Ҳа, бу киши бултур, яъни, тўқсон олтинчи йили Президентимизнинг Фармони билан шундай олий унвонга сазовор бўлганлар.

— Қойил! — деди меҳмон. — Демак, ўзбекистонликлар бундай ҳайратомуз обидалар қуришни ҳам

билади, уларнинг ижодкорларини, таъмирловчиларини кадрлашни ҳам билади.

— Мукофотни сизга шахсан Президент Каримовнинг ўзи топширганми? — деди туристлардан яна бири қизиқиб.

— Ҳа, қаҳрамонлик Олтин Юлдузини у кишининг ўзлари кўкрагимга тақиб қўйганлар.

— Эслай оласизми, отахон, — деб сўради қўлида диктофон ушлаган мухбирсифат учинчи саёҳатчи, — давлатингиз раҳбари сизга мукофотни топшираётганда нима деган?

— Буни унутиб бўладими, синок, — деди кулиб мағрур бир оҳангда Мирумар ота. — Биласизми, у киши менга нима деганлар?

— Хўш?

— «Умрингиз таъмирлаган обидаларингизнинг умридай узун бўлсин, илойим», деб тилак билдирганлар, бағирларига босганлар.

— Ҳа, ўзи сизларнинг Президентларингиз бошқача-да, отахон, — деди саволига кутилганидай ажойиб жавоб олган меҳмон, сўнг бирдан давом этди: — Сизлар, бутун ўзбекистонликлар у киши билан ҳар қанча фахрлансангизлар арзийди. Кўриб турибсиз, ёнларингиздаги айрим мамлакатларда раҳбарлар мансаб учун таллашиб, жанг қилиб ётибди. Ўзбекистон Президенти эса, барқарор тинчликни таъминлаб қўйиб, сизларнинг, ҳатто аждодларингизнинг қадр-қиммати учун курашяпти.

— Биласанми, Тони, — деди учинчи турист ҳамроҳига қараб, — ўша уруш кетаётган давлатларда жангари одам ўлдирганлиги учун Қаҳрамон деб «эъзоз»ланса, бу ерда — Ўзбекистонда оддий уста тарихий обидалар умрини узайтирганлиги учун Қаҳрамон деб сийланибди. Мана сизга одамлар, мамлакатлар ўртасидаги ер билан осмонча фарқ!

— Мен боя бежизга «Қойил!» демагандим-да, биродар, — деди биринчи бўлиб савол берган меҳмон.

— Отахон, узр яна бир нарсани сўрасам майлими? — деди мухбирсифат сайёҳ.

— Бемалол, қўлимдан келса бажонидил жавоб бераман, ўғлим.

— Намоз ўқийсизми?

— Ўқимай ўлибманми, — чинакамига ўзбекона, жайдари қилиб жавоб берди Мирумар ота.

Таржимон беихтиёр кулиб юборди. Туристлар ажабланиб унинг оғзига тикилишди. У жавобни айнан таржима қилиб ўтирмасдан:

— Ҳа, намоз ўқийман, деяпти, — деди.

— Кун бўйи ишда бўлган вақтларингизда қандай қиласиз, ўқишга шароит бўладими ёки уйга намоз учун махсус бориб келасизми?

— Йўқ, ундай овора бўлиб юрмаймиз. Иш жойимизда махсус жиҳозлаб қўйилган хона бор, ўша ерда бемалол намоз ўқийверамиз. Буёғини сўрасангиз, меҳмон, бизда ҳатто аэропорт ва вокзалларда ҳам намоз ўқиб оладиган махсус хоналар бор. Дин ихлосмандлари ҳеч қачон қийналишмайди. Буларни кўрсангиз, ҳали яна бир бор «Қойил!» деб юборсангиз керак.

Меҳмонлар самимий кулишди.

— Охирги савол, — деди турист, — муборак ҳаж сафарига бўлганмисиз?

— Ҳозиргача соғлигим сабаб бўлиб, бора олмадим. Худо хоҳласа, бу галгиси ёки кейингисида албатта бораман. Давлатимиз шароит яратиб қўйибди. Ҳатто хизматимизда самолёт бўлади.

— Ниятингизга етинг, отахон! — деди гуруҳ раҳбари. — Танишувдаги суҳбатимиз учун сизга минг раҳмат. Энди биз билан юриб, Самарқанднинг машҳур обидаларини кўрсатасиз. Кўпини ўзингиз тиклаган экансиз.

— Хўп, бўпти, кетдик.

Чет эллик меҳмонлар саёҳат баҳонасида оддий, аммо миллатига, Ватанига, Юртбошисига ҳурмати, эътиқоди ғоятда зўр ажойиб бир ўзбек фуқароси билан танишганликларидан, унинг шукроналик-ла йўғрилган чинакам дил сўзларини тинглаганликларидан мамнун бўлиб, халқ устасининг орқасидан эргашишди...

* * *

Мирумар ота илгари ҳам бундай хорижликлар билан бир неча марта учрашганди. Скандинавия мамлакатлариданмиз, деган бу йигитлар ҳам унда илиқ таассурот қолдирди. Ер юзининг сайқали деб доврўғ таратган қадимий шаҳарга сайқал бераётган сиздай қўли гул одамни кўрганимиздан бахтлимиз, деган дил эътирофини у яна эшитди. Аммо у кишига сайёҳларнинг «сизнинг касбингиз аждодлар руҳини ардоқлайдиган касб» деган сўзлари бошқача таъсир қилди. Тўғрироғи, Мирумар ота худди шу касбни

танлаб хато қилмаганидан, у энг аввало ўзининг аждоди — бобосининг руҳини шод этаётганидан беҳад фахрланди...

Унинг бобоси Абдуҳафиз оқсоқол йигирманчи йилларда Самарқандда энг моҳир дурадгор, уста сифатида машҳур эди. Отанинг ёлғиз ўғли Мирасад савдо, тижоратга қизиқиб, шу ишлар билан шуғулланиб кетганди. Бобо ўз касбини давом эттиришни невараларининг биронтасидан кутиб, умид қилиб юрарди. Омадни бериб, Мирасаднинг кетма-кет тувилган икки ўғли ҳам болалигиданоқ бувасининг хунарига қизиқиб қолишди. Айниқса, кичиги Мирумарда ихлос кучли эди. Бундан хурсанд бўлган Абдуҳафиз оқсоқол неваралари ўрта мактабга қатнай бошлаши билан ўзи ҳам қўшимча ўзига хос меҳнат дарси жорий қилиб, уларда дурадгорлик, ёғоч ўймакорлиги сирларини ўргатди.

Бобонинг хунарманд дўстлари орасида таъмирловчи усталар ҳам бор эди. Улар бўш вақтларида дийдорлашиш учун ўзларининг қадрдонлари олдига тез-тез келишиб турарди. Бир гал биттаси «хабарингиз бўлса керак, дўстим, шаҳримизда қадимий биноларни таъмирлаш бўйича ишлайдиган усталар тайёрлайдиган курс очиляпти, шунга иқтидорли болаларни қидиришяпти, кичкина неварангизни ўша курсга беринг, анча тетикка ўхшайди», деб қолди. Абдуҳафиз оқсоқол «тўғри айтдингиз, умуман сизнинг касбингиз — роятда савобли касб, мен бир отаси билан гаплашиб кўрай, у нима дейди, хўп деса, албатта юбораман, ошна», деди.

Ўғил отасининг тақлифини хурсанд бўлиб маъқулади. Ҳатто «Самарқандимиз тарихий обидалар шаҳри бўлса, унга бундай мутахассислар доимо керак, бундай касбнинг этагини туганлар ҳеч қачон кам бўлмайди», деган фикр ҳам билдирди.

Шу тариқа ўттиз тўққизинчи йили Абдуҳафиз оқсоқол ўн беш ёшли, ниҳоятда уқувчан невараси — Мирумарни таъмирловчи усталар тайёрлайдиган курсга ўзи бошлаб борди. Машҳур дурадгорни яхши билган курс ташкилотчилари ундан «неварангизни бизга олиб келдингизми, устоз, раҳмат» деб хурсанд бўлишди. Тингловчиларни йиғиш тугалланаётганда ҳатто «курсимизда уста Абдуҳафиз оқсоқолнинг невараси, шогирди ҳам бор», деган сўзлар эшитилди. Кўрдингми, ука, буванг қанчалик машҳур, ҳурматли, энди сен бу

ердан ана шу кишига муносиб неварга, яъни уста бўлиб чиқишинг керак, деди Мирумарларга қўшни маҳаллада яшайдиган, курснинг ташкилий ишларида қатнашиб юрган йигирма-йигирма беш ёшлардаги йигит.

Курснинг ўқитиш жойи машхур Регистон майдо-нидаги Шердор мадрасаси бўлиб, бу ерга бутун республикадан энг моҳир усталар чақирилган эди. Ёш, айрича қизиқувчан Мирумар худди шу ерда илк бор меъморчилик сирларини ўрганди, худди шу ерда уста Ширин Муродовдай машхур одамнинг назарига тушиб, эътиборини қозониб, унинг шогирди бўлишдек шарафга муяссар бўлди.

Уста Ширин Мирумардаги бошқа болаларникидан ёрқин ажралиб турадиган қобилиятни алоҳида меҳр билан парвариш қилди. Устага у тарихни, хусусан, Самарқанд ва ундаги қадимий обидалар тарихини, уларнинг ижодкорларини, улар билан боғлиқ ривоятларни яхши билиши билан янада ёқиб қолди. Шунинг учун баъзан, дам олиш пайтларида устоз шогирдини ёнига яқинроқ ўтқазиб, «Хўш, энди бизга мана бу ёдгорлик ҳақида нималарни гапириб берасиз, Мирумарвой» деб қўярди. Шундай вақтларда ундан бирон нарса эшитса, уни ўзи янада тўлдириб ҳикоя қиларди-да, бошқа шогирдларига юзланиб, ана, кўрдинглари, биз ишлашимиз керак бўлган жойларнинг қандай тарихи бор, уларни кимлар ижод этган, уларни халқимиз нима учун доимо азиз билади? Шуларни билиб ишлаган таъмирловчи ҳеч қачон қийналмайди, аксинча, ишининг маъно-маъзи ҳаммавақт кўнгилдагидай, сифатли ва баракали бўлади, дерди.

Курс муваффақиятли яқунлангач, малакали таъмирловчи-уста гувоҳномасини олган ёшларнинг кўпчилиги бир неча гуруҳга бўлиниб Самарқандда ишни давом эттиришди. Ҳар гуруҳнинг тажрибали етакчиси бор эди. Мирумар севимли устози уста Ширин Муродовнинг қўл остида ишлай бошлади. Устозу шогирдлар аввал таълим улашиш ва олиш вақтида ўзларига хизмат қилган Шердор мадрасасига обдон сайқал бердилар. Йиллар, асрлар ўтиши билан табиатдан, одамзод бепарволигидан зиён етказилган бу тарихий обидани тиклаш ишлари шошилмай, пишиқ-пухта олиб борилди.

Кутилмаганда Иккинчи жаҳон уруши бошланиб қолганда ўша йиллари Самарқандда тарихий обидаларни қайта тиклаш ишлари энг қизғин паллага кирга-

нини, қолаверса, бу ишнинг ниҳоятда масъулиятлилигини, зарурлигини ҳисобга олган ҳукумат раҳбарлари таъмирлаш ишларида банд бўлган кишиларни безовта қилишмади. Бунинг маънисини янада чуқурроқ тушунган халқ усталари эса, ҳам нафрат, ҳам ғурур билан: тўғрида, урушда йўқ қилинса, бу ерда бор қилинган, деб жонини жабборга бериб кеча-кундуз тиним билмай ишлашди. Уста Шириннинг ўша кунларда айтилган бир гапини Мирумар Асадов ҳозиргача эсидан чиқармайди. «Айниқса, Темур ва темурийлар қурдирган ёдгорликларни қанчалик сифатли таъмирласак, қайта тикласак, — деган эди афсонавий халқ устаси, — Соҳибқироннинг ранжитилган (қабри очилгани — изоҳ) руҳини шунчалик тез шод этамиз, голиблик рамзи бўлган унинг руҳи бизни қўллаб, урушда албатта ғалаба қозонамиз!»

Уста айтганидай бўлди. Вайронагарчиликни ўзига касб деб танлаган фашистларга ўнгарилмайдиган қилиб зарба берилди.

Халқ — барибир халқ-да, доно-да, адолат тимсоли-да. Ўша ғалабага эришилган кунларда у «биз ажодлар руҳини шод этганимиз туфайли ҳам шундай зафарга муяссар бўлдик» деган сўзларни алоҳида таъкидлаб, таъмирловчи-усталар ва уларнинг меҳнатини ҳам унутмади.

Қирқ олтинчи йили уста Ширин Муродов Тошкентга — Алишер Навоий номидаги Катта театрни ганч билан безаш ишларига таклиф этилганда бу ерга ўзи билан бирга шогирди Мирумар Асадовни ҳам бошлаб келди. Уни танимаганлар устанинг ўғли бўлса керак, деб ўйлашди. Ҳатто Тошкентга «уста Ширин Муродов Навоий театрида ўғли билан ишлаётганмиш» деган гап ҳам тарқалиб кетди.

— Бизни билганлар ҳам, танимаганлар ҳам ота-бола дейишарди, — деб ҳикоя қилади ўша воқеаларни эслаб Мирумар Асадов. — Бунга мунтазам устознинг қўл остида ишлашимдан ташқари, у кишининг кўпинча мени ёнларида олиб боришлари, кейин бироз ташқи ўхшашлигимиз сабаб бўлган бўлса керак. Тошкентга борасан, деганларида эса, дастлаб шошилиб, ўйланмай, узр, устоз, мен шу ерда ишлайвераман, деганман. Шунда у киши Тошкентга сафарнинг, у ердаги ишнинг моҳиятини «боплаб» тушунтириб қўйганлар. Ҳозиргача устоздан миннатдорманки, икки йил давомида аввал Алишер Навоий, кейин Муқимий театрида

давом этган безаш ишлари мен учун ўзига хос тажриба мактаби бўлган. Тошкент муҳити, давралари эса, йигирма уч — йигирма тўрт ёшлик пайтларда ўзлаштириладиган ҳаёт сабоқларини менга янада мукамал қилиб улашган!

Саксонинчи йилларнинг ўрталарида эди, янглишмасам, пойтахтда халқ амалий санъатига бағишланган бир катта илмий-амалий анжуман бўлди. Қатнашчилар орасида қўшни республикалардан, чет эллардан, ҳатто ЮНЕСКО ташкилотидан меҳмонлар бор эди. Унга мени ҳам таклиф этишди. Анжуманнинг иккинчи куни эрталаб барча иштирокчилар Алишер Навоий номидаги Катта театр залларини томоша қилишга йиғилишди. Айланиш бошланиши олдида республикамиз Рассомлар уюшмасининг ўша вақтдаги раҳбарларидан бири мени меҳмонларга таништириб, «мана шу мухташам бинони безашда қатнашган устоз Мирумар Асадов шу киши бўладилар», деди. Шунда хорижлик иштирокчилардан биттаси мени беихтиёр кучоқлаб табриклади. Зални айланаётганимизда менинг қўлтиғимдан олиб юриб, бир неча саволлар билан мурожаат қилди. Устозим уста Ширин Муродов ҳақида гапираётганда «афсуски, бизнинг обрўли Халқаро ташкилотимиз — ЮНЕСКО у кишини ўз вақтида муносиб рағбатлантира олмаган» деган армонини ҳам айтди. Шунда мен у кишининг ким эканлигини, қаерданлигини билдим.

Томоша қилиб бўлингач, театрнинг иккинчи қаватидаги залда ўзаро фикр алмашув, амалий суҳбат бўлди. Мутахассисларимиз «Муродов мактаби»нинг тажрибалари, анъаналари ва муаммолари мавзуда кўп ибратли мулоҳазаларни ўртага ташлашди. Мен ҳам ўз тажрибаларимдан келиб чиқиб озгина гапирдим. Қирғизистоннинг Ўш шаҳридан келган меҳмон ўз мулоҳазаларини:

Уста қўлидаги ганч —
Заҳматли ишловга ганж, —

деган шоирона сўзлар билан тугатди. Шунда ўтирганлар беихтиёр чапак чалиб юборишган...

Ҳа, Мирумар Асадовнинг иши, ҳунари савобли бўлса-да, ўта заҳматли эди. У кишининг ўзига шундай десангиз, «шунинг учун ҳам бу касбга меҳр қўйганман-да», деб жавоб беради.

У Тошкентдан қайтгач, яна жонажон Самарқандида таъмирчилик ишлари билан банд бўлди. Ҳамкасблари билан машҳур масжиду мадрасаларни тиклашда иштирок этди. Қадрият, маданият, меъморчилик кўзгуси бўлган ёдгорликларга қайта жило берди. Акаси Қудратилло ҳам унинг ёнига кириб, таъмирчи-устачилик билан фаол шуғуллана бошлади.

Эллигинчи йилдан бошлаб у собиқ Иттифоқ марказининг тавсияси, қолаверса, қардошларимизнинг илтимоси билан Тожикистон пойтахтидаги тарихий ёдгорликларни таъмирлаш, янги биноларни ганч безаклари билан зийнатлаш ишларида иштирок этди.

— Мирумар ака Душанбеда ишлаган вақтларида тарихий обидаларни таъмирлаш, қайта тиклаш, янги, замонавий биноларга ганч безакларидан сайқал бериш билангина кифояланиб қолмади, — дейди ўша пайтларда Тожикистоннинг бош шахрида яшаган, ҳозир Шаҳрисабзда истиқомат қилаётган ўқитувчи, нафақахўр Шарофиддин ота, — у киши бу ерда бир неча шогирд ҳам тайёрлади. Бу ёшлар кейинчалик маҳаллий халқ амалий санъатининг таниқли намояндалари, моҳир таъмирловчи-усталар сифатида элга танилишди. Қариндош ва дўстларимни кўргани Душанбега борсам, улар албатта алоҳида бир эҳтиром билан «бизнинг устоз омон-эсон юрибдими?» деб Мирумар акани сўрашади. Шаҳар айлансам, баъзан «ярқираб турган бу тарихий обида самарқандлик уста Мирумар Асадовнинг қўлидан чиққан», «бу бинонинг ганч безакларини ўзбекистонлик уста Мирумар ота ишлаган», деган сўзларни ҳам эшитиб қоламан. Шунда мен беихтиёр «қандай машҳур юрдошларимиз бор-а», деб севиниб, фахрланиб кетаман!

Бухорои шариф аҳли ҳам Мирумар Асадов ва унинг шогирдларидан чексиз миннатдор. Устага бу қадимий шаҳарнинг бутун дунёни ҳайратга солиб келаётган машҳур ёдгорликларини таъмирлашда, уларга қайта жилोलар беришда ёрдам сўраб мурожаат қилишганда таклифни бажонидил қабул қилди. Устозига муносиб шогирдлар ҳам бундай кўмаклашишни, яъни бухорлик ҳамкасблари билан ҳамжиҳатликда ишлашни ўзлари учун бурч деб билдилар.

— «Аслида Самарқанднинг ҳам, Бухоронинг ҳам машҳур ёдгорликлари, обидалари усталарнинг худди мана шундай ҳамжиҳатлигида барпо этилган», дерди Мирумар ака бизни илҳомлантириб, — дейди устоз-

нинг садоқатли шоғирдларидан бири Абдуворис Фат-
тоев. — Бухоронинг ҳам ўз Мирумар оталари, яъни
моҳир таъмирловчи-усталари, ҳассос ганчкорлари бор.
Шундай бўлса-да, у ерда бизнинг устозни яхши били-
шар ва алоҳида ҳурмат қилишаркан. Бунга биз, шо-
ғирдлар ўша сафардаги иш жараёнида, кунларида кўп
бор амин бўлганмиз.

Устоз сафар вақтида Мирараб мадрасасини таъ-
мирларкан, бутун кучу маҳоратини, тажрибасини ишга
солиб тер тўқди, бухороликларнинг меҳр-муҳаббати-
ни, ҳурматини янада кучлироқ қозонди.

Шундай. Уста Мирумар Асадов иш майдонининг
«географияси» кенг эди. Уни саксонинчи йилларнинг
бошларида такрор Тошкентга — Шайх Хованди То-
ҳур (Шайхонтоҳур), Юнусхон, Қадирғочбий мақба-
раларини таъмирлашга таклиф қилишганида ҳам йўқ
демади.

Ўша йиллари Ўзбекистон халқ рассоми, раҳматли
Чингиз Аҳмаров билан учрашиб қолганимда у киши-
нинг Мирумар ака ҳақидаги фикрларини сўраганман.

— Бу уста, биринчидан, ажойиб инсон, — деганди-
лар у киши, — аниқроқ қилиб айтсам, ниҳоятда
камтар, фақат ишни билади. Бу сўзни сизга нима учун
урғу бериб айтаяпман? Биласизми, баъзилар, масалан,
усталар, рассомлар, умуман, ижодкорлар арзимаган,
кичкина бир ишни бажариб қўяди-да, «мен бундай иш
қилганман», «мени газетага ёзинглар», «мен унвон
олишим керак», деб бир умр бонг уриб юришади.
Мирумарчи? Шунча бетакрор, савоб ишни қоилмақом
қилиб бажариб қўйсаям, Самарқанд, Тошкент, Бухо-
ронинг, ҳатто Душанбенинг таъзиму таҳсинини эшит-
ган бўлсаям, бу ҳақда ҳечам оғиз очмайди, сиз сўра-
сангизгина «ҳа, ўша ерларда ишлаганман», дея қўяди
секингина. Иккинчидан, самарқандлик бу уста таъ-
мирлаш ишини миридан сиригача билади, яъни, русча
қилиб айтганда, ўта профессионал. Менимча, моҳир-
ликда унга тенглашадиган таъмирчи ҳозирча бизда
йўқ. Ганчкорликда эса, бемалол Маҳмуд Усмонов
билан беллаша олади. Мен бугун у ҳақда «катта
Тошкентимиздаги Катта театримизга улуғ устози уста
Ширин Муродов билан бетакрор безаклар улашган
қўли гул уста Мирумар Асадов бўлади!» деб бонг
уришни хоҳлайман!

Кўп ўтмай, Мирумар Асадовга йирик халқаро таш-
килот — ЮНЕСКОнинг «Уста гувоҳномаси» топши-

рилди. Мен хурсанд бўлиб, Чингиз Аҳмаровга телефон қилдим ва «ога, сизнинг бонгизни ҳатто БМТдагилар ҳам эшитибди», деб ҳазиллашдим. Шунда у киши дарров қуйидагича жавоб қилганлар: «Ҳа, мен бор овозим билан Мирумар дўстимга чин юрагимдан ният қилганман!»

Қадимий Самарқанд ўзининг 2500 йиллиги жаҳон миқёсида нишонланганда, бу улкан тўйини оламга машҳур аксарият тарихий обидаларини қайта таъмирлаган ҳолда кутиб олди. Бу жуда катта иш, ютуқ эди. Бунга қандай эришилганининг боиси, омиллари билан қизиқсангиз, самарқандликлар бир овоздан «чунки, таъмирловчиларнинг бошида етакчи бўлиб Мирумар Асадовдай қўли мўъжиза яратувчи, қўли гул моҳир уста, ўз ишининг чинакам фидойиси турган эди!» деб жавоб беришади. Улар қадрдонлари ва азиз меҳмонларини бошлаб, шаҳар айланишса, Хўжа Аҳрори Вали, Шоҳизинда, Тиллақори, Улуғбек, Хўжа Хизир, Шердор каби мақбара, масжид ва мадрасаларни кўрсатиб, «бу ёдгорликларга ўзимизнинг уста Ширинимиз — Мирумар ота умр улашган», деган сўзларни алоҳида ғурур ва ифтихор билан таъкидлашади.

Моҳир таъмирчи Мирумар Асадов аллақачон ўзининг мактабини яратган халқ устасидир. Бу мактабдан таълим олган ёшлар жуда кўп. Уларни бугунги кунда Бухорода ҳам, Хевада ҳам, Тошкентда ҳам учратиш мумкин. Айримлари эндиликда таниқли уста, ўзининг гуруҳига, бригадасига эга. Абдуворис Фаттоев, Мирҳаким Асадов, Ёдгор Қурбоновлар меҳрибон устозининг ана шундай муносиб шогирдларидир.

— Мирумар ота бизга фақат иш ўргатиб қолмаганлар, — дейди Ё. Қурбонов. — У киши бизни юксак инсонийлик, меҳр-оқибат, элу юртга садоқат ҳақидаги ўғитлари, маслаҳатлари билан ҳам тарбиялаганлар. Устознинг ҳаётини, ишга муносабатини касбга садоқатнинг, фидойиликнинг чинакам рамзи деб уққанмиз. У киши «мен — уста Ширин Муродовнинг шогирдиман», деб ифтихор қилсалар, биз — «уста Мирумар Асадовнинг ўқувчисимиз», дея фахрланамиз...

Эндиликда Мирумар ота таъмирчи Асадовлар сулоласининг сардори сифатида ҳам машҳур. Укаси Мирсаиддан кейин у кишининг ёнларига ўғиллари — Сухробжон ва Абдурахмонжон ҳам қўшилди.

Бири-биридан одобли, эсли-хушли, хунару билимга қизиқувчан беш ўғилни тарбиялаб вояга етказган Мирумар ота ва Маҳбуба опа хонадонига қўниқўшни, маҳалла, қолаверса, бутун шаҳар аҳли ҳавас қилади.

— Қизимиз йўқ деб ҳеч қачон ўкинмаймиз, — дейди Маҳбуба опа. — Чунки, беш келинимиз беш қиздай биз, чолу кампирга парвона, меҳрибон. Ишқилиб, биз уларнинг болаларига — ширинтой неварачеваражонларимизга бувачилик, момочилик қилиб чарчамасак бўлди!

— Мирумар Асадовнинг хонадони маҳалламизнинг энг ибратли оиласи ҳисобланади, — дейди унинг етакчиси Шамсиддин Назаров. — Отанинг ўзлари фаолларимиздан биридир. Мен қариман, деб ўтирмайдилар. Эл қатори маҳалланинг барча ишларию тадбирларида бирдай жонкуярлик билан қатнашадилар. Ўғиллари ҳам отасига тортган фарзандлар. Камтар, киришимли йигитлар. Тўйми-таъзиями, ҳашарми, маърака-сайиларми — ҳамма вақт белни маҳкам боғлаб, эл хизматида бўлишади.

Ш. Назаровнинг гапини яна бир эл кайвониси — Аҳрор Рўзиев давом эттирди:

— Биз бу хонадоннинг камтарлиги билан алоҳида фахрланамиз. Биласизми, маҳаллада биринчи бўлиб Давлат мукофотига сазовор бўлган киши худди шу оиладан, яъни Мирумар ота. «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони эса, маҳалладагина эмас, балки, бутун Самарқанд шаҳрида, қолаверса, вилоятда биринчи бўлиб, шу хонадон етакчисига насиб этди. БМТнинг ЮНЕСКО-дай халқаро ташкилоти эътирофи...

Бу — жуда катта бахт! Одамлар, оилалар бундай қўш-қўш муваффақиятлардан, эътирофлардан баъзан ҳаяжонланиб, ўзларини тутолмай қолишади. Ҳатто кибор-димоғдорлик пайдо бўлади. Мирумар ота оиласида эса, буни заррача бўлса-да, сезмадик, кузатмадик. Ўша-ўша ажойиб камтарлик. Шунинг учун ҳам биз Мирумар ота ва унинг оиласига маҳалладош бўлганлигимиз билан доимо фахрланамиз!

Самарқанд махсус илмий таъмирлаш ишлаб чиқариш устахонасининг таъмирловчиси, мумтоз халқ устаси Мирумар Асадов ҳақидаги ҳикоямни тутатарканман, хаёлимга беихтиёр Соҳибқирон Амир Темурнинг ўзим шеърга айлантирган қуйидаги ўғити келди:

Усталарга умр тиланг,
Қўллари ҳеч кўрмасин дард.
Чунки, улар — умрларин
Оқсаройга улашган мард!

Муҳтарам Мирумар ота!

Сиз Хўжа Аҳрор Вали, Имом Бухорий, Амир Темур,
Мирзо Улуғбек, Хўжа Хизр мақбараларини таъмирлаб,
буюк аجدодларимизнинг руҳларини шод этдингиз. Сиз-
ни уларнинг руҳи поклари доимо қўллаб-қувватласин!

ЎЗИНГДАН ҚЎЙМАСИН, ДАЛАМ!

СЕНГА ИШОНАМАН...

Юк машинасида далага отланган бригадир Парда Зиёдов йўлда келаркан, бошини кабинадан чиқариб осмонга тез-тез қараб қўярди. Шийпонга яқинлашганда ёнидаги шофёр унга юзланиб:

— Парда ака, ёмғир кутаяпсизми ёки уни хохламаяпсизми? — деди бироз ҳазил оҳангида.

— Ёмғирни кутмасам ҳам унга қаршилигим йўқ, — деди бригадир. — Чунки, чигитларим бир текис униб чиққан, одатдаги ёмғир бўлса, зарар қилмайди. Лекин, мен бугун бошқача ёмғир бўлмайди, деб қўрқаяпман,

полвон. Негаки, сендан яширмайман, кеча ғалати бир туш кўрганман.

— Тушингиз яхшиликка бўлсин ишқилиб.

— Айтганинг келсин, ука.

Машина шийпон олдига келиб тўхтади. Зиёдов ундан тушиб қоровул билан сўрашишгач, тонги нонуштани сиз билан қиладиган бўлдик, биродар, дедида, чой қайнагунча айланиб келишни хаёл этиб, шийпонга деярли туташ дала томон юрди. Яна осмонга қаради. Шу пайт, худди бригадирнинг келишига аталиб тургандай, ҳамон хўмрайишда давом этаётган булутдан ёмғир томчилай бошлади. Зиёдов «ўлдими, одатий баҳор ёмғиридир-да, ўтиб кетса керак», деган хаёл билан орқага қайтмади. Ёмғир эса, тезлашди. Шундан унинг енгил кийимда эканини кўрган қоровул бирдан «Парда ака, бу ёмғир қаттиқ бўладиганга ўхшайди, кейин айланарсиз,» деган товуш қилди. У тўхтади. Яна осмонга қарамоқчи бўлди. Лекин бу ғал кучайгандан-кучайган ёмғир бунга йўл қўймади. Момоқалдирок



қаттиқ гумбурлади. Бригадир орқага қайтишга мажбур бўлди. У шийпон томон югурди. Дала уйи айвонида уни кутиб турган қоровул ва шофёр бирдан «Парда ака, дўл-ку!» деб юборишди. Ҳа, шивалабгина ёғаётган ёмғир бир зумда аввал «шатир-шутур», «тасир-тусур» қилиб, сўнг «тап-туп» этиб дўлга айланган эди. Ёнғоқдай-ёнғоқдай, тарозининг юз грамми тошидай-тошидай бўлиб ерга тушаётган дўлни кўрган Зиёдовнинг юраги эзилиб кетди: «Мен-ку бу ерда, айвонда жон сақлаб турибман, эндигина ердан бош кўтарган ниҳолларимнинг аҳволи нима бўлади?? Эҳ, табиат, табиат! Баъзан бўлсада, албатта фирромлик қилиб турасан-а? Агар шарт эди, десанг, шу ўйинингни сал кейинроқ, ғўза ниҳолларим биров қаддини тиклаб олгандан сўнг қилсанг ҳам етмасмиди? Энди нима қиламан? Бу пишқирган, девонаваш дўлингдан кўчтарим омон қолармикин? Кеча тушда кўрганим — ҳўв анави шиғил мевали зардолининг шоҳларини кесмоқчи бўлиб турган одамга болгани сен берасан, деб ўйламагандим-ку?»

Момоқалди роқ янада ваҳимали гумбурлади. Дўл кучайгандан кучайди. Шийпон томининг қопламалари устига тош мисол урилиб овоз чиқараётган дўл шифернимас, кўпроқ Зиёдовнинг юрагини зирқиратарди...

Давом этмас соатлаб дўл,
Лекин кетар хароблаб дўл,

деганларича бор экан. Табиий офат Зиёдовнинг эрта баҳорда барчаникидан анча барвақт экилган, қўшни бригадаларникидан бир неча кун аввал тўлиқ бўй кўрсатган ғўза ниҳолларини бирпасда пайҳон қилиб кетган эди.

У дўл тиниши билан далага отилди. Худди қайчи билан махсус кесиб ташлангандай эгатларда сочилиб ётган ниҳолларни кўриб кўзидан беихтиёр ёш чиқиб кетди. Дарров биттасини қўлига олди. Унга меҳр, армон билан тикилди. Ниҳолни кафтида авайлаб тутиб тураркан, ўзини унинг олдида гўё гуноҳкордай ҳис қилди. «Оҳ, номард табиат» деб пичирлади. Сўнг, чуқур хўрсиниб, даласига узоқ тикилиб қолди. Шунда қарийб чорак асрлик қадрдони бўлган Ер тилга кириб, «кўп эзилаверма, бободехқоним, масалан, менга ҳеч нарса қилгани йўқ, сен ҳам соғ-омонсан, демак, икковимиз бор эканмиз, у ниҳолларнинг умрини албатта янгила-

рида узайтирамитиз», дегандай бўлди. «Ержон, деди хаёлан Зиёдов, сенга ҳеч нарса қилмагани рост бўлсин, сенга ишонаман!»

У умрида бирон марта ерни алдаган эмас. Шунинг учун унга ишонади, шунинг учун унинг таскин-далдасини қабул қилган эди...

ШЕР ЙИГИТНИНГ ИШИ

Ҳали ўн бир ёшидаёқ қизиқувчан, тиришқоқ, синчков Пардавой қалбида меҳнатга, ерга муҳаббат уйғонган эди. Бунга унинг камолини, ҳузурини кўролмаётган оламдан ўтиб кетган марҳум отаси сабабчи бўлган.

Қандайдир байрам куни Зиёд ака уни ҳам хўжалик клубида бўладиган тантана, йиғилишга етаклаб борди. Одамлар икки эркак ва бир аёлни кўларини кўксиларига қўйган ҳолда, алоҳида иззат-ҳурмат ва эҳтиром билан кутиб олишди. Худди шу уч киши байрам йиғилиши бошланганида юқорида ўтиришди. Шунда уларни қизиқиш билан кузатиб ўтирган Пардавой падарибузрукворидан «бу кишилар кимлар, меҳмонларми, ота?» деб сўради секингина. «Йўқ, ҳаммаси ўзимиздан, гапираётган киши — раисимиз, Ҳамроқул ота, ёнидагилар — хўжалигимизнинг Қаҳрамон пахтакорлари», деб жавоб берди Зиёд ака. Сўнг, фарзандининг қизиқишидан хурсанд бўлиб, дарров кўшимча қилди: «Меҳнат қилган — элда азиз» деб шунини айтадилар, ўғлим. Учласи ҳам бир вақтлари оддий кетмончи бўлишган. Ерга меҳр қўйиб, ерни гуллашиб, яшнатиб, шундай эъзоз-эътиборга, мартабага сазовор бўлишди.

Ўшанда Пардавой эл эъзозини эмас, шундай ҳурмат-эътибор топган кишиларга яқинлашишни, иложи бўлса уларнинг ёнида, қўл остида ишлашни дилдидан ҳавас қилганди. Шунинг учун у кўп ўтмай, ўсмир ёшига етиб қолганида мактаб машғулотларидан сўнг белбоғига нон тутиб далага чиқди, Қаҳрамон пахтакор Умринисо Орифжонова етакчилигидаги бригадада ёрдамчи бўлиб ишлай бошлади. Бир гал ғўзани ўтдан тозаловчиларга кўмаклашса, бошқа гал сувчиларга қарашди. Ҳосил пишиб-етилганда этак тутиб, теримда қатнашди. Дехқончиликка, айниқса, пахтага алоҳида меҳри борлигини сезган, ҳисобга олган ҳосилот ва дала сардори бригада ихтиёрида мактабдан ажралмаган ҳолда фаолият кўрсатадиган ёрдамчи ёшлар

гуруҳи ташкил этиб, унга Пардавойни етакчи қилиб қўйишди. Бу янгиликдан хабар топган вилоят газетаси «Ҳиммати баланд ёшлар» деган мақола эълон қилди. Унда мухбир Пардавойнинг «Масалан, мен келажатимни ҳам ушбу далаларсиз тасаввур қилолмайман», деган сўзларига алоҳида урғу берган эди.

Худди шундай бўлди. Яъни ўрта мактабдан кейин Самарқанд қишлоқ хўжалик техникумининг пахтачилик факультетида ўқиган, армия сафида хизмат қилган Пардавой 1970 йили агрономлик дипломи билан яна ўзининг қадрдон даласига қайтиб келди. Уни устозлари, даладошлари хурсанд бўлишиб, ҳатто «пахтакор ҳосилот» деб кутиб олишди.

Хўжаликнинг моҳир, бутун республикага доврў таратган Қаҳрамон пахтакорларидан яна бири Хидир Халилов эди. Пардавой ҳамма бригадаларда бирдай давом эттирадиган вазифаси — ҳосилотлиги туфайли қисқа фурсатда бу машҳур деҳқон билан ҳам яқиндан танишиб, дўстлашиб, ака-ука бўлиб кетди.

Хидир ака ҳам, Умри опа ҳам қишлоқ хўжалигининг, хусусан, пахтачиликнинг дипломсиз профессорлари эди. Шунинг учун Пардавой техникумда олган назарий илмларини амалиётда қўлларкан, уларни энг аввал ана шу устозлар тажрибаларининг таҳлилидан ўтказди. Натижада у олий мактаб сабоқларидан қолишмайдиган бободоҳқон тажрибаларини ҳам тезда ўзлаштириб олди. Ҳатто етмиш биринчи йили ўзларида, яъни «Москва» жамоа хўжалигида вилоят пахтакорларининг кўча семинари уюштирилганида меҳмонлар ҳузурида махсус маъруза билан чиқди.

Кўп ўтмай, уни раис Ҳамроқул Носиров ўз ҳузурига чақирди.

— Пардажон, пахтакорлар билан ҳамнафасу ҳамқадам бўлиб юрганинга ўн йилдан ошди, — деди хўжалик раҳбари, — дипломи мутахассис сифатида ишлаётганинга, янглишмасам, уч йил бўлибди. Ахир, бир кишини кузатиш ҳам, янги вазифага тайёрлаш ҳам шунчалик бўлади-да. — Раис меҳрибонлик билан самимий жилмайди. — Энди битта бригадага етакчилик қиласан. Бу ишни уddалаб кетишинга ишонаман. Кеча бу ерда бошқарув аъзолари билан гаплашганимда улар фикримни юз фоиз қўллаб-қувватлашди. Ҳатто Пардавойга олдинроқ бригада берилганда ҳам эплаб кетарди, деган гап бўлди. Демак, етакчиликни бемалол бажариб кета оласан. Ҳозир бирор фикр-таклифинг

бўлса, эшитаман. Иш жараёнида ёрдам ёки маслаҳат керак бўлса, ҳеч тортинмай ўзимга келавер, ўзимга айтавер, ўғлим...

— Ушанда тилимда «раҳмат, майли» деб розилик берсам-да, дилимда олтмиш саккиз ёшли афсонавий раисимизнинг «ўғлим» деган бир калима юрак сўзи учун ишни уддалаб кетаман, деб қасамёд қилганман, — дейди Парда Зиёдов.

Уни машҳур хўжаликнинг қолоқ жамоасига айла-ниб қолган (кутилмаганда) бригадасига юборишди. Бу ерда ишбошининг етакчилик қобилияти сустиги ту-файли ерлар шўрланиб қолган эди. Шу боис у ишга киришаркан, ерни барвақт шудгорлаттирди. Барча майдонлар қирқ сантиметр чуқурликда ҳайдалди. Кейин ҳар гектар ерга уч юз килограммдан суперфосфат солинди. Ер яна ҳайдалди ва текисланди. Сўнг яхши-лаб яхоб суви берилди.

Бу иш тугаб, навбатдагисига ҳозирланаётганда да-лага пенсияга чиққан бўлса-да, шогирдларидан узоқ-лашмаган Хидир Халилов ташриф буюрди.

— Ота (раис демоқчи — муал.) юборди, — деди моҳир пахтакор сўрашишгач. Сўнг у пастга эгилиб бир сиқим тупроқ олди. — О, мана бу кўпчиш бошқача. Қойил! Хамиртуруш қилиб юборибсан-ку, болам.

— Унчаликмасдир, устоз, — деди Пардавой камтар-лик билаң.

— Мана, ҳидидан ҳам билиниб турибди. — Хидир ака кафтидаги тупроқни яна бурнининг тагига олиб борди. — Ҳали кўрасан, бу тупроқлар, бу ерлар шундай ҳосил берадики... Шунда одамлар «Зиёдов режадан зиёд пахта топширибди», деб тан беришади.

— Айтганингиз келсин, ота, — деди беихтиёр бригадирининг ёнида турган техника ҳайдовчиси Ик-ром Исроилов.

— Отага бориб, Пардавой кечагина «пешонаси оқариб» ётган майдонларни энг сўнгги қаричигача яйратиб, яшнатиб қўйибди, деб айтаман, — деди уста деҳқон хайрлашаётиб.

Пардавой эрта баҳорда ерни қайтадан яна бир бор текислаттирди, яна бир бор ҳайдатди. Чигит ўз намига ундириб олинди. Вақтдан ҳам ютилди, кўшимча меҳ-натдан ҳам.

Ғўза парваришию суғоришдан тортиб, чеканкагача бўлган ишларни ўз вақтида ўрнига қўяётган ёш дала

етакчисини баҳор ҳам, ёз ҳам сийлади. Ортиқча ёмғир бўлмади, қуёш ўз тафтини аямади. Бригада йиллик пахта тайёрлаш режасини тўрт иш кунда вилоятда биринчи бўлиб бажарди. Бутун ҳосил юз фоиз машиналарда йиғиб-териб олинди.

Уни бу илк ғалаба билан энг аввал раис Ҳамроқул ота табриклади.

— Зиёдов Парда, сенда бир нарса бор-да! — дея кулиб уни бағрига босди чексиз хурсанд бўлган меҳрибон эл сардори. — Бўлмасам, ишончни оқлаш мана бундай бўлади, деб йиллик пахта тайёрлаш режасини атиги 4 иш кунда бажарармидинг! Ана буни ҳақиқий шер йигитнинг иши деса бўлади! Сендай келажаги янада порлоқ, фидойи ёш шогирдим борлигидан фахрланаман, ўғлим!

Ҳамроқул Носиров ва у раҳбарлик қилаётган хўжалик ютуқларидан мунтазам хабардор бўлиб турадиган республика газетасида «Зиёдовнинг зафари» деган мақола босилди. «Жиззах туманилик ёш пахтакор Парда Зиёдов алоҳида бригадага биринчи йили етакчилик қилаётганига қарамай, ажойиб зафар қучди», деб ёзган журналист «етакчи муваффақиятининг сири — унинг жонажон хўжалигида мамлакатга машҳур устозлари томонидан алақачон яратилган ўзига хос деҳқончилик мактабининг тажрибаларини пухта ўзлаштириб олганлигида», деган хулосага келади.

Ялпи хирмон уюш ва ҳосилдорлик бўйича мўлжалдагидан анча зиёд натижаларга эришган бригада аъзолари йил охирида ҳар бир сўм даромадларига ўша даврнинг пули билан 4 сўм 20 тийиндан устама ҳақ олдилар!

УСТОЗ НИЯТИ

Кейинги йиллар ҳам Парда Зиёдов ва унинг бригадаси учун муваффақиятли келди. Яна, ҳар бири ўзига хос янгилиги билан эса қолди. Масалан, дастлабкисида аввалги етакчи пайтида жамоани тарқ этган уч ёш қайтиб келиб, сафларни тўлдиришди. Иккинчисида деҳқонпарвар раиснинг ташаббуси билан бригаданинг техникалари янгилаб берилди. Учинчиси пайтида қўшни тумандан ташриф буюрган мусобақадош пахтакорлар Парда Зиёдов бригадасини «туманнинг иши пухта ташкил этилган ва ғўза парвариши юксак сифатларда олиб борилаётган энг яхши бригадаларидан бири» деб

эътироф этишди. Тўртинчи мавсум якунланган кезларда етакчининг кўксини илк нишон безади.

Шундай муваффақиятли йиллардан бирининг навбатдаги мавсуми тутаб, кузги шудгор амалга ошириб бўлингач, Зиёдов соғлигини бироз мустаҳкамлаб келиш учун санаторияга отланди. Хайрлашиш учун Ҳамроқул отанинг ҳузурига кирди. Шунда раис:

— Мана бу бошқа гап, ўғлим, — дея уни янада илиқ кутиб олди. — Ўн ой даладан жилмай тер тўккан деҳқон нега энди атиги бир ой оромгоҳларда, сиҳатгоҳларда ҳордиқ чиқармаслиги керак? Қачон қарасам, кейинги йили бораман, дейсан, баҳона топиб турасан. Соғлиқни йўқотиб қўймаслик учун одам ўзига ҳам қараб туриши керак, Пардажон. Агар сен ўзингга қарамасанг, биз сенга қараймиз, чунки, бизга, хўжаликка келгуси йили ҳам Зиёдов деган соғлом пахтакор керак! — самимий кулди Ҳамроқул ота. — Агар хўп деганингда-ку, келинга ҳам путёвка топиб берардим, хоҳламадинг-да. Энди битта гап: одатда барака топкур ҳақиқий деҳқонлар мана шу январь ойидагина дам олишга, даволанишга боришади. Жумладан, машҳур пахтакорлар ҳам. Агар улар билан бирга бўлиб қолсанг, зериккан ёки бўш пайтларингда албатта тажрибалари билан қизиқиб кўр. Тўғри, ўзингнинг тажрибанг ҳам кам эмас, хўжалиқдаги устозларингникини аллақачон бекаму-кўст ўзлаштириб олгансан. Лекин, Пардажон, барибир бошқаники—бошқача-да. Халқ бежизга «Тажриба тўплаган тоймайди» демаган. Бу таклифни айтаётганимнинг сабаби — сен энг зўр пахтакор бўлишинг керак!

Ҳамроқул отанинг айтганича бор экан. У санаторияда сирдарёлик мамлакатга машҳур пахтакор Тўланбой Дадажонов билан кўришиб қолиб, боши осмонга етди. Бу учрашувдан донгдор деҳқоннинг ўзи ҳам хурсанд бўлди:

— Сиз ҳақингизда газеталардан ўқиб, радиолардан эшитиб, Ҳамроқул отанинг хўжалигидан чиққан ўша йигитни бир кўришим керак, деб юргандим, — деди у. — Омадни қаранг, ука, бемалол ёнбошлашиб гурунглашадиган ажойиб масканда учрашдик. Энди, менимча, дўхтирлар улашадиган шифонинг таъсир мазмуни ҳам бошқача бўлса керак!

— Сизни билмайману, устоз, лекин менга шундай бўлиши аниқ, чунки, ёнимда дадам бор, — дея фарғонача ҳазил қилди Пардавой.

Хонада дам олувчиларнинг ҳақиқий кулгуси янгради...

Пардавой сиҳатгоҳда Тўланбой аканинг ўз тажрибалари, қолаверса, пахтачиликнинг долзарб муаммолари ҳақидаги ҳикояларини мириқиб тинглади. Айни вақтда унга ўзининг камтар тажрибалари хусусида гапириб бериб, устоз деҳқоннинг улар тўғрисидаги фикрларини, маслаҳатларини эшитди. Деҳқонлар вақти-вақти билан кўришиб туришга келишиб олдилар.

У санаториядан қайтаётганда Тошкентдаги пахтачилик илмий-тадқиқот институтига С. Мираҳмедов, А. Дадабоев, Н. Маннонов, Т. Зокиров каби атоқли пахташунос олимларни истаб кирди. Учратганларидан янги ғўза навлари ва ўзини анчадан бери тўлқинлантириб юрган баъзи деҳқончилик муаммолари, шунингдек, арзимас бўлиб туюлса-да, амалиётчи сифатида далада, ишда қўллаши мумкин бўлган бир-икки таклифи тўғрисида маслаҳатлар олди. Олимларни ўз даласига таклиф қилди. Институт ёнидаги китоб дўконидан эса, мендай аграном-пахтакорнинг иш столида албатта туриши керак деб, қидириб юргани — М. Баҳодиров ва А. Расуловнинг «Тупроқшунослик» деган қўлланмасини ҳам олиб қайтди.

Чигитни ўз вақтида экиб, уни тўлиқ ундириб олгач, яъни биринчи ишловга киришиш арафасида эса, Зиёдов вақт топиб, қўшни вилоятнинг икки машҳур пахтакори — гулистонлик Жавод Кўчиев ва Абдураҳмон Султонов хузурига, даласига ўтиб келди. Унда, айниқса, пахтачиликни механизациялаш борасида ўзига хос мактаб яратган Жавод аканинг тажрибалари, иш тартиботи катта таассурот қолдирди. Теримни фақат шу одамнинг тажрибаси ва иш тартиботи асосида ташкил этаман, дея аҳд қилди у.

Етмиш саккизинчи йили қарийб элик йил эл сардори бўлган Ҳамроқул Носиров вафот этди. Бу йўқотиш бошқа шогирдлар қатори унинг ҳам қалбини чуқур ларзага солди. Раисни сўнги йўлга кузатиш маросимида иштирок этган республика раҳбари Шароф Рашидов хўжалик фаоллари билан суҳбатда «шу вақтгача «Ҳамроқул Носировнинг таянчлари» деган шараф бор эди, энди у «машҳур эл сардорининг ишини давом эттирувчилар» деган масъулият билан алмашди, ишонаманки, бу масъулиятни ҳам удалаб, отанинг руҳини шод этасизлар», дея кўнгил кўтарди, тилак билдирди.

Ўша йили Парда Зиёдовнинг бригадаси яна олдин-гилар қаторида йиллик пахта тайёрлаш режасини бажарди ва марҳум раиснинг руҳини биринчилардан бўлиб шод этди.

УЗР, «РАЙКЎМ» БУВА

Парда Зиёдов номи газеталар ва радиозшиттиришларда тез-тез тилга олиниб туриладиган кунларнинг бирида унга «барча ғалабаларнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси бўлган партия»нинг туман қўмитасига чақиришаётганини айтишди. У бу хабарни эшитиб, ўйла-ниб қолди: яқин орада бирон марта сўрашгани йўқ эди. Нечун бирдан керак бўлиб қолдим экан? Ёки, у куни хўжаликлараро ўтказилган, туман қишлоқ хўжалик бошқармаси уюштирган йиғилишда «мен мактаб болаларини теримга жалб этишга мутлақо қаршиман, мана, биз, бир неча йилдан бери гўдакларни овора қилмасдан, ўқишдан қолдирмасдан пахтаминизни ўз кучимиз билан йиғиштириб оляшмиз-ку?» деган сўзларимни бирон киши туман «каттаси»га етказдимикан? Балки, республика радиосига берган интервьюдаги «вилоят, туман депутатларининг ўрни билинмайди, уларнинг баъзилари номигагина сайланган» деган сўзларим ёқмагандир?

Уни биринчи котиб ўрнидан туриб, ниҳоятда илиқ кутиб олди. Соғлигини, кайфиятини, оила-болаларининг ҳол-аҳволини, ҳатто катта фарзандининг неча ёшда эканини сўради. Бобо ва момони эслаб, улар тирик бўлишганида шу бахтиёр невараларининг даврини суриб юришарди-да, Пардажон, майли, ҳаётда, деб қўйди.

Зиёдов кутилмаган бу меҳр-оқибат ва иззат-хурматдан хурсанд бўлиш баробарида ҳайрон ҳам бўлди. Муддаони кутди.

— Пардажон, Ҳамроқул отанинг орамиздан кетганига ҳам беш йил бўляпти, — дея асосий гапни бошлади биринчи котиб. — Хўжалик раҳбарияти, барча аъзоларига, айниқса, сизга раҳмат, яхши ишларингиз, ютуқларингиз билан марҳум раиснинг руҳини шод этиб турибсизлар. У куни вилоят радиосидан гапирганингизда «Ҳамроқул отанинг номига асло доғ туширмаймиз» дедингиз. Бу — дангал, чин юракдан айтилган гап. Эшитиб, ниҳоятда хурсанд бўлдим. Яшанг. Менинг сизни бугун бу ерга чақиришимдан

мақсадим эса, ана шу унутилмас эл сардорининг руҳини бироз кенгроқ нуқтада, яъни, мамлакат миқёсида шод этиш хусусида гаплашиб олиш. Биласиз, «Москва» жамоа хўжалиги дейилса, республикада, ҳатто бутун мамлакатда Ҳамроқул Носиров, Ҳамроқул Носиров дейилганда эса, «Москва» жамоа хўжалиги тушунилади. Демак, Иттифоқ Олий Совети Президиуми раиси (собик) имзо чеккан Фармонда хўжалигингиз номи қайд этилса, отанинг исм-фамилияси тилга олинди, деган гап. Ҳайлаб қарасам, шундай номдор хўжалиқдан янги Герой чиқмаганига ҳам анча бўлибди. Қолбуки, бундай эътирофга арзийдиган кишилар «Москва»да бор. Масалан, сиз. Шундай экан, нега энди бу имкониятдан фойдаланмаймиз? Бу — биз, раҳбарларнинг хатомиз, ука.

— Қаҳрамонликка тавсия қилинадиган юқори центнерлик маррасига биз эриша олганимиз йўқ-ку, райкўм бува?

— Бу йил эришасиз. Бултур ҳар гектар ердан 42 центнердан ҳосил олгансиз. Бу йил 50 дан ололмайсизми?

— Йўқ, ололмайман. Наридан борса, 45 центнерга етказишимиз мумкин.

— Унда, сиз расмий давраларда, интервьюларда бу йил режа гектаридан 55, мажбуриятим эса, 60 центнер деб тураверинг, у ёғини биз ўзимиз тўғрилаймиз.

Зиёдовга ҳамма нарса ойдинлашган эди. Шунинг учун у дангал туриб:

— Кечирасиз, ака, мен бундай сохталикни, қўшиб ёзишни асло хоҳламайман, — деди.

Шунда биринчи котиб ҳам «дадиллашди»:

— Гапнинг пўсткалласини айтсам, ука, бу йил туманимиз, менинг давримда, битта геройлик унвонини олиши шарт. Бу — биринчидан. Иккинчидан, энг асосийси, Ҳамроқул отанинг руҳини фақат Олтин юлдуз билан шод этишимиз керак.

— Агар бундай йўл билан унвон олсам, раҳматли раисимизнинг руҳини ҳеч қачон хурсанд этмайман, аксинча, қаттиқ ранжитаман, райкўм бува? Шунинг учун, кечирасиз, бу ишни асло қилмайман, қилолмайман. Агар муддао шу бўлса, фикримни очиқ айтдим, менга рухсат беринг, ака.

У ўрнидан турмоқчи бўлди. Шунда биринчи котиб бирдан ўзгарди:

— Бир минут, Пардажон, бир минут. Ўтиринг. Тўғри, сиз виждонингизга хилоф иш қилишни астойдил истамаяпсиз. Бетакрор бир ҳалолликни ҳимоя қиляпсиз. Сизни яхши тушунапман. Тушундим. Майли... Узр... Бўлмасам, илтимос, энди сиз ҳам мени яхши тушунингда, бу гапни шу ерда қолдириб кетинг, ука. Яъни, орамизда ҳеч қандай гап бўлгани йўқ.

Зиёдов «бундан кейин ҳам бўлмасин», демоқчи бўлди-ю, ўзбекча андишага бориб, тан берсам ҳам катта кетди, деб ўйламасин, деган маънода гапирмади, хонадан чиқаётиб, бош ирғаб хайрлашди...

БУ ДАВР — БОШҚАЧА!

Халқнинг ўзи бир неча йил бурун сохта олқишдан юз ўтирган тиниб-тинчимас, заҳматкаш деҳқоннинг, фидойи фарзандининг меҳнатини, садоқатини имконият турилиши билан муносиб эътироф этди: Парда Зиёдов 1990 йили Жиззах туманидан Ўзбекистон Олий Мажлисига депутат қилиб сайланди.

Унинг зиммасида энди сайловчилар, яъни эл топшириғини, хизматини бажаришдек ғоятда масъулиятли вазифа ҳам турар эди. Узоқ йиллар худди шундай шарафли жамоатчилик ишини қойилмақом қилиб бажарган марҳум устози Ҳамроқул отанинг ёнида юриб, унинг сайловчилар билан бўлган учрашувларида иштирок этиб, бу борада олдиндан бир мунча кўзи пишиб қолган Парда Зиёдов қийналиб қолмади. Аксинча, депутатлик имкониятлари ва имтиёзларидан фойдаланиб, халқ таклифлари ва илтимосларини иложи борича ўз вақтида бажаришга дадил киришди.

У 1991 йилнинг августида бўлган тарихий Сессияда иштирок этди. Унда Президентимизнинг Ўзбекистоннинг Мустақиллигини эълон қилган табаррук нутқини эшитди.

— Халқимга бир умр таъзим қилсам арзийди, — дейди у. — Чунки, улар мени эътироф этишиб, ўзларига депутат қилиб сайламаганларида, она Ватанимиз Мустақиллигини, элимиз озодлигини эълон қилган ўша муқаддас анжуманда иштирок этармидим?! Миллатпарвар, ватанпарвар юртбошимизнинг улуғ жасоратига гувоҳ бўлармидим?!

Уни Олий Мажлис Кенгашининг шахсан Президентимиз ташаббуси билан тузилган ошкоралик қўмитасига аъзо қилиб сайлашганида энг аввало

ана шу фахр-ифтихор ато этган куч билан, ғайрат билан ишлади.

У 80-йилларнинг қатағонларида эзилган, азоб чеккан, «Ўзбек иши», «Пахта иши» деб аталган ёвуз уйдирмаларнинг қурбони бўлган, хотираси топталган, умрининг қаймоғини бутун Ўзбекистонга бағишлаган улуғ инсонларни оқлашга тайёрлаш масаласидаги ишни жадаллаштирайлик, деганида Қўмитанинг эл назаридаги севикли инсон бўлган аъзоларидан бири кутилмаганда «бу одамларнинг аксариятини Москва қоралаган, шунинг учун уларни оқлаш билан ҳам Москва шуғуллансин», деган жавоб қилди. Шунда Парда Зиёдов беихтиёр «Қачон халқ бўламиз?» деб ёниб кетди, дил-дилидан йиғлади.

— Яхшиям, бахтимизга Президентимиз Ислон Абдуғаниевич Каримов бор экан, — дейди ўша кунларни эслаб Парда ака. — У киши, масалан, «Шароф Рашидовга нисбатан бўлган айбу хатоларни тузатиб, шу инсоннинг ҳурматини жойига қўяйлик, номини келажак авлодлар учун тиклайлик» дея ўз вақтида бонг ураркан, бизни, «ошкоралик»чиларни ақл-заковат ва адолат билан иш кўришга, ишлашга даъват этди.

У юртбошимизнинг бундай инсонпарварлигидан, адолатпарварлигидан илҳомланиб, айни вақтда ўзини депутат қилиб сайлаган туманнинг ноҳақликка учраган кишиларига ёрдам берди, хотирасига асоссиз тазйиқ ўтказилган марҳумларнинг номи учун курашди. Масалан, кейинчалик, «Москва» хўжалигининг номи ўзгартирилиб, унинг Ҳамроқул Носиров номи билан аталишида биринчилар қаторида депутат Парда Зиёдовнинг катта ҳиссаси бор.

Президентимиз пахта якка ҳокимлигига барҳам бериш масаласини кўтарганида Парда Зиёдов бу тақлифни депутат сифатида ҳам, деҳқон сифатида ҳам астойдил қўлаб-қувватлади. Даласига пахта билан бир қаторда ғалла, полиз маҳсулотлари, шунингдек, беда экди.

— Тўғри, истиқлол йиллари ҳамма учун ҳам давр бўлди, — дейди унинг устозларидан бири ҳозир кексалик гаштини сураётган У. Орифжонова. — Лекин, Пардажоннинг даври бошқача. У ниҳоятда ҳавасли. Чунки, унда ютуқ кўп. Негаки, унда янгиликлар мунтазам қайд этилиб турилади. Ибрат ёрқин кўзга ташланиб туради. Мисол учун унинг жамоасидаги иноқликни мен энг биринчи, энг сара ютуқ деб

биламан. Меҳнатни ташкил этишнинг янги усули — бригада пудратини ҳам хўжалигимизда биринчилардан бўлиб Пардавой жорий қилди. У ҳозир муваффақиятли деҳқончилик қилаётган, бир вақтлари бу ерларга экин экиб бўлмайди, ҳосил битмайди, деб ҳисобланган эътиборсиз майдонларга кўрқмасдан, иккиланмасдан чигит қадаб, ерга муҳаббат бобида яна бир бор намуна кўрсатди!

Умри опа ғоятда тўғри гапни айтди. Ҳақиқатан ҳам Парда Зиёдов ўз бригадасида ҳавас қилса арзийдиган аҳил, яқдил муҳит яратган. Муваффақиятларнинг бош гарови энг аввало худди мана шу иноқликдадир. Масалан, унга бригадасида оилавий пудрат асосида ишлаётган 16 ижарачининг барчаси бирдай ака ёки ука, опа ёки сингил. Ҳатто уларнинг шахсий ҳаётдаги ташвишлари учун ҳам ўзини масъул деб билади. Ўз навбатида аъзолари ҳам уни ўзларининг азиз жигарбандидай кўришади.

Куч-қувват ва кайфиятга мазмун улашган ана шундай яқдиллик туфайли тўқсон еттинчи йили бригада ҳар гектар ердан 43 центнердан пахта йиғиштириб олди. 30 гектарлик ғалла, 2 гектарлик полиз майдонлари ҳам режадагидан ортиқ ҳосил берди. 30 гектарлик бедазордан эса, аввалги йиллардагидан анча кўп хашак йиғиштириб олишди. Бу мавсумнинг муваффақиятида ҳам ҳар доимгидек барча аъзоларининг, айниқса, Икром Исроилов, Собир Арамов, Ҳалима Аминова, Пиримқул Қурбонов, Ғайрат Шокиров каби тажрибали деҳқонларнинг ҳиссалари катта бўлди.

— Хўжалигимизнинг каттаю кичик барча аъзоси Парда Зиёдовдан чексиз миннатдор, — дейди раис Саъдулла Абдуллаев. — Негаки, машҳур пахтакорларимиз кексайиб пенсияга чиқишгач, айниқса, ҳаммамизнинг устозимиз Ҳамроқул ота вафот этгач, хўжалигимизнинг номи асосан худди шу фидойи деҳқон туфайлигина вилоят, республика миқёсларида тилга олиниб келяпти. Худди шу ташаббускор дала етакчиси деҳқончиликда ўзига хос мактаб яратган устозларнинг тажрибаларини ўзидан кейинги авлод вакилларига улашди. Худди шу инсоннинг она Ватанга, элига, қолаверса, ризқ-рўзимиз манбаи — ерга бўлган беназир меҳру муҳаббати, садоқати ёшларимиз учун ажойиб ибрат намунасини ўтаяпти.

Шундай ибратли инсонга, яъни, хўжалигимиз аъзосига ҳурматли Президентимиз имзоси билан «Ўзбекис-

тон Қажрамони» унвони ва Олтин юлдуз бериш тўғри-сида Фармон эълон қилинган 1993 йил 26 августни бир умр унутмаймиз!

...Тўқсон саккизинчи йил режасини ҳам қоилмақом қилиб бажарган, яъни, 81 гектар ердан қарийб 300 тонналик «оқ олтин» хирмони уйган, ҳосилдорликда янги маррани эгаллаган бригадир Парда Зиёдов турмуш ўртоғи Сабоҳат опанинг, фарзаңлари — Сайёра, Дилфуза, Дилшода, Нилуфархонларнинг, Олимжон, Одилжонларнинг «эрталабки табрик бошқача бўлади-да, ада» (Парда ака даладан кеч қайтган эди) деган таклифига биноан уларнинг қутловини такрор қабул қилгач, яна қадрдон даласига отланди.

У шийпонга етиб келиб машинадан тушгач, баҳорда илк ниҳолларини шафқатсиз дўл уриб кетган, кейин, ўзининг фидойилиги билан қисқа фурсатда янги кўчатлар ҳада этган оқибатли даласига қадам кўйди. Энгашиб, «Ҳа, далажон, ержон, сенга бир умр ишонганман!» деган эркаловчи товуш чиқарди-да, ундан бир сиқим тупроқ олиб кўзига суртди...



ЮНУСОБОД ЮЛДУЗИ

Мактаб директорларининг ўқув ишлари бўйича муовинларининг айримлари баъзан ишнинг кўпчилигидан синфга кириб, ўқувчилар билан машғулотлар ўтказмайди. Юнусобод туманидаги 273-мактаб директорининг ўринбосари Мавлуда Исматова эса, асосий вазифасига кирадиган ташвишлар кўп бўлганда ҳам, дарс ўтолмасдан туролмайди. Болаларга айрича меҳр-муҳаббатли муаллиманинг синфга ташриф буюришини унинг ўзидан кўра кўпроқ ўқувчилар, қолаверса, уларнинг ота-оналари ишташади.



Мавлуда Собировна навбатдаги дарсини ўтиб бўлиб, энди кабинетига кирган ҳам эдики, ёш ўқитувчилардан бири орқасидан югуриб келиб:

— Устоз, сизни директор сўраяптилар, — деб қолди.

— Бўпти, сингилжон, ҳозир бораман.

Муовин шундай дея, синф журнаlinesи ва «силарга иккита совға олиб келдим», деб болаларга кўрсатган, дарсга алоқадор янги китобларни иш столи устига қўяркан, хаёлидан дарров: «Абдуғани ака эртага ишга чиқмоқчи эдилар-ку? — деган фикр кечди. — Балки, соғайиб кетгани учун қадрдон жамоамга бир кун бўлса ҳам олдин борганим маъқул, деб шартга келаверган бўлсалар керак ёки... районодан уйларига қўнғироқ қилишиб, бирор долзарб топшириқ айтишганмикин?».

У шундай хаёллар билан директор Абдуғани Қодиров кабинетининг эшигини очди.

— Мавлудахон, синглим, келинг-келинг! — Мактаб раҳбари дарров ўрнидан турди. — Сизни чарчатиб қўйганимиз учун сўрашишни «Хорманг!»дан бошлай қолайлик.

— Қанақасига чарчатиб қўясиз, Абдуғани ака. Аксинча, бизни соғинтириб қўйдингиз-ку. Ҳатто келишингизни ҳам айтмабсиз, кутиб олардик.

— Тўғри, сиз у куни йўқлаб борганингизда, эртага чиқишимни айтгандим. Лекин, эрталаб, кеннойингиз билан нонушта қилиб бўлгач, ичимда даб-дурустан бугун мактабга бормасам бўлмайди, деб қолдим. Шу қароримга амал қилиб, бу ёққа югуриб келавердим-да.

— Мен, районодан биронтаси безовта қилишдимикин, деб ўйлагандим.

— Йўқ, у ердагилар бу ерда бўлмаган пайтимда ҳам ишимни қойилмақом қилиб давом эттириб турадиган сиздай таянчим борлигини яхши билишади-ку, Мавлудахон.

Директор шундай деб, муовинидан ота-оналар қўмитаси аъзолари билан бўлган навбатдаги учрашув қандай ўтганини, ёш ўқитувчиларнинг вилоят анжуманида қатнашган муаллиманинг иштироки натижаларини сўради. Сўнг асосий муддаога ўтди:

— Мавлудахон, синглим, ёш ўтган сайин, яъни, қариганингдан кейин саломатлик барибир беқарор бўлиб қоларкан. Ўйлаб кўрсам, кейинги олти ой ичида уч марта бюллетен қилибман. Чарчаганим шундоқ билиниб қоляпти. Хотира ҳам борган сайин сусайиб кетяпти. Қолаверса, биласиз, ҳозир жамоамизга бир гуруҳ иқтидорли ёшлар келиб қўшилишган. Уларнинг синчков талабларига жавоб берадиган аввалги тетик Абдуғани Қодиров энди йўқ. Шуларни ўйлаб, мулоҳаза қилиб, илгари бир учини чиқарган фикр-таклифимни яна айтмоқчиман. Жамоани сизга топшираман. Ишончим комилки, бу ердаги сизнинг ҳамкасбларингиз, яъни, менинг шогирдларим ҳам, районодагилар ҳам таклифимга қўшилишади. Мен бекорга бу қарорга келмадим. Бу ерда жамоани ҳозир фақат сиз бошқариб кета оласиз. Сизда тажриба ҳам, мактаб етакчилигига зарур бўладиган қобилият, куч-имкониятлар ҳам бор. Энг муҳими, жамоа ўртасида, ота-оналар даврасида обрўга эгасиз. Шунинг учун ҳеч иккиланмасдан, йўқ демасдан, таклифимга рози бўлсангиз, мен бу ҳақда районога маълум қилсам.

— Қандай бўларкин, Абдуғани ака? Сиздай устоз педагогнинг жамоамизга бош бўлиб туриши барибир керак эди-да.

— Ҳаммаси яхши бўлади, синглим. Агар бирор маслаҳат ёки ёрдам керак бўладиган бўлса, узоқдамас-

миз-ку, қўлдан келганича дарров кўмаклашишга тай-
ёрман.

— Бу ерга, ўрнингизга мендан бошқа одам раҳбар бўлиб келганда ҳам, ижодкорлар тили билан айтганда, сиз бизга барибир «Худрук» бўлиб қоласиз, устоз!

— Раҳмат, буни ўйлаб кўрса бўлади, ёмон таклиф-мас, — дея кулди директор...

Абдуғани Қодиров таклифини ўша куни туман халқ таълими бўлими раҳбарларига айтди. У ердагилар иложимиз қанча, ҳақиқатан ҳам кексайиб қолдингиз, дом-ла, талаб этилган хизматни муносиб адо этдингиз, дам олиш ҳам керак-ку, дея фикрига қўшилишди. Ўрнига тайинланадиган одам ҳақида гап кетганда, тўғри ўйлаб-сиз, Исматова бизга ҳам маъқул, лекин, ҳозирча у кишини «директорлик вазифасини ижро этувчи», деб эълон қилиб турамиз, деган фикрни айтишди.

Туман халқ таълими бўлими вакилидан ва Абдуғани Қодировдан Мавлуда Исматова директор вазифасини ижро этувчи қилиб тайинланганини эшитган мактаб ўқитувчилари ҳам хурсанд бўлиб, ҳам ишонч билан: «Мавлуда Собировнани бир йўла етакчи қилиб эълон қилаверишса ҳам бўлаверарди, барибир шу киши бўлади-ку», дейишди.

Худди шундай бўлди. Икки ой ўтар-ўтмас, яъни, ўқитувчиларнинг анъанавий август кенгаши пайтида Юнусобод тумани халқ таълими бўлими раҳбарлари Мавлуда Исматовани ҳеч қандай «суҳбат» ёки «кенгаш»-ларсиз мактаб директори деб эълон қилиб юборди. Ма-ориф мутасаддиларининг бирдан бундай қарорга келиши бежиз эмасди: 273-мактаб, 1983 йилнинг якунларига кўра, Юнусобод туманининг энг яхши таълим масканларидан бири деб топилди. Кўрик-мусобақанинг ташкилотчилари бундай ютуқда муовин сифатида ҳам, иж-рочи директор сифатида ҳам Мавлуда Исматованинг хизматлари катта бўлганини, яъни, ҳал қилувчи роль ўйнаганини бир овоздан таъкидлагандилар!

Туман халқ таълими бўлимининг қарорини унинг қадрдон жамоаси хушхабар сифатида кутиб олди. «Янги директорлик лавозимига ўқув ишларига масъу-ликдек бир мунча қийин вазифада саккиз йил финг демасдан ишлаган Мавлуда Собировнадан бошқа ки-шини тасаввур ҳам қилмасдик». Бу фикр унинг жамо-адош устозлари хаёлидан ҳам, тенгдош ҳамкасблари дилидан ҳам бирдай кечди ва табрик пайтида бир неча бор такрорланди...

Мавлуда Собировна Абдугани Қодиров раҳбарлик қилган йиллари мактаб туманнинг илғор таълим масканларидан бири сифатида танилиб келинганини яхши биларди. Шунинг учун у, янги ишга киришар экан, мактабни кўтариш ҳақида эмас, балки, унинг ютуқларини мустаҳкамлаш ҳақида ўйлади. Бунинг учун энг аввало дарс ўтиш, ўқитиш сифатини янада ошириш лозим эди. У янги ўқув йилининг учинчи қуни дарслардан сўнг жамоасини йиғди. Уларни байрам ва янги ўқув йили билан яна бир бор табриклагач, асосий мавзуга ўтиб, аввал мактаб жамоаси олдида турган анъанавий вазифалар ҳақида гапирди, сўнг директор сифатидаги илк режаларини ўртоқлашди. Уни кўпроқ ўзини янги вазифага хурсандчилик билан кутиб олган қадрдонларининг фикр-мулоҳазалари қизиқтирарди. Шу боис муаллимлардан ўқитиш ва умуман мактаб ишини тагин ҳам яхшилаш юзасидан ўз таклифларингизни айтсангизлар, деб илтимос қилди. Сўзга чиққан ўқитувчиларнинг гапларини диққат билан эшитди. Шуъласи сезилган таклифни дарров ён дафтарчасига ёзиб олди. Фикр алмашувга ҳатто яқиндагина ишга қабул қилинган, бир чеккада торгиниб ўтирган ёш муаллимларни ҳам тортди. Уларга «Укажонлар, сингилжонлар, ҳозирги даврнинг ўқитиш амалиёти ва тарбиячиси қандай бўлиши керак ёки сизлар уларни қандай тасаввур этасизлар?» дея мурожаат қилганида, деярли ҳар бири бу ҳақда ўз фикрини айтди.

Кўп ўтмай, директорнинг таклифлари, режалари ва сўзга чиққан ўқитувчиларнинг фикр-мулоҳазалари асосида йиғилиш қарори тайёрланди. Унга кўра, мактабда рейтинг усулига, яъни, ўқувчиларнинг билимини, ўзлаштиришини балл билан баҳолаб бориш тажрибасига ўтиладиган бўлди, ёшидан қатъий назар, ҳар бир муаллимнинг ўз устида доимо қунт билан ишлаши, ўз фани бўйича билимининг мунтазам ошириб бориши шарт қилиб қўйилди, тажрибали ўқитувчиларнинг вақти-вақти билан ёш муаллимларнинг дарсларига кузатувчи сифатида кириб туриш тажрибаси таҳрир қилиниб, маҳорат, малакани ошириш мақсадида, шогирдларнинг устозларнинг машғулотларида қатнашиб туриши амалиёти ҳам жорий этилди. Туман халқ таълими бўлими ва ҳомий ташкилотлар ёрдамида кўргазмали ўқув воситаларини янгилаш, мактаб кутубхонасини янги китоблар ҳисобига бойитиш режалаштирилди. Шунингдек, фақат бадиий ҳаваскорлик билан чегараланиб қолмас-

дан барча фанлар бўйича тўғарақлар ташкил этиш, ҳар чорак якунида энг яхши ўқитувчилар ва синфларни аниқлаб, уларни маънавий, иложи бўлса моддий жиҳатдан рағбатлантириб бориш белгилаб қўйилди.

— Мен шунинг учун хурсандманки, — дейди Мавлуда Собировна, — ўшанда директор сифатидаги бу бошланма ишларимни, яъни, илк режа-дастуриمنى қадрдон жамоамнинг каттаю кичик барча аъзоси бирдай илиқ кутиб олган ва қўллаб-қувватлаган. Биронта-си: «Бу директор этиб тайинганликни билдириш учун қилинган расмий ташаббус» деб ўйламаган. Аксинча, шиддатли даврдан орқада қолмаслик учун тез-тез фаолиятимизга худди шундай синчков кўз билан, танқидий ёндашиб туришимиз шарт, дея режалаштирилган масалаларни адо этишга киришишган.

Уни республика миқёсида тан олинган, олқишланган педагогик, ўқув-тарбиявий тажрибалар ҳам қизиқтирарди. Аниқроғи, Мавлуда Собировна ана шу машҳур тажрибаларни ўзлаштиришни янги муваффақиятлар гарови деб биларди. Уларни ўз жамоаси фаолиятига, амалиётига тезроқ олиб кириш мақсадида республика Халқ таълими вазирлигининг Илмий-тадқиқот институтига, ўқув-услугият Марказига махсус сафар қилди. У ердан тегишли йўл-йўриқлар, маслаҳатлар, тавсиялар олиб қайтгач, мактабда тошкентлик ташаббускор муаллимлар билан учрашув уюштирди. Бу юзмаюз мулоқотларда кейинчалик мамлакатга машҳур маърифатшунослар, яъни, педагогика фани олимлари ҳам иштирок этди. Маърузалар ва савол-жавобларнинг мазмунини асосан «Ҳозирги давр халқ таълими ва тарбиячиси қандай бўлиши керак?» деган саволга малакали, ранг-баранг жавоблар белгиларди.

Янги директор мактабнинг ота-оналар билан бўлган алоқасини янада кучайтиришга ҳаракат қилди. У ота-оналарни ўз жамоаси ҳузурида кутиб оларкан, сўзини: «Сизлар болажонларимизнинг бизгача бўлган илк тарбиячиси, оила муаллимисизлар», деб бошларди. Ота-оналар чин юракдан айтилган бу сўзларни эшитишлари билан қалбларида айрича бир масъулият ҳис қилардилар. Мавлуда Собировна баъзида мулоқотларга мактабни муваффақиятли тутатиб, турли олий ўқув юртларида ўқиётган, амалий фаолият билан машғул бўлган собиқ ўқувчиларнинг ота-оналарини ҳам таклиф қиларди. Бундай кенг қамровли давраларда билдирилган ҳар хил эзгу фикр-мулоҳазалар, таклифлар

мактаб директори томонидан ғоятда малакали умумлаштирилганда, йиғилганлар қалбидаги масъулият беихтиёр «хайрихоҳлик», «яқдиллик», «қўмакчилик» деган бурчга айланарди!

• • •

Саксонинчи йилларнинг иккинчи ярим йиллигига келиб, 273-мактаб Юнусобод туманининггина эмас, балки, бутун Тошкент шаҳрининг энг илғор таълим масканларидан бири сифатида доврўф таратди. Таълимшунос олим ва айни вақтда ўзига хос қалам соҳиби бўлган журналист Абдухалил Ҳабибуллаев шундай ҳикоя қилади:

«Юнусободдаги бу мактаб ҳақида «Ўқитувчилар газетаси» (ҳозирги «Маърифат») дан бошқа вақтли матбуот нашрларида ҳам мақолалар эълон қилинди. Шундай газета чиқишларини ўқиб, қолаверса, шаҳар халқ таълими Бошқармаси ва республика Халқ таълими вазири мутасаддиларининг расмий давраларда қилган маърузаларида, учрашувларда энг яхши мактаблар қаторида бу жамоа номи ҳам тез-тез тилга олинаётганини эшитиб, Юнусободга йўл олдим. Мақсадим радиочи дўстларимга бу мактаб ҳақида бирор репортаж ёки мулоқот тайёрлаб бериш эди.

Мактаб ҳовлисига қадам қўйганимда танаффус пайти экан. Лекин, бу ерда бошқа худди шундай жойларда кузатиладиган болаларнинг шовқин-суронини, бақирини-чақирини, қувлашиб юришларини эшитмадим, кўрмадим. Синфдан ташқарига чиққан болаларнинг бир қисми ҳовлидаги ўтириқда дам олиб ўтиришарди, бир қисми эса, тик турганича гаплашиб туришарди. Уларнинг менга берган саломи ҳам ўзларидай ширин эди.

Мени директор хонасида кутиб олган аёлнинг истараси шунчалик иссиқ эдики, буни сўз билан ифодалаш қийин. Бетакрор камтарлигини, одамга ўта меҳрибонлигини кўрганимда, беихтиёр бундай улўф хислату фазилатларнинг чинакам рамзи бўлган Зулфия опа, Зарифа опаларни эсладим.

Мақсадимни эшитгач, Мавлуда опа сохталикдан бутунлай йироқ ўша камтарлик билан:

— Қандай бўларкин, домла, сешанба куни «Тошкент оқшоми» мактабимиз ҳақида мақола эълон қилганди, ноқулай бўлмасмикин? — деди.

Мен бу материал радиода кетишини, иккинчидан, жанри мулоқот бўлишини айтдим. Шунда Опа суҳбатга рози бўлиб, саволларингизга сиз кутгандай жавоб беролмасам, айбга буюрмайсиз, деб қўйди.

Ишга киришиб, тасмага ёзишни бошлаганимда юз, кўзларидан нурзиё, тилидан меҳр шундоқ ёғилиб турган мактаб директорининг жавоблари мен кутгандан ҳам зиёда мазмунли ва тугал бўлди. Масалан, у киши «Дарс ўзлаштирмовчилик ҳоллари учун биринчи навбатда ким кўпроқ айбдор, муаллимми, оилами, ўқувчининг ўзими?» деган саволга қуйидагича жавоб берди:

— Сабабни кўпроқ ўқитувчидан қидирмоқ керак. Унинг айбдорлиги оиланинг, яъни, ота-онанинг ўқувчи боласига бўлган эътибори, назорати қониқарлими-йўқмилигини текширмасликдан бошланади. Агар муаллим ўз вақтида ўз ўқувчисининг хонадонига борса, ўзининг масъулиятига ота-онанинг масъулиятини ҳам уйғунлаштира олса, ҳеч қандай ўзлаштирмовчилик юз бермайди. Иккинчидан, ўз дарсига, фанига ўқувчиларнинг барчасини бирдай қизиқтира билмаслик ҳам ўзлаштирмовчиликни келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳар қандай муаллимда албатта ўзига хос сеҳр билан йўғрилган касб маҳорати бўлиши шарт. Учинчидан, сизлар, радиочилар тез-тез таъкидлаганларидек, ҳар бола бир дунё. Ана шу оламга сайр қила билмаслик, аниқроғи, уни кашф эта олмаслик ҳам ўзлаштирмовчиликка сабаб бўлади. Ўқитувчи, шоирлар тили билан айтганда, ўзига хос ўқувчишунос бўлишга мажбур.

— Мактабни аъло баҳолар, Олтин медаль билан битирган ёшларнинг айримлари «таянчи» йўқлиги учун олий илм масканларига киришолмай қоляпти, уларни йиқитишяпти, деган эътирозлар тўғрими?

— Менимча, мутлақо нотўғри. Бўш болаларни эгри йўллар билан институтга ёки университетга киритиш мумкин. Лекин, чинакам билимли, яъни, аъло баҳолари, Олтин медали ҳаққоний бўлган абитуриентни ҳеч ким ҳеч қачон йиқитолмайди! Мана, масалан, бизнинг мактабни битириб чиқаётганларнинг қарийб саксон фоизи ҳар йили олий илм масканларига ўқишга кирапти. Уларни ҳеч ким йиқитгани йўқ.

Мавлуда опа режалари ҳақидаги саволимга жавобини яқунлаётиб, «яна битта эзгу ниятимиз бор, у тўғрида мавриди келганда, кейинроқ гапирарман», деб қўйди. Бу таклиф менга ҳам ёқди. Негаки ана шу эзгу ният билан қизиқиш мени бу дилбар ва фидойи аёл билан яна учраштиради!»

Мавлуда Собировна тадқиқотчи журналистдан сир тутган ниятини амалга оширишга киришиш мақсадида 1989 йилнинг октябрь кунларининг бирида Иккинчи Тошкент Давлат тиббиёт институтига борди. Ректор йўқ экан. Унинг муовини Марат Даминов қабулига кирди. Мактаб директориман дедингизми, деб сўраган котиба қиз ичкарига кириб чиққач, марҳамат, опа, домла сизни таклиф қиляптилар, деди.

Проректор уни: «бизга талаба тайёрлаб берадиган муаллимлар келадию, қабул қилмаймизми?» дея илиқ кутиб олди. Ўзини таништириб, сўрашишгандан сўнг, Мавлуда Собировна дарров, хўш, хизмат, деган сўзни кутмасдан асосий муддаога ўтди:

— Домла, бизнинг мактабда кимё ва биология фанларини ўқитиш жудаям яхши. Чунки, шу дарсларни ўтадиган муаллимларимиз ғоятда тажрибали, ўз соҳасини пухта билишади. Ўқувчиларимизда эса, кимё ва биологияга, қолаверса, тиббиётга қизиқиш ниҳоятда кучли. Шуларни ҳисобга олиб, мактабимизда кимё-биологияга ихтисослаштирилган гуруҳ ташкил қилмоқчи эдик. Шунинг учун сизлардан битта биолог олим сўраб келдим. Агар хўп десангизлар, у киши ҳафтанинг маълум кунлари бизга бориб дарс ўтиб келади. Муаллим — муаллим, олим — олимда. Хизматига албатта ҳақ тўлаймиз. Мақсадимиз сизларга бир мунча тайёр, яъни тиббиётбоп ёшларни тайёрлаб бериш. Шунга нима дейсиз?

— Аввало ниятингизни табриклайман, синглим, — деди кутилмаган таклифдан хурсанд бўлган проректор. — Қанийди республикамиздаги ҳамма ўқитувчилар, директорлар ҳам сиздай жонкуяр, яъни, ўқувчисининг мактабдан кейинги тақдирини ҳам ўйлайдиган бўлишса. Афсуски, «Сенга битта аттестат берсам бўлдимми?» дегувчиларнинг сони тобора кўпайиб кетяпти. Уларнинг «садақа» аттестатидан кейинги жабри биз, институтчилар, университетчилар тортаяпмиз. Шунинг учун сизнинг таклифингизга ҳеч иккиланмасдан қўшилаемиз. Фақат бир нарса, индинга мактабингизга аввал ўзим бораман, жамоангиз ва болалар билан танишаман. Буни асло текшириш деб ўйламанг. Менда шундай ҳавас пайдо бўлди!

Бир кун ўтиб, тиббиёт институтининг проректори Мавлуда Собировнанинг мактабига ташриф буюрди.

Ихтисослаштиришга мўлжалланган гуруҳ ўқувчилари ва муаллимлар билан суҳбатлашди. Мактабнинг кимё-биология лабораторияси билан танишаётганда «Мавлудахон, сиз ўша куни бежизга лабораториямизни бир кўринг, демаган экансиз-да, худди профессионал илм масканлариникидек», дея унга баҳо берди. Хайрлашаётганда:

— Синглим, ҳамкорлигимизни сиз бизга борган кундан бошланган деб ҳисоблайверинг, — деди...

Эртасига мактабда ота-оналар қўмитаси аъзолари билан навбатдаги анъанавий йиғилиш бўлди. Унинг иштирокчилари Мавлуда Собировнадан мактабда Иккинчи Тошкент Давлат тиббиёт институти билан ҳамкорликда кимё-биологияга ихтисослаштирилган гуруҳ ташкил этишга қарор қилинганини эшитишганда бир овоздан «Ҳоятда улуғ иш бошлабсиз, барака топинг, опа» дея хурсанд бўлишди. Фарзандини мактабдан сўнг тиббиёт институтида ўқитишни орзу қилиб юрганларнинг шодлиги эса, бир олам эди.

Кўп ўтмай, тиббиёт институтидан дарс ўтиш учун мактабга келган доцент директорнинг ташаббуси билан махсус кутиб олинди.

Мавлуда Собировна навбатдаги ўқув йили бошланиши арафасида Собир Раҳимов туманидаги Уста Ширин кўчасида жойлашган махсус ҳунар-техника билим юртининг директори Владимир Риедин ҳузурига борди. Унга ўз мактабида ҳунар ўрганишга йўналтирилган гуруҳ ташкил этмоқчилигини айтиб, ўқитувчилардан ёрдам беришини илтимос қилди. Директор юборилажак вакиллари ҳафтада атиги бир кунга керак бўлишини, ўқиш икки йил давом этишини эшитиб, «бўпти, ҳамкорликка розиман, сизлардан усталаримиз айлансин», деди.

Гуруҳ иш бошлаганда унинг илк машғулотларини Владимир Ивановичнинг ўзи ҳам келиб кўрди. Болаларнинг ҳунарга бўлган қизиқиш-иштиёқлари астойдиллигидан севинганидан улар ҳузурда дарс ҳам ўтди. Кейинчалик, ўзи раҳбарлик қилаётган ҳунар-техника билим юрти ёрдамида Юнусобод туманидаги 273-ўрта мактабда 1990—1995 йилларда 200 дан ортиқ бўёқчи, авточилангар, яна шунча тикувчи тайёрлангани катта бир даврада тилга олинганида, у, «бу биринчи навбатда ташаббускор мактаб директори Мавлуда Исматова туфайлидир», деган гапни ўша куни ўша минбарда айтди!

Ташаббускор директорнинг Тошкент автомобил ва йўллар институтининг ректори С. Пўлатов билан мулоқоти қизиқ бошланди. Котибасидан ҳузурига кирмоқчи бўлган аёл мактаб директори эканлигини билган олий илм маскани етакчиси уни ўзлари қарашиб турадиган мактабларнинг биронтасидан бўлса керак, деб ўйлади шекилли, дарров:

— Келинг, синглим, нима ёрдам керак, партами, стол-стулми? — деди.

Шунда Мавлуда Собировна:

— Йўқ, домла, мен бошқа бир илтимос билан келгандим, — деб адресини айтиб, ўзини таништирди.

— Э, Мавлудахон, сиз бизнинг қизимизга қайси тумандан келганлигингизни, исм-фамилиянгизни айтмабсиз-да, узр, мен сизни ўзимизга яқин, баъзида парта-марта, стол-пистоллардан ёрдам сўраб турадиган мактабларнинг биронтасидан деб ўйлабман. Юзмаюз кўришмасак ҳам, сизни, мактабингизни сиртдан биламиз. Мактабда ҳар хил фанларга ихтисослаштирилган гуруҳлар тузаётганликларингиз тўғрисида газеталардан ўқиганмиз. Яқиндагина, шаҳар йиғилишларидан бирида Ҳамидулла Йўлдошев (Тошкент шаҳар Халқ таълими Бошқармаси бошлиғи — *изоҳ*) мактабингиздаги янгиликлар ҳақида алоҳида фахрланиб гапирганини ҳам эшитгандим. Шунинг учун ўзингиз билан кўришганимдан хурсандман. Келинг, синглим, қандай илтимос экан у?

— Хабарингиз бор экан, домла, — деди Мавлуда Собировна ректорнинг самимий муомаласи ва мактаби ҳақида тасавури борлигидан мамнун бўлиб, — ўша синфлар сафида автомобиль ва йўллар мутахассислигига қизиқувчи болаларнинг гуруҳини ҳам ташкил этмоқчи эдик. Шунинг учун сиздан шу соҳада ишловчи битта математик олимни илтимос қилиб келдим. Дарс-машғулот ҳафтада атиги бир марта бўлади. Сизлар билан шундай ҳамкорлик қилсак бўладими, Салим Пўлатович?

— Бўлади, дейишдан олдин сиз сўраб келган математик олимни бир кунга эмас, икки кунга ҳам беришим мумкинлигини айтиб ўтай, синглим, — деди ректор, қандай ажойиб педагогларимиз бор-а, деган мазмунда. — Тиллашев деган тажрибали домламиз бор, фан доктори, сизларга ўша кишини юборамиз. Ўзи жудаям болажон, меҳрибон одам. Лекин, шарт шуки,

директор опа, — самимий кудди мезбон, — мактабни битиргач, болаларимизни бегона қилмайсиз.

Мавлуда Собировнага ректорнинг «болаларимиз» деган сўзи ниҳоятда ёқди. У бу сўздан машхур бир олимнинг, олий илм сардорининг ўзи билан алақачон, кутганидан ҳам зиёда яқдиллигини ҳис қилиб, унинг хузуридан кўнгли тоғдай кўтарилиб чиқди.

1993 йили, яъни, фаолият кўрсатаётган ихтисослаштирилган синфлар автоўл гуруҳи ҳисобига кўпайган кунларнинг бирида 273-мактабга «лицей» мақоми берилганлиги тўғрисида хушхабар таралди. Тиниб-тинчимас директорни, унинг жамоасини ҳамкорлар ҳам биринчилар қаторида табриклашди. Автомобиль ва йўллар институтидан қутлов қўнғироғи бўлганда, Мавлуда Собировна овозни дарров таниди. Табрикни қабул қиларкан;

— Домла, вакилингизнинг қадами ёқди, — дея миннатдорчилик билдирди...

Кўп ўтмай, мактаб муаллимлари, ўқувчилар ва оналар фидойи директор, Ўзбекистон Республикаси халқ маорифи аълочиси Мавлуда Исматовани «Ижодкор ўқитувчи» эътирофи билан қутлади!

Бундай эътирофлардан руҳланган мактаб жамоаси ўқитиш ва тарбия ишларининг сифатини республика даражасига кўтаришга аҳд қилди. Айни вақтда ёшларга ҳунар ўргатиш ва уларни махсус йўналишлар бўйича тарбиялаб чиқариш борасидаги изланишларини янада кучайтирди. Масалан, мактаб лицей сифатида фаолият кўрсата бошлаган кунлардан эътиборан Тошкент болалар касалликлари институти билан ҳамкорликда «Педиатрия», Молия институти билан ҳамкорликда «Иқтисодиёт» гуруҳлари ҳам ташкил этилди. Молия институти билан тузилган 7 соатлик дастурга кўра, Ф. Одилов, М. Фуломова, О. Абдуваҳобов каби таниқли олим ва тадқиқотчилар болаларга иқтисод, маркетинг, менежмент, бизнес мавзулари бўйича дарс-машғулотлар олиб боришди.

Зийрак халқимиз инсонпарвар Президентимиз бор бўлган бизнинг Ватанимизда ибратли меҳнатсеварлик, ташаббускорлик, фидойилик ҳеч қачон рағбатсиз, эъзоз-эътирофсиз қолмайди. 1995 йилга келиб, республиканинг энг илғор таълим масканларидан бири сифатида танилган 273-мактаб Ўзбекистон Мустақиллигининг қутлуғ 4 йиллиги арафасида «Йилнинг энг яхши мактаби» деб эълон қилинди. Тўртта

ўқитувчиси «Халқ таълими аълочиси», олгита муаллими «Халқ таълими фидойиси» кўкрак нишонлари билан тақдирланди. Янгиликка ўч, ўз касбининг чинакам фидойиси бўлган директор Мавлуда Исматова эса, Юртбошимизнинг Фармониغا биноан «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси» деган юксак унвонга сазовор бўлди.

Фармонни эшитиб, газетадан ўқиб, телерадиожурналист дўстим Нуриддин Аминжонов билан Мавлуда Собировнани табриклагани Юнусободга бордик. Опани қутлагани келганлар кўп эди. Уларнинг орасида бир неча таниқли кишини, жумладан, кимё фанлари доктори Қўчқор Аҳмедов, техника фанлари доктори Қобилжон Тўлаганов ва бошқаларни учратдик. Биз бу олимларни мактаб билан ҳамкорлик қилаётган илм масканларидан деб ўйладик. Кейин билсак, улар Мавлуда Исматованинг қўлида таҳсил кўрган шогирдлари экан.

...Ҳамроҳим «куруқ қайтмайлик» деди-да, Мавлуда опадан радио учун қисқача интервью беришини илтимос қилди. У киши йўқ демади.

Мавлуда Собировнанинг Халқ ўқитувчиси сифатида республика радиосига берган ўша биринчи интервьюси ҳамон ёдимда:

«Бу юксак мукофот фақат менга эмас, балки, бутун жамоамизга, унинг каттадан кичик барча аъзоларига кўрсатилган ҳурмат-эъзоздир. Бундай эътирофга сазовор бўлган муваффақиятларга эришувимда ота-оналарнинг, улар кўмитасининг, мактабимиз билан ҳамкорлик қилаётган илм масканлари жамоаларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор, деб ҳисоблайман. Энг асосийси, бундай мукофотни Аҳрор Тўлаганов, Маъруфа Ҳайдарова, Хурсаной Мўминова, Мунира Толипова, Маҳсума Аҳмедова, Мунира Исроилова, Қутби Усмонова, Пўлат Собиров, Дилором Муродова каби ўз касбига ғоятда садоқатли, моҳир ҳамкасбларимнинг ишонч-далдаларисиз, меҳнатларисиз, кўмаklarисиз тасаввур қилолмайман».

Ҳа, Мавлуда Исматова ана шундай беназир жамоапарвар, яъни, ҳар қандай шароитда ҳам бирга ишлайдиганлари меҳнатини алоҳида қадрлайдиган, фақат ҳамнафсларини дейдиган, уларга астойил ишонган етакчи.

Унинг бу ибратли ишончини айни вақтда мактаб жамоасининг каттадан-кичик ҳар бир аъзоси бирдай яхши билади ва эъзозлайди. Ҳар бири директор,

қолаверса, у улуғлаётган табаррук муаллимлик касби олдида ўзини айрича бурчли ва масъулиятли ҳисоблайди. Шу боисдан ўз устида ишлашни биронтаси ҳам тўхтатган эмас. Касб маҳоратини мунтазам ошириб бориш — улар учун қатъий қоида. Директор шарофати туфайли яратилган ажойиб қўшимча имконият — илм аҳли билан яқинлиқдан ҳам иложи борича самарали фойдаланишга интиладилар.

Мавлуда Собировна илм масканлари ва намоёндалари билан бўлган ҳамкорликни 1996 йилда республика Доришунослик-тиббиёт институти, 1997 йилда Тошкент Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультети хайрихоҳлиги ҳисобига кенгайтирди. Исмаатованинг янгиликларидан хабардор бу илм масканларининг раҳбарлари таклифни эшитишлари билан унга рози бўлишди. Масалан, Доришунослик олий мактаби ёрдами билан тузилган ихтисослаштирилган гуруҳга кимё фанлари номзоди Раҳимжон Асланбеков, биолог тадқиқотчи Чапай Асабоевлар дарс ўта бошлади. Ҳуқуқшуносликка қизиқувчи иқтидорли болаларга сабоқ беришни эса, университетнинг таниқли домласи, фан доктори Орол Эрназаров ўз зиммасига олди.

Республикаимизда Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш бўйича комиссия тузилганда унинг таркибига халқ таълими фидойиси Мавлуда Исматова ҳам биринчилар қаторида киритилди.

— Комиссиянинг илк йиғилишини бир умр ёдимдан чиқармайман, — дейди у. — Чунки, унда мен, оддий бир ўқитувчи Юртбошимиз билан бир даврада, бир стол атрофида ўтириб, юзма-юз суҳбатлашиш бахтига муяссар бўлганман! Чунки, менга ўшанда Президентимизнинг «Директор опа, сиз ҳам ўзингизнинг мулоҳазаларингизни айтсангиз», деган табаррук мурожаати насиб этган. Эътибор бердингизми? «Директор опа» деган менга муҳтарам Ислом Абдуваниевич. Бундан ортиқ меҳрибонлик, ҳурмат бўладими кишига! Биласизми, ўшанда чексиз хурсанд бўлганимдан, ҳаяжонланганимдан, қандай ажойиб давлат раҳбаримиз бор-а, деб тўлқинланганим-фахрланганимдан, мактабга болаларни энди иложи бўлса, еттиданмас, олти ёшдан қабул қилиш керак, дарсликларнинг муаллифлари қаторига бевосита амалиётчилар, яъни, ўқитувчиларни ҳам қўшиш лозим, деган илтимос-таклифларни қандай ҳолатда айтганимни ҳануз эслолмайман.

Лекин президентимизнинг йиғилишда айтган сўзларини унутганмасман. Ҳар бир сўзи, урғу-таъкиди қулоғим тагида ҳамон жаранглаб, фаолликка, изланишга, фидойиликка даъват этиб турибди. Биз, йиғилиш иштирокчилари шунинг учун алоҳида миннатдор ва қўйил эдикки, ўшанда Йўлбошчимиз кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мазмун-моҳияти, бу эзгу ишга алоқадор, жалб қилинган кишиларнинг долзарб вазифалари ҳақида куюнчаклик билан гапираркан, миллий таълим тизими ва унинг аҳволини буюк бир маърифатпарвар, маърифатшунос сифатида ғоятда чуқур таҳлил қилиб, бу борада амалга ошириладиган ислохотларни атрофлича изоҳлаб, шарҳлаб берган. Халқ таълимининг бир вакили сифатида шуни баралла айта оламанки, кадрлар тайёрлашнинг миллий дастурини ҳаётга тадбиқ этишдаги бугунги муваффақиятлар энг аввало 1998 йил 23 январда бўлган ўша илк йиғилишда Юртбошимиз берган мумтоз маслаҳатлар, йўл-йўриқлар ва тавсияларнинг самарасидир!

Мамлакатимиз маънавий-маърифий ҳаётда ўзига хос воқеа бўлган бу йиғилишни биз, ижодкорлар ҳам телевизор экранларидан кўрганмиз, батафсил ҳисоботини газеталардан ўқиганмиз. Ўшанда давлатимиз раҳбари учрашувни якунлаётиб, «бу ишда барча зиёлилар, мутахассислар, айниқса, халқ таълимининг тажрибали устозлари алоҳида жонкуярлик кўрсатишларига шубҳа қилмайман», деган.

Юнусободликлар, хусусан, туман таълимчилари, тарбиячилари худди шундай жонкуярликни, кутилганидек, энг аввало Мавлуда Исматовани мисолида кўрдилар. У Комиссия йиғилишида таъкидланган вазифаларни амалга оширишга киришар экан, диққат-эътиборини биринчи гада Президентимиз алоҳида уқтирган омишларга қаратди. Масалан, аввало «муаллимларнинг ўзини замон талаблари асосида янгидан ўқитиш, савиясини ошириш лозим» деган даъватдан келиб чиқиб, республика ўқитувчилар малакасини ошириш институти ва курсларга юборадиган кадрларининг сонини кўпайтиришга интилди. Айни вақтда имкониятга қараб, ўша илм масканлари вакилларининг «кўчма» маърузалари ва лексияларини мактабда, ўз жамоаси ҳузурида уюштиришни қатъий режа қилиб белгилади.

«Билим масканларида ўқув дастурларини янгилаш зарур» деган вазифа таълимшунос олимларга тегишли, бундай қўлланмалар қачон яратилади, деб кутиб ўтир-

масдан, Жаббор Раззоқов, Бахтиёр Омонов каби та-
ниқли ноширлар ёрдамида «миллий маънавият, қад-
риятлар, ота-боболаримизнинг меросига ҳурмат
уйғотадиган, миллий гурур ва ифтихоримизни юксал-
тирадиган, мутахассис бўлишга тайёрлайдиган дастур-
лар»га ҳамоҳанг, уларга ўзига хос «Кириш» бўлиши
мумкин бўлган илмий-оммабоп китоблардан, рисола-
лардан фойдаланишни йўлга қўйди. Мактаб-лицейни
энг замонавий техника ва бошқа зарур жиҳозлар
билан таъминлашда эса, ота-оналар Қўмитасининг
шунингдек, жамоага қадрдон саховатли кишиларнинг,
серҳиммат ҳомийларнинг кўмагига таянди.

Ватанимиз янгиликка ўч, фидойи қизининг изла-
нишларини, бутун республикага ибратли деса арзигу-
лик фаолиятини муносиб тақдирлади. Мустақиллиги-
мизнинг қутлуғ саккиз йиллиги арафасида Мавлуда
Исматовага «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони ва Олтин
Юлдуз медали бериш тўғрисида Президентимиз фар-
мони эълон қилинди.

26 август кuni ушбу табаррук хушхабар муноса-
бати билан Юнусобод туманида тантанали йиғилиш
бўлди. Унда сўзга чиққанлар «Давлат ва халқ олдидаги
ғоят катта хизматлари, Ўзбекистон мустақиллигини
мустақкамлаш, ислохотларни чуқурлаштиришдаги ул-
кан фаолияти, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги
фаол иштироки ҳамда миллий истиқлол ғояларини
амалга оширишга қўшган салмоқли ҳиссаси ва қаҳра-
монона меҳнатлари учун» деган улуғ эътирофга сазо-
вор бўлган маърифат маликасини чин юракдан қутла-
дилар, олқишладилар. Унинг ибратини ўз вақтида
эъозлаган давлатимиз раҳбарига раҳматлар айтишди.

Мен ҳам ана шу фахр ва миннатдорчилик давраси-
да, тантанасида иштирок этиб, Мавлуда Собировнага,
унинг жамоасига ғоятда яқин бўлган икки ажойиб
киши — мактаб ота-оналар қўмитасининг раиси, кимё
фанлари номзоди Аҳроржон Аъзамов ва «Бободехқон»
маҳалласининг раиси Абдунаби Иброҳимов билан суҳ-
батлашдим.

— Мавлуда опа ўзига аталган Олтин юлдузни «бу
энг аввало қадрдон жамоамга берилган мукофот, қола-
верса, у бутун Юнусобод аҳлиники» деди, аслида, маш-
ҳур муаллимаимизнинг ўзи ҳам биз учун — юлдуз, —
дейди Аҳроржон Аъзамов. — Чунки, Истиқлол йилла-
рида энг биринчи бўлиб худди шу киши Юнусободи-
мизга Қаҳрамонли туман деган буюк шаън улашди!

— Биласизми, — дея алоҳида тўлқинланиб гапира бошлади Абдунаби Иброҳимов, — мен ҳозир маҳалла кўмитасига раис бўлганимдан эмас, балки, Мавлуда опанинг собиқ ўқувчиси бўлганимдан кўпроқ фахрданман. Кўмитамиз мактабга эмас, аксинча, мактаб бизга кўпроқ ёрдам берапти, десам ишонаверинг. Чунки, маҳалламиз фаолларидан бир нечтаси Мавлуда опанинг қўлида сабоқ олган зийрак, киришимли, ғоятда маданиятли ва оқибатли одамлардир.

* * *

Мавлуда опанинг Юнусобод туманидаги «Бободехқон» маҳалласида жойлашган хонадонида кечга яқин ҳамма жам бўлади.

Муаллиманинг Тошкентдаги кабель заводида узоқ йиллар самарали ишлаб, пенсияга чиққан турмуш ўртоғи Ҳамидулла ака одатдагидек бутун ҳам севикли неваралари — Бурхонулла ва Билолхонни кўчада ўйнатиб қайтди. Келини тўшаб қўйган қалин кўрпачага ёнбошлаган ҳам эдики, хонага изидан кетма-кет, аввал ўғли Сурагулла, кейин қизлари — Яшнархон, Яйрахонлар «ада, яхши айланиб келдингизларми» деб кириб келишди.

— Ишқилиб, биронтаси мактабга қўнғироқ қилишмаган бўлса бўлди, — деди Сурагулла ўтираркан. — Хушхабарни ойим бизлардан эшитгани маъқул.

— Мен ҳам шу фикрдаман, суюнчи бегона бўлмаса бўлди. — Самимий жилмайди Ҳамидулла ака.

Кўп ўтмай ҳовли дарвозасининг қўнғироғи жиринглади.

— Ойим!. — Яйрахон акасидан олдин ташқарига отилди.

— Бу янгиликни эгасига етказишда четда қолиб бўладими, — шундай деб ота ҳам фарзандларининг орқасидан ҳовлига чиқди.

Сурагулла: «Фидокорлар миллий демократик партиясининг туман кенгашида ишлайдиган дўстим сайловда энг кўп овоз олиб, Тошкент шаҳар Кенгаши депутати бўлганингизни айтди, онажон!» дея дарров меҳрибон волидасини кучди...

— Сизлар мени табрикладингизлар, мен эса, энди Бурхонжон билан Билни бағримга босаман. — Мавлуда опа шундай деб, ўзига талпиниб турган ширинтойларига қўлини чўзди.

Азиз ўқувчи, қандай ажойиб кишиларга замондош бўлганлигимиздан ифтихор қилсак арзийди: Кўряписизми, атиги уч ярим ой бурун Ватаннинг энг олий унвонига сазовор бўлган аёл, яъни, Ўзбекистон Қаҳрамони энди Халқ депутати сифатида фаолият кўрсатади! Бундай қўшалоқ бахт ҳар кимга ҳам насиб қилавермайди-да!

Мен эса Мавлуда опанинг навбатдаги ютуғидан икки ҳисса фахрдаман. Чунки, у кишининг сайловолди учрашувларида ишончли вакиллардан бири сифатида иштирок этиб, қуйидаги шеъримни ўқиб бердим:

Соғлом авлод десанг агар,
Боланг ғамин есанг агар,
Бир қарорга келсанг агар,
Овоз бергин муаллимга.

Келажакни буюк кўрай,
Юртни яна улуғ кўрай,
Миллатимни суюк кўрай
Десанг, қўлла муаллимни.

Ўзбек деган ўзлигингни,
Мард, танги, бир сўзлигингни,
Доим ёруғ юзлигингни
Десанг, қўлла муаллимни.


«Устоз — улуғ!» деган пирни,
Яъни, Темур, Шоҳ Бобурни,
Яъсавию Хондамирни
Десанг, қўлла муаллимни.

Бизга лойиқ бўлсин ёшлар,
Баркамолли бўлсин ёшлар,
Садоқатли бўлсин ёшлар
Десанг, қўлла муаллимни.

Қаҳрамоннинг таклифлари
Кенгашларда зўр овоздир.
Шул овозни олай десанг,
Тезроқ қўлла муаллимни.

ҚИЗИЛҚУМ ЧИНОРИ

ҚАДРОНЛИК



Одатда ҳоким ёки вазирларнинг қабул кунлари ҳеч қачон шанба куни бўлмайди. Лекин «Қизилқумнодирметалл» Давлат концернининг вазир мақоми берилган раиси, Навоий кон-металлургия комбинатининг директори Николай Иванович Кучерскийнинг вилоят марказидаги ишхонаси олдида, дам олиш куни бўлсада, уни бир неча киши кутиб турарди. Булар комбинат одамларига ўхшаймайди, балки, Николай Ивановичнинг сайловчиларимикин, деди ҳамроҳим, Навбаҳор тумани-

лик дўстим Абдуваҳоб Пирматов ҳам ажабланиб.

Директор қабулхонасига кўтарилдик. У ерда ҳам, яъни директор котибаси ёнидаги хонада уч-тўрт киши газета қарашиб, биринчи иккинчиси билан секингина гаплашиб, бошлиқни кутиб ўтиришганини кўрдик. Узоқданлигимизни эшитган хушмуомала котиба аёл «Николай Иванович кеча Тошкентда эди, лекин эрта-лаб кўнғироқ қилиб, биринчи рейсга чиқаман, соат ўн бирда ўзимда бўламан дегандилар, соат ўндан ўтятипти, келиб қолсалар керак», деб бизни стулга таклиф этди. Бошқалар қатори кутиб туришга қарор қилдик. Кўп ўтмай, телефон жиринглади. Унинг дастасини кўтарган котиба овозни таниши билан «эшитаман, Николай Иванович», деди. «Шунақами, ҳа, ҳа» деб турган котиба «одамларми, Тошкентдан, газетадан бир меҳмон ва ўзимиздан сизни табриклашгани келган саккиз-ўн киши пойлаб туришганди, хўп, маъқул» деб телефон гўшагини жойига қўйди. Сўнг бизга юзланиб:

— Николай Ивановичнинг Тошкентда ҳам иш кабинетлари бор-ку, билсангизлар керак, ўша жойдан телефон қилди, — деди. — Зарур ишлари чиқиб қолибди,

кутаётганлар бўлса, номидан узр сўраб қўйишимни тайинладилар, кечки рейс билан келар эканлар.

— Галя опа, директор билан гаплашаётганингизда «сизни табриклашгани келишибди» дедингизми, бирон янгилик борми, биз ҳам билиб қўяйлик, — деб сўради котибани танийдиган ҳамроҳим.

— Янгиликмас, индинга, яъни, 21 июль куни Николай Ивановичнинг туғилган куни.

— Демак, биздан бошқа кутаётган дўстларимизнинг барчаси шунга келишган экан-да, — деди Абдуваҳоб, бизнинг ҳам билиб қўйганимиз яхши бўлди, дегандай.

Котиба қўшни хонага ўтиб директорнинг узрини, қачон келишини айтди. Сўнг ёрдамчисини чақириб, ўрнига қўйди-да, бизнинг телефон қилиб туришимизни тайинлаб, хайрлашиб, бекорга кутиб қолишмасин, уларга ҳам айтиб қўяй, деб ҳовлида, эшик ёнида қарашиб турган одамлар олдига чиқиб кетди.

Зинадан тушаётиб ҳамроҳим «комбинатнинг одамларига ўхшамайди», котиба эса, «ўзимиздан» деган кишиларга яна қизиқишим ортди.

— Комбинатда ишламасангиз ҳам Николай Иванович билан қадрдон экансиз-да а, туғилган куни олдидан табриклагани келибсиз? — дедим биттасига.

— Бундай олиб қараганда, бу ажойиб директор Навоийнинг комбинатда ишламайдиган жуда кўп, юзлаб, минглаб одамларига ҳам қадрдон, — деди ўзини хатирчилик ўқитувчи деб таништирган киши. — Чунки, бу серҳиммат раҳбар вилоятимизда жуда кўп инсонларга, жамоаларга яхшилик қилган-да. Масалан, бизнинг туман маорифчилари уни ўзларининг энг яқин кишисидай билишади ва ҳурмат қилишади. Сабаби: Хатирчида бир вақтлар собиқ «дохий»нинг собиқ номи билан аталган хўжалиқда бир йирик мактаб бор. Ўша билим маскани бундан бир неча йил бурун районининг этиборсизлиги, хўжалиқнинг ўз вақтида ёрдам беролмаганлиги туфайли нураш ҳолатига тушиб қолганди. Ўқитувчиларнинг эса, қўллари калта. Нима қилиш керак? Ўзимиз ҳашар йўли билан ўнглаймиз дейишса, қурилиш материаллари йўқ. Озгина топганимиз, лекин пули қимматлилик қилган. Шундай кунларнинг бирида Хатирчига ташриф буюрган Николай Кучерскийнинг кўзи тасодифан шу — бизнинг хароб қолга келиб қолган мактабга тушади. У аҳвол билан

танишгач, болалар ва уларнинг тарбиячилари қийналиб қолибди-ку, бўпти, биз оталиқ ёрдами кўрсатамиз, деб Навоийга қайтиб кетади. Орадан кўп ўтмай, вилоят марказидан махсус қурувчилар бригадаси мошин-мошин материаллар билан келиб, мактабни ремонт қилишни бошлаб юборишган. Биласизми, ўшанда ўқувчилар ва ўқитувчилар 1 сентябрни бекаму кўст таъмирдан чиқарилган, деярли янгиланган мактабда кутиб олишган.

Бундай одамни қадрдон демасдан бўладими, ака?!

Тўғри, Николай Иванович бу ёрдамни биз, ўқитувчиларга депутат сифатида улашган. Лекин, яшириб нима қиламиз, имконияти бўла туриб, аксарият депутатларимиз ҳам шундай олижаноблик кўрсатишмайди ёки кўрсата олмайдилар-да.

Николай Ивановичнинг ҳиммати билан кейинчалик туманимизда яна бир кўп ўринли мактаб таъмирдан чиқарилиб берилган. Бир неча мактабга эса, янги ўқув йили арафасида керакли жиҳозлар, яъни мебеллар совға этилган. Навоий туманига қарашли «Нарпай» хўжалигидаги мактабда ишлайдиган ҳамкасбларимиз ҳам Кучерскийдан доимо миннатдордирлар. Чунки, уларнинг йирик мактабини ҳам Навоий кон-металлургия комбинати ўз ҳисобидан ремонт қилиб берган.

Мухбир бўлсангиз сиз Навоийнинг Баҳринисо опаси, яъни Мунаввара Пардаевани билсангиз керак?

— Ҳа, таниймиз, болалар уйида 14 етимни тарбиялаётган ажойиб аёл, — деди Абдуваҳоб.

— Мана бу синглимиз ўша опанинг шогирди экан, — деди хатирчилик ўқитувчи ҳовлига чиққач, ёнидаги 25—30 ёшлардаги жувонни кўрсатиб.

Шунда шахсан Николай Ивановичнинг ташаббуси билан мазкур болалар уйига микроавтобус берилгани эсимга тушиб:

— Сиз ҳар ҳолда бу ерга «РАФ» билан келган бўлсангиз керак а, синглим? — дедим бироз ҳазил оҳангида.

— Ҳа, биларкансиз, ака. Кучерский бува совға қилган ўша машина жонимизга оро кириб ётибди. Болажонларимизни саёҳатга олиб борамизми, театр ёки байрам томошасига олиб тушамизми, хўжалик ишларимиз бўладими — барисига шу уловимиз тайёр. Илгаригидай ким кўрингандан транспорт сўраб ёки кутиб юрмайдиган бўлганмиз. Миннатдорчилик рамзи

сифатида иқтидорли болажонларимиздан биттаси рангли бўёқда Николай Ивановичнинг портретини чизган эди. Мунаввара опанинг топшириғи билан ўша картинани туғилган кунлари олдидан директор бувамизга топшириб кетай деб олиб келгандим.

Жувон шундай деди-да, қўлидагини стул устига қўйиб, ўзи ўхшайдими, кўрингизларчи, деб махсус мато билан авайлаб ўраб қўйилган портретни очди.

Биз жажжи талантнинг қўли билан мўйқаламда чизилган дуппа-дуруст асарнинг, яъни, ўзимиз танийдиган, кўриб юрган одамга анча ўхшаган тасвирнинг гувоҳи бўлиб, тарбиячини чин дилдан табрикладик. Унинг қуйисида «Бизнинг меҳрибон бобомиз» деган тагсўз ҳам бор эди.

— Николай Ивановичнинг туғилган кунига ҳали икки кун бор экан, ўша куни, яъни, душанбада келаверсангизлар ҳам бўларкан — дедим пастда, эшик олдида турган одамлар билан сўрашишгач. Биз кираётганда эътибор бермаганмизми ёки эшикбон хонасига қўйиб қўйишганми, уларнинг баъзиларининг қўлида гул ҳам бор эди.

— Биринчидан, биласиз, ака, бу киши ниҳоятда ишли, зарур одам, — деди ўрта ёшлардаги бир аёл, — давлат аҳамиятига молик юмушларидан бирортаси кутилмаганда тақозо этиб қолса, бугун — туғилган куним эди, деб уни орқага сурмаслигига ишонамиз. Тўғри, индинга иложи борича ўзида, яъни, иш кабинетида, уйида бўлишга ҳаракат қилади. Чунки, бу гал у киши учун крупний дата — қутлуғ 60 га кираптилар. Шунинг учун, бизнинг бугун барвақт келишимизнинг иккинчи сабаби — душанба куни директор бувани барибир яқиндан табриклай олмаймиз, одам кўп бўлади, ҳатто Тошкентдан, бошқа йирик шаҳарлардан, қардош республикалардан ҳам азиз меҳмонлар келиши аниқ.

— Ҳисобларингизда барибир бир кун бор, эзгу ниятларингизга эртага албатта етасизлар, — дедим уларга ҳам ҳурматим ошиб, ҳам ишонч улашиб.

Блокнот учун уларнинг баъзилари билан ҳам танишиб, қисқача суҳбатлашиб олдим. Бири «Навоизот» бирлашмасининг аппаратчиси Суннатилла Хидиров экан. У, агар истасангиз деди-да, кичик бир воқеани сўзлаб берди:

— Болаларимни боғчага жойлай олмай қийналиб юрган кунларимнинг бирида Нуротадан Навоийга бо-раётиб, бир енгил машинага ўтириб қолдим. Йўлда ке-

таётганда ҳайдовчи «хомуш кўринасиз, биродар, нима, иш оғирми?» деб сўраб қолди. Мен йўқ, йигит кишига, эркак одамга ишнинг оғири бўладими, кайфиятсиз кўринганимнинг сабаби бошқа, ака, учта ёш боламиз бор, бирортасини ҳам боғчага жойлай олмаяпман, дедим. Шунда, манзилга етиб машинадан тушаётганимда, орқа ўриндиқда ўтирган, ёши эликлардан ошган, сочлари бироз оқарган киши «ука, сиз менинг қабулимга ўтиб, бир учрашинг, ёрдамни уюштирамиз», деб қолди. Ўша куни ишдан чиқибоқ айтилган адрес бўйича бордим. Мени ўз ҳузурига таклиф этган одам Навоий кон-металлургия комбинатининг директори Николай Кучерский экан. У киши мени ўтиришга таклиф этди-да, дарров бир жойга телефон қилиб, боя айтган укамиз мана келди, ҳозир ёнимда ўтирибди, фамилияси Хидиров экан, ўзингизга бориб учрашади, деб тайинлади. Эртаси куни болаларимнинг иккитасини боғчага олишди. Тўғри, бир қарашда мазкур мисол сизга ҳам, бошқа одамларга ҳам оддий, арзимас нарсасдек туюлади. Лекин, акахон, бу катта ҳақиқатни — инсоннинг инсонга оқибатини тасдиқловчи ёрқин фактдир!

Ўшанда Николай Иванович менга кон-металлургия комбинатининг директори сифатида эмас, балки, депутат сифатида ёрдам берганди. Ҳолбуки, буни мен илтимос қилган эмасдим.

— Мен бу ерга барвақт келганимизнинг сабабини айтиб, ўзим нима учун келганим тўғрисида сизга гапирмабман, — деди ўрта ёшлардаги аёл, — халқимизнинг «Азиз бўлса — одамнинг, яхши кунда йўқлагин», деган ажойиб ҳикматли сўзи бор. Туғилган куни арафасида Николай Ивановични истаб келишимнинг боиси — опам А. Носирова оиласининг қутловини етказиш эди. Биласизми, бир неча йил бурун у кишининг кекса турмуш ўртоғи, поччамиз тўсатдан қаттиқ бетоб бўлиб қолди. Дўхтирлар текшириб кўришиб, касални операция қутқариши мумкин, деган хулосага келишди. Бундай операция эса, фақат олис Москвадаги бир махсус клиникада қилинар экан. Касални у ерга самолётда олиб бориб, операция қилдириб, қайтариб олиб келиш учун катта пул керак эди. Опам бечора моддий кўмак сўраб, қариндош-уруғларига, тегишли идораларга, собесларга мурожаат қилди. Биронтасидан вручат қиладиган садо чиқмади. Вақт ўтиб борарди. «Нима қилиш керак?» Ич-ичидан шундай деб эзилиб юрган кунларининг бирида бир тани-

ши опамга Николай Кучерскийга учрашишни маслаҳат беради. Опамни қабул қилиб, дардини тинглаган мана шу барака топкур директор одамларини чақириб, «бу опамизга керакли ёрдамни дарров уюштириб берингизлар», дейди. Ўшанда комбинат ҳатто касални самолётга чиқариб қўйишгача қарашган, яъни, машина берган. Шу ҳимматнинг шарофати билан опам чолини бир ўлимдан сақлаб қолган.

Бундай яхшиликни унутиб бўладими, акажон! Опам «Чортоқ»да эди, уйимга телефон қилиб, «Николай Ивановични биринчилар қаторида тўйлари билан менинг номимдан табриклаб қўй», дегандилар.

«Фарҳод» маданият саройи тўтарагининг қатнашчиси бўлган Игорь Смирнов яқинда машҳур япон оқроялига эга бўлишганини, Николай Иванович ёрдам бермаганида бундай замонавий мумтоз чолгу асбобига эга бўлиш тугул, унинг ҳақида ҳатто хаёл ҳам қила олмасликлари тўғрисида тўлқинланиб, фахрланиб ҳикоя қилди.

Янги танишлар билан хайрлашиб турган эдик, рўпарамизга енгил машина келиб тўхтади.

— Иброҳим Норов-ку, — деди ундан тушаётган кишини дарров таниган ҳамроҳим, — вилоятнинг бош кайвониси, меҳнат фахрийлари ва ветеранлар «Нуроний» жамғармаси Навоий бўлимининг раиси.

— Николай Иванович бормикин, Ваҳобжон, — деди отахон сўрашгач.

— Йўқ, Тошкентда экан, кечқурун келармиш. Бирон тадбир бормиди, устоз?

— Қарияларда тадбир нима қилади, ука, — деб самимий кулди Иброҳим ота. — Иккита акахонимизга санаторияга путёвка тўғрилашда Николай Иванович бизни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаганди. Ҳатто қайси санаторияга боришни ҳам ўзи маслаҳат берганди. Бугун қарияларимиз шифоланаётган жойларидан телефон қилишди. Уларга сиҳатгоҳ жудаям ёқибди. Шунини қадрдонимга айтиб қўяй деб, йўл-йўлакай бу ерга киргандим.

Кучерский Иброҳим ота ва унинг икки ветеранининггина эмас, балки, бутун навоийлик меҳнат фахрийлари ва уруш иштирокчиларининг қадрдони эканлигини билардим. Навбатдаги Ғалаба байрами арафасида шахсан директорнинг ташаббуси билан комбинат уларнинг жамғармасига 220 минг сўм ўтказгани ҳақидаги хабарни республика газетасидан ўқигандим.

Бир одамнинг шунча қадрдони... Бир одамнинг ўзгаларга шунча яхшилиги... Шунда беихтиёр буюк Рудакийнинг қуйидаги машҳур сатрларини эсладим:

Шу оддий кўз билан боқмагил, балки,
Ақл кўзи билан боққил жаҳонга.
Жаҳон дарё эрур, яхши ишингдан
Кема ясаб ўтгил нари томонга.

Ҳа, Николай Иванович Кучерский ҳаёти давомида шарқлик мутафаккирнинг бу улуғ ўғит-ҳикматига амал қилиб, «яхши иш»дан кемалар ясаган, бунёд этаётган ана шундай ажойиб инсондир!

«КЕЧ КЕЛСА-ДА, ЎТЯПТИ»

Мен Николай Иванович Кучерский ҳақидаги очерк-кимни нима учун унинг атрофидагиларга кўрсатган ҳимматлари мисолидан бошладим? Аллома донишмандлардан бири «Ўзга одамларга буюк олижаноблик намойиш этган сиймолар, билингки, энг аввало оиласига, ёру дўстларига, ёнма-ён, қўл остида ишлайдиган кишиларга нисбатан ўта меҳрибон, оқибатли бўладилар; бундай юксак инсоний хислатлар эса, ҳар қандай замонда жамият ривожининг, одамлар ҳаёти равнақининг шарти бўлган ҳар қандай иш жараёнида кўрсаткичларни барқарор қилади ва шу боис улардан олдин юради, баланд туради», деган.

Николай Кучерскийнинг ҳаёти ва фаолияти бу ҳикматнинг ўзига хос бетакрор исботидир. Яъни, инсонга эътибор ва яхшилик унинг муваффақиятларида бош омил саналади. Буни мендан бошқалар ҳам, ҳамкасбларим ҳам, қолаверса, таниқли кучерскийшунослар ҳам бир овоздан эътироф этишган ва таъкидлашган.

Ёш Николайга бу қутлуғ хислат эса қон билан кирган...

Бундан бир неча йил бурун, яъни, собиқ шўролар даврида Москва телевиденияси ўзининг «Бахтиёр аёл» кўрсатувининг бир сонини Украинанинг Донецк вилоятига бағишлади. Унинг бошида ҳамкасбларимиз Мариупол шаҳрида яшайдиган Кучерскийлар оиласининг онахони Мария Ивановна ҳақида ҳикоя қилишди. Аввал тележурналистлар бахтиёр момонинг қўшниларига, тенгдошларига, бирга ишлаган қадрдонларига сўз беришди. Уларнинг деярли ҳар бири сўзини «Мария

Ивановна одамларга ниҳоятда меҳрибон» деган дил эътирофидан бошларди. Бири ҳатто конкрет мисоллар билан гапириб, «шунинг учун бу аёлни, опамизни бемалол яхшиликнинг ўзига хос ажойиб тимсоли дейиш мумкин» деган. Шаҳар хотин-қизлар қўмита-сининг маслаҳатчиси деб таништирилган бир аёл тўлқинланиб: «масалан, қаттол уруш йиллари агар Кучерскийлар хонадони, айниқса, Мария Ивановна бизга ўз вақтида меҳр-оқибат кўрсатмаганида, ёрдам бермаганида оиламиздан бирон киши омон қолмасди, ишонаверинг», деган чин юрак сўзини айтган. Учинчи бир аёл кўрсатув қаҳрамонининг одамийлиги ҳақида гапиратиб, бирга ишлайдиган хотинлардан биттаси пенсияга чиқиш арафасида тўсатдан қаттиқ касалга чалиниб ётиб қолганида Мария Ивановна иш сменасидан бўш вақтида унинг учун ҳам ишлаб, дугонасининг нафақага чиқиш ҳужжатларини тўғрилаб берганини мисол қилиб келтирди.

Мария Ивановнанинг ўзи билан суҳбат қилинганда, у киши самимий, чиройли кулиб: «Оиланинг рўзгорбо-шисига жуфти ҳалол, фарзандларимга она, шажарамиздагиларга қариндош бўлиб яхшилик қилганимдан хурсандман, яъни, умримдан розиман, агар ўзгаларга ҳам меҳр-оқибат, яхшилик қилишга улгурган бўлсам, ҳаётимдан кўш карра мамнунман, розиман» деган.

Ўшанда ҳамкасбларимиз кўрсатувни «Ҳа, Мария Ивановнанинг кўшниси ниҳоятда ҳақ гапни айтди, чинданам мариуполлик бу онахонимиз яхшиликнинг бетакрор тимсолига айланган бахтиёр аёлдир!» деган хулоса билан тугатишган.

Болалигиданоқ тенгқурларидан ниҳоятда одоблили-ги, зийраклиги, синчковлиги билан ажралиб турадиган Николай худди шу она бағрида, одамларга оқибатли оила деб танилган хонадонда ўсиб, вояга етди!

Ўрта мактабнинг юқори синфларида ўқиб юраркан, у билим масканида дарсдан сўнг бир муҳандис раҳбарлигида фаолият кўрсатаётган «Ёш техниклар» тўғарагига қунт билан, астойдил қатнашди. Мактабни тугатгач, бир йил ушбу тўғарақда ўрганган электрмон-тёрлик касби бўйича шугулланди. Янаги йили Днепропетровскдаги кончилик институтига ҳужжат топшириб, кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтди.

Институтнинг учинчи курсида ўқиб юрган кезлари Ўзбекистонда махсус кон-металлургия комбинати тузилганини эшитди. Дўстлари билан шу мавзуда гап

бўлганида биттаси: «Комбинатчилар изланиш олиб бораётган жойлар одам зоти йўламайдиган, 50—60 градусча иссиқ, жазирама бўладиган, муттасил шафқатсиз шамол-довулар эсиб турадиган чўлу саҳролардан иборат эмиш, номидан ҳам билса бўлади, Қизилқум — Красные пески, Учқудуқ — Три колодца, дегани экан. Демак, у ерларда ишлаш оғир» деган. Шунда Николай «конлар ўшанақа оғир, мураккаб жойлардан қидириб топилмаса ёки ноёб металллар ўшандай ерларнинг жинсларидан ажратиб олинмаса, кончиликнинг қизиғи, гашти бўладими?» деб фикр билдирган.

Давлат комиссияси, институт раҳбарияти бўлажак кон муҳандиси — шахта қурувчисининг бу гапини эшитгандай, дипломни қўлга олиши билан унга худди шу жойга — Ўзбекистонга, Кон-металлургия комбинати ихтиёрига йўланма беришди. Йигирма тўрт ёшли навқирон мутахассисни дарров Учқудуққа кон мастери қилиб ишга юборишди.

— Институтда ўқиб юрган йиллари эшитганимдай, Учқудуқ ҳақиқатан ҳам жазираманинг, иссиқликнинг тенгсиз маскани эди, — дейди Николай Иванович илк ташрифи йилларини эслаб. — Лекин, мен бу ерда ҳеч қандай қийналиш сезмаганман. Чунки, Осиё, Ўзбекистон қуёшининг тафти ўтганиданми ёки юққаниданми, учқудуқликларнинг одамга меҳри, муомаласи ғоятда илқ, иссиқ эди!

Ҳар бир ҳаракати, қизиқишидан танлаган касбига муҳаббати нечоғлик кучлилиги ёрқин кўриниб турган, мутахассисликни пухта ўзлаштирганлигини илк кунлариданоқ намоёиш этган ёш муҳандис қисқа фурсатда учқудуқлик кончилар даврасига қўшилиб, улар билан ака-ука, устоз-шоғирд бўлиб кетди. Кон қидирувчилар ўз сафларига ниҳоятда маданиятли, киришимли, ўз ишига айрича садоқатли мастер қўшилганидан хурсанд эдилар. У биринчи куниданоқ Леонид Демичдек тажрибали, моҳир кон муҳандисининг этагидан тутди. Ундан касбнинг бевосита амалиёт жараёнида ўрганиладиган сирларини ўзлаштирди. Айни вақтда илк устоздан умуман Учқудуқ, Қизилқум мураккабликлари, шартлари ҳақида тўла маълумот олди.

Кўп ўтмай улар ишлаётган очик карьерга комбинат директори Зараб Зарапетян ташриф буюрди. У асосан бу ерга ўзи йўллаган янги ёш кадрларидан хабар олгани келган эди. Директор Николай Ивановични кўриш билан:

— Карманга кечикиб келган Кучерский (Николай Днепропетровскдан Навойга қандайдир сабаб билан курсдошларидан кейинроқ келган эди), ишлар қалай, яна орқада қолиш бўлмаяптими ишқилиб? — деди.

Шунда Л. Демич:

— Йўқ, Зараб Петросович, аксинча, бу йигит касб маҳоратини эгаллашда бошқа тенгдошларидан ўтиб кетяпти, — деб унинг учун жавоб берди.

— Шундай бўлиши керак. Чунки, бу йигит биз учун Кучерский эмас, Николай! — деди ҳазиллашиб улур шогирдпарварлиги билан ҳам ажралиб турадиган Зарапетян.

Директор қайтаётганда унга:

— Сен Леонид Михайловични янада маҳкамроқ ушла, кам бўлмайсан, — деб тайинлади.

Николай комбинат бош кайвонисининг айтганига қаттиқ амал қилди. Кейинчалик, Биринчи карьерда 1-ротор комплексининг фойдали қазилма қовлаб олинган жойларида яна бир моҳир кон муҳандиси — Олег Мальгин билан ҳам танишди. Тошкент политехника институтининг собиқ талабаси бўлган бу фидойи кончининг иш стажини унчалик катта бўлмаса-да, карьерда обрў-ҳурмати билади эди. Расмий йиғинларга мунтазам иштирок этарди. У ана шундай давраларнинг бирида ёш, истиқболли, изланувчан мутахассислар ҳақида гапирганида Николай Кучерскийнинг номини биринчилар қаторида фахр билан тилга олди. Шунда, йиғилишда иштирок этаётган республика раҳбариятининг вакили «шундай олис ўлкалардан келиб, бизнинг Учқудуқнинг мураккаб шароитларида фидойилик кўрсатишаётган экан, бундай ёшларга қўрқмасдан, иккиланмасдан йирикроқ ишларни ҳам топширавериш керак, эплаб кетишади», деган таклифни айтди.

Масъул одамнинг шу даъвати сабаб бўлдимиз ёки ўзлари ҳам кўз остига олиб юришганми, орадан кўп ўтмай карьер раҳбарлари Николай Кучерскийни алоҳида комплексга бошлиқ этиб тайинлашди. У бу вазифада кўп ишламади. Участка бошлиқларидан бири комбинат аппаратида ишга ўтганда уни ўша бўшаган жойга етакчи қилиб ўтказишди.

2-кон бошқармаси таркибига кирувчи бу участка уран ишлаб чиқаришда анча салмоқли ютуқларга эришаётган эди. Шу боис эътироф, раҳбатлантириш рамзи сифатида унинг раҳбарини бош штабга кўтаришганди. Николай Кучерскийнинг зиммасида участканинг ана шу

нуфузини сақлаб қолган ҳолда унинг ютуқларини кўпайтириш вазифаси турарди. Аллақачон анча малакали мутахассис, жамоапарвар ишбоши сифатида танилган муҳандис ишончни оқлади. Шунда унга комбинатда рангли металллар тайёрлашда муҳим ўрин тутадиган I-карьерни бошқаришни таклиф этишди. Бу ниҳоятда масъулиятли вазифа эди. Николай Иванович нима дейсиз деб, Шимолий кон бошқармасида бош муҳандис бўлиб ишлаётган Леонид Демич хузурига борди.

— Ҳеч иккиланмай ишни бошлайвер, — деди устози, — бемалол эплаб кетасан. Биринчидан, бу таклиф бевосита Зараб Петросовичнинг ўзидан чиқса, шундай экан, бордию бирор ёрдам керак бўлиб қолса, директор сендан аямайди. Биз ҳам узоқдамасмиз, маслаҳатми, кўмакми — тайёرمиз. Иккинчидан, кончилар даврасида қўл остида ишлайдиганларнинг ҳатто соғлиги тўғрисида қайғурадиган, оиласи билан ҳам мунтазам қизиқиб турадиган, хуллас, одамларни кўпроқ ўйлайдиган етакчи, деб танилдинг. Улар

«Сен дилингдан ўйласанг гар одамларни,
Кечирмайсан бошингдан қийин дамларни»,

деган халқ ҳикматини яхши билишади, яъни, сенинг айрича эътиборингни оқибатсиз, жавобсиз қолдиришмайди. Шунинг учун сенга янги ишда муваффақиятлар тилайман.

Николай Кучерский бошқарган карьер етмишинчи йилларга келиб, кон-металлургия комбинатининг энг бақувват, ҳажмдор конларидан бирига айланди. Ўша даврда, яъни, собиқ Иттифоқ даврида мавжуд бўлган уран ишлаб чиқарувчи очиқ карьерларнинг энг салмоқлиги сифатида эътироф этилди.

Уни Зарафшондаги олтинни қайта ишловчи комплексга Бош муҳандис қилиб тайинлашганда у ҳали ўттиз беш ёшга ҳам тўлмаган эди. Кўп ўтмай Николай Иванович кон-металлургия комбинатининг янги раҳбари, устози Анатолий Петровнинг тавсияси билан Марказий кон бошқармасининг директори этиб тасдиқланди. Худди шу масъулиятли вазифада у бутун дунёга танилди, десак хато қилмаган бўламиз. Чунки, жаҳонда энг йирик саналган олтинни қайта ишловчи бу комплексни ўзлаштириш, ишга тушириш, қайта қуриш ва ривожлантиришда, нодир металллар конларини sanoat асосида ўзлаштиришда унинг хизмати, ҳиссаси беқиёс ва улуғ бўлди!

«ДИРЕКТОР СЕН БЎЛАСАН!»

Николай Кучерскийнинг бетакрор қобилиятли муҳандис сифатидаги техник иқтидори, айниқса, Зарафшонда, Мурунгов конини қазиб муаммоларини ҳал этиш, бу ноёб кондан олтин қазиб чиқаришни кўпайтиришда янада ёрқин намоён бўлди. Уни улуг олтинпаз, кончиликнинг ҳақиқий пири, деб атай бошладилар. Бу муносиб эътироф ҳатто катта-катта расмий давраларда айтиладиган, такрорланадиган бўлди. Шунинг учун бўлса керак, 1985 йилнинг бошида Навоийга ташриф буюрган, кон-металлургия комбинати раҳбари А. Петровнинг пенсияга чиқишга тайёрланиб юрганни эшитган Ўрта машинасозлик (собик) вазири Е. Славский жўнаб кетиши олдидан шундоқ аэропортда у билан қўл ушлашиб хайрлашаркан:

— Директор сен бўласан, — деди.

Унинг зиммасига ниҳоятда улкан, масъулиятли вазифа юклатилган эди. У ҳаяжонланиб ёки шошиб қолмади. Қўрқмади ҳам. Чунки, ўзи ишонган, ўзи билган комбинатдошлари, айниқса, етакчи мутахассислар ва карьерларнинг раҳбарлари ҳам унга ишонарди, уни биларди. Шу боисдан унинг директор этиб тайинланганини эшитган кўп минг кишилик жамоанинг катгаю-кичик барча аъзоси — машинист экскаваторчидан тортиб, комбинат Бош муҳандисигача ягона бир фикрни — «Айни муддао, муносиб!» деган хурсандчиликни билдиришди. Ўша кунлари республика телевиденияси кўрсатувларидан бирида навоийлик ветеран кончи билан бўлган мулоқот эсимда. Кон-металлургия комбинатининг қалдирғочларидан бўлган кончи «эстафета ишончли қўлларда» мавзуда гапиратиб шундай деганди: «Мана, яқинда комбинатда директор алмашди. Пенсияга кетган раҳбар ўрнига ўзимиздан, яъни, Марказий кон бошқармасига етакчилик қилиб келаётган Николай Иванович Кучерский директор этиб тайинланди. Биз аввалги директорларимиз — Зараб Зарапетян ва Анатолий Петровни эъзоз-эҳтиром билан «Қизилқум чинорлари» дердик. Асли миллати украин бўлган қирқ саккиз ёшли бу укамиз ҳам ана шу улуг устозлари ёнида юриб, улар билан бирга ишлаб, беқиёс саховатли Қизилқумнинг учинчи чинори бўлиб шакланганди. Директорликка фақат ва фақат у лойиқ эди. Раҳбарларга раҳмат, шундай бўлди».

У директор сифатидаги илк ишини Учқудукда бунёд этилаётган олтингутурт кислотаси заводини ишга туширишни тезлатишдан бошлади. Чунки, 1980 йилда Кўкпатас кони базасида олтин ишлаб чиқариш лойиҳаси тузилганда олтингутурт кислотасига бўладиган эҳтиёждан келиб чиқиб, ўзимизда шундай махсус корхона қуриш керак, деган таклифни айтганлардан бири Н. Кучерскийнинг ўзи эди.

1985 йилнинг 25 октябрида завод ишга туширилди. Янги корхонанинг биринчи навбати йилига 500 минг тонна олтингутурт кислотасини ишлаб чиқара бошлади. Орадан уч йил ўтиб, заводнинг иккинчи навбати ишга туширилганда бу ерда бир йилда ўртача 710 минг тонна қимматли маҳсулот тайёрлаш йўлга қўйилди. Завод Навоий кон-металлургия комбинатининг олтингутуртга бўлган эҳтиёжларинигина тўла таъминлаб қолмади. Айни вақтда 1-олтингутурт цехининг технологи С. Рябинин ташаббуси билан заводнинг бир гуруҳ муҳандис-техник ходимлари томонидан ишлаб чиқаришга жорий қилинган аккумулятор кислотасини ҳам тайёрлаб бера бошлади.

Завод ўзининг биринчи йилида 95,2 минг тонна олтингутурт кислотаси ишлаб чиқаришга эришди. Бу кон-металлургия комбинатининг янги директори Николай Кучерскийнинг илк йирик ютуқларидан бири эди. Буни йил якунида комбинатга табрик йўллаган Вазирлик ҳам, республика раҳбарияти ҳам бир овоздан эътироф этди.

Лекин, бахтга қарши, худди шу 1985 йилдан Навоий кон-металлургия комбинатининг ривожини ва равнақини тарихида энг қийин давр бошланди. СССР умрининг сўнгги йилларида йиғилиб қолган муаммолар комбинат ишини кескин мураккаблаштирди. Учқудукда барпо этилаётган 3-гидрометаллургия заводи қурилиши тўхтатиб қўйилди. Йигирма йил бурун лойиҳалаштирилган, саксонинчи йиллар аввалида қурилиши бошлаб юборилган завод «маблағ кам», деган баҳона билан тугалланмайдиган бўлган эди. 1989 йилда Атом ва энергетика вазирлиги уни қуриш учун зарур бўлган молиялаштириш ва материал-техника ресурслари билан таъминлаш ҳажмини асоссиз равишда кескин қисқартириб юборди.

Мурунтов карьерлари учун жудаям керак бўлган, валюта ҳисобига чет эздан сотиб олинаётган қудратли «Катерпиллар» каби хорижий маркадаги юк машина-

ларини, «Хитачи» гидравлик экскаваторларини харид қилишга ҳам чек қўйилди.

Николай Кучерский бундай халақит беришларнинг, ман қилишларнинг асоссизлигини тушунтирмақ мақсадида ёрдам сўраб ҳатто Бош вазир Н. Рижков (собик)га учрашди. Натижа чиқмади. Учқудуқ урани ҳам ҳеч кимга керак бўлмай қолди. Энг тоза ва энг арзон Мурунтов олтиничи? Ўзи билан ўзи овора бўлиб ётган, яъни, хаёли бузуқ, «юқори»дагилар унияма керакмас, дейишди.

Шунда Николай Кучерский шўролар Иттифоқида биринчи бўлиб Президентликка сайланган Ислон Абдуғаниевич Каримовга дарров мурожаат қилди. Давлатимиз раҳбари аввал технополисга алоқадор барча муаммоларни батафсил тинглади. Сўнг Навойига махсус сафар қилиб, 3-гидрометаллургия заводи қурилишида бўлди, Мурунтов карьерларига ташриф буюриб, ишларни бутун тафсилотлари билан текшириб-суриштириб кўрди.

Кўп ўтмай ҳукумат томонидан завод қурилишини зарур маблағ билан таъминлаш ва Мурунтов карьерларидаги кон ишларига керак бўлган чет эл техникаларини сотиб олиш учун конкрет чора-тадбирлар белгиланди.

Давлат комбинат учун кредитор бўлди. Унинг томонидан Навой кон-металлургия комбинатининг бозорга ўтиш йўлидаги узоққа мўлжалланган дастури маъқуланди. Шу боис кон техникаси импорти учун беш йил мобайнида 200 миллион доллардан ортиқ маблағ ва қарз берилди. Валюта тушумини юз фоиз комбинат ҳисобида сақлаб қолиб, қайта таъмирлашда фойдаланиш учун рухсат этилди. Айни пайтда корхонага ташқи иқтисодий алоқалар ўрнатиш, шартномалар тузиш, инвестицияларни жалб этиш, қарзлар олишда тўлиқ эркинлик берилди.

Қизилқум чўлларида кончилик ишлари яна жонланиб, тўла қувват билан ишлай бошлади. Тонналаб олтинни давлат ўз валюта захираси учун сотиб олишга киришди. Уларнинг бир қисми жаҳон банкларига гаровга қўйилиб, паст фоизларда кредитлар кела бошлади.

— Совет империяси барҳам топаётган ўша таҳликали, тўс-тўполон, чалғишларга бой кунларда халқнинг беқиёс меҳр-муҳаббатига, ишончига сазовор бўлиб, Президентликка сайланган муҳтарам Ислон Каримов-

дан биз бир умр миннатдормиз ва ақлу заковати, дадиллиги, мардлиги олдида ҳамиша бош эгамиз, — дейди Николай Кучерский. — Чунки, у киши ўзи билан ўзи овора бўлиб қолган москвалик «олий»лар, нураётган «иттифоқ»нинг вазирлари ман этган, тўғрироғи, уддалай олмаган ишларни ўнглаб бериш учун давлат раҳбари курсисига ўтирган илк кунлариданоқ ҳузуримизга келган, умидсизланиб, ўйланиб қолган кончиларимизнинг кўнглини кўтариб, ишонч улашган. Бир сўз билан айтганда, Мустақилликнинг биринчи йилларидаёқ Президентнинг эътиборидан, ғамхўрлигидан бизчалик баҳраманда бўлган жамоа, ташкилот ва идора бўлмаса керак! Буни навоийлик кончилар манфаатини ўйлаб қабул қилинган кўплаб ҳукумат қарорлари исбот этади. Мана ўшалардан баъзилари: 1991 йил 1 октябрь. «Қизилқумредметзолото» Давлат концернини тузиш тўғрисида». 1992 йил, «Зарафшон» — Учқудуқ минтақасининг 1992—1995 йиллардаги ривожини социал-иқтисодий жиҳатдан таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида». 1993 йил 23 октябрь. «Навоий вилоятидаги Учқудуқ туманининг социал-иқтисодий ривожини тезлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида».

Шунинг учун учқудуқликлар, зарафшонликлар, нурободликлар, зафарободликлар карьерларни, заводларни, умуман, Навоий кон-металлургия комбинатини сақлаб қолган, қайта умр бахш этган, Истиқлол йилларида янада самарали фаолият кўрсатишга барча ёрдаму шароитларни яратиб берган буюк Йўлбошчи И. Каримовга ҳамиша таъзим қиладилар.

Ҳа, Навоий кон-металлургия комбинати Президентимизнинг қўллаб-қувватлови, ташаббускор директор Николай Кучерскийнинг жонкуярлиги туфайли Истиқлол йилларида янада бақувватлашиб, ишлаб чиқариш ҳажми кескин ошиб, миллий саноатимизнинг ҳақиқий байроқдорига айланди.

Ташаббускор директорнинг саъи-ҳаракатлари натижасида комбинат иштирокида 1991 йили «Агама», 1993 йилда «Зариспарк», 1994 йилда «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхоналари ташкил этилди.

Масалан, олтин қазиб чиқарадиган ва уни ажратиб оладиган «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонасининг муассислари Америка томонидан машҳур «Ньюмонт Майнинг Корпорейшн» компанияси, Ўзбекистон томонидан Навоий кон-металлургия комбинати билан Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси бўлишди.

Америка компаниясининг раҳбарлари аввал ҳам ўзбек касбдошлари билан ҳамкорликка қизиқиш билдирган эдилар — «Ньюмонт» бош геологи 1990 йилда Ўзбекистонга биринчи бор келган эди. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ҳақиқий ҳамкорлик йўлга қўйилди ва узлуксиз ривожланиб борди. Америка томони юртимизнинг бой хом ашё имкониятларидан ташқари сиёсий турмушнинг барқарорлигига, сармоя сарфлаш учун қулай шароит, аниқ-равшан қонунлар мавжудлигига, бозор ислоҳотининг асосий ташаббускори ва ижрочиси бўлган давлатнинг кафолатларига эътибор билан қаради.

Лойиҳа ҳақида гапирганда, шуни таъкидлаш керакки, техника ва технология нуқтаи назаридан у қуруқ тоғ жинсларидан алоҳида уюб қўйилган «балансдан ташқари» камбағал руда таркибидаги асил метални ажратиб олишни кўзда тутарди. Илгари бундай камбағал рудадан олтин ажратиб олиш технологияси йўқ эди, Фарб компаниялари (бу соҳадаги пешқадамлардан бўлмиш «Ньюмонт») рудани гужлаб ишқор билан ювишнинг янги технологиясини яратди ва муваффақиятли қўлаб, яхши иқтисодий кўрсаткичларга эришди. Шундай қилиб, Ўзбекистондаги катта салоҳиятнинг энг илғор дунё технологиялари билан қўшилиши туфайли жаҳон тоифасидаги корхона барпо этилди.

Лойиҳанинг умумий қиймати 228 млн. АҚШ доллари ни ташкил этди, ундан 135 млн. кредит асосида жалб қилинди. Бу маблағни Европа таъмирлаш ва тараққиёт банки, 14 банкдан иборат Халқаро консорциум берди. Умуман, қўшма корхонани бунёд этишга бир неча давлат ҳисса қўшди (материал, механизм, асбоб-ускуналар билан). Асосий ишлаб чиқариш иншоотларини қуришга 1993 йил октябрида киришилган бўлса, корхона 1995 йил 14 июнда ишга туширилди. 1997 йил октябрида у лойиҳада мўлжалланган қувватга етди. Ўтган йили бу ерда руда қайта ишланди, унинг софлиги 99,99 рақами билан таъғаланади. Бу олтин жаҳон мезони деб тан олинган. Қисқа қилиб айтганда, иқтисодий ва техникавий натижалар мана шундай. Бошқа кўрсаткичлар ҳам бор. Николай Кучерский қўшма корхона ҳақида бундай фикр билдирди: «... агар муҳандисларимизнинг ақл-заковати ва ишчанлик фазилатларини фарб технологияси, менежменти билан, бу ишларнинг пухта-аниқ ташкил этилиши билан бирга қўшса, мароқли натижа ҳосил бўлар экан. Муҳандислик мактаблари бир-би-

рига яқинлашиб бормоқда. НКМК муассислигидаги «За-
рафшон-Ньюмонт» қўшма корхонаси бизнинг мутахас-
сисларни ишга ёлламоқда. Улар бир-бирларини билиб
оляпти, кончиликдаги икки мактаб беллашяпти. Бу эса,
умумий ишга фойда берапти».

Шуни таъкидлаш керакки, собиқ Иттифоқдаги маз-
кур жуда йирик кончилик лойиҳасини рўёбга чиқар-
ишда режали иқтисодиёт билан бозор иқтисодиёти,
қурилиш ва ишлаб чиқаришдаги янги ва эски техноло-
гия ўртасидаги тафовутларни бартараф этиш учун
фоятда катта куч-ғайрат сарфлашга тўғри келди.

Бу ноёб комплекс ишга туширилган 1995 йил 14
июнь кончилар, умуман, бутун навоийликлар учун
тарихий, унутилмас кун бўлиб қолган. Шу тарихий
воқеа муносабати билан бу ерга Ўзбекистон Республи-
каси Президенти, кончиларнинг қадрдони Ислон Ка-
римов ташриф буюрди. У қурувчилар ва монтажчилар-
нинг, комбинат сардори Николай Кучерскийнинг
меҳнатини юксак баҳолади. Ўша кун ишлов берилма-
ган (черновой) металл ва биринчи олтин ёмбиси
олинди. Бу олтин ёмби ва 3-гидрометаллургия заводи-
нинг рамзий олтин калити тантанали равишда давла-
тимиз раҳбарига топширилди.

Президентимиз тантаналардан сўнг матбуот ва ом-
мавий ахборот воситаларига берган интервьюсида «Мен
Навоий кон-металлургия комбинати директори Нико-
лай Иванович Кучерскийни қанчалик қадрлашим ва
ҳурмат қилишим ҳақида ҳаммавақт гапирганман ва шу
фикримни яна такрорлайман, у раҳбарлик қилаётган
улкан жамоа олдида таъзим қиламан!» деган ҳақиқий
дил сўзларини айтди.

Шахсан Николай Кучерскийнинг ташаббуси ва
жонкуярлиги туфайли уран ишлаб чиқаришнинг ҳажми
ҳам анча кенгайди. Ҳозирги вақтда бу қимматли
металлни қазиб чиқариш билан кон Бошқармалари
шуғулланмоқда. Айни кунларда уларнинг фидойилик-
лари натижасида Ўзбекистон уран қазиб олиш бўйича
йирик давлатлар ҳисобланган Австралия, Канада, Ни-
герия ва АҚШ каби мамлакатлар қаторига қўшилди.
Эритилган уран заҳиралари бўйича эса, республика-
миз эндиликда дунёдаги етакчи мамлакатлардан сана-
лади. Ўлкамизда айни кунларгача бу қимматли металл-
нинг 27 манбаси аниқланган.

1996 йил охирида Вашингтонда ўзбек уранини
АҚШ бозорларига етказиб бериш бўйича узоқ мuddат-

га мўлжалланган битим имзоланди. Сал ўтмай, АҚШда Ўзбекистон минерал хом-ашё базаси намуналари намойиши бўлиб ўтди. Унда Навоий кон-металлургия комбинати ҳам ўз маҳсулотлари билан фаол иштирок этди. Денвер шаҳрида бўлган ушбу тадбирга ташриф буюрган Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов Ўзбекистон олтинининг халқаро майдондаги эътирофлари ва Мурунгов конларининг ноёблиги ҳақида гапираётиб, залга шундай мурожаат қилди: «Бу залда жаноб Кучерский ўтирибди. Мурунговнинг ноёб манбаси каби унинг ўзи ноёб манба, кон, жуда кўп идеяларнинг, жумладан, «ноу-хоу»нинг ҳам соҳиби. Унинг кўриқбонсиз юриши ҳайрон қоларлидир, бундай одамни албатта кўриқлаш керак!»

Шунда залдагилар, хорижликлар Ўзбекистон раҳбарининг самимий ҳазил билан йўғрилган фахр-ифтихорига, ҳурматига қойил қолиб чапак чалиб юбордилар...

Ўша йили Николай Кучерскийга яна бошқа тўрт фидойи юртдошимиз каби Президентимиз Фармони билан «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони ва Олтин Юлдуз берилди!

* * *

... Икки кун бурун Николай Кучерскийни истаб келган кадрдонлари таъкидлаганларидек, 21 июль душанба кунини машҳур директорнинг кабинетигина эмас, балки, бутун ишхонаси ҳовлиси одамлар билан ниҳоятда гавжум эди. У ерда мен бир неча ҳамкасбимни ҳам учратдим. Тележурналист дўстимиз ўша кунги «Ахборот» кўрсатуви учун юбилярдан оператив интервью олишга келишишга улгурган экан. Николай Иванович, «майли бир йўла сизлар ҳам суҳбатни эшитингизлар», деб бизларни қисқа муддатга ўз кабинетига таклиф этди. Мулоқот лўнда ва мазмундор бўлди. Масалан, телемухбирнинг «Ютуқларингиздан ўзингиз қониқасизми?» деган саволига у шундай жавоб берди: «Афсуски, йўқ. Лекин ҳозиргача эришган ютуқларимни ҳеч қачон фақат ўзим туфайли деб билмайман. Уларда оддий машинист экскаваторчи, Ўзбекистон Қаҳрамони А. Паниндан тортиб, Е. Толстов, В. Исма-тов, Г. Кострица, О. Мальгин, С. Львовский, А. Мазуркевич, В. Кодоев, А. Рубан, Н. Сладков каби асосий таянчларимгача, ҳамма-ҳаммининг, қолаверса, бутун

оқибатли жамоамнинг муносиб ҳиссаси бор. Мен айна вақтда ўз ютуқларимни улуғ Йўлбошчимиз, комбина- тимиз ғамхўри И. А. Каримовнинг ёрдамисиз, илҳом- бахш, меҳрли рағбатларисиз тасаввур қилолмайман!

Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлис депутати, «Шахтёрлик шухрати» нишонининг тўла кавалери, «Дўстлик» орденининг соҳиби, икки марта Давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган муҳандис, Сан-Маринодаги Халқаро академиянинг тех- ника фанлари доктори, Халқаро фан, саноат, таълим ва санъат академиясининг ҳақиқий аъзоси Николай Иванович Кучерскийнинг 60 йиллиги Навоийда улкан тўйга айланиб кетди.

Меҳмонлар кечкурун вилоятнинг бош маданият маскани — «Фарҳод» саройига таклиф қилинди. Тан- танали йиғилиш байрам давраси сифатида ташкил этилди. Уни қисқача кириш сўз билан очган ҳоким Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў. Султоновга сўз берди. У Президент Ислон Абдуғаниевич Кари- мовнинг Николай Иванович Кучерскийга табаррук ёши муносабати билан йўллаган Табрикномасини ўқиб эшиттирди. Чин юракдан, меҳр-ла ёзилган қутловни тинглаганлар ҳавас билан беихтиёр қарсак чалиб юборишди.

Юбилярнинг микрофон ёнига бирин-кетин келаёт- ган кадрдонлари қутловчилар кўп бўлганлигидан ило- жи борича қисқача гапиришга ҳаракат қилардилар. Мен ана шу ихчам дил сўзларининг энг характерли чизгиларини блокнотимга ёзиб олиш учун интилдим. Мана, уларнинг баъзилари:

— Комбинатимизнинг кейинги ўттиз йилда, айниқ- са, Мустақиллик йилларида эришган ютуқларида Ни- колай Иванович қўшган ҳисса бизга кадрдон тоғлар каби баланд ва салмоқлидир.

— У бутун комбинат иш жараёнларида, ҳатто турар-жойларда яратган ибратли муҳит ва аҳилликни ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди.

— Николай Иванович Ўзбекистон кончилигида мак- таб эмас, балки, дорилфунун яратган устоз сифатида шогирдлари учун ҳам, ҳозирги ёшларимиз учун ҳам бирдай азиз ва кераклидир.

— Одамийлик, меҳр-оқибат, умуман, юксак инсо- ний сифатлар бобида унинг қанчалик ажралиб тури- шини кузатарканман, Шарқ мутафаккирлари наздида- ги камтар ва улуғ инсонни кўргандай бўламан.

— Мен бундай ғоятда киришимли, сеҳрли, ўзбекча айтганда, истараси ловулаб турган ажойиб инсонга ҳамиша ҳавас қиламан!

— Николай Иванович яхши, самарали ишлаган инсонни рағбатлантирмаса туролмайди. Унвондорларимиз ва ордендорларимизни биринчи навбатда унинг ўзи юзага чиқарганини, тавсиядан кейин ҳам курашишини кўпчилигимиз яхши биламиз ва фахрланамиз.

— Николай Ивановичга бежизга Академик унвони берилмаган. У техника, хусусан, кончилик фанининг беназир арбобидир.

— Дунё тургунча тургур бу директор фақат комбинат одамларинигина ўйламайди, балки, бутун Навоий аҳлининг тақдирига ҳам ўзини дахлдор деб билади.

Хатирчилик муаллим Мурод Шариповнинг ўша куни даврани олиб борувчи томонидан ўқиб берилган қуйидаги сатрлари эса йиғилганларнинг ёдида сақланиб қолган бўлса ажабмас:

Қизилқумда фидойилар сорбонисиз,
Улар учун — ишонч, умид посбонисиз.
Истиқлоли, Истиқболли ҳур Ватаннинг
Олтин билан куч улашган дармонисиз!

ТОШЛОҚ БОБОДЕҲҚОНИ

«35»НИ КИМ «45» ҚИЛДИ?



Саксонинчи йиллар ўрталарининг эрта куз кунларидан бири. Телеахборотни кўрмаса ҳам, радиодан албатта тунги ахборотлардан бирини эшитиб қўйишга одатланган пахтачилик бригадаси етакчиси Комилжон Мамажонов бугун уйга бир мунча кеч қайтди. Шунинг учун одатига улгуролмади. Эрталаб «Тонгги ахборот»ни эшитаман-да, дея турмуш ўртоғи Ойимча опа тайёрлаб қўйган таом-чойни истеъмол қилгач, дам олишга қарор қилди. Шунда, жуфти ҳалоли:

— Адаси, планни бошқалардан олдин бажариб қўйсангиз ҳам — шу-шу, ишдан барибир кеч қайтасиз, ҳеч бўлмаса, икки-уч кун рапорт берганингизни билдириб, гердаиб юринг, болаларингизнинг ҳузурига барвақтроқ келиб туринг, — дея ҳазиллашди.

— Гапларинг-ку тўғри, онаси, лекин илож қанча, бригадирчилик, далада одамлар ишлаяпти, уларни ташлаб келиш ҳам инсофданмас-да.

— Сизники ҳам тўғри, хўжайин, — деди Ойимча опа, бу гапдан кейин тушунгандай бўлиб. — Тўғриси, менинг сизга бундай дейишимга сабаб анув, сиз билан бир кунда ғалаба рапорти берган қўшни туманлик ҳамкасб танишингизнинг Тошкентда юргани бўлди.

— Нима деяпсан, ҳозир пахта сезонининг энг қизиган дамларида у пойтахтда нима қилади?

— Телевизорда, «Ахборот»да ўз кўзим билан кўрдим. Тошкент паркларида юриб интервью берди.

— Йўқ, сен Тошкент паркларини ўзимизнинг гўзал хиёбонлар билан алмаштиряпсан. Телевидениечилар шунақа, планни бажарган деҳқонларни даласидамас, ишни дўндириб қўйиб, гулзорларда фолиб юрибди, деган маънода баъзан паркларда съёмкага олишади.

— Унда, бу томонини тушунмабман, узр, адаси.

— Айтмоқчи, Ойимчахон, бир радио мухбири менадан ҳам кеча интервью олувди. Радиодан, «Сўнгги ахборот»лардан эшитмадиларингми?

— Сиз уйда бўлмасангиз, приёмникнинг қулоғини ким бурайди? Болаларингизга эса, телевизор бўлса бўлди. Эшитмадик.

— Балки, берган бўлса, эрталабки «Тонгги ахборот»да қайтарар. Одатда шунақа қилишади-ку, «Тунги ахборот»ни тонгда албатта бир марта такрорлашади.

Комилжон ака ана шу хаёллар билан Ойимча опа солиб қўйган қалин жойга узалди.

У одатдагидек уйқудан жуда барвақт турди. Уй чопонини кийди-да, ҳовлидан қўрага ўтиб, молларга озгинадан емиш бериб чиқди. Сўнг қоқиниб, юзқўлини ювди. Сочикни елкасига ташлаб, дарвоза томон юрди. Уни очиб қўйиб, ташқарида қўлларини орқасига қилиб, у ёқ-бу ёққа қарагандай бўлди. Барибир эрталабки ҳаво зўр-да, деб қўйди ичида.

У ҳовлига қайтиб кириб, айвондаги табуреткага ўтирди. Бу пайтда Ойимчахон опа ҳам туриб, қўрада сигир соға бошлаган эди. Комилжон ака пақирга тушаётган сутнинг ёқимли овозини эшитиб туриб, «янги кунини сигир соғишдан бошлаган аёл барибир бахтли ва хошиятли бўлади-да», деган фикрни хаёлидан ўтказди. У соатига қараб олгач, секин радиоприёмник қулоғини буради. Давлат мадҳияси янграётган эди. У тугаб, «Тонгги ахборот» бошланди. Суҳандон «Энди иқтисодий хабарларга ўтамиз, деди-да, куни кеча Фарғона вилоятининг Тошлоқ туманидан ажойиб хушхабар олдик. Карл Маркс (собик — изоҳ.) номидаги жамоа хўжалигининг Комилжон Мамажонов бошлиқ бригадаси 75 гектар ернинг ҳар гектаридан 45 центнердан ҳосил олиб, илк ғалабани қўлга киритди. Бригада ҳосилдорликни 50 центнерга етказишга аҳд қилди»...

— Бу қанақаси бўлди? — деди бирдан ўрнидан туриб кетган Комилжон ака. — Мен ўз интервьюмда ҳам, мухбирнинг ўзига ҳам 35 центнердан ҳосил олдик, дегандим-ку? Бу ёлгон ахборот-ку? 10 центнер қаердан қўшилди? Энди аъзоларим олдида мен нима деган одам бўлдим? Бошқа бригадирлар мени нима деб ўйлашади?

— Сал безовта кўринаяпсизми, адаси? — деди қўрадан чиқиб келган Ойимчахон опа.

— Нега безовта кўринаман? Наоборот, мен сенинг сигир соғишларингдан завқланиб ўтирибман-ку, Ой, —

деди Комилжон ака аҳволни турмуш ўртоғига билдир-масликка, унинг ҳам кайфиятини бузмасликка инти-либ. Ишқилиб, сиз ҳақингизда радиодан гапирмадими, демаса бўлди, деди у ичида.

Эрталаб одатдагидай яхши нонушта тайёрлаш хаё-ли билан банд бўлган Ойимчахон опа эридан ҳеч нарса сўрамади.

Комилжон ака чойни ичиб бўлдию, табелчи йигит келса, далага ўзи кетаверсин, мен, бир хўжалик раҳ-барларини кўриб, сўнг ўтиб бораман, дея дарров кийиниб жамоа хўжалиги бошқаруви томон йўл олди.

Уни эшитган раис бирдан:

— Ғалати бўлибдию, — деб ажабланди. — Масалан, мендан гектар, центнерни сўрагани йўқ. Радионинг штатсиз мухбириман, Фарғона шаҳриданман, брига-дир Мамажоновни топиб берсангиз, дегач, шофёрим-ни кўшиб сизга юбордим. Кейин, қайтаётганида уму-ман кўрганим йўқ.

— Гаплашаётганимизда бош агроном биз билан бирга эди, ундан ҳеч қачон бундай гап чиқмайди, биласиз, у — софдил одам.

— Райкўмдан ўзгартишдимикин?

— Бошқа ким бўлади? Сизга қайта учрашмаган бўлса.

— Айтмоқчи, мухбир телефон-пелефонини қол-дирмаганми? Олдин унинг ўзидан сўрайлик.

— Уйиникини ёзиб берувди, — Комилжон ака шун-дай деди-да, энгашиб, этигига қистирилган дафтарни олди ва уни варақлаб, номерни кўрсатди: — Мана.

— Яхши. Ҳали уйда бўлса керак. Ишга чиқиб кетмаган, барвақт-ку.

Раис шундай деб номер тера бошлади.

Кўп ўтмай, қарши томондан «Лаббай?» деган овоз эшитилди. Раис ўзингиз гаплашганингиз маъқул деб, телефон гўшагини Комилжон акага тутқазди.

У ўзини таништириб, сўрашишгач, асосий мақсад-га ўтиб, «35»нинг қаердан «45» бўлиб қолганини сўради. Шунда қарши томондан шундай жавоб эши-тилди: Мен ҳузурингиздан қайтгач, қаердан, кимдан, қандай фактлар олганимни, материалим ижобийми, танқидийми, доложит қилиб қўйиш учун, қатъий одат бўйича, обкомпартияга кирдим. Шунда у ердаги масъ-ул ўртоқ «35» нимаси, шуям обрў келтирадими, ҳар гектар ердан 45 центнердан ҳосил олинди, деб маъ-лум қилинг, деди. Мен бу ёлғон бўлади-ку, буни

қилолмайман, дедим. У бўпти, унда сиз бу рапортга аралашиб, овора бўлманг, хушхабарни республика радиосига ўзимиз етказамиз, деди. Бор гап — шу, Комилжон ака. Сиз эшитган ахборот меникимас, обкомпартияники...

Комилжон ака армонли бир ҳолатда телефон дастасини секин жойига қўйди ва «барибир сиз яхши эшитмадингиз-ку», деб, мухбирнинг жавобини раисга айтиб берди.

— Демак, тўғри фактни сохталаштирган журналист эмас, обкомпартиямиз экан-да, — деди раис ўйчан вазиятда. Сўнг давом этди: — Комилжон, орамиздаги гап, обкомпартия, умуман, партиянинг бундай антиқа ишлари, даъватларини орқаравотдан эшитиб, билиб юрибмиз-ку. Яхшиям, сизни ёки бизни чақиритиб, вилоятимиз, туманимиз Москвадан бу йил бунча катта орден ёки олий унвон олиши керак, шунинг учун ҳосилдорлик центнерига бунча, умумий хирмонга мана бунча қўшиб ёзинг, ҳиссасини албатта чиқарамиз, дейишмаяпти. Ҳолбуки, баъзиларнинг бошига алақачон бундай «меҳрибончилик»лар тушган. Мен сизни яхши биламан, тоза, пок инсонсиз, деҳқонсиз. Агар сизга шундай таклифни қилишса, бир умр орден ёки унвонсиз қолганингизда ҳам, асло рози бўлмайсиз. Ҳеч қачон қисилманг, хижолат бўлманг. Чунки, биринчидан, бу сохта маълумотни одамлар сизнинг ўз оғзингиздан эшитишгани йўқ, иккинчидан, сизнинг кимлигингизни бутун хўжалигимиз аҳли, қолаверса, туманимизнинг жамики кўзга кўринган деҳқонлари яхши билишади. Бир сўз билан айтганда, Чархий домла ёзганидек:

Виждоним пок, тоза мен,
Мағрурликка аъзо мен, —

дея ишни мардона давом эттираверинг.

— Раҳмат, раис бува, айниқса, улуғ шоиримиздан миннатдорман, — деди Комилжон ака хайрлашаётиб.

КЎНГИЛДАГИ ОДАМ

Жамоа хўжалиги етакчиси Комилжон акага чин юракдан гапирганди. Чунки, уни азалдан яхши биларди. Мамажонов айримлардек, давр «уравоз»ларидан эмасди. Аммо, оддий деҳқон бўлса-да, ҳалол, диёнатли, тўғрисўз одам эди...

Унга бундай хислатлар энг аввало Ёзёвондаги Найман чўлида янги ер очиб, узоқ йиллар пахтачилик бригадасини бошқарган отаси Мамажон акадан ўтган. Давр тазйиқларидан қўрқмасдан ислом динига ихлос қўйган, бундай «афюн» парастлиги учун кейинчалик ўзига бир неча бор ҳужум бўлганда ҳам бу эътиқодидан қайтмаган отасини одамлар, қишлоқдошлари ҳурмат билан, «мулла Мамажон» дейишарди. У киши болаларига тарбия бераркан, «хатто бир луқма ризқ топсанглар ҳам ҳалол бўлсин», деган ўғитни алоҳида урғу билан таъкидларди. Ҳечам фарзандларининг раъйини қайтармасди. Масалан, Комилжон мактабни битиргач, мен ҳам далада сиз билан ишлайман, деҳқон бўламан, деганида бошқа оталарга ўхшаб, институтга ҳужжат топшириб, имтиҳонларга киришдан қўрқаяпсанми, ёки, киритиб қўйиш қўлимиздан келади, ўқиб кетсанг бас, деб ўтирмасдан, бўпти, шуни ўзинг ҳоҳладингми, яхши, деб дарров ўз ёнига олган.

Ўз тенгқурларига нисбатан бир мунча зийрак, пишиқ, оёқ-қўлли Комилжонни отасининг руҳсати билан қўшни бригада бошлиғи Одилжон Зокиров жамоага табелчи қилиб олди.

— Бўлар бола бошидан билинади, деганларидек, бўлар йигит ҳам илк қадамидан сезилади, — дейди ҳозир қариллик гаштини сураётган меҳнат фахрийси, етмиш етти ёшли Одилжон ҳожи ота. — Комилжон энг аввало айрича киришимлиги, қолаверса, иш интизоми деган қоидани биринчи куниданоқ сезгани ва ҳис этгани билан мени ўзига тортган. У айтилиб вақтда тажрибали деҳқонларга алоҳида ҳурмат билан муносабатда бўларди, ҳечам иш танламасди. Аксинча, устоз, оғирроқ участкага биз ёшларни юбораверинг, деб турарди. Ёнимда табелчилик қилган кезлари ҳисобкитоб ишларини худди бу соҳанинг махсус ўқиши бору, унда у ўқигандай бекаму кўст олиб борарди. Шунинг учун хўжалик ҳисобчилари, яъни, бухгалтерлари ҳам уни яхши кўришарди. Кутилмаганда бригаданинг механизаторлигига эҳтиёж бўлиб қолганда ҳеч иккиланмасдан «Одилжон ака, майли, бу ишни мен бажараман», деб тифизликдан қутқарган. Биласизми, олтмишинчи йилларнинг бошида Усмон Юсупов номли жамоа хўжалигининг илғор жамоаларидан бири сифатида танилган бригадамиз муваффақиятларида асосий ишни бажарган техниканинг эгаси Комилжоннинг ҳиссаси катта бўлганди. Афсуски, бу ҳисса уни армия

хизматига чақирингач, маълум муддат узилиб қолган. Мен бугун бемалол, баралла овоз билан айта оламанки, Комилжон ўша йиллари — яъни 21—22 ёшларидаёқ ҳақиқий деҳқон бўлиб шаклланган эди!

Ҳарбий хизматни тугатиб қайтган Комилжон Тошлоқнинг тажрибали пахтакор деҳқони Турсунбой Ҳилоловнинг таклифи ва устози Одилжон Зокировнинг хайрихоҳлиги билан К. Маркс (ҳозирги Х. Марозиқов номли) жамоа хўжалигидаги янги жамоада механизатор бўлиб иш бошлади. Орадан кўпмас, атиги бир йил ўтгач, бригада етакчиси кутилмаганда оғир касалликка чалиниб қолди. Янги ишбоши сайлашга тўғри келди. Жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, Меҳнат Қаҳрамони Холматжон Марозиқов механизатор Комилжонни етакчиликка мўлжал қилиб, дала шийпонига ташриф буюрди. Далачиларга нима қиламиз, яхшиси, ўзларингиздан бирор кишини тайинлаймиз-да, деб гап бошлаганида деҳқонлар бир овоздан унинг кўнглидаги одамнинг — Комилжоннинг номзодини айтишди. Раис, дилемиз яқинда, азизлар, мен ҳам шу механизатор укамизни мўлжалаб турувдим, дея хурсанд бўлиб, уни бригадирлик билан табриклаб кетди.

Бригаданинг майдони ниҳоятда шўрхок ерлар эди. Шунинг учун у аввал шўр ювишга алоҳида эътибор берди. Вақт топиб, бу соҳада бой тажрибага эга, яъни, «шўрлик (шўрли)ка зўрлик» қилган машҳур деҳқонларнинг ҳузурига ўтиб келди. Айни вақтда уларни ўз даласига бдшлаб келиб, эринмай, йўл-йўриқларини, маслаҳатларини эшитди. Жамоанинг етакчи деҳқонлари ҳисобланган Мамат Тожибоев, Тожихўжа Эргашев, Турғунбой Юсупов, Йўлдошали Отажонов, Худойберди Қўзиёевлар ҳам бу муҳим, долзарб ишни бажаришда бригадирга ҳақиқий камарбасда бўлишди.

Астойдил қилинган эзгу ҳаракат, изланиш, заҳматлар кўп ўтмай ўзининг самарасини бера бошлади. Етмишинчи йилларга келиб унинг экин майдонида шўрхок ерлар деярли қолмади.

Комилжон Мамажонов ўз бригадасини аста-секин механизациялашган бригадага айлантиришни мақсад қилди. Кўп ўтмай бу ниятини амалга оширди. Ер ҳайдайдиган тракторчи чигитни ҳам ўзи экди, қатор ораларига ишлов беришни ҳам ўзи уддалади. Йиғимтерим даврида эса, универсалланган ХВМга ўтилди.

Ташаббускор етакчининг комплекс механизациялашган бригадаси йириклашиб, 115 гектар ерда деҳ-

қончилик қиладиган бўлди. Аммо, аъзолари кўпайгани йўқ. Бор-йўғи ўн беш киши ишларди. Лекин майдон ва экин турлари тағин ҳам кўпайди. Ғаллачилик ва боғдорчиликка полизчилик ва сабзавотчилик юмушлари қўшилди. Меҳнат тури ўзгариб, иш жараёни такомиллашди. Бу вазият иш услубини ўзгартиришни ва замонавий усуллارни қўллашни тақозо этди.

Етакчи ўз атрофидаги деҳқонлардан биронтаси жазм этмаган ишларга дадил қўл урди. Масалан, чигитни пуштага экишни жорий қилди. Бир ўқ билан икки нишон урилди. Деҳқончилик қиляётган ери захкаш эмасми, чигит чиримай эркин униб чиқди. Иккинчиси иқтисод — экиладиган чигитнинг тенг ярми чўнтақда қолди. Ғўзани яганасиз ўстириб, миқдор ҳисобига ҳосил тўплади. Бу пахтачиликда мутлақо янгилик эди!

Унинг пахтачиликдаги янгиликлари, ихтиролари бу билан чекланиб қолмади. Моҳир деҳқон ғўзани тез етилтириб, пахтани тез очилтириб, ҳосилни қисқа фурсатда йиғиб олишнинг йўлини топди. Бу янгиликдан хабар топиб, дарров ҳузурига ташриф буюрган журналистларнинг «Қандай қилиб?» деган саволига у қуйидагича жавоб берди:

— Ғўзани чеканка қиламиз. Бу тадбирда биз ниҳоятда «шафқатсиз»миз. Масалан, ғўзанинг юқори қисмини машинада ўриб ташлаймиз. Шунда пастки шохлардаги кўсақлар тез етилиб, очилади. Очилганда ҳам барчаси бодроқдай бодраб кетади. Тепа шохлардагиси эса, розсиз. Улар пахтани кечиктириб юборди. Пастки шохларидаги лўппи момиклар бирданига очилиб бергач, асосий теримда режа тўлади.

— Ўтган йил қандай бўлди? — деб сўрайди иккинчи мухбир.

— Мен сизга айтсам, тўрт йилдан бери мутгасил бирдай. Беш кунда дала шип-шийдам бўлади. Тўқсон фоизини машиналар йиғади, атиги беш фоизини қўлда терамиз. Натижада иккинчи навга номигагина пахта сотамиз. Учинчи нав бизга бутунлай бегона.

— Бунга қандай қилиб эришдингиз?

— Ҳашаротни бутунлай йўқотганмиз. Биологик усул — ишончимиз. Тўртинчи йилдирки, ҳашаротга қарши бир мисқол ҳам заҳарли химикат ишлатганимиз йўқ. Унинг пули ҳам чўнтакка тушяпти. Пахтанинг тоза терилиши ҳам, мен сизга айтсам, худди шунга боғлиқ.

Ўша йили Комилжон Мамажонов бригадаси бутун пахта ҳосилини рекорд муддатда — беш кунда йиғиб-териб олди. Бунинг иқтисодий нафи эса, катта бўлди. Ҳар бир аъзо ҳисобига сал кам ўттиз тоннадан ортиқ пахта сотилди. Ҳисобчилар бундан келадиган даромадни чўтга уришганда йигирма минг сўмдан ортиқ бўлишини баён қилишди. Бунга яна қўшиладиган қўшимча ҳақларни эшитган киши беихтиёр ташаббускор деҳқонга тасанно айтди!

1987 йилда унинг бригадаси 75 гектар ерда деҳқончилик қилиб, ҳар гектар ердан 39 центнердан «оқ олтин» ҳосили йиғиштириб олди. Кейинги мавсумда табиат инжиқликлари, об-ҳавонинг ноқулай, қийин келганлиги сабабли худди шу экин майдонидан 35 центнердан пахта топширилди. Саксон тўққизинчи йилда ҳосилдорликда яна 39 центнерлик марра эгаланди. Ўша йилнинг охирида Комилжон Мамажоновга «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор» унвони берилди.

ЎЗИМИЗНИНГ «ФАРФОНА...»

Комилжон Мамажонов пахташунос олимлардан доим янги нав кутиб яшайдиган, агар янги нав яратилиб, экишга тавсия этиладиган бўлса, биринчилардан бўлиб, уни ўз даласида синаб кўришга тайёр деҳқонлардан эди. Лекин у бу ниятига анча вақт етолмай юрди. Бир гал «бу янги навни бизнинг минтақада экишга ҳали рухсат йўқ», деган жавоб эшитса, иккинчи гал «бу навни ҳали юқоридагилар тасдиқламаган», деган ваҳми эшитарди. Ниҳоят, унинг орзуси амалга ошадиган бўлди: республикада пахтанинг янги «Қирғизистон-3» нави экишга тавсия қилингани, аммо, баъзи мутахассислар ва деҳқонлар унга сал ишончсизлик билан қараётганликлари тўғрисида гап тарқалди. Шунда, пахташунос олимларнинг айримлари билан таниш бўлган Комилжон Мамажонов «Қирғизистон-3» муаллифларининг изланишларидан, навнинг ўзига ҳосилдиган хабари борлиги эсига тушиб, дарров уни экишга қарор қилди. Изланувчан бободехқонни биринчи бўлиб, қарийб чорак асрлик қадрони — тажрибали агроном Ҳожиакбар Юсупов ва унинг ҳамкасби Салоҳиддин Абдурахмонов қўллаб-қувватлади.

1990 йил баҳорида «Қирғизистон-3»ни ҳеч иккиланмай ўз даласига биринчилардан бўлиб эккан Ко-

милжон Мамажонов унинг ҳақиқатан ҳам эртаги ва ҳосилдор нав эканлигини исботлади. Навга қизиқиш кучайди. Уни бошқа туманлардаги, минтақалардаги деҳқонлар ҳам ҳеч шубҳаланмай, ишонч билан эка бошладилар.

Комилжон Мамажоновнинг ўзи эса, қаторасига беш йил шу нав билан деҳқончилик қилди. Масалан, 1991—1994 йилларда «Қирғизистон-3» шарофати билан 1791 тонна пахта тайёрлашга муваффақ бўлди. Шундан 671 тоннаси бригада ҳисобида қолди. Бу 37 фоиздан кўпрогини ташкил этарди. Жамоада 1994 йили 64 гектар ернинг ҳар гектаридан 44,1 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди.

1995 йили, яъни, Ўзбекистон Мустақиллигининг қутлуғ тўрт йиллиги арафасида янгиликка ўч, ташаббускор, фидойи бободехқонни она Ватанимиз ўзининг энг юксак, энг олий мукофоти билан сийлади. Комилжон Мамажоновга Президентимиз Фармони билан «Ўзбекистон Қаҳрамони» фахрий унвони ва Олтин Юдуз медали берилди. Фармон эълон қилинган куни Тошлоқ туманидагина эмас, балки, бутун Фарғона вилоятида тўй бўлиб кетди. Вилоят, туманларнинг раҳбарлари, халқ хўжалиги барча соҳаларининг таниқли вакиллари, оқсоқоллар, меҳнат фахрийлари, фан ва маданият арбоблари иштирокида тантанали йиғилиш бўлди. Унда қатнашиб, сўзга чиққанлар Комилжон Мамажонов мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги, хусусан, пахтачилиги усталарининг энг ёрқин тимсоли сифатида биринчи бўлиб шундай улуғ эътирофга сазовор бўлганини дил-дилларидан фахрланиб таъкидладилар.

Тантанали сўзга чиққан Қаҳрамон пахтакор ўзи мисолида бутун ўзбек деҳқонига буюк эҳтиром ва эъзоз кўрсатган Йўлбошчимизнинг ҳимматига таъзим қиларкан, у кишини, она Ватанни янги изланишлар ва меҳнат ютуқлари билан мамнун этишга ваъда берди.

Комилжон Мамажонов сўзига дарров амал қилди. Навбатдаги пахта мавсумида, пахтачиликда янги навлар кутилаётган бир пайтда таниқли олим Кенжавой Маҳамадалиев яратган, эртаги, тош босадиган, дея тавсия этилган «Фарғона-3» навини биринчи бўлиб ўз даласига экди. Навнинг яратилиш жараёни билан олдиндан таниш бўлган, шунингдек, ҳассос амалиётчи сифатида олимга баъзи таклифларини улашган бободехқон биринчи йилдаёқ «Фарғона-3»нинг афзаллик-

ларини ажойиб барвақтlilik ва салмоқlilik мисолида тўла исботлади.

Янгиликдан хабар топган ҳамкасбларининг «Фарона-3»га қизиқиши бирдан кучайди. Келгуси йили бир деҳқон «бизга худди шундай эртаги ва тош босадиган нав керак эди, яхши бўлди, синовдан муваффақиятли ўтибдими, биз ҳам экамиз», деб уни ўз даласида қўллашга киришган бўлса, яна бири «Фарона-3», демак, ўзимизники, ўзимизнинг нав бўлиб қолишига ишонаман», дея уни қўлга олди. Шу тариқа Комилжон Мамажонов шарофати билан бу янги навга ҳам «Оқ йўл!» тиланди. Бундан чексиз хурсанд бўлган олим К. Маҳмадалиев ва унинг ҳамкасблари, қолаверса, у ишлайдиган институт жамоаси янгиликпарвар деҳқонга «моҳир амалиётчи», «дала олими», «илмчиларнинг бетакрор ҳомийси» дея эҳтиром изҳор этишди.

У давр даъватларидан келиб чиқиб, ўз даласида биринчилардан бўлиб оилавий звено усулини жорий этди. Шахсан Президентимизнинг ўзи ижара пудратининг афзалликларини таъкидлаб, деҳқонларимизни буни қўллашга чорлаганида, у бу маслаҳатга ҳам туманда, қолаверса, вилоятда энг олдингилардан бўлиб амал қилди. 52 гектар ерини 21 ижарачига тақсимлаб берди. Бир одамга 3 гектарга яқин ер тўғри келди. Ўтган 1998 йилда ҳар йилгидан зиёда мўл ҳосил етиштирар экан, унинг жамоаси бу усулнинг афзалликларига қойил қолди.

Республикамызда ғалла мустақиллиги учун олиб борилаётган энг долзарб ҳаракатга «мен пахтакорманку», деб эътиборсиз ўтирмади. 23 гектар ерга уруф сешиб, ҳар гектаридан 55 центнердан ҳосил олганида таниқли ғаллакор дўстлари «моҳир дончи»лигимизни ҳам олиб қўясизми, дея фахрланиб ҳазиллашишди. Ғалладан олинган ҳосилнинг катта қисми пахтакор деҳқонларнинг ўзига қолди. Шу тариқа магазиндан ун қидириб юришга, ун сотиб олишга эҳтиёж қолмади. Барча мамажоновчиларнинг аёллари уйларида ўз унларидан тандир нон ёпа бошладилар.

Комилжон Мамажонов бир вақтлар қишлоқ хўжалигига қўшилган ва кўп йиллар фойдасиз бўлиб ётган пайнинг ҳукуматимиз, шахсан Президентимиз ташаббуси билан тирилтирилиб, эгаларига қайтарилишини фоятда ўз вақтида ва оқилона иш, деб хурсандчилик билан кутиб олди. Эгалари дунёдан ўтиб кетган бўлса-

лар, мўмай бойликни уларнинг меросхўрлари оладилар. Масалан, унинг ўзига ҳам эл қатори бу манфаатнинг алоқаси бор. Чунки, чўлқувар отаси ҳам жамоа хўжалигига қуруқ қўл билан киргани йўқ эди. Унинг пайи фойдаси, қўшимчаси билан ҳисобланса, эҳ-ҳе, қанча бўлади!

Бу ишнинг бетакрор аҳамиятини таъкидларкан, Қаҳрамон деҳқон, бу тадбирлар одамлар, айниқса, халқни тўйдирадиган қишлоқ хўжалиги ходимларида давлатга ишонч, келажакка умид туғдиради, ахир, деҳқон бойиса, эл-юрт бойийди-да, дейди ифтихор ва миннатдорчилик билан.

У яқин келгусида мулкдор деҳқонлар синфи оёққа туришига, натижада мустақил мамлакатимиз қудратли хазинага айланишига юрак-юрагидан ишонади.

Машҳур пахтакордан «Муваффақиятларингизнинг энг асосий омили нимада?» деб сўрадим. Шунда у:

— Қадрдон жамоамнинг садоқати, аҳиллиги, ўта меҳнатсеварлиги ва хўжалик, туман раҳбарларининг хайрихоҳлиги, қўллаб-қувватловида! — деб жавоб берди ва сўзига қисқача изоҳ қўшди: — Масалан, ўз ютуқларимни мен ҳеч қачон Раҳматжон Эргашев, Мардонали Мамадалиев, Рустам Турдиев, Ортиқали Тожибоев, Раҳмиддин Нуралиев, Дилшод Холиқов каби тажрибали, фидойи, ғайратли аъзоларимнинг ҳиссасисиз тасаввур қилолмайман. Ҳатто, чинакам уй бекалари бўла туриб, бизга қарашишга улгураётган Ҳабиба Отахонова, Ҳамида Эргашева, Турсуной Отабекова сингари аёлларимизнинг хизматини ҳам юксак қадрлайман. Раисимиз Сотволди Холиқов — ҳақиқий эл сардори. Агрономимиз Мамадали Аҳмадалиев, муҳандис Муфаззал Шоматовларни уч фасл давомида биз билан камарбасда бўладиган мутахассислар деб айта оламан. Сотволди Мирзаевдай деҳқонпарвар, олим туман ҳокимимиз борлигидан фахрланамиз.

Қаҳрамон деҳқон фаол жамоатчи сифатида ҳам ажралиб туради. Уни маҳалладошлари гузар Оқсоқоли қилиб сайлашди. У энг аввало одамларнинг бошини қовуштирди, мавжуд муҳитни янада яхшилади, имконияти сезилган одамларда жамоатчилик фаолиятини кучайтирди. Ана шундай таянчлари, яъни, жамоатчилик ёрдамию кучи билан гузарда чойхона, қассобхона, сартарошхона, баққоллик дўконлари очди. Энг муҳими, хонадонлар газлаштирилди. Ун тегирмони ишга тушиш арафасида.

Комилжон аканинг хонадони ҳам ибратли оила. Ойимчахон опа унга доимо парвона. Уйли-жойли бўлиб, ўзидан тинчиб, бахтли, бола-чақали бўлиб кетган қизлари — Олмахон, Лолахон, Отинахонлар «бувам-момони кўриб келамиз», деган болаларини етаклаб тез-тез келиб туришади. Куни-кеча ойиси Лолахон билан келган жажжи Маҳаммадаминжон меҳрибон бобосини қуйидагича шеър билан хурсанд этди:

Менинг бобом — Қаҳрамон,
Олтин юлдуз тақади.
Мени суйганда, гўё
Келажакка боқади.

Маҳаммадаминжон, сен ҳар қанча фахрлансанг арзийди. Чунки, келажак эса, сенинг бобонгдай бугуннинг фидойиларига, Қаҳрамонларига мамнун ва миннатдор боқиб турибди!

ЯРАЛГАН УЛ МАЪРИФАТ УЧУН



Шоирлар шахри деб аталадиган Қўқоннинг «Дегрезлик» маҳалласида яшовчи оддий ишчи Абдуллажон аканинг оиласи ҳам адабиётдан, шеъриятдан узоқ эмасди. Хусусан, оила бекаси, тўқувчи Саодатхон опа ғоятда шоиртабиат эди. У ғазални, мумтоз адабиётимиз намояндalarининг дилга яқин назмий асарларини яхши кўрарди, кўпларини ёддан биларди. Нодира, Увайсий, Зебунисо каби шеърият маликаларининг китоблари қўлидан тушмасди.

Дугоналари билан ўтириб қолишса, улар албатта «Саодатхон, энди Нодирабегимдан бир ғазал эшитайлик», «Увайсийхонликни бошлаймизми» деган таклифларни қилишарди. Саодат опа ғазаларни ҳам берилиб, юрак-юрагидан ҳис этиб ўқирди. Шунда, хурсанд бўлган дугоналари уни «Шоиранинг ўзи бўл кетдингизай, Саодатхон, яшанг, кам бўлманг!» деб олқишлашарди.

Онадаги бундай туғма шеърсеварлик хислати нисбатан эркатой фарзанд — Манзурага ҳам ўтганди. Тўғрироғи, у бу хислатни онасига ҳавас қилиб ўзига юқтирди. Манзура ҳам бадиий адабиёт асарларини, айниқса, шеъриятни жон-дили билан севарди. Онаси бир вақтлари қўлтиқлаб юрган шеърий китобларни кўшимча муқовалар билан ўраб, эъзозлаб ўқирди. Синфида, мактабда ифодали ўқиш бўйича мусобақа уюштирилса, бошқа фанлардан ҳам «аъло» баҳолар билан ўқийдиган Манзура доим биринчи ўринни оларди. Мактаб деворий газетасида эса, ўзининг машқ шеърлари билан қатнашиб турарди.

Шу боис у ўрта мактабни битираётганда отаси ҳам, онаси ҳам унга «ўзимиздаги пединститутнинг тил-адабиёт факультетига ҳужжат топширасанда, қизим, қийналмай кирасан», дейишди. Шунда Манзура улар учун кутилмаган истагини айтди:

— Агар сизлар йўқ демасангизлар, мен филологияга эмас, математика факультетига хужжат топшираман.

— Нега? — ҳайрон бўлди Саодат опа. — Ахир, сен адабиётни дил-дилигдан яхши кўрасан-ку? Ҳатто ўзинг шеърлар ҳам ёзасан. Шоира бўлишинг мумкин. Математика эса, бутунлай бошқа фан. Унда қийналиб қолмайсанми?

— Қийналмайман, — деди Манзура. Сўнг дарров давом этди: — Биласизми, ойи, биринчидан, менга домламизнинг «Математика — фанларнинг подшоҳи» деган гапи жудаям ёқади. Иккинчидан, аксарият болалар нимагадир математика ва физикадан кўрқинишади, Уларнинг кўпи нуқул тарих ва тил-адабиёт факультетига хужжат топширишади. Математикада ким ўқийди? Учинчидан, у куни радиодан Қори Ниёзий домланинг «Математика яралган Ватанда яшаса-гу болаларимизда бул фанга қизиқиш ниҳоятда суст бўлса...» деган армонли сўзларини эшитиб қолдим. Шуларни ўйлаб...

— Майли, хоҳишинг, қизим, — деди фарзандининг гапларини эътибор билан тинглаб ўтирган Абдуллажон ака. Сўнг у турмуш ўртоғига юзланди: — Саодат, Манзура тўғри айтди, ҳақиқатан ҳам болаларимизда нимагадир математикага қизиқиш деярли йўқ. Бу кетишда давом этилаверса, эрта ўтиб, индига неварачеварадаримизга математикадан дарс берадиган ўқитувчилар муаммоси ҳам пайдо бўлиб қолиши ҳеч гапмас. Ёки, ўшанда, Саодат, Европадан ёрдам сўраймизми? — кўқонликларга хос самимий кулди Абдуллажон ака.

— Сўрамаймиз, — Саодат опа ҳам кулиб жавоб қайтарди. — Манзуражон, бўпти, матфакка киравер. Лекин адабиётдан бутунлай узоқлашиб кетма, у барибир яхши нарса, қизим, ҳар қандай одамга ҳам керак.

— Тўғри, — деди Манзура, ота-онасининг қўллаб-қувватлашидан беҳад мамнун бўлиб. — Мен иложи бўлса, қурбим етса, институтни адабиёт битиргач, мактабда математик-адабиётчи бўлиб ишламоқчиман. Тил-адабиёт факультетига кирсам, ҳеч қачон филолог-математик бўлолмайман!

Манзуранинг ғоятда пурмаъно бу сўзидан хурсанд бўлган ота-она беихтиёр бараварига:

— Балли, она қизим! — деб юборишди...

Олтмиш бешинчи йилнинг қабул мавсумида Манзура Қўқон давлат педагогика институтининг математика факультетига ҳужжат топшириб, муваффақиятли ўқишга кирди. Биринчи курсдаёқ институтдагина эмас, балки, бутун вилоятда, водийда ҳурмат қозонган мураббийлар — Ҳожикул Мавлонқулов, Маллабой Маъдалиевларнинг назарига тушди. Уларга Манзура, айниқса «ўқитувчи ижодкор (доимо изланишда бўладиган маъносида — муалл.) бўлиши шарт», деган таклифи билан ёқиб қолди.

— Бир куни даъватингнинг маънисини тушуниб турибман, қизим, лекин сенинг изоҳинг бошқача-да, қани, ўзингдан эшитайлик, — деб сўрадим, — дея ҳикоя қилади Ҳ. Мавлонқулов. — Шунда Манзураҳон дарров қуйидагича жавоб берган: дарслик-қўлланмадаги тайёр мавзуларни оддий, масалан, ҳали олий мактаб кўрмаган ёшлар етакчиси ҳам ёдлаб ёки китобга қараб туриб, ўқувчиларга гапириб бериши мумкин. Лекин у болаларга ҳеч нарса юқтиролмайди. Сабаби — у муаллим эмас. Ўқитувчи эса, агар у росткам мутахассис, яъни ижодкор тарбиячи бўлса, сен нега кеч келдинг, сен нега ўтган дарсда бўлмадинг, ўрнингдан тур, доскага чиқ, деб болалар кайфиятини бузиб ўтирмасдан, аввал уларни мавзуга тайёрлайди, қизиқтиради. Сўнг машғулотни бошлайди. Уни тушунтираётганда болаларнинг қўлидаги дарслик китобида бўлмаган, аммо мавзунини янада мароқли қилиб улашишга роятда ёрдам берадиган қўшимча адабиётлардан кўпроқ фойдаланиш лозим. Дарс ўтаётганда иложи борича китоб ёки конспектга қарамаслик керак!

Ҳа, Манзураҳон талабалик пайтидаёқ бўлажак ўқувчилари фами билан яшарди...

У тўртинчи курсда ўқиб юрган кезлари институтга Тошкентдан Шухрат ака деган радиожурналист ташриф буюриб, талабалар билан давра суҳбати ўтказди. Унда математика факультетидан Манзура ҳам иштирок этди. Мухбирнинг «нега кейинги йилларда ўрта мактабни битириб, дорилфунун ва институтларга ўқишга киролмай қолаётган йигит-қизлар кўпайиб кетяпти, сабабини сизлар, яъни олий мактабларда ўқишни давом эттираётганлар қандай изоҳлайсизлар?» деган саволига ҳар ким ҳар хил жавоб берди. Биров собиқ ўқувчининг ўзи айбдор, кам ўқиган, деса, яна биров

иллат оилада, ота-она боласининг ўқиши билан умуман қизиқмайди, уни назорат қилмайди, деди, учинчи бир талаба эса, «бизда, бу ерда йўғу, лекин бошқа жойларда абитуриентнинг тақдирини таниш-билишчилик, пул ҳал қияпти, натижада билимли болаларнинг четда қолиб кетиши ҳоллари ҳам тез-тез такрорланиб турибди, менимча» деган гапни айтди. Шунда суҳбатга беихтиёр Манзурахон ҳам қўшилди:

— Дўстим, сизнинг билимли болалар ўқишга киролмай четда қолиб кетяпти, деган фикрингизга, масалан, мен қўшилолмайман. Нега дейсизми? Чунки, билимли болани ҳеч ким йиқитолмайди. Қани, айтинг-чи, масалан сиз имтиҳон олаётган пайтда рўпарангизда ўтирган абитуриент саволларга шариллатиб жавоб берса, яна саволингиз борми, деб турса, унга қониқарсиз баҳо қўя оласизми, ёки билмайсиз, деб айта оласизми?! Тўғри ёзилган ёзма, ҳужжат иншони эса ҳеч ким нотўғрига чиқаролмайди! Чиқара олган эмас! Таниш-билишчилик, пул билан билимсиз болани ўқишга киритиш мумкин. Лекин, таниш-билишчилик, пул билан, такрор айтаман, билимли болани йиқитиб бўлмайди.

Манзурахоннинг мулоҳазаларига юз фоиз қўшилган журналист ундан билими саёз болаларнинг кўпайиши сабаблари ҳақида сиз нима дея оласиз, синглим, деб сўради.

— Биз кўпинча оилани, ота-онани, қолаверса, ўқувчининг ўзини айблаймизу, муаллимлар тўғрисида ҳеч нарса демаймиз, — деди кутилмаганда Манзурахон. — Сир эмас, мактабларда бўш ўқитувчилар ҳам бор. Уларни секин кузатсангиз, ўргансангиз, бундай кишилар икки гурӯҳга бўлинишади. Биринчи гуруҳи институтни битиргач, дипломим бор-ку, деб, ўз устида умуман ишламайдиган, бир умр дарслик китобнинг қули бўлиб қолган тарбиячилардир. Иккинчи гуруҳга эса, юқорида айтилган, яъни таниш-билишчилик йўли билан кирганлардан пайдо бўлган зўраки «ўқитувчилар» ва бошқа соҳаларда ишлаб юриб, диплом қўлга теккач, мактабга келган собиқ «сиртқи»чилар кирради.

Ўзи танлаган махсус фандан етарли илми бўлмаган, унинг янгиликларидан бохабар бўлиб боришни хаёлига ҳам келтирмаган бундай муаллимлардан ўқувчи бечора нима олиши мумкин? Менимча, билими саёзликнинг сабабларидан бири худди мана шу ерда. Мавриди келганда бир фикрни айтиб кетмоқчиман: ҳақиқий ўқитувчи бўламан деган одам ҳеч қачон

сиртдан ўқимайди. Сирт — ўз оти билан сирт-да. Имкониятлари жиҳатидан кундузги ўқишга тенг келолмайди-да...

Тошкентлик радиожурналистга Манзураҳоннинг мулоҳазалари ғоятда ёқиб қолди. У эрта-индин мактабга йўл оладиган талабани ўзининг «Менинг тасаввуримдаги муаллим» эшиттиришига таклиф этди!

Манзураҳон институтни имтиёзли диплом билан тугатди. Унга домлалари олий даргоҳда қолиб, ишни шу ерда давом эттиришни, яъни илм билан шуғулланишни маслаҳат беришди. Шунда у устозларига сабоқлари учун аввал чексиз ташаккурлар билдириб, сўнг узр сўраб, фақат ва фақат мактабда, яъни оила ва олий даргоҳ ўртасидаги тарбия масканида ишлашни астойдил ният қилганини айтди. Домлалар унга «майли, нима деймиз, тўғриси, бизга келадиган йигитқизлар бақувват бўлиши учун мактабларда худди сиздай иқтидорли, ҳар томонлама етук муаллимлар ишлаши керак, бу — биринчидан, иккинчидан, «Мактаб ва олий даргоҳ» мавзусида ўтказиладиган тадбирларимизда мунтазам қатнашиб турасиз», деган самимий шарт билан оқ йўл тилашди.

* * *

Манзураҳон таътил пайтида бошқалардек «йўлланма — аниқ, диплом — қўлда, яна нима керак», деб ўтирмади. Вақт бўлиши билан мактабга тайёргарлик кўрди, ўз устида ишлашни давом эттирди. Масалан, у йигирманчи аср ўзбек математика фанининг улур устози Тошмуҳаммад Қори-Ниёзийнинг машҳур «Математика таҳлилининг асосий курси» китобини яна бир бор варақлаб чиқди.

Биринчи сентябрь қўнғироғи жаранлаганда Манзураҳон жонажон шаҳри — Қўқондаги 10-ўрта мактаб жамоаси сафида эди. У ўзини яқиндан билган, орқаворотдан таниган мактабдошларининг барчасидан «бизга ишга келганингиз яхши бўлибди», деган яқдил самимий сўзни эшитди. Чин юракдан айтилган бу сўзлар уни беҳад руҳлантирди ва айни вақтда алоҳида масъулият юклади. У тезроқ ниманидир қилишга, «янги ўқитувчи» деган синовчан эътирофни оқлашга интиларди...

У мактабда биринчи бўлиб «Математика фани хонаси»ни ташкил этди. Унинг жиҳозларига алоҳида

эътибор берди. Шахсан директорнинг ёрдами билан махсус стендлар тайёрлатди. Унга математика тарихига доир асарлардан тортиб, математика илимининг буюк алломалари суратларию, китобларигача, турли йилларда газета-журналларда эълон қилинган мақоаларигача қўйди. «Математика — фанларнинг подшоҳи» деган сўзларни рассомга йирик ҳарфларда ёздириб, хонанинг энг кўзга кўринарли жойига осиб қўйди. Уни доноларнинг, мутафаккир олимларнинг математика ва унинг моҳияту-шарофатларига оид ҳикматли сўзлари янада тўлдирди.

Математика муаллими Манзураҳон дарсларини асосан шу хонада олиб борди. Истаган ҳамкасблари ҳам ундан бемалол фойдаланишди.

— Мен ўз фаолиятимни, энг аввало, болалар онгидаги «Математика — қийин, мураккаб фан» деган тасаввурни чиқариб ташлаб, ўқувчиларни унга қизиқтиришдан бошлаганман, — дейди Манзураҳон Маъдалиева, ўзининг илк иш фаолияти йилларини эслаб. — Бу ишда менга илк марта математикадан сабоқ берган мактаб муаллимларим — ҳурматли Сораҳон Ҳожиматова, Марямхон Еремееваларнинг тажрибалари ҳам қимматли ёрдам берганини айтиб ўтмоқчиман. Шаҳримиздаги, кейинчалик институтга айлантирилган педагогика техникумида устозларнинг устози — Қориниёзий домла тамал тошини қўйиб кетган ўзига хос Қўқон математика мактабининг тажрибалари эса малакали муаллим бўлишимда катта аҳамият касб этди.

Фарғона вилоятида биринчилардан бўлиб ғоятда оригинал «қизиқарли математика кечаси»ни ўтказганлардан бири ҳам изланувчан, тиниб-тинчимас ёш муаллим Манзураҳон бўлди. Кутилмаган янгилик, воқеа бўлган бу кечани ҳали-ҳануз ҳамкасбларию собиқ ўқувчиларигача, ҳатто ота-оналар ҳам эслаб юришади. Унинг бу тажрибаси қисқа муддатда бутун водий бўйлаб ёйилди. «Ўқитувчилар газетаси» эса, қўқонлик муаллиманинг изланишлари, ташаббуслари ҳақида мақола эълон қилиб, уни республикага таништирди.

— Манзураҳон раҳбарлигида уюштирилган тадбирлар, хусусан, «Математика кечалари» бошқаларниқидан ҳар томонлама мароқли ўтишининг сабаби, — дейди унинг ҳамкасби Ҳалимаҳон Маҳмудова, — уларда фанни жон-дили билан севган, унга бутун вужуди билан қизиққан, қолаверса, «Манзураҳон опадай ма-

тематик бўламан», деган болалар иштирок этишади. Улар — меҳрини дугонам қозонган давранинг ўқувчиларидир!

Биласизми, сал ғалатироқ эшитилса узр, Манзураҳон дарс беришнинг эскича усул-қоидаларига — янги-ча ёндашувни ўзига шиор қилган муаллима. Масалан, у дарсни «ким келди — ким келмади», «нимага келмадинг»дан бошламайди, яъни, ўқувчиларнинг фикри-хаёлини чалғитиб, кайфиятларига таъсир қилиб ўтирмайди. Аксинча, болажонларим, яхши келдиларингми, мен сизларни соғиниб қолдим, ҳатто сизларга атаб, бутун ўтилажак мавзуга оид янгилик ҳам топиб келдим, деб дарров машғулотга киришаверади. Узукка кўз кўйгандек улашилган янгилик, яъни мавзуга ғоятда алоқаси бўлган ҳикоя ёки кўргазмали қурол эса, шу заҳоти ўқувчиларни қизиқтириб, дарсга тайёрлайди. Охир-оқибатда дарсга бутун диққат-эътибори, вужуди билан берилиб турган бола уни муаллими кутганидай ўзлаштириб олади-да!

«Йўқлама»га келсак, Манзураҳон уни дарсдан сўнг ўтказарди. Мана, бир неча йилдирки, унинг машғулотларида бу ишга умуман эҳтиёж йўқ. Сабаби — дарсида ўқувчилар ҳамма вақт юз фоиз иштирок этишади...

Саксонинчи йилнинг бошларида изланувчан Манзураҳон ўз фанидан дарс беришда телевидение имкониятларидан кенг фойдаланишни йўлга қўйди. Ўзбекистон телевидениеси ижодкорлари эса, унинг бир сценарийсини «Билмасвой математика кечасида» номи билан маърифий-муסיқали кўрсатув тарзида бутун республикага намойиш этишди. Кейинчалик шундай кўрсатуви табарруқ анжуман — Ал-Хоразмий таваллудининг 1200 йиллигига бағишланган Халқаро илмий анжуман қатнашчилари даврасида кўрсатилди.

Манзураҳон Маъдалиеванинг «Ал-Хоразмий алгоритми ва математика» саҳна кўринишини томоша қилган буюк хоразмийшунос олим, академик Восил Қобулов таассурот-ҳайратини қуйидагича изҳор этган эди:

— Мен бир умр улуғ миллатдошимиз ва ватандошимиз Ал-Хоразмийнинг ҳаёти ва ижоди билан шуғулландим. Ажойиб иқтидор соҳиби бўлган қўқонлик қизимиз, миллий маорифимизнинг чинакам маликаси Манзураҳон менинг бир умрлик илмий изланишимни 20—25 минут давомида саҳнада қўшиқ, шеър, топишмоқ тарзида намойиш этиб кўрсатди. Қойил, тасанно,

деймиз унга. Бундай ижодкор ўқитувчи билан маорифчиларгина эмас, балки, бутун халқимиз, юртимиз фахрланса арзийди!

Саксон учинчи йилдан бошлаб Манзурахон мактабда биринчи бўлиб «балл» усулига ўтди. Ўқувчиларнинг фанни ўзлаштириши ва билимига баҳо эмас, балл қўйиб борадиган бўлди. Йил давомида кўп балл тўплаган ўқувчиларни рағбатлантиради. Шу боисдан ўқувчилари дарсларда, синфдан ташқари машғулотларда бирдай фаол қатнашиб, кўпроқ балл тўплашга интилишади. Бу усулни айни кунларда «рейтинг» усули деб аташади.

Унинг янгиликлари кўпайгани учун саксонинчи йилларнинг охирида Қўқонда, Фарғона вилоятида «Маъдалиеванинг ўқитиш услублари» деган ибора пайдо бўлди. Бу жуда катта эътироф, албатта. Биз Манзурахон опадан бу ҳақда сўраганимизда, у киши қуйидагича жавоб берганди:

— Кўпчиликмас, айрим болалар тасаввурида математика бошқа фанларга нисбатан қийиндек туюлади. Мен, энг аввало, боланинг онгида математика фани қийин деган тасаввурни чиқариб ташлаб, уни қизиқтиришга ҳаракат қиламан. Математиканинг сермазмун, сирли, гўзал ва ҳаётий фан эканлигини уларга яхшилаб тушунтираман. Шундан сўнг болаларда бу фанга қизиқиш кучаяди. Ўқувчиларга формулалар, теоремалар, хоссалар, фигуралар ва ҳоказолар ҳақидаги таърифларни ёдлатиб, бошини қотирмасдан, қизиқарли суҳбатлар, ўйноқи-ҳазил шеърӣ йўллар билан, «саҳна» чиқишлари орқали тушунтиришга ҳаракат қиламан. Кўрғазмали воситалар, компьютерлардан унумли фойдаланаман. Энг муҳими, дарсда ўқувчиларни гуруҳларга бўлиб ўқитаман. Ўзлаштириши қийин, билими саёз ўқувчиларга энг содда, тушуниши осон бўлган масалалар, мисолларни ўргатаман. Билими кучли, иқтидорли болаларни мураккаб, қийин масалаларни ечишга жалб этаман. Уйга вазифалар ҳам болалар гуруҳи, қобилиятига қараб мураккаб ёки содда мавзулардан бўлиб берилади. Дарсда бир масалани бир неча марта такрор кўрсатиб тушунтираман. Бу ўқитиш усулини ҳозирга келиб, ноанъанавий усул деб аташмоқда. Ўқувчиларни шу усулда ўқитиб келаётганимга ўн йилдан ошди.

1991 йили Тошкентдаги «Ўқитувчи» нашриёти Манзурахон Маъдалиеванинг иш тажрибаси ҳақида ҳикоя қилувчи «Саҳнада — математика» китобчасини чоп

этди. Кўпминг нусхада нашр этилган ушбу китобча миллий маорифимизда янгилик бўлгани учун қисқа фурсатда сотилиб кетди. Уни олишга улгуролмай қолган ўқитувчилар китобчанинг қайта чоп этилишини кутиб юришибди.

Фидойи математикнинг Қўқонда нашр этилиб, шаҳардаги барча мактабларга тарқатилган «Кўпбурчаклар ташкилоти ва Аҳмад» деган инсценировкаси ҳам Фарғона водийси ўқитувчилари даврасида, маърифий ҳаётимизда ўзига хос, бемалол айтиш мумкинки, бетакрор янгилик бўлди. Бу саҳна асари илк бор тайёрланаётганда унга атаб Манзураҳон опанинг ўзи либослар тикди. Машғулот пайтида ўқувчилар учбурчак, тўртбурчак, нуқта, трапеция, айлана, ромба, кўпбурчак каби геометрик белгилари бор кийимларни кийиб сўзлайдилар. Мана ундан намуна:

Тўғри тўртбурчак:

— Айтинг менга, болалар
Қандай фигура ўзим?
Айтинг, гулу лолалар,
Қандай топилгай юзим?

Ўқувчи:

— Сиз тўғри тўртбурчаксиз,
Тўртта тўғри бурчаксиз.
Энингиз ва бўйингиз
Кўпаймаси — юзингиз.

Паралелограмм:

— Гапим шуки, азизлар,
Кўпчилик ўғил-қизлар,
Мени тўғри тўртбурчак
Шаклида чизишади.
Билолмай фарқимизни
Кўп даъво қилишади.
Айтингчи, шу тўғримми?
Шу даъво ўринлими?

Ўқувчи:

— Йўқ, нотўғри мутлақо!
Ким қилса шундай даъво.
Бурчагингиз турлича,
Ўйламоқ керак пича!

— Манзураҳоннинг мана шундай ижодкорлиги, фидоийлиги туфайли мактабимизда, шаҳримизда ёш математикларнинг вилоят, республика олимпиадаларида ғолиб чиқаётган ўқувчиларнинг сони кескин кўпайди, — дейди директор Р. Муҳаммадиев. — Уларнинг баъзилари мактаб ва институтни муваффақиятли тугатгач, эндиликда математика илми билан ҳам дадил шуғулланмоқдалар.

У ўз хулосаларидан келиб чиқиб, кейинги йилларда дарсдан ташқари машғулотлар ва кечаларга янада кўпроқ эътибор бермоқда. Болаларга математика ғаройиб илм оламининг мураккаб кашфиёти эканини ҳикоя қиларкан, уларга шу фаннинг сирли ҳодисаларини сонлар, тенгламалар, формулаларни; қўшиш, айириш, бўлишларни «математика фигуралари анжуманлари»да тушунтиради.

Математика хонаси янги замонавий ўқув дастгоҳлари ва кўргазмалар билан янада чиройли қилиб безатилди. «Услубий ёрдам ва кўрсатмалар», «ЭҶМ тузилиши», «ЭҶМнинг қўлланиш соҳалари» болалардаги қизиқишни янада кучайтиради. Дарс пайтида фойдаланиладиган барча техник воситалар, турли илмий адабиётларни, ҳатто шеърий матнлар жамланган тўпламларни ҳам бу ердан топиш мумкин. Бу хонага фақат ўқувчилар келишмайди. Унга тез-тез Манзураҳон опанинг ҳамкасблари, яъни ўқитувчилар ҳам, ҳатто оналар ҳам ташриф буюришиб туришади. Бир гал тасодифан улар билан учрашиб қолишганимизда битталари шундай деган:

— Биз бу ердан кўп нарса ютамыз. Биринчидан, болаларимизнинг билими қандай ошиб бораётганлигини назорат қилиш учун ўзимизга зарур маълумотларни оламыз, иккинчидан, шеъру қўшиқлар тинглаб, саҳна кўринишларини томоша қиламыз. Нафосат ардоғида улашилаётган билим, эстетик тарбия фарзандларимиз онгини, дунёқарашини ўстираётганидан беҳад хурсандмыз. Манзураҳоннинг барчага манзур иш фаолиятини ҳар қанча ўрганса, эъзозласа арзийди.

Янгиликка ўч, ташаббускор муаллиманинг педагогика соҳасидаги бундай ибратли иш усуллари, тажрибалари кўп бор вилоят ва республика миқёсида оммалаштирилди. Унга аллақачон «Энг яхши услубчи муаллим» ва «Олий тоифали ўқитувчи» унвонлари берилган. Манзураҳон Маъдалиева республика Халқ таълими вазирлиги ва вилоят халқ

таълими бошқармаси уюштирадиган илмий-амалий анжуманларнинг, махсус курсларнинг доимий иштирокчиси. Жуда кўп ўқитувчилар вилоятлар ва туманлардан бу анжуманларга «Манзурахон опанинг қизиқарли маърузасини тинглаймиз», деб келётганлиги сир эмас.

— Миллий математикамиз, маорифимиз маликаси Манзурахонда худо берган талант бор, — дейди фахрланиб унинг мактабдош дугонаси Ҳамидаҳон Мақсудова. — Биласизми, у ўзи ёзган шеърларга ўзи куй ҳам басталайди. Мактаб бадийий ҳаваскорлик тўғрагининг репертуарига ҳисса қўшиш билан бирга уни мунтазам таҳлил қилиб боради.

— Манзурахон мамлакатга машҳур муаллимагина эмас, балки, бетакрор оила бекаси, жонкуяр жамоатчи ҳамдир, — дейди «Дегрезлик» маҳалласининг оқсоқоли Мирзажон ота. — Унинг оиласи чинакам иноқлик, камтарлик рамзидир. У турмуш ўртоғи, ажойиб инсон Баҳромжон билан уч ўғил-қизни тарбиялаб вояга етказди. Улар ота-оналарига муносиб, ҳаётдан ўз ўринларини топган фарзандлардир. Маҳалламизнинг бирон тадбири унинг фаоли Манзурахонсиз ўтмайди. У тўй-маъракаларда бизга ҳамма вақт бирдай жонкуярлик билан қарашади. Хотин-қизларимизнинг тадбири бўлса, албатта ўзи бошқош бўлади.

— Қўқонни бир вақтлар ажойиб шоирлари машҳур қилган, — дейди шаҳар халқ таълими бўлими мудири Эркинжон Эргашев. — Энди унинг довруғини Қаҳрамон қизи, муаллима Манзурахон Маъдалиева таратди! Биласизми, ўтган йили кузда Қўқонга ташриф буюрган бир хорижлик турист «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонига сазовор бўлган биринчи ўзбек ўқитувчиси сизда ишлайди-а?» деб бўлимимизга кириб келган. Шунда бутун жамоамиз билан бошимиз осмонга етган. Ҳа, бизда ана шундай «Биринчи ўзбек ўқитувчиси» ишлайди! Унинг билан биз ҳар қанча фахрлансак, мақтансак арзийди.

Ҳа, она-Ватан, Президентимиз Ислом Каримов ўзининг фидойи, ташаббускор қизи — Қўқон шаҳридаги Чархий номли ўрта мактаб ўқитувчиси Манзурахон Маъдалиеванинг меҳнатларини, хизматларини биринчилар қаторида муносиб тақдирлади. Унинг кўксига мустақил Ўзбекистонимизнинг энг олий нишони — Қаҳрамонлик Олтин юдузи порлаб турибди!

Элимизнинг қарийб ўттиз йиллик муаллимлик стажига эга бўлган манзур қизи, маърифат чаманининг маликаси — Манзурахон Маъдалиева ҳақидаги ҳикоямни тугатар эканман, хаёлимга беихтиёр қўқонлик ҳаваскор шоирнинг қуйидаги сатрлари келди:

Муаллима Манзура опа
Дарсда голиб — кўрсатди кучин.
Тинчимайди янгилик истаб,
Яралган ул маърифат учун!

БИЗ НЕЧУН СЕВАМИЗ ШОИРНИ'

Абдулла Ориповгай шоир юз йилда бир марта туғилади.

ИслоМ КАРИМОВ

ОРИФ ОТАНИНГ ОРЗУСИ



Қашқадарёда бўлганлар билишса керак. Қаршининг Фарб томонида, шаҳардан ҳийла чеккароқда, яъни Косон туманида Некўз деган қишлоқ бор. Бу ерда, тўқсон биринчи йилда қилинган ҳисоб-китобга кўра, 700 нафардан сал ошиқроқ киши яшайди. Одамлари асосан пахтачилик билан шуғулланишади.

Ўттизинчи-қирқинчи йилларда ҳам Некўзда деярли шунча одам яшар, худди шу деҳқончилик билан машғул бўлинарди. Унинг нисбатан ўзига тўқ оилаларидан бири Ориф ака хонадони эди. Ўзига тўқ дейишимизнинг сабаби шуки, суяги фақат ва фақат меҳнатда қотган Ориф ака ўзи тушуниб-тушунмай аъзо бўлган «колхоз»га бор ишончини юкламай, ўз шахсий томорқасида ҳар йили мунтазам яхшигина деҳқончилик қилар, кўра-қўтонларидан эса, ҳечам моллар аримасди. Шунинг учун Ориф ака турмуш ўртоғи Турдинисо опа билан бошқаларга ўхшаб оддий кун кечиришни эмас, балки, қийналмай, ҳеч нарсага зориқмай ўсаётган болаларининг келажагини кўпроқ ўйларди. Ишдан бўш вақтларида, яъни оқшомлари овқатдан сўнг фарзандларини атрофига йиғиб, уларга албатта қаҳрамонлик-ватанпарварлик дostonларидан ёки ибратли халқ ривоятларидан сўзлаб берарди. Қашқадарёнинг машҳур бахши шоирларидан бирортаси Некўзга ташриф буюраётганини эшитса, уни хонадонида меҳмон қилишга интиларди. От миниб шаҳарга, бозорга тушса, уйга

¹ Ушбу очерк адабиётшунос Наим Каримов билан ҳамкорликда ёзилган.

қайтаётганида хуржунининг бирон кўзида баъзида китоб ҳам бўларди.

Қирқ биринчи йилнинг эрта баҳорида Ориф ака хонадониди янги фарзанд — ўғил дунёга келди. Унга яхши ният билан Абдулла деган исм қўйишди. Шунда, Ориф аканинг қадрдон ҳамқишлоқ дўстларидан бири, тўрт ўғилли бўлган, ўзида йўқ хурсанд отани табриклаётиб, ҳазиллашди:

— Абдулла исмлиларга яқингинада қандай ҳужумлар бўлганини биласиз-ку, ошна? Қўрқмадингизми ўғлингизга шундай от қўйиб?

— Йўқ, биродар, — деди жилмайиб, ҳазилга ҳазил билан жавоб беришга чоғланган Ориф ака. — Мен ўзим қўрқиб учун эмас, яна шунақа душманлар пайдо бўладиган бўлса, уларни қўрқитиш учун ўғлимга шундай исм қўйдим!

Ўртада дўстларнинг самимий қаҳ-қаҳаси янгради.

— Балли! — деди қишлоқ оқсоқолларидан бўлган мулла Очил беихтиёр. — Энг муҳими, азизлар, бизга ҳам Абдуллалардан буюрган экан. Орифжоннинг шукрига ҳар қанча қўшилсак арзийди. Илойим, ўзимизнинг Абдулла Орифга эга бўлганимиз рост бўлсин, омин!

Хаёлидан «Омин!» сўзи атрофга қаттиқроқ эшитилмадими?» деган бироз хавотирсифат фикр кечган кишилар беихтиёр фотиҳага қўл очишиб, тилак билдиришди:

— Айтганингиз келсин!..

Акалари билан Абдуллажон ҳам болалигиданоқ одобли, зийрак, ота-онасининг бир гапини икки қилмайдиган, мактабга қадам қўйгач, китобсевар бўлиб ўсди. У фақат табиатга алоҳида қизиқиши, ошиқлиги билан ўздан катта жигарбандларидан ажралиб туради. Некўзнинг Шарқида эски тоғ бор. Уни некўзликлар Қўнғуртов деб атайдилар. Митти Абдулла ўзига хос ҳайбатли ўша тоғни севиб қолганди. Далага қўй ҳайдайдиган бўлса, молларини фақат ўша ерда боқарди. Бўш вақтларини ҳам кўпинча Қўнғуртов бағрида ўтказарди. Ошналаридан бирортаси уни истаб келса, онаси баъзан «болам, Абдуллани Қўнғуртовдан товасан (топасан — муалл.)» деб жавоб берарди. Унга қадим тоғнинг ажиб салобати, айниқса, ўктам мағрурлиги ёқарди. Тупроғи ғоятда фойдали, яъни ўзига хос кон Қўнғуртовга тикилиб ўтирганида хаёлидан: «ҳатто манави форчалари ҳам шарофатли, масалан, одамларни

қаттиқ шамол ва ёмғирлардан сақлаши мумкин», деган фикр ҳам кечарди.

Ориф ака Абдуланинг Қўнғуртовни айрича ўйчан, воятда ҳавас билан томоша қилишларини бир неча бор кузатганди. Унга ўғлининг бу хислати ёқади. Шунинг учун гоҳида, Абдулла Қўнғуртовдан уйга қайтганда: «Товдамидинг, товим?!» (товим) деб эркалатиб кўярди.

Мунгазам эл хизматида бўлиб, ўзи яшаётган қишлоқ ҳаётини кўтаришга ҳисса қўшиб келаётган беҳад пок ва тоза, камсуқум ва камтар Ориф аканинг фарзандлари кетма-кет вояга етишди. Тўнғичи Абдухалил олий мактабнинг агрономия факультетини битиргач, қисқа фурсатда эл сардори (жамоа хўжалиги етакчиси) сифатида танилди. Абдураззоқ ва Меливой институтни тугатишгач, илм билан шуғулланишди. Диссертацияларини муваффақиятли ёқлашгач, бири Самарқанддаги қишлоқ хўжалик институти, иккинчиси эса, Қаршидаги педагогика (ҳозирги Дорилфунун) олий мактабининг домлалари сафига қўшилди.

Абдуллажон адабиётни, хусусан, шеърини яхши кўрарди. Шунинг учун у эллик саккизинчи йили Тошкент Давлат дорилфунунининг филология факультетига ҳужжат топшириб, биринчилар қаторида бу олий даргоҳнинг талабаси бўлди. Ўрта мактабда ўқиб юрган кезлари бошлаган шеърини машқларини машҳур илмгоҳнинг домлаларига кўрсатди. Шундай мурожаатлардан бирида уни чин дилдан илҳомлантирган устоз адабиётшунос Озод Шарафиддинов бўлди. Шунда у киши хурсанд бўлиб, ёш шоирга дарров қуйидагича «Оқ йўл» ёзди:

«Кунлардан бирида университетда олдимга ўрта бўй, қорамағиз бир йигитча келди-ю ийманиб туриб бир даста шеърини ўқиб беришимни илтимос қилди. Мен шеърларни уйга олиб кетиб, эринибгина ўқий бошладим. Негаки, бунақа илтимослар кўп бўларди, лекин шеърлар кўпинча ўртамиёна даражадан ошмас эди. Бу гал ҳам шундайдирда, деб ўйлаган эдим. Йўқ, ундай бўлмади. Ўқиганим сари, деярли ҳар бир шеър қандайдир латиф мусиқийлиги, фикрий равшанлиги, образлилиги билан эътиборимни тортди. Шеърларни ўқиб бўлгач, менда шундай таассурот қолдики, гўё шу шеърларда самимий ва пок қалб яширинган-у мен ҳозир у билан ҳамсуҳбат бўлдим. Кейин бу тортинчоқ йигит билан яқинроқ танишдик. Унинг исми — Абдул-

лажон, фамилияси — Орипов. Асли Қашқадарёдан экан. Шеър ҳақида, поэзия тўғрисида, ўзбек шеърляти хусусида кўпроқ суҳбатлар қилдик. Мен унинг бошқа шеърларини ҳам ўқиб чиқдим. Баъзи бир маслаҳатлар бердим.

Хуллас, Абдуллажон дурустгина, умидли ёшлардан қиқиб қолди. Бугун «Шарқ юлдузи» журналимиз ўз ўқувчиларига унинг шеърларидан намуналар ҳавола қияпти.

Муҳтарам ўқувчилар бу шеърларни ўқиб, улардаги образлиликни, фикрий теранликни, оригиналикни кўриб, менинг шодланаётганим боисини тушунарлар ва ёш шоирларимиз сафи яна бир талант эгаси ҳисобига бойиётганига мен билан бирга қувонарлар, деган умиддаман».

Кўп ўтмай, атоқли мунаққид ва унинг ҳамкасблари ёш шоирлар сафигина эмас, балки, бутун миллий адабиётимизнинг энг ёрқин намояндалари қатори яна бир истеъдод ҳисобига бойиганини бир овоздан баралла эътироф этишди. Бу фикрга қўшилган, Некўз қишлоғига сафар қилиб, Ориф отанинг улуғ инсоний сифатларидан воқиф бўлиб қайтган атоқли адабиётшунос Матёқуб Қўшжонов эса, матбуот орқали шундай ажойиб хулосани айтди: «Биз худо берган ҳар хил дарахтларда пишадиган мева-чеваларни истеъмол қиламиз. Бироқ унинг тубига, иддизига эътибор қилавермаймиз. Ўйлаб кўрсам, Абдулла Ориповнинг шеърлятидаги маънодорлик, инсонийлик, ватанпарварлик каби олий хислатлар у тугилиб ўсган, тарбия топган муҳитга боғлиқ экан. Бу муҳитда Ориф отанинг етакчи ўринда туриши маълум...»

ХАЛҚ ҚАЛБИНИНГ ТАРЖИМОНИ

Одатда Абдулла Орипов ижодининг тонги тўғрисида сўз борганда, шоирнинг «Тилла балиқча» шеъри тилга олинади. Ҳолбуки, бу шеър яратилган 1965 йилдан анча одинроқ унинг шеърлят оламидаги дастлабки қадамлари ташланган, «Учқун» (1957), «Қушча», «Юлдузлар» (1958) сингари илк шеърлари талабалар даврасида янграб, ёш шоирнинг нурли истиқболдан дарак берган эди.

Агар урушдан кейинги йиллар ўзбек шеърлятида сохта пафос билан суғорилган шеърлар авж олгани ва улар оқими 50-йиллар ўрталарида ҳам давом этганини

эсласак, Абдулла Ориповнинг баҳорий қалбидан юзиб чиққан бу шеърларда шеърият мухлислари учун азиз бўлган самимийлик, туйғу ва кечинманинг бокиралиги, чинакам лириканинг бошқа асосий унсурлари бор эди. Шунинг учун ҳам у илк шеърлари биланоқ мухлислар эътиборини қозонди.

Шу нарса ажойибки, 50-йилларда «бепоен мамлакат», партия ва пахта тўғрисидаги чинакам лирикага алоқаси кам бўлган шеърларнинг бисёрлигига қарамай, шеърият мухлислари беадад эдилар. Руҳий оламнинг нафис манзаралари, теран инсоний туйғуларнинг мураккаб ҳаракати тасвирланган шеърларга ташна бўлган бу мухлислар учун Абдулла Ориповнинг илк шеърлариёқ бадий кашфиёт бўлди. Зар қадрини заргар билади, деганларидек, шеърият мухлислари чинакам шоирнинг туғилиб келаётганини сездилар.

Орадан кўп ўтмай, ёш шоирнинг қалами чархланиб, унинг шеърлари самимийлиги, туйғунинг назокати билангина эмас, балки, шеърий шаклнинг жозибадорлиги билан ҳам ажрала бошлади. Бояги «Учқун» шеърдан кейин бор-йўғи беш йил ўтгач, Абдулла Орипов ўзининг бугун ҳам бадий латофатини йўқотмаган «Сен баҳорни соғинмадингми?» деган шеърини яратди.

Уйғонгувчи боғларни кездим,
Топаи, дедим, қирдан изингни.
Ёноғингдан ранг олган, дедим, —
Лолазорга бурдим юзимни,
Учратмадим аммо ўзингни,
— Сен баҳорни соғинмадингми?

Узоқлардан залворли тоғлар
Хаёлимни келдилар босиб.
Кечди қанча интизор чоғлар,
Васлинг менга бўлмади насиб,
Сенсиз мен ҳам, баҳор ҳам ғариб,
— Сен баҳорни соғинмадингми?

Бугун, айниқса, ёшлар ўртасида бу гўзал сатрларни ёд билмаган киши йўқ. 50-йиллар шеъриятининг зерикарли иқлимида бундай шеърларнинг пайдо бўлиши учун шоир нафақат туғма истеъдод эгаси, балки, ўзига яратилган гўзал шеъриятдан яхши ҳабардор, уни пухта ўрганган, унинг бадий ютуқларини ўзига сингдирган ҳам бўлиши лозим.

Ёш Абдулла Орипов ана шу икки муҳим нарсани ўз сиймосида ва ўз ижодида бирлаштирган ҳолда адабиётимиз бағрига кириб келди.

Агар юқорида келтирилган сатрларни яна бир карра ўқисак, «уйғонгувчи боғлар», «ғариб баҳор» ифодалари, «босиб-насиб» қофиясидаёқ шоирнинг изланувчан қалам соҳиби сифатида туғилгани маълум бўлади. Айни пайтда у мумтоз шеъриятимизнинг анъанавий ташбеҳи — лола ва яноқ образларини ўз шеърига янгича бир тартибда жалб этиб, нафис бир муболаға яратадики, бу ҳол ҳам мазкур шеърдаги бадиият пилигининг кўтарилишига хизмат қилган. Агар ана шундай мушоҳадаларни давом эттиришга ҳожат бўлмаса, уларга таяниб, бир нарсани айтиш мумкин: Абдулла Орипов, адабиётимизга айрим ёш шоирлардек, адабий анъаналарни рад этиб эмас, балки, ўзбек мумтоз ва замонавий шеъриятининг энг яхши фазилатларини, шунингдек, рус ва жаҳон шеърий маданиятининг ютуқларини ўзига сингдирган тарзда ёниб қадам қўйди. Унинг шеърят мухлислари томонидан ҳам, мунаққидлар томонидан ҳам баравар қувонч билан қарши олинishi ва илк шеърлари биланок шеъриятимиз осмонида митти юдуз ўлароқ порлаб юборишининг сабаби худди шундадир!

Лекин шеърий маданият бошқа-ю шеърий тафаккур бошқа нарсадир. Агар Абдулла Ориповнинг шеърий маданияти анъанавий йўсинда камол топиб, энг яхши бадиий анъаналарга асосланган ҳолда шакланган бўлса, унинг шеърий тафаккури ўзгача табиатга эга. Унинг тафаккурида тугён ўти, бўрон нафаси бор. Биргина ўша «Тилла балиқча»ни олайлик.

Тухумдан чиқди-ю келтириб уни
Шу лойқа ҳовузга томон отдилар.
Ташландиқ ушоқ еб ўтади куни,
Хору хас, хазонлар устин ёпдилар.

Дунёда кўргани шу тор ҳовузча,
Ва, мудроқ толларнинг аччиқ хазони.
Менга алам қилар, тилла балиқча
Бир қўлмак ҳовуз деб билар дунёни.

Бу кичик шеър тўғрисида қанчадан-қанча мақолалар ёзилган. Бу мақолаларда шеърнинг турли-туман талқинлари мавжуд. Бугунги тарихий-ижтимоий вазият уни яна бир янгича талқин этишга асос беради.

Агар биз бу шеърга бугунги воқелик талаби билан ёндошсак, унда шўролар даврининг образи яратилган ва шоирнинг шу даврга қарши исёни, норозилиги акс этган бўлиб кўринади. Ҳар ҳолда мазкур шеърда ана шу исён руҳи ҳукмрон. Абдулла Ориповнинг аксари шеърларидаги шеърий тафаккурдан ана шу исён нафаси уфуриб туради.

Бундан бир қанча йиллар илгари Абдулла Қаҳҳорнинг бир ҳикояси туфайли Абдулла Ориповнинг «Муножот»ни тинглаб» шеърининг қуйидаги сатрлари машҳур бўлиб кетди:

Эшилиб, тўлғониб ингранади куй,
Асрлар ғамини сўйлар «Муножот».
... Куйи шундай бўлса, ғамнинг ўзига
Қандай чидай олган экан одамзод!

Мазкур ҳикояга пешсўз сифатида жалб этилган бу сатрлардан олдин шоир ўзининг «Муножот»ни тинглаган пайтдаги изтиробли кечинмаларини тасвирлаб бундай ёзган:

Қани, айт, мақсадинг нимадир сенинг,
Нега тилкалайсан бағримни, оҳанг,
Нечун керак бўлди сенга кўз ёшим,
Нечун керак, рубоб, сенга шунча ғам!..

Шоир ёзганидек, ўтмишнинг «Муножот» сингари инсон дилини аламли оҳанглари билан ўртаб юборувчи куй ва қўшиқларини эшитганингизда кўз олдингиздан бир-биридан мунгли, бир-биридан оғир манзаралар ўтади. Абдулла Орипов ана шундай мумтоз ашулаларимиздан бири — «Муножот»ни тинглаб, у ҳақда шеър ёзар экан, унинг шеърий тафаккури анъанавий йўналишдан бормай, яна исёнкорона наъраларга ўз бағрини очади. У, ҳаттоки, кишиларнинг, халқнинг ўтмишда ўз бошларига тушган ғам ва алам, азоб ва уқубатларга қандай чидаган эканлар, дея ҳайрон бўлади. Қўшиқдан завқланиш ўрнига шундай азоб-уқубатни бошидан кечирган одамзодга хайрихоҳлик ҳисси биринчи ўринга чиқади.

Ана шу шеърдаги одамзод образи Абдулла Орипов ижодида турли шаклда бадий таҳлил этилиб келмоқда.

Маълумки, 60-йилларда жаҳоннинг бошқа мамлакатлари қатори, собиқ шўролар юртида ҳам темир одам — роботлар ҳақида кўп баҳс-мунозаралар бўлиб

ўтди. Уларнинг одамзод қилиши, бажариши маҳол бўлган ишлари айтилди, ҳатто ақл ва заковат ҳам уларга бегона эмаслиги қайд этилди. Худди шундай мунозара-ю мубоҳасалар авж олган кезларда шоир «Темир одам» деган мумтоз шеърини ёзди. Бу шеърни ўқир экансиз, дастлаб шоир темир одамни — илм-фаннинг бу улкан ютуғини рад этгандек таассурот уйғонади сизда. Шеърнинг қуйидаги сатрлари сиздаги бу таассуротни мустаҳкамлагандек бўлади:

Устоз, қалби йўқдир унинг ҳам, ҳайҳот,
На нафрат, на ишқни танламас у ҳам.
Унинг ҳам кўзида чакнамас ҳаёт,
Мунис боқишларни ангамас у ҳам.
У ҳам тўлғанолмас, инграмас, кулмас.
Йиғлаган гўдакни юпатоилмас ул.
У ҳам юлдузларнинг ҳидини билмас,
Бағрини тирнамас сўлаётган гул...

Лекин шеърни ўқишда, шоирнинг фикрини илғаш-да давом этар эканмиз, унинг темир одамга эмас, балки, роботлашган кишиларга ўз нафрати тифини қаратганини кўрамиз.

Мана бу хотима шундан дарак беради:

Ҳаётнинг поёнсиз уммони ичра
Бор шундай ғариблар — темирлар ҳиссиз:
Ва, лекин, ўзларин темирмас сира,
Муҳтарам инсон деб атарлар, эсиз...
Шундайлар бўлмаса, азалдан тупроқ
Яшнарди тагин ҳам гўзал ва мумтоз.
Темир одам ясаб юргунча, кўпроқ,
«Жонли темир»ларни ўйлангиз, устоз.

Кишилардаги темир одамларга хос ана шундай ҳиссизлик, лоқайдлик, шунингдек, худбинлик, инсофсизлик каби ярамас иллатлар билан муроса қила олмаган шоир ўзининг талайгина шеърларини шу мавзуларга бағишлаб, инсоннинг маънавий баркамол бўлиши йўлида куюнади. Кўриқхоналар очиб, ноёб ўсимликлар ва ҳайвонларни асраб қолишга уринган одамзодни биринчи навбатда меҳр-шафқат, инсоф, оқибат, виждон ва имонни, эзгу ҳамда латиф инсоний ҳисларни асраб қолишга даъват этади, бинобарин, шундай фазилатларнинг хира тортиб бораётганидан изтироб чекади. Шу мавзуга бағишланган энг яхши шеърларидан бири «Генетика»да у ҳатто бундай деб ёзади:

Яшадик шу рангин дунёда масъул,
То эллар кўз ёши бўлмасин чашма.
Ўзни бағишладик курашга буткул,
Демакки, яшадик оромга ташна.

Ташна яшадик биз меҳрга мутлоқ,
Ишққа, муҳаббатга ташна ўтдик биз.
Гоҳ эса қуёшдек порлоқ ва йироқ
Ҳаққа, ҳақиқатга ташна ўтдик биз...

XX асрдаги турли-туман талатўплар туфайли кишиларнинг руҳий оламидан юксак инсоний сифатларнинг арий бошлагани сир эмас. Шоир ана шу салбий ҳолга қарши бош кўтариб, ўзининг фаол ҳаракатдаги ижодкор эканини бутун ижодий йўли давомида намойиш этиб келади. Ижтимоий фаоллик шу маънода Абдулла Ориповнинг бирламчи фазилатлари даражасига кўтарилган.

Абдулла Ориповнинг аксар шеърларидан Фафур Фуломга хос оҳанглар эшитилади. Бу икки шоирни ўзаро яқинлаштирувчи нарса фақат оҳангда, шеърини шаклдагина эмас. Уларни ўзаро яқинлаштирувчи нарса аввало фалсафий теранликдир. Абдулла Орипов, устози Фафур Фулом сингари, кенг кўламли шоир. Унинг фикр доираси воятда кенг. Унда келажакни ҳис этиш туйғуси ҳам анчагина шакланган. Чунончи, шоир 1965 йилда ёзган шеърдаёқ бутунги кун учун ҳам муҳим бўлган фикрни олға суриб, она тилини бундай улуғлаган:

Минг йилларким, булбул каломини
Ўзгармайди, яхлит ҳамини.
Аммо шўрлик тўтининг ҳоли
Ўзгаларга тақлид ҳамини.

Она тилим, сен борсан, шаксиз,
Булбул куйини шеърга соламан.
Сен йўқолган кунинг, шубҳасиз,
Мен ҳам тўти бўлиб қоламан...

Бу шеърни ўқир эканмиз, куни кеча «иккинчи она тилимиз» томонидан сиқиб чиқарилаётган ўзбек тилининг аҳволи кўз ўнгимизда гавдаланади. Шоир ўша кезлардаёқ она тилимизнинг тақдирини ҳақида куйиниб, унинг «тўти»ларсиз камол топишини орзу қилган, унга бўлган ҳурмат ва эътиқодини шу йўл билан изҳор қилган эди.

Хуллас, Абдулла Ориповнинг ижтимоий фаол, мураккаб ҳаётий жараёнлар моҳиятини тез илғовчи, келажакка дадил назар ташлай билувчи шоир эканлиги унинг ҳар бир шеърисида «мана мен» деб туради.

ВАТАН КУЙЧИСИ

Мамлакатимизнинг мустақилликка эришиши, шўро давридаги мафкуравий қадриятларнинг ўз кучини йўқотиши ва янги қадриятларнинг қарор топа бошлаши билан адабиётимизнинг руҳи ва ғоявий йўналишида ҳам жиддий ўзгаришлар юз берди. Абдулла Орипов худди шу даврда адабиётимизни янги ўзанга буриб юборувчи ишларни амалга оширди. У биринчилардан бўлиб исломий қадриятлар бугунги авлоднинг маънавий қиёфасига ижобий таъсир кўрсатиши мумкинлигини ҳис этиб, муҳаддис шоир сифатида майдонга чиқди. Унинг «Ҳаж дафтари» туркумини ташкил этган ҳадис-шеърлар адабиётимизда янги сўз бўлди. У бу туркумдаги шеърларида эзгу инсоний фазилатларнинг хира тортганидан азобланиб ёзган «Қўриқхона» сингари лирик асарларидаги, «Жаннатга йўл», «Ранжком» дostonларидаги хайрли ғояни янада олға сурди. Айни пайтда истиқлол самараларини мустаҳкамлашга давват этувчи, Ватанимизга меҳр-муҳаббат туйғуларини жўнбушга келтирувчи талайгина шеърлар ёзди. Ҳозирги даврда ҳар куни эрта билан ўзбек диёрини ўзининг алангали сўзлари билан уйғотувчи Давлат мадҳиясининг матни ҳам Абдулла Орипов қаламига мансубдир.

Шундай қилиб, Абдулла Орипов ўзининг қирқ йиллик шеърий ижоди билан ўзбек шеъриятини янги бадий юксакликка кўтарди. Бу ҳол унинг фақат ижтимоий фаоллиги, даврнинг муҳим ижтимоий ва маънавий мавзуларига лаббай деб жавоб берганлиги билангина изоҳланмайди. Унинг шеърий санъати ҳам оҳанрабо сингари ўзига тортади. Унинг шеърларидаги вазн ва оҳангнинг ранг-баранглиги, поэтик фикрнинг оҳори тўқилмаган образлар, бўёқлар ёрдамида ифодаланиши, мусиқий равллиги, ғоя билан шаклнинг ўзаро уйғунлиги китобхон қалби ва шуурини мафтун этади.

Шоир юқорида номи тилга олинган «Учқун» шеърисида бундай деган эди:

Шалоладек бўлса шеърларим,
Ёғду сочса мисли аланга.
Сидқидил-ла қобил ўғилдек
Хизмат қилса элга, Ватанга.

Лекин, барибир, Абдулла Орипов учун энг муҳим нарса ифода тарзи эмас, балки, ифодаланмиш масаладир. Бунинг сабаби шундаки, шоир ҳаёт ва ижод пиллапоялари оша кўтарилгани, ўзини ва ўзгариб бораётган дунёни кашф этиб боргани сайин тобора фалсафийлашиб, донишмандлашиб бормоқда. Фалсафий шеърият учун эса шакл эмас, мазмун бирламчи аҳамиятга молик. «Ҳикмат садолари» туркумини ўқиган шеърхоннинг буни сезмаслиги мумкин эмас.

Ҳар бир шоирнинг бадиий ижоддаги йўли камолот йўлидир, десак, янглишмаган бўламиз. Зеро, биз шоир деганда, шеърият оламига тасодифан кириб қолган кимсаларни эмас, балки, шеъриятни ўзининг тақдири деб билган ижодкорни назарда тутамиз. Бундай шоир шеърдан-шеърга, йилдан-йилга, даврдан-даврга ўсиб, янги-янги сифатлар касб этиб, комиллашиб боради. Нафақат шоир, балки, одамзод ҳам, халқ ҳам ўз тараққиёти йўлида комилликнинг нурафшон чўққилари сари яқинлашиб боради. Сўнги йиллардаги Абдулла Орипов ҳам ана шундай комиллик фаслини бошидан кечираётган шоирдир.

Дарвоқе, унинг сўнги шеърларидан бири «Комиллик» деб номланган. Шоир бу шеърида турли тоифадаги одамлардан олган ҳаётий таассуротларини шеъриятнинг олтин ипига тизиб, бундай гўзал фалсафий фикрни олға суришга эришган:

Хоҳлайсан, барчага баробар ёқсанг,
Ҳолбуки, бу ишга чора йўқ ҳеч ҳам.
Ҳар қандай одамга синчиклаб боқсанг,
Аён бўладики, озроқ жойи кам.

Озроққина камлар кўпдир оламда,
Ҳангома бу билан битмайди бироқ.
Ҳатто энг мукамал деган одамда,
Аён бўладики, бироз ортиқроқ.

Шоир ана шу икки тоифадаги одамзод билан учрашувдан кейин Яратганга бундай савол билан мурожаат этади ва ундан қуйидаги жавобни олади:

— Худойим не учун қилмадинг карам,
Нечун комил эмас, ақлим, юрагим?
— Агар сен мукаммал бўлсайдинг, бандам,
Унда қолмас эди менинг керагим.

Кўрамизки, шоир оддий ҳаётий ҳодиса тасвири орқали катта, айтиш мумкинки, оламшумул фикрни ифодалашга эришган. Бу сўнгги сатрлар орқали олға сурилган фикр ниҳоятда серқатлам, шунинг учун ҳам уни муайян мушоҳада билан чеклаш ундаги мазмунни торайтириш бўлади. Сирасини айтганда, шу шеърнинг ўзиёқ Абдулла Ориповнинг камолот фаслида эканидан яна бир шаҳодатдир.

Кези келганда айтиш ўринлики, Абдулла Ориповнинг нафақат лирик шеърляти, балки, лиро-эпик асарларида ҳам ана шу бир жойи кам ё бир жойи ортиқ кишилар тасвири салмоқли ўринни эгаллайди. Ҳурматли китобхон шоирнинг «Ҳаким ва ажал», «Жаннатга йўл» ва «Ранжком» каби дostonларида ана шу ҳаётий муаммонинг катта маҳорат билан тасвирланганини яхши билса ажаб эмас.

Ушбу мақолада атоқли ижодкорнинг барча асарлари тўғрисида сўзлаш, уларнинг бугунги ўзбек шеърлятида касб этган ўрнини таърифлаш шарт эмас. Аммо, шунга қарамай, биз Абдулла Орипов ижоди учун ғоятда муҳим бўлган яна икки асарни тилга олишни истардик. Булардан бири шоирнинг «Соҳибқирон» шеърлий драмасидир. Биз Абдулла Ориповнинг ҳали истиқлолнинг сарин шабадаси эсмай турибоқ улўф бобокалонимиз тўғрисида дoston ёза бошлаганини эшитган эдик. Шоир 1996 йили Амир Темурнинг шавкатли 660 йиллиги муносабати билан сўнгги йиллар ижодининг гултожи — «Соҳибқирон» шеърлий драмасини ёзиб, унинг Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қорақалпоғистоннинг бир неча театрларида сахналаштирилишига эришди. У мазкур асарни яратиш жараёнида тарихий адабиётни кунт билан ўрганиб, Амир Темурнинг жаҳон халқлари тақдирида ўйнаган родини ҳаққоний кўрсатишга муваффақ бўлди. Шоирнинг мазкур драма устида олиб борган ижодий иши «Буюк Амир Темур» фильми сценарийсининг майдонга келишида ҳам муҳим омил вазифасини ўтади.

Абдулла Ориповнинг ижодий жасорати тўғрисида сўз борар экан, унинг жўшқин илҳоми ва ижодий меҳнатининг самараси бўлган яна бир асарни тилга

олиш жойиз. Аслида, бу асарнинг буюк муаллифи Алигъери Дантедир. Унинг «Илоҳий комедия» деб аталган умрбоқий асари жаҳон бадий маданиятининг ўлмас обидаларидан ҳисобланади. Унча-мунча шоирлар ва унча-мунча халқлар бу асарни таржима қилишга журъат этмаганлар. Лекин, Абдулла Орипов ижод чашмаси эндигина қайнай бошлаган даврда бу асар таржимасига қўл уриб, ўзбек таржима адабиётини яна бир дурдона билан бойитди. «Илоҳий комедия»нинг унинг таржимасидаги «Дўзах» қисми адабий ҳаётимизда унутилмас воқеа бўлди. Шу кунларда Данте ватанида бу таржимага бўлган қизиқишининг қайта ўт олиши ҳам тасодифий эмас.

Биз ушбу мақоланинг шоир ижодига бағишланган асосий фаслини «Халқ қалбининг таржимони» деб атадик. Бу шунчаки, қўйилган сарлавҳа эмас. Абдулла Орипов ўзи сезмаган ҳолда адабиётдаги илк қадамида-ноқ халқимиз дилидаги орзу ва армонни ифодалай бошлаган. Агар халқимизнинг шўролар давридаги руҳий изтироблари ва машаққатли ҳаётини яна бир бор эсламоқчи бўлсангиз, унинг шеърларини ўқинг. Агар халқимизга хос Ватанга муҳаббат, миллий қадриятларга ҳурмат, улуғ ўтмишдошларимиз руҳига садоқат туйғулари билан янада йўғрилмоқчи истасангиз, унинг асарларидан баҳра олишга интилинг. Шояд шунда Абдулла Ориповнинг халқ дилининг таржимони сифатида яшаб, ижод этаётганига яна бир карра амин бўлсангиз.

Халқ дилининг таржимони, ўз Ватанини ёниб куйлаётган шоирни олдинда янада нурли манзиллар кутиб турибди.

ИШОНЧ

Абдулла Орипов фақат ижодий изланиш билан шуғулланиб қолгани йўқ. У илм Дорилфунунини тугатиб, адабиётга қадам қўйган кезлариданоқ республикамиз ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида ҳам фаол иштирок этиб келяпти. Шоир аввал нашриёт ва журналларда ишлаб, даврий матбуот ва миллий ноширчиликнинг юксалишига, ижодий жамоаларнинг ғоявий ва бадий даражасини кўтаришга муносиб ҳисса қўшди. Республика Ёзувчилар уюшмасида ишлаганида турли вилоятлардан бу масканга умид билан эшик қоқиб келадиган ҳаваскор талантларга зарур йўл-йўриқлар,

маслаҳатлар берди, асарларини эринмай таҳлил қилиб, арзигуликларини эълон қилиш учун газета-журналларга тавсия этди.

У, мана бир неча йилдирки, гоётда масъулиятли вазифа — Халқаро муаллифлик ҳуқуқлари агентлигининг Ўзбекистон бўлимини муваффақиятли бошқариб келмоқда.

Халқимиз ўзининг ардоқли фарзандига юксак ишонч билдириб, уни бир неча йилдан бери Олий Мажлис депутатлигига сайлаб келаётир. Абдулла Орипов ўз сайловчиларининг нақазларини бажариш баробарида Олий Мажлис Қўмиталарининг йиғилишларида, сессияларда аниқ таклиф мулоҳазалари билан доимо фаол иштирок этади. Олий мажлис сессияларида қабул қилинган бирор Қонун ёки ҳужжат йўқки, унинг муҳокамасида шоир депутат қатнашмаган бўлсин.

1996 йилнинг бошида Ўзбекистон ёзувчилари Абдулла Ориповга юксак ишонч билдириб, уни ўзларининг Уюшмасига етакчи қилиб сайладилар. У янги ишга киришар экан, энг аввало мавжуд адабий муҳитни янада яхшилашга, фақат ва фақат адолат шиори билан иш олиб боришга, аъзоликнинг обрўй-нуфузини сақлашга, кўтаришга алоҳида эътибор берди. Айни вақтда Уюшманинг вақт ўтиши билан эскирган тузилмасига бир қатор ўзгартиришлар киритди. Масалан, у замон, шароит, вазият, бозор иқтисодиёти ва шунга ўхшаш бошқа сабаб, талаблардан келиб чиқиб, Уюшманинг Низомини қайта кўриб чиқиш фикрини ўртага ташлаганда барча аъзолар унинг бу таклифини бир овоздан қўллаб-қувватлашди. Янги Низом лойиҳаси 1996 йилда Адлия вазирлигидан қайта рўйхатдан ўтказилди.

Шахсан Абдулла Ориповнинг ташаббуси билан шу йили Уюшма қошида махсус «Ёзувчи» газетаси ташкил этилди. Унда фақат қалам соҳибларининг асарлари, яъни ижодий материаллар бериб бориш асосий мақсад қилиб қўйилди. «Ёзувчи» ўзининг илк сониданоқ ўқувчилар назарига тушди. Шоир ва адилларнинг, драматурглар ва адабиётшуносларнинг янги асарларини ўз саҳифаларида мунтазам чоп этиб келаётган бу газетани бугунги кунда ижод аҳли, мутахассисларгина, эмас, балки, кенг жамоатчилик ҳам севиб ўқимоқда.

Илгари Уюшма раҳбарларининг эсига келганда ёки бирон йирик маданий воқеа муносабати билан ёш

ижодкорларнинг ижодий семинари ўтказиларди. Абдулла Орипов ҳар йили баҳор ойларида бир марта ишлайдиган анъанавий Зомин ижодий семинарини жорий қилди. Бу ибратли жонкуярлик туфайли турли вилоятларда туғилиб ўсган, адабиёт майдонига эндигина қадам қўяётган иқтидорли ёшлар республикамизнинг бу гўзал гўшасига тўпланишиб, ижоднинг ўзига хос бошланғич таълимини, устозлар рағбатини олиш-япти. Ижодий машғулот ғолибларининг энг яхши асарлари эса, Давлат матбуот қўмитаси ҳомийлигида мунтазам чоп қилиниб келаётган «Истеъдод» туркумига тавсия этилмоқда.

Ёзувчилар Уюшмасининг Дўрмондаги боғида яшаб, ижод қилишни хоҳловчи аъзолар учун ҳам янги раиснинг ташаббуси билан қулайликлар яратилди. Кейинги уч йил ичида устозлари, тенгдошлари ва шогирдларидан 70 дан ортиқ ижодкор давлатимизнинг турли мукофот, унвон, орден ва медалларига сазовор бўлган экан, бу энг аввало Уюшма раиси Абдулла Ориповнинг таклиф-ташаббуси туфайлидир.

Абдулла Ориповнинг меҳрибон устоз сифатидаги хислатлари ва хизматларини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтса арзийди. У адабиётимизга ўзидан кейин кириб келган шоирларнинг катта бир даврасига раҳнамолик қилди, қиляпти. Шогирдларининг бир қисми унинг бадиий маданиятимизда фавқулодда ҳодиса бўлган ижодидан, асарларидан руҳланиб, таъсирланиб, ҳавас қилиб камол топаётган истеъдодлар бўлса, иккинчи гуруҳ бевосита ёнида, қўл остида унинг ижод сабоғини олган, маҳорат сирларини ўрганган қалам соҳибларидир. Ундан ижоднинг илк йўл-йўриқларини эшитган, «Оқ йўл»ига сазовор бўлган бундай қалам соҳибларининг кўпи бугунги кунда адабиётнинг турли жанрларида баракали ижод қилишмоқда. Масалан, оригинал изланишлари, ўзига хос ижоди билан ажралиб турадиган Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф ана шундай шогирдлардан бўлиб, айни кунларда устози ёнида, унга муовин сифатида фаолият кўрсатмоқда. Қашқадарёлик таланти шоир Исмоил Тўхтамишев эса, республика Ёзувчилар уюшмасининг энг яхши бўлимларидан бири саналган вилоят ижодкорлар уюшмасини муваффақиятли бошқариб келмоқда. Мирпўлат Мирзо, Шарифа Салимова, Абдували Қутбиддин ва бошқа бир қатор изланувчан, иқтидорли ижодкорлар ҳам Абдулла Ориповни ҳаммавақт ўзла-

рининг доно маслаҳатчиси, ғамхўр кайвониси деб биладилар.

Атоқли шоир куни кеча ўрта мактабни тамомлаб, олий илм масканларида таълим ола бошлаган Гулжамол Асқарова, Ориф Тўхташ каби митти қаламкашларнинг илк машқларини ўқиб, уларга ҳеч иккиланмасдан дарров «Оқ йўл!» ёзганида халқимиз унинг саховатига яна бир қарра таҳсин айтди...

...Некўзлик Ориф отанинг «Товим!» (тоғим) деган қутлуғ орзуси амалга ошди. Абдулла Орипов бугунги кунда мустақил миллий маданиятимизнинг асосий таянчларидан, чинорларидан бири, ўзбек ёзувчиларининг чинакам сардоридир! У — Депутат. У — Арбоб. У — Қаҳрамон! Бундай Ватандош, миллатдош билан фахрланмай, уни севмай бўладими?!

УЧҚУДУҚ ЎҒЛОНИ



Кончилар бошқармасига қарашли машинист-экскаваторчилар бригадасининг етакчиси Анатолий Панин иш сменасидан кейинги бўш вақтини доим стадионда ўтказди. У жамоатчи тренер бўлса ҳам стадионга ҳаммавақт барвақт келади. Командасининг кичик группаси аъзолари билан машғулотларни бошлагунча ўзи аввал яхшилаб тренировка қилиб олади: стадионни айланиб чопади, гимнастика қилади, турникка осилади... «Лочин»имнинг

бўлажак учқурлари» деб эркалатиб кутиб оладиган футболсевар болалар йиғилишгач, улар билан астойдил машқ қилади. Машқ пайтида баъзи мураббийларга ўхшаб шогирдчалари билан қўшилишиб тўп суриб, ўйин ўргатмайди. Балки, машғулотларни ҳакам-тренер сифатида олиб боради. Бўйи, гавдаси афсонавий спортчи Яшинсифат бўлганлиги, яъни, узунлиги, қолаверса, ўта эпчилиги, чаққонлиги учун болалари баъзан дарвозада туриб ўйин ўргатишини илтимос қилишади, шунда ҳам у йўқ демайди, яхши, бу силорга тўпурарлик сирларини улашишда қўл келади, деб машқни давом эттираверади.

Одатдагидек бугун ҳам машғулот яхши ўтди. Шунинг учун Анатолий Панин стадиондан хурсанд қайтди. Ҳа, икки-учтасининг оёқлари келиб қолди, деб севиниб қўйди ичида. У уйи йўлагига яқинлашган ҳам эдики, қўшни йўлақдан ишга отланаётган, ўзи «Саша самий» деб ҳазилашиб юрадиган, вилоят марказидан яқинда кўчиб келган ошнаси чиқиб қолди. У «добрий утро» қилгач:

— Толик, яна стадиондан, футболданми? — деб сўради.

— Бўлмасамчи, — деди Панин.

— Э, қойил-эй, шундай ёшда ҳам тўп суриб юрибсан а?

Шундай деб, рўзгор халтачасини «ўйноқлатиб» кетаётган Саша бирдан орқасига ўтирилиб, чап қўлини шимининг чўнтагига тикқанича, бироз жиддий, бироз ҳазил оҳангда яна гапириб қолди:

— Йўқ-йўқ, ошна, узр, сенга қойилмасман. Хўш, футбол сенга нима беради? Команданг «Лочин» нари борса вилоят мусобақасида ғолиб чиқиб, биринчи лигага йўл олиши мумкин. Лекин ҳеч қачон олий лигага чиқолмайди-ку? Бир комбинатнинг оддий бир командаси бўлса. Командам олий лигага чиқолмаяпти, деб эзилиб юрасанми? Асосий ишингнинг ўзи эзадиган, офир иш-ку? Нима қиласан ўзингни қийнаб. Бунинг ўрнига сменадан бўш вақтингда мазза қилиб ҳордиқ чиқариб олмайсанми?

Панин ишга кетаётган ошнасини тўхтатмаслик, айниқса, унинг гўё менинг гапларим тўғри дегандай «ёниб» сўзлашини «ўчирмаслик» учун:

— Маъқул, албатта ўйлаб кўраман, — деди кулиб.

Саша самий, бу — бошқа гап, дегандай самимий жилмайиб, хайр, деганича юриб кетди.

У ошнасидан хафа бўлмади. Чунки, Саша — ҳали янги қўшни, кўп нарсадан хабари йўқ. Жумладан, футболга бўлган астойдил қизиқиш, спортсеварлик туфайли Панин ҳеч кимга насиб қилмаган бахт-омадга эришганини у қаердан билсин...

* * *

Ўзбекистондан бир неча минг километр олислик-даги Тула областининг Люторич қишлоғида туғилган Анатолий болагиданоқ спортга, айниқса, футболга меҳр қўйди. Узун бўйли, чайир йигитча бўлганлиги учун жисмоний тарбия ўқитувчиси унга «сен, яхшиси, баскетбол тўғарагига қатнаш, ўзимизнинг Сабонис (дунёга машҳур баскетболчи) бўласан», деди. У узр, домла, мен фақат футбол билан шуғулланаман, деб, унамади. Унда сенга футбол тўғарагида ҳозирча жой йўқ, деди гапи иккига бўлинишини кутмаган муаллим. Бундан хафа бўлган, нисбатан ўжартабиат Анатолий бир ҳафта дарсга бормади. Шунда баҳсга футбол ишқивози бўлган мактаб директори аралашди:

— Сен футболни хоҳлайсанми, мен ҳам сенинг мактаб футбол командасида қатнашишингни истаймман, демак, ҳисоб иккию бир, — деди кулиб. —

Ранжимасдан, дарсни қолдирмасдан бемалол футболда иштирок этавер, домлангга ўзим айтиб қўяман.

Анатолийнинг командаси туман мактабларининг футбол жамоалари орасида кетма-кет тўрт марта голиб чиқди. Бир гал ҳатто вилоятда биринчи ўринни олди. Анатолий эса, Тула шаҳар ҳунар-техника билим юрти таъсис этган махсус совринга сазовор бўлди. Совринни топшириш чоғида билим юрти директори кутилмаганда унга: «мактабдан кейин бизда ўқишни давом эттиришинг мумкин, сени жон деб қабул қиламиз», деган таклифни айтди.

У етуклик аттестатини қўлга олгач, тўғри ўша билим масканига борди. Таклифини ерда қолдирмай келганидан хурсанд бўлган директор дарров ўз ният-мақсадини очиқ айтди:

— Билим юртимиз ҳузурида шаҳарнинг асосий футбол командасини тузгандик, сен — ҳам ўқийсан, ҳам — ўша командада ўйнайсан. Шунинг учун бутундан бошлаб ўзингни талаба ҳисоблайвер, ўғлим.

— Бўпти, — деди севиниб Анатолий.

Лекин билим юрти қошида эзгу ният билан ташкил этилган команда мусобақаларда муваффақиятли қатнаша олмади. Экскаваторчи машинист дипломини олишга улгурган Анатолийни бошқа командага таклиф этишди. У беш йил Туланинг вилоят биринчилигида қатнашаётган турли футбол жамоаларида тўп суриб юрди.

Кунларнинг бирида унга бир таниши Ўзбекистондаги Учқудуқ шаҳрининг республика биринчилигида иштирок этаётган командасида ўйнаш имконияти борлигини айтиб қолди. Ашаддий футболчи учун бундай жойга бормаслик мумкин эмасди. Қадрдон Люторичидан узоқ Учқудуққа отланаётганида унинг хаёлидан командага олишармикан, бунинг учун ўйин маҳоратим етарлимикин, деган ягона фикр кечарди. Агар қабул қилишмаса, демак, яна орқага қайтаман, деб ўйлади у.

Узун бўйли, сирриқдай, елкадор, илк кунги машқдаёқ малакали, тайёр футболчи эканлигини намоиш этган йигитнинг ўз оёғи билан Навойга келганидан хурсанд бўлган «Зарафшон» жамоаси раҳбарлари дарров уни командага қабул қилишди. Кончилар бошқармаси мутасаддилари эса, тулалик шерсифат йигитнинг мутахассислигини эшитгач, унга экскаваторчи ёрдамчиси вазифасини берадиган бўлишди.

Шу тарика 1970 йилнинг сентябрида Анатолий Панин таржимаи ҳолида, қолаверса, меҳнат дафтарчасида кўп ўтмай унга бир умр азиз, табаррук бўлиб қолган «Ўзбекистон», «Навоий» қайдлари муҳр этилди.

Етмишинчи йилларнинг ўрталарига келиб «Зарафшон» командаси футбол мусобақаларида олдинги йиллардагидан анча дуруст қатнашадиган жамоа сифатида кўзга ташланди. Республика кубоги ўйинларида ҳатто нимчораккача борди. Бунда, шубҳасиз, Анатолий Паниннинг ҳам муносиб ҳиссаси бор эди.

Футбол мусобақаларидан бўш вақтларида улгурганича экскаваторчига ёрдамчилик ҳам қилиб юрган Анатолий Николаевичга Навоий тоғ-металлургия комбинати ишчиларининг, учқудуқлик шахтёрларнинг жасоратли меҳнати, айниқса, ҳаммутахассисларининг айрича фидойиликлари ниҳоятда ёқиб қолди. У спортдан, футболдан бутунлай узоқлашмаган ҳолда улар қаторида кўпроқ бўлишга аҳд қилди. Ниятини комбинат мутахассисларига айтганида, улар бир овоздан уни қўллаб-қувватлаш жакларини билдиришди. «Зарафшон» мураббийлари эса, майли, унда Учқудуқда бизга, захирага ўйинчилар тайёрлаб беришга кўмаклашадиган биронта команда тузасиз-да, дея рози бўлишди.

Навоий тоғ-металлургия комбинатининг моҳир экскаватор машинистларидан ҳисобланган Федор Тишиннинг ёнида ёрдамчи бўлиб юриб, иш ҳадисларини олган, касб сирларини ўрганган Анатолий Панин Учқудуқда Василий Копилок билан ишлай бошлади. Янги устоз, ғоятда тажрибали, талабчан, иш уловига, яъни техникага ўта эътиборли эди. У қадрдон 13-карьерига ҳар куни иш бошланмасдан ўттиз-қирқ минут олдин келарди. Электр ўтказгичларни ўзи, машина қисмларини эса, Анатолий мойларди. Анчадан бери бир-бирлари билан яқин юрган одамлардай тезда тил топишиб кетган устоз ва шогирд фойдали тоғ жинсини машиналарга юклашда ибратли натижаларга эриша бошлади. Кўп ўтмай уларнинг ЭКГ-8 экскаватори билан баҳайбат БелАЗларга ортадиган фойдали тоғ жинси ойига 300—320 минг кубометрга етди.

Паниннинг Владимир Янин билан бўлган уловдошлиги ҳам анча самарали бўлди.

Ниҳоят унинг ўзига алоҳида янги экскаватор беришди. Уни мустақил иш техникаси билан табриклаган бригада етакчиси Виктор Панкратов хурсанд бўлиб шундай деди:

— Толик, ўз экскаваторингга эга бўлишингни кутиб юргандим. Мана, сенинг ҳам, менинг ҳам ниятим амалга ошди. Жамоадoshларингнинг уловлари эса, гижинглаб турибди. Улар — рози. Сен ҳам хўп десанг, энди битта иш қиламиз: тоғ жинсини машиналарга ортиш бўйича мамлакат рекордини ўрнатмоқчимиз. Нима дейсан?

— Ўзига ишонган — ўзади, ишонмаган-тўзади, деган ажойиб ўзбек халқ мақолини эшитгандим, Виктор Константинович. Сиз, яъни устоз экскаваторчи ўзингизга ишониб шу таклифни айтаяпсизми, демак, бу режани удаласа бўлади. Мен ҳар қандай график асосида ишлашга тайёрман, устоз.

— Минг раҳмат, Толикжон, — дейди беихтиёр Панкратов.

Кончиликда бетакроп аҳамият касб этадиган эзгу ишга киришилиб кетди. Учқудуқлик экскаваторчилар олти миллион кубметр тоғ жинсини қазиб, машиналарга юклашни ўз одиларига мақсад қилиб қўйишган эди. Улар тиним билмай, дам олиш кунларисиз ишлашди. Экскаваторларни ҳам бошқаришди ва айни вақтда уларнинг ремонтларини ҳам ўзлари бажаришди. Зўр бериб ишлаш натижасида ҳатто бригада етакчисининг томоғидан қон оққан дамлар ҳам бўлди. Лекин фидойи экскаваторчилар орқага чекинишмади. Карьерларда курашни давом эттиришди. Қоплонсифат уловларининг чўмичи тагига кетма-кет келиб турган БелАЗларнинг ҳайдовчилари чарчашса чарчадики, лекин улар чарчашмади. Ниҳоят, бир йилга мўлжалланган олти миллион кубметрлик марра 170 кунда эгалланди. Бу — чинакам жасорат, кончилик тарихида илк бор эришилган рекорд эди!

1981 йили Учқудуқ карьерларида, конларида содир бўлган бу жасорат ўзининг муносиб рағбатини топди. Ўз ишига ўта садоқатли экскаваторчиларнинг бригадари Виктор Панкратовга «Меҳнат Қаҳрамони» унвони берилди. Анатолий Панин орден билан тақдирланди. Алексей Девятов эса медалга сазовор бўлди. Уччала фидойи машинист-экскаваторчига ҳам ҳукумат ҳисобидан «Волга» энгил машинаси совға қилиб ажратилди.

Илк олий эътироф — орден Анатолий Панинга айрича қимматли эди. Негаки, бир-биридан қолишмайдиган, тенг (Анатолий Николаевичнинг сўзи) учқудуқлик ўн иккита экскаваторчилар бригадасининг вакиллари орасида ўша йили фақат Панингина шу

орден (йил якунига кўра, тоғ-металлургия комбинатининг бир гуруҳ бошқа мутахассислари, ишчи-хизматчиларига ҳам ҳар хил мукофотлар берилганди) билан тақдирланганди. Бу ҳамкасблар ичида биринчи, энг илғори дегани эди!

Навоий шаҳрида бўлганимда ҳозир кексалик гаштини сураётган меҳнат фахрийси, Қаҳрамон Виктор Панкратов билан учрашиб, ундан шогирди Анатолий Панин ҳақидаги дил сўзларни сўрадим. Шунда қария беихтиёр хурсанд бўлиб кетди ва:

— Бизда бир сўз, яъни, таъриф бор, «мировой мужик» деган (буни қандай таржима қиласизлар, ўзбекчада қандай эшитилади — билмайман), Анатолий Панин худди шундай одам, — деди бирдан. — Биз у билан тўрт йил бирга ишладик. Шунинг учун мен уни яхши биламан, дея оламан. Агар у бир нарсага шахд-жазм қилса, албатта урдасидан чиқади, яъни қойилмақом қилиб бажаради. Билагон, тажрибали ва бамаъни. Бундай инсонга ҳаммавақт суянса, орқа қилса бўлади. Бир одамга ўзингга ишонгандай ишониш — катта иш. Менда эса, у билан худди шундай бўлган. Биз у билан «Олти миллион кубметр тоғ жинси» деган мамлакат рекордини ўрнатганмиз. Бу тарихий меҳнат жасоратида унинг ҳиссаси жуда катта бўлган. Ўша вақтда мен билан бирга унга ҳам Қаҳрамон унвони берса бўларди. Лекин, тавсия ҳақида гап кетаётганда ҳали бир мунча ёш экан, иш стажи ҳам эндигина ўн йилга етибди, деган сабаб билан уни орденга лозим кўришган. Устоз сифатида мен шунинг учун омадлиманки, Анатолийни барибир кейинроқ бўлса-да, Қаҳрамонлик унвони ва Олтин юдузи билан табриклашга муяссар бўлдим.

Унинг кўлидан келмайдиган нарсанинг ўзи йўқ. У сваркачи сифатида метални эритиши, чилангарлик, словчилик қилиши, ҳатто электр қисмлари бўйича устачиликни ҳам бажариши мумкин. Такрор айтаман, Панин кўп нарсани қила олади. У — туғма таянч, суянчиқ! У ишда ҳам, уйда ҳам шундай. Ҳозиргача бир армон билан яшайман. Агар унинг билан яна бирга ишлаганимизда рекордимизни 7 миллионга етказишимиз мумкин эди. Яна нима дейиш мумкин? У камтар, камсуқум ва ҳалол, ҳеч қачон алдамайди. Бир сўз билан айтганда, ўзида барча юксак инсоний сифатларни бирдай мужассамлаштирган одам. Оғзига ҳеч қачон бир томчи бўлса-да, ичимлик олмайди. У бу борада ягона эди ва шундай бўлиб қолди. Болалари

ҳам унинг худди ўзига ўхшаб изидан боришмоқда. Ҳа, менинг шогирдим, ҳамкасбим Анатолий Панин мировой мужик!

Саксон тўртинчи йили Анатолий Панинни экскаваторчилар бригадасига раҳбар қилиб тайинлашди. Янги етакчининг «тулпори» ҳам янгиланди. Унинг ихтиёрига чўмичининг ҳажми ўн икки ярим кубметр бўлган улкан техникани, яъни ЭКГ-12,5 экскаваторини беришди. Энди у автоюктўккичларнинг янги нусхаси — 75 тонна ҳажмли қудратли БелАЗларига юк орта бошлади. Кўп ўтмай, унинг бригадаси бир ойда 470 минг кубметр тоғ жинсини қазиб, машиналарга юклаб, навбатдаги мамлакат рекордини ўрнатди.

Тўқсонинчи йилларига келиб Анатолий Панин учқудуқлик кончиларнинг, устози Виктор Панкратов таъкидлаган, таянчларидан бирига айланди. Бир мисол: кунлардан бирида тоғ қорларининг эриши натижасида ҳосил бўлган кучли ифлос сувлар оқими Учқудуқ яқинидаги темир йўл ва автомобил йўлини ўпириб, ювиб кетди. Иккала йўлни ҳам тезликда тиклаш керак эди. Шунда руда бошқармасининг директори Евгений Толстов биринчи навбатда Анатолий Панинни чақиртирди. Директор Паниннинг йўқ демайдиганларнинг хилидан эмаслигидан кўра, унинг орқасидан албатта одамлар, шогирдлари ҳам келишини ҳисобга олиб шундай қарорга келганди.

Анатолий Панин табиий офат қолдиқларини тугатиш учун ўз экскаватори билан 18 соат дам олмасдан ишлади. Йўлларни тўсиб, уюлиб қолган қум-шағалларни қудратли БелАЗларга юклаб, шу суткадаёқ даф қилди. Унга бу фидойилиги учун миннатдорчилик рамзи сифатида махсус Ёрлик беришди. Унда шундай сўзлар битилган эди: «Учқудуқ шахрини сел оқимларидан қутқарганлиги учун!»

Панин тоғ-металлургия комбинатининг манфаатини доимо ўзининг, бригадасининг манфаатидан устун қўяди. Масалан, 1991 йили Зарафшон карьерларига ЭКГ-12,5 экскаваторидан кўпроқ керак бўлиб қолди. Шунда у раҳбарларидан «ҳамкасбларингизга қарашакмикан?» деган маслаҳат-таклифни эшитиши билан уловини комбинатдошларига бериб юборди. Ўзи эса, яна саккиз кубметрлик машинада ишини давом эттирди.

Унинг қадрдон ҳамкасби Алексей Девятков шундай ҳикоя қилади:

— Биласизми, баъзан автоюктўккичларнинг, яъни БелАЗларнинг ҳайдовчилари экскаваторчиларни ёмон кўришади. Бизда эса, БелАЗчилар Анатолий Николаевични жон дилдан севишади. Унинг билан ишлашни ёқтиришади. Ҳатто уни «Толиктор» деб сийлашади. Чунки, Паниннинг экскаватори ёнида ҳеч қачон машиналар юк кутиб қолмайди, кутиб қолган эмас.

Куттирмасликка эришиш эса, ҳар кимнинг ҳам кўлидан келавермайди. Чунки, портлатиш пайтида доим ҳам тоғ массалари бирдай чўмичбоп бўлиб майдаланмайди, уни олишда энг қийин ҳолатлар ҳам учрайди. Бундай пайтда маҳорат билан, ишнинг кўзини билиб ҳаракат қилинмаса, елкаси «уммон» машинанинг карьерда бекор туриб қолиши ҳеч гапмас. Анатолий Николаевич портлатувчиларнинг сифатли портлатишларидан бошлаб, парчаланган жинсларни жамлаб олишгача бўлган жараёнларга ҳам эътибор беради, тинмай ишлаб машина келишига тайёрлаб кўяди.

Анатолий Панинни «Восток» кончилар бошқармаси раҳбарлари ва мутахассислари алоҳида эъзоз билан «бизнинг қутқарувчи, тузатувчи» деб ҳам аташади. Чунки, қаерда иш кўнгилдагидек давом этавермаса, камчиликлар кўпайиб кетса, уни бригадаси билан дарров ўша ерга юборишади. Бир йили дурустгина ишлаб келаётган Левинцов бригадасида кутилмаганда иш юрмай қолди. Шунда участка бош муҳандиси яна унга мурожаат қилди. У йўқ демади. Бригадаси билан шу заҳоти кўшни карьерга кўмакка отланди. Панин аҳвол билан танишгач, режани левинцовчиларнинг ўзларига ҳавола қилди-да, шогирдлари билан деярли издан чиққан техникани тузатишга ёрдамлашиб, иш тартибини, ишни ўрнига қўйиб берди. Кейинги йили бригада ўз режасини бажарганида уни энг аввало Анатолий Панин ва унинг шогирдлари кўмагининг самараси деб ҳисоблади.

Фидойи экскаваторчи «Шахтёрлик шуҳрати» нишонининг уччала даражасига ҳам сазовор бўлганда, бу қувончли воқеа муносабати билан уюштирилган йиғилишда Навоий тоғ-металлургия комбинатининг директори Николай Кучерский унинг бетакрор меҳнат биографияси, жасоратлари, ибратли инсоний фазилатлари ҳақида тўлқинланиб, фахрланиб гапиргач, жумладан, шундай фикрни ҳам айтганди:

— Анатолий Николаевич Учқудуқда оғир, масъулияти ва айна вақтда шарафли машинист-экскаваторчилик касбининг ўзига хос мактабини яратган кончи, шахтёр сифатида ҳам ҳурматга лойиқдир. Эндиликда карьерларимизда ўз ишига садоқат билан муваффақиятли фаолият кўрсатаётган машинист-экскаваторчилар, ёшлар орасида унинг ўнлаб муносиб шогирдлари бор. Демак, у умумий ишимизга фақат ўзи бўлиб эмас, балки, катта кучга эга бўлган бугун бир панинчилар отряди, гуруҳи мисолида ҳам баракали ҳисса қўшмоқда!

Ҳозирги кунда «Восток» мис кони юк ортиш узелининг раҳбарларидан бири бўлиб ишлаётган Владимир Савиков Паниннинг ана шундай шогирдларидан ҳисобланади. У ўзининг меҳнат фаолиятини Анатолий Николаевичнинг қўлида, ёнида ёрдамчиликдан бошлаган. Владимир Александрович устози ҳақида гапирадиган бўлса, сўзини албатта «Ностандарт одам» деб бошлайди. Сўнг таърифини изоҳлайди:

— Ичмайди, чекмайди, унинг билан бўлиш ҳаммавақт мароқли, унинг юраги ҳам тоза.

— Ишга, иш қуролига айрича муносабатни илк марта Анатолий Паниндан ўрганганман, деган дил эътирофини ҳам изоҳлаб бера оласизми? — деб сўраймиз ундан.

— Бажонидил, — дейди шогирд дарров. — Масалан, у киши иш бошлашидан аввал барвақт келиб қадрдон улови — экскаваторини кўздан кечиради. Ҳамма қисмларини, мойларини, тозалигини бир бор эринмай текшириб кўради. Айна вақтда иш тугагач, уни шеригига ораста қилиб топшириб кетади. Темир арқонларни, зарур қисмларни эҳтиёт сақлашга алоҳида эътибор беради. Кейин, экскаваторни тежаб-тергаб, бетаъмир, узоқроқ ишлатиш учун курашади. Кутилмаганда, у ёки бу қисм бузилса, иложи борича бировнинг қўлини теккизмасликка ҳаракат қилади. Тузатишни кўпинча ўзи бажаради.

Иш техникасига бўлган бундай ғоятда ибратли муҳаббатни, қолаверса, тажрибани ўзлаштирмасдан туриб машинист-экскаваторчиман деб бўладими?!

— Республикамиз Мустақиллигининг қутлуғ тўрт йиллиги арафасида «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонига тоғ-металлургия комбинатимиздан кимни тавсия этиш масаласи кўтарилганда етакчи муҳандислардан тортиб, директоримиз Николай Кучерскийгача яқдил бир

фикрни, яъни «Анатолий Николаевич Панин арзийди» деган хулосани билдиришган, — дейди Учқудуқ карьерининг бошлиғи Юрий Нефедов, — Атлантада бўладиган Олимпия ўйинларига ажратилган йўлланмани кимга бериш масаласи кўтарилганда ҳам иккита фикр бўлмаган: Анатолий Панин бориши керак, деган қарорга келинган.

Ҳа, спорт шарофати туфайли буюк меҳнат жасорати майдонига, қаҳрамонлик карьерларига кириб келган Анатолий Панин стадионларни, йўлкаларни, мусобақа залларини ҳам ҳеч қачон тарк этган эмас. У Учқудуқда «Лочин» деган футбол командаси тузиб, уни ўйновчи тренер сифатида муттасил бошқариб келиш баробарида спортнинг бошқа турлари билан ҳам астойдил шуғулланиб келяпти. Масалан, у ўтган йили спортнинг айрича бир оригинал, қизиқарли соҳаси бўлган ўт ўчирувчилар мусобақасида муваффақиятли қатнашиб, мастерликка номзод нормативини бажарди. Карьер қошидаги шахмат клубини ҳам Панин бошқаради.

— Сиз буларнинг барчасига қандай қилиб улгурасиз? — деб сўрадим бир гал ундан.

— Карьерим ишдан кейин бизга дам олиш сменаси беришга улгургандан кейин мен ҳам бундай керакли юмушларга улгураман-да, — деди аввал самимий кулиб Анатолий Николаевич. Сўнг давом этди: — Дам олиш соатлари ва кунларимда шуғулланадиган ишлар ва машғулотларни қатъий график асосида олиб бораман.

— Анатолий Николаевичнинг булардан бошқа жамоатчилик вазифалари ҳам бор, — деб суҳбатга кўшилди унинг ҳамкасби Радик Сабирзянов. — У Бошқарма бригадирлар Кенгашининг раиси ва айни вақтда бирлашган қасаба уюшмалари Ҳайъатининг фаол аъзоси ҳамдир. Мана шу икки жамоатчилик фаолияти давомида у қанчадан-қанча эзгу, саховатли, хайрли ишларга ташаббускор бўлмади дейсиз!

— Ишқилиб рўзғорга, оилага ҳам қарашишга вақт қоладими, Анатолий Николаевич? — дедим ҳам ҳазил, ҳам ҳавас билан.

— Яхшиси, уй ташвишлари турмуш ўртоғингиздан ортиб, сизга ҳам қоладими, деб сўранг, ака, — деди кулиб Панин...

Мен унинг оиласи билан таниш бўлсам-да, бу жавобдан такрор ажиб бахтиёрликни сездим. Ҳа-

қиқатан ҳам унинг турмуш ўртоғи Тамара Юрьевна оиласига, Анатолий Николаевичга ниҳоятда меҳрибон, садоқатли аёл. Ўзи мис қонида ишласа-да, меҳнат ва жамоатчилик фаолиятининг бетакрор фидойиси бўлган эрининг зиммасига рўзгор ташвишларини илиб қўймасликка ҳам улгуради. Бу ишда унга отасининг изидан бораётган ахлоқ-одобли, камтар ўғиллари — Дмитрий ва Алексей доимо ёрдам беришади.

... Анатолий Николаевич жонажон Кўкпатасидан олиб қайтган машинадан тушиб, уйи томон бурилган эди, рўпарасида қўлида газета ушлаганича ўзи томон дадил юриб келаётган қўшниси Саша самийни кўрди.

— Камтарлик ҳам шунчалик бўладими, биродар, — деди у яқинлашаркан, — яхшиям, газета бор экан, ҳаммасини ундан ўқиб билдим, бўлмасам... Узр, дўстим, узр, — Саша самий Паниннинг қўлини олди. — Футбол, спорт сенга нима берганини энди билдим. Билдим эмас, ҳавас қилдим. Журналистларга қойил, сен ҳақингда ҳатто шеър ҳам ёзишибди.

— Наҳотки? — деди Анатолий Николаевич.

— Ҳа, мана, эшит:

Учқудуғим, қадингни фоз тут,
Сенга доим конларинг ёрдир.
Довруғингни элга таратган
Панин деган ўғлонинг бордир!

— Ошириб юборишибди-ку.

— Йўқ, жуда муносиб, — деди Саша самий...

МАРТИЯМАС, МАРДИЯ

Бухоронинг энг намунали таълим масканларидан ҳисобланган ўрта мактабда уюштирилган «Ҳамшаҳримиз — Қаҳрамон!» учрашувидан қайтаётган Мартия Раҳматова ўзига берилган кутилмаган саволларга қайтарган жавобларини эслаб, хурсанд бўлиб қўйди. Сўнг ҳамроҳи — шаҳар халқ таълими бошқармасининг вакилига:

— Учрашув ёмон бўлмади-а, опа? — деди.

— Жуда ажойиб ўтди, Мартияхон. Айниқса,

сизнинг жавобларингиз ғоятда бамаъни, чиройли бўлди. Болалар бу учрашувни ҳеч қачон унутишмаса керак.

Таҷрибали халқ таълими ходими бу сўзларни алоҳида урғу бериб айтди. Чунки, уларнинг ўзлари, яъни, муаллимлар ҳам Қаҳрамон меҳмондан худди шундай пурмаъно жавоблар кутишганди. Масалан, Мартия Раҳматова «Сизга бошқа, дейлик, бироз енгилроқ касбни тавсия қилишса, ўтиб ишлармидингиз?» деган саволга дарров «Йўқ, ип йигирувчилик касбимни бошқа бирон касбга ҳеч қачон алмаштирмайман!» дея жавоб қайтарганида, залда беихтиёр қарсақлар янгради. «Агар, сир бўлмаса айтингчи, ҳаётда бирон нарсадан армонингиз борми?» деган савол тушганида ҳам ўйлаб ўтирмайди. Шу заҳоти самимий кулиб: «Бор. Мисол учун, сизлар билан бир даврда туғилмаганимдан армон қиламан. Сизларга тенгдош бўлганимда менга ҳам чет элда, масалан, Америка ёки Японияда ўқиш омади албатта насиб этарди. Сизлар биздан ҳам бахтли, армонлардан бутунлай йироқ авлодсизлар», деб жавоб берди. Унинг бу юрак сўзини ҳам йиғилганлар олқишлар билан кутиб олишди.

Фақат «Сизни тўқувчилик касбига ким бошлаб келган? Оилангиз ёки қариндош-уруғларингиздан



биронтаси йигирувчи бўлганми?» деган саволга жавобидан сўнг залдан «Наҳотки?» деган ажабланиш эшитди. Шунда у фикрини батафсил изоҳлаб берди...

Ҳа, Мартияхон тўқимачилик оламига, унинг ип йигирувчилик соҳасига онаси ёки опасига эргашиб қадам қўймаган. Ҳавас билан, ҳавас бўлганда ҳам дилддан қилинган ҳавас билан кириб келган.

Кўпчиликнинг ёдида бўлса керак, олтмишинчи йилларнинг ўрталарида Тошкент тўқимачилик комбинатининг ип йигирувчиси Буолма Жўраева доврўғи бутун мамлакатга кенг ёйилган эди. Газета-журналларда бу фидойи ишчи ҳақида тез-тез мақолалар эълон қилиниб туриларди, радиода репортажлар бериларди, телекўрсатувлар намойиш этиларди. Ана шу мақолаларни ўқиркан, Буолма опанинг эфир ва экрандан берилган сўзларини, айниқса, у кишининг тўқимачилик саноатига маҳаллий ёш кадрларни юрак-юрагидан чорлаб билдирган фикрларини тингларкан, Мартия қалбида беихтиёр ип йигирувчи бўлиш истаги пайдо бўлди. Қолаверса, бир куни машҳур тўқувчи ҳақидаги теле-репортажни кўриб ўтирган отасининг онасига қараб: «Қизинг бўлса — шундай бўлса!» деган ҳаваси ҳам унинг йигирувчиликка бўлган қизиқишини янада кучайтирди. Мактабнинг охири синфида ўқиётганида Бухорога Буолма Жўраева ташриф буюрди. Шунда Мартия у киши билан учрашув ўтказиладиган шаҳар маданият саройига ҳаммадан олдин югуриб борди. Буолма опа учрашув бошланиши олдидан бухоролик ёшлар билан қисқача бўлсада, суҳбатлашди. Мартия ниятини опага айтганида, машҳур ишчи ниҳоятда хурсанд бўлганидан, уни бағрига босиб: «Бизга худди сендай ўзи ҳам, орзуси ҳам, қарори ҳам гўзал қизлар керак. Агар Тошкентга борсанг, сени албатта ўзимга шогирд қилиб оламан», деди.

Мартия залда ўтираркан, донгдор ип йигирувчининг дил сўзларидан, олқишидан ўзида йўқ шод бўлиб, фақат ва фақат шу кишининг касбини танлайман, деган қатъий аҳд — хаёл билан яшарди!

Омадни қарангки, улар мактабни битирган йили Бухорода тўқимачилик фабрикаси иш бошлади. Унинг ташкилотчилари, раҳбари ва мутахассислари бир гуруҳ маҳаллий ёшларни йиғиб, Фарғонадаги махсус ҳунар-техника билим юртига ўқишга юборишмоқчи бўлишарди. Эшитган Мартия дарров рўйхатга ёзилди.

Унинг қарорини отаси ҳам, онаси ҳам қўлаб-қувватлади, бир йўла тўқимачилик институтига кирсанг бўлармиди, деб ўтиришмади.

Фарғона азалдан тўқимачилик саноати ривожланган шаҳар бўлгани учун ундаги махсус ҳунар-техника билим юрти тажрибали, яъни, амалиётга яқин мураббийларга бой даргоҳ экан. Ўқитувчилар машғулотларнинг аксариятини шаҳардаги машҳур тўқимачилик комбинатида олиб боришарди. Ўша йиллари Фарғона тўқимачилик комбинатида 90 минг урчуқ қувватига эга бўлган йигириш ишлари йўлга қўйилганди. Ана шу ўзига хос мураккаб иш жараёнларида фаолият кўрсатаётган аёлларнинг тажрибаларини амалиётчи устозимизники, дея алоҳида қизиқиш ва ҳурмат ила ўзлаштираётганлар орасида Мартия ажралиб турарди.

— Биласизми, Бухородан бу ерга келган баъзи тенгдошларимиз ишнинг қийинлигини, хусусан, фақат оёқда тик туриб иш бажариш кераклигини кўрганларида, йигирилаётган ипнинг узилиши мунтазам такрорланиб туришидан огоҳ бўлганларида, қайтиб кетамиз, деб ҳам қолишган, — дейди ўша йилларни эслаб Мартия Раҳматова. — Шунда, биринчи навбатда билим юртининг домлалари ва тўқимачиликка, йигирувчиликка мендан ҳам зиёда иштиёқманд курсдошларим билан биргалашиб уларни фикрларидан қайтарганмиз.

Билим юртида ярим йил ўқигач, Мартия машғулотларни амалий иш билан қўшиб олиб боришга аҳд қилди. Ниятини устозларига айтганида, улар: «Назарий билимга ҳам, амалий ишга ҳам бирдай бемалол улгура оласан. Шунинг учун сенга эътирозимиз йўқ», дея рози бўлишди. Шу тариқа у комбинатда ёрдамчи ишчи бўлиб ҳам ишлай бошлади. Унга Фарғонада ип йигирувчиликнинг сир-асрорларини биринчи бўлиб Муҳаббат опа деган аёл ўргатди. Устоз бухоролик шогирдининг ҳам ўқиб, ҳам ишлаётганини сезгач, қизим, жуда тўғри қиласан, бир йил муддат ҳеч нарса эмас, ҳадемай ўтиб кетади, шунинг учун бу ердан, яъни, тўқимачилик-йигирув саноати ривожланган шаҳардан касбни ҳам назарий, ҳам амалий ўзлаштириб кетсанг, фақат ютасан, деди. Муҳаббат опа кўп ўтмай уни комбинатнинг ҳақиқий юлдузлари ҳисобланган ишчилари билан учраштирди. Шунда устоз, фарғоналик эмасми, шогирдини ҳазиллашиб: «Исми ҳуж-

жатда Мартия, асида, бу — Мардия!» дея таниш-тирди.

Муҳаббат опа айтганидек, бир йил муддат «ҳеч нарса эмас» экан. Бухоролик ёшлар унинг ўтиб кетганини ҳам билмай қолишди. Ҳаммасига жонажон шаҳрига, унда яқиндагина иш бошлаган тўқимачилик фабрикасига йўлланма беришди.

Махсус дипломли ёшлар устозларга шогирдликка тақсимланаётганда қизиқ ҳол юз берди. Тажрибали ишчилардан бир нечтаси «Мартиябонуни мен оламан», деб қолди. Бош муҳандис: «Уни қаердан биласизлар, ёки у сизларга қариндошми?» деб, ҳазил аралаш ҳайрон бўлди.

— «Бухоро ҳақиқати»ни ўқимаганмисиз? — деди шунда улардан бири, — унда «Бухоронинг бўлажак Буолмалари» (Фарғонадан репортаж) сарлавҳали мақола эълон қилинганми?

— Ўқиганман, — деди мутахассислар етакчиси.

— Ўша мақолада Мартия Раҳматова билим юртининг энг пешқадам талабаси, фоятда умидли, деб мақталган, таърифланганку.

— Бу ўша синглизми? Сизларга ҳам қойил, шогирд танлашни ҳам ўрнига қўясизлар. Унда нима қиламиз? — бош муҳандис бироз ўйланиб турди-да: — Яхшиси, қуръа ташлаймиз, опажонлар. Мартияхон кимнинг чекига тушса, ўшаники бўлади, — деди.

Устозлар кулиб юборишди.

Мартиянинг Адолат Алиева деган йигирувчи ёнида иш бошлаши аниқ бўлганида, илк устози:

— Мен сизларга ҳар қандай талашиш-тортишишда барибир адолат тантана қилади, демабмидим, — деди.

Ўртада яна самимий кулгу янгради.

Адолат опа янги шогирдининг оиласини яхши танирди. Мартиянинг онаси украин миллатига мансуб бўлиб, ниҳоятда меҳрибон, хушмуомала, ҳақиқий бека аёл эди. Уни маҳалладошлари алақачон ўзбек урф-одатларини удумларини ўзлаштириб олганлиги учун алоҳида ҳурмат қилишарди. Бухороликларга, айниқса, Нина опанинг катта аёлларга «Хола мулло», кичик жувонларга «Келин мулло» дея чиройли мурожаат қилишлари ёқарди. Мартиянинг отаси Аҳмад ака армия сафларида 8 йил хизмат қилган уруш қатнашчиси эди. У кишини маҳалладагина эмас, балки, бутун қадимий Бухоро шаҳрида кўпчилик биларди. «Мар-

тия-ку, аллақачон дипломли қиз, яъни, мутахассис, бордию, бу ота-онанинг йигирувчиликка ҳавасманд фарзанди келганида ҳам ёнимга олиб, иш ўргатардим, чунки, бу оиладан ёмон одам чиқмайди», деб қўйди ичида Адолат опа.

Устознинг «ёмон одам чиқмайди»си аслида «яхши шогирд чиқади» дегани эди. Шундай бўлди. Мартия-хон кўп ўтмай Фарғонада уққан ва ўзлаштирган назарий, амалий билимларини ишга солиб, ўзини муносиб шогирд сифатида кўрсатди.

Ўша йилларни эсларкан, Адолат Алиева шундай ҳикоя қилади:

— Биласизми, бизнинг цехимизга илк бор ташриф буюрган ёшларнинг айримлари машиналарнинг гоётда баланд шовқунидан, қолаверса, бир одамнинг якка ўзи бир йўла бир нечта машина ёнида мунтазам юриб турган ҳолда иш бажаришини кўриб, тўғриси, беихтиёр ҳаяжонланиб, янаям аниқроғи, бунчалик мураккаб иш жараёни бўлмаса? — дея каловланиб қолади. Лекин, бу ҳолатни заррача бўлса-да, Мартиябонуда кузатмаганмиз. Аксинча, у худди шу сершовқин цехларда беш-олти йилдан бери ишлаб юрган ишчидай, аллақачон уларнинг ҳадисини олиб бўлган одамдай, ишга дадил киришиб кетган. Мен, айниқса, унинг ип йигирув дастгоҳини асраб-авайлашга алоҳида эътибор беришини кўриб қувонганман. Яна бир нарса: У Фарғоналик ҳамкасбларимизнинг баъзи тажрибалари ҳақида, уни қўллаш-қўлламаслигимиздан қатъий назар, ҳикоя қилиб турарди. Шогирдлик пайтида ундан «ип узилиши жудаям кўп бўларкан?» ёки «ип узилишлари ниҳоятда қийнаб юборди», деган гап эшитмаганман. Ҳолбуки, кейинчалик кўникиб кетадиган аксарият ёшлардан касбга киришиш даврида бундай «нолиш»лар албатта эшитилади.

Бир гал тўсатдан касалга чалиниб, икки ҳафта ишга чиқолмай қолдим. Цехимиз бошлиғи янги одам эди. У: «4та машинани барибир ученик (шогирд) эплолмайди, ўрнига кимни қўйиб турамиз?» деб бош муҳандис олдига кирибди. Шунда етакчи мутахассис кулиб: «Адолат опа, балки, шогирдим мустақил ишлашга тайёр, синаб кўришларингиз мумкин, деган маънода атайин бюллетен очтиргандир, шунинг учун ўрнида Раҳматова ишлайверсин», деган. Сўнг: «Биродар, сиз ҳали бу ерда янгисиз, шогирд қиз Мартияни унчалик билмайсиз, у аллақачон мустақил ишлашга

тайёр бўлиб қолган ёшларимиздан, устози чиққунча 4 машинани бемалол уддалайди, ҳеч хавотирланманг», деб қўшиб қўяди. Софайиб, ишга чиққананда, мен бир сменада неча килограмм ип йигириб келган бўлсам, Мартиябону ҳам худди шунча натижа билан ўрнимни билинтирмаганини айтишди. Хурсанд бўлганимдан: «Вақт етди, Мартиянинг алоҳида машиналари бўлиши керак, деб сизларга бежизга жаврамагандимда», дедим. Шунда бош муҳандис мен соддани «Ана, айтмабмидим сизларга, Адолат опа бежизга бюллетенга чиқмаган-да!» деган бегараз ҳазил билан бошлаган...

Етмишинчи йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб Мартия Раҳматованинг номи Биринчи йигирув-тўқув фабрикасининг илғор ишчиси сифатида бутун Бухоро вилоятида тилга тушди. Унинг цехида тайёрланаётган 40, 54, 34,1 — иплар айрича сифатлилиги ва мустаҳкамлилиги билан ажралиб турарди. Бир йўла 4 машина ва 1344 та урчуқ билан «ҳамнафас» бўладиган тиниб-тинчимас ишчининг ўзи бир сменада 80—85 килограмм ип йигириб бера бошлади. Фабрика мутахассислари эса, нисбатан мураккаб, аммо ўта замонавий «П-76-5М» русумли йигирув дастгоҳини бутунлай «забт қилган», ёш ишчилар авлоди вакили сифатида унинг имкониятларини тенгдошлари кўз ўнгида намоиш этган Раҳматовадан миннатдор эдилар. Шу боис биттаси ҳатто ҳам фахр, ҳам ҳазил билан: «Мартия ишлайдиган машинанинг русум-номерини ўзгартириб, энди уни «П-76-5М» деб эмас, «П-76-5ММ» деб атаймиз», деган дил сўзини ҳам айтган!

Буолма Жўраева ҳикоясидан:

— Қайси йиллиги аниқ эсимда йўқ. Саксонинчи йилларнинг ўрталарида бўлса керак, бир расмий тадбир сабаб бўлиб, Бухорога бордик. Вилоят раҳбари билан учрашувдан сўнг, йиғилишгача вақтимиз бор эди. Шунда ҳамроҳим — шаҳар раҳбариятининг вакилидан ип йигирув-тўқув фабрикасига олиб боришини илтимос қилдим. Йўлда машинада кетаётиб, ундан фабриканинг ишлари қандай, деб сўрадим. У корхона аллақачон шаклланиб, малакали жамоага, ўзига хос куч-қувватга эга бўлган фабрикага айланганини, ҳатто шаҳар вилоят иқтисодиётига ёрдам бераётганини таъкидларкан, фабрика ривожини ва ютуқларига катта ҳисса қўшаётганлар сифатида уч-тўртта ишчининг исм-фамилиясини алоҳида тилга олиб ўтди. Уларнинг

орасида Мартия Раҳматованинг номи ҳам бор эди. Беихтиёр хурсанд бўлиб кетдим.

Ҳамроҳим огоҳлантириб қўйган эканми, бизни фабрика ҳовлисида директор ва бир нечта ишчи кутиб олди. «Опажон, Мардияжон» дея кучоқлашиб кўришимизни кузатиб турган шаҳар раҳбарияти вакили бирдан: «Сизлар аввалдан танишмисизлар?» деди. «Йўқ, опа-сингил, устоз-шогирд» миз дедим унга. Шунда ҳамроҳимнинг ҳам ҳавас, ҳам фахр билан «Зўр зўрни олисда бўлса ҳам топади, деганларича бор экан», дегани ҳеч эсимдан чиқмайди.

Ўша куни Мартиянинг цехи, жамоадошлари билан яқиндан танишдим. Шогирди кузатиб турган машиналари бир маромда ишлаб турарди. Ип узилишлари кам эди. Машиналар оралиғидаги йўлаклар тозалиги жиҳатдан инсон яшайдиган хонадоннинг айвонини эслатарди. Қадрдон «Етмиш олти» нг (П-76-5М) билан кунига неча килограмдан ип йигираяпсан?» деб сўрагандим, Мартиянинг ўрнига бош муҳандис: «86» дан», деб жавоб берди. «96» лик маррага ҳам чиқасанми?» деганимда, кўриниши миттигина, табиатан тортинчоққина Мартиям «Ҳаракат қиламан, устоз», деди. Мен шогирдимга мураббий ва ҳамкасб Адолат Алиева, Адолат Қодирова, Қаҳрамон Болтаев, Ўлжа Тоҳировлар фаолият кўрсатаётган цехдан чиқар эканман, Мартиянинг муваффақиятларида бу ерда яратилган ўзига хос ибратли муҳитнинг роли ҳам катта эканлигига дил-дилимдан амин бўлдим.

* * *

1995 йили, яъни, республикаимиз Мустақиллигининг қутлуғ 4 йиллиги арафасида Мартия Раҳматова «Меҳнат Шухрати» ордени билан тақдирланди. Мен ўша кунлари ижодий сафар билан Бухорода эдим. Вилоят ҳокимининг муовини, дўстим Нуриддин Очилловга: «Президентимиз эътирофига сазовор бўлган бу аёл билан учрашиб кетсам, Тошкентга қайтгач, у ҳақда газетга бирон нарса ёзаман», деганимда, у хурсанд бўлиб кетди. Сўнг, кўнглидан чиққанимданми ёки яқинлигимиз учунми, бирдан «армон» ини ҳам тўкиб солди:

— Сизлар-ку, узоқдасизлар. Шунинг учун тошкентлик журналистларни айблаб бўлмайди. Лекин, ўзимизнинг маҳаллий газетачиларга ҳайронман. Шу аёлнинг

бизда танилганига бир неча йил бўлди. Аксарият, маърузаларда номи албатта тилга олинади. Ишлаб чиқарган маҳсулотлари билан кўрғазмаларда қатнашиб, совринлар олган. Лекин, бухоролик журналистлардан биронтасининг шундай номдор замондошимиз ҳақида очеркни қўйинг, бирор дурустроқ мақола ёзганини эслай олмаман. Мана, унга Ватанимизнинг энг катта орденларидан бирини бериш тўғрисида Фармон чиққанига бир ҳафта бўлаяпти — яна шу аҳвол. Битта сурат ва «табриклаймиз» ҳамда «миннатдорман» мавзудаги икки қоғоз интервью билан қутулишди. Улар шундай фидойи, матонатли (ҳали борсангиз кўрасиз, иши нисбатан оғирроқ) аёллар ҳақида ёзма-са, кимлар ҳақида ёзишади? Бундай кишилар тўғрисида газета-журналларда очерклар, ҳатто махсус саҳифалар эълон қилинса, телевидениеда кўрсатув намойиш этилса арзийди. Шунинг учун, дўстим, сизга яна бир бор раҳмат. Тошкентга қайтгач, бирон нарса ёзиб, эълон қилдирсангиз, бизнинг мухбирларга сабоқ бўлади, деб ўйлайман. Айни вақтда бизнинг ўзимизни ҳам ҳушёрлантириб қўйганингизни инкор қилмайман.

Вилоят раҳбари ўринбосарининг ўзи оддий ишчи Мартия Раҳматовани яқиндан билармикин? Билса, бу — айниқса, ўқувчилар учун қизиқ-ку.

Саволимни эшитгач:

— Билганда қандоқ, — деди муовин, яна хурсанд кайфиятига қайтиб. — Бу синглизмининг Нина Степанчук ва Аҳмад Раҳматов деган ажойиб ота-оналари бўлган. Ҳатто туғилган кунини биламан, — суҳбатдошим самимий кулди, — исми бежизга Мартиямас-да. Бу — таваллуд кунини 8 март дегани. Лекин биз ҳам уни, кўп устозлари қатори «Мардияхон» деб атаيمиз. Чунки, ҳали айтдим-ку, борганингизда кўрасиз, деб, у ва унга ҳамкасб аёлларнинг иши чинакамига мардона иш. Тасаввур қилинг, бир йўла 120 та машина мунтазам ғувилаб ишлаб турадиган цехдан чиқмасдан, бир неча соат ишлаш ҳазилми? Айниқса, аёл киши учун. Ҳолбуки, бошқалар, масалан, сиз билан биз иш столимиздаги телефон қаттиқ ёки узоқ жиринглаб қолса, тоқат қилолмаймиз. Мардияхондан вилоят ва шаҳар ҳокимликлари доимо миннатдор. Масалан, бирор тадбир ўтказадиган бўлсак, у албатта фаол иштирок этади. Йигирувчиларнинг республика кўрик-танловлари ва кўрғазмаларида Бухоромиз шаънини муносиб ҳимоя

қияпти. Вилоятимизда ёш ишчилар сафини ўстириш-да ҳам у ўз ҳиссаси билан ажралиб туришини алоҳида таъкидлайман.

У ўрта мактабни битириш арафасида турган ёшлар даврасида ўтказиладиган, касб танлашда собиқ ўқувчиларга ёрдам берадиган «Касбим менинг — фахрим менинг» анъанавий учрашувларига таклиф этишса, ҳеч қачон йўқ демайди. Бугунги кунда унинг даъвати, таклифи ва маслаҳатлари билан ип йигирувчилик касбини танлаётган ёшларнинг сони тобора ошиб бормоқда. Сал илгарироқ фабрикада бўлганимда, директор менга Мартия Раҳматованинг ҳозиргача тайёрлаган шогирдлари юзга яқинлашиб қолганини айтди. Унинг ҳар ҳафтада бир шогирд тарбиялаган пайтлари ҳам бўлган экан.

Шундай экан, бундай фидойи кишиларни билмасликка ҳаққимиз борми, биродар?!

Муовиннинг сўнгги сўзи ана шундай фахр билан йўғрилган эди.

* * *

Ип йигирувчиликдек гоятда майда ва айни вақтда ўта машаққатли ишда мунтазам равишда, йилдан-йилга юқори кўрсаткичларга эришиб келаётган меҳнатсевар қизини Ватанимиз яна сийлади. Мартия Раҳматовага Истиқлолнинг 8 йиллиги арафасида энг олий мукофот — «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони ва Олтин Юлдуз-медали бериш тўғрисида Президентимиз фармони эълон қилинди.

Мартияхонни телефон орқали бу юксак эътирофу эъзоз билан табриклагач, беихтиёр унинг меҳнат ютуқларининг сир-омиллари ҳақида ўйланиб қолдим. Ва, дарров шундай хулосага келдим: оддий!

Масалан, у ҳам бошқаларга ўхшаб ўз вақтида ишга боради, лекин, кунлик фаолияти ўзгаларникидан анча самарали, ишлаб чиқарган маҳсулоти эса, албатта сифатли бўлади. У ҳам бошқаларга ўхшаб бутун сменаси давомида тик турган ҳолда машиналари ёнида юради, лекин, узилган ипларни ўз вақтида улаш баробарида қадрдон дастгоҳларини ҳам асло назардан қочирмайди, уларга муҳандисона муносабатда бўлади. Урчуқларни «Бухоролик момоннинг табаррук урчуқларидай» деб асраб-авайлайди. Бошқалар машиналар бузилмаган бўлса-бўлди-да, деб ишни бошлайверса, у

дастгоҳларни кўздан кечириш баробарида цехдаги температурани ҳам текширади. Негаки, ипнинг кам ёки кўп узилиши пахта сифатига ва айна вақтда цехдаги мавжуд температурага боғлиқ.

Фабрика маъмурияти қўшимча ишлашга зарурат туғилиб қолди, деса, биринчи бўлиб у тайёрлигини айтади. У жонажон цехини иккинчи оиласи, хонадони деб билади. Цехдошларидан ёши катталарни акаси, опаси қаторида кўрса, тенгдошлари ва ўзидан кичиклар билан «жон» деб мулоқотда бўлади. Ютуқлари билан ҳеч қачон мақтанмайди, уларни бировга пеша қилмайди. Чорак асрдан зиёд иш стажига эга бўлса ҳам, касб малакасини ошириб боришни қанда қилмайди. Машҳур ип йигирувчилар билан ҳатто хатлашиб туради. У ғоятда меҳрибон шогирдпарвар. Унинг қўл остида ип йигирувчилик касбининг сирларини ўрганган, фахр билан: «Мартия устознинг мактабиданмиз» дейдиган ёшларнинг сони эндиликда юздан ошади.

Мен бу кузатmalarим, мушоҳадаларим ва хулосамни Мартия Раҳматовага етакчи, ҳамкасб ва шогирд бўлган Адолат Қодирова, Юсуф Раҳматов, Эргаш Холназаров, Ҳаким Зокиров, Ҳадыя Раҳимова, Мамлакат Содиқова, Маъмура Рашидова ва бошқалар билан ўртоқлашганимда, улар: «Тўғри, Мартияхон ютуқларининг сир-сабаблари оддий, лекин, улар ҳар бирининг замирида «Фидойилик» деган олий ҳақиқат бор, дейишди.

Қаҳрамон қадрдонларининг бу фикрига дил-дилдан қўшилдим.

* * *

«Бухоротекс» ҳиссадорлик жамияти бугунги кунда республикамизнинг йирик, иқтисодий жиҳатдан бақувват саноат жамоаларидан ҳисобланади. Жамиятнинг бундай ютуғида унга қарашли фабрикаларнинг, айниқса, фидойи ишчиларнинг ҳиссалари катта. Бу ҳақда гапираркан, «Бухоротекс»нинг директори Шукрулло Давиров жумладан қаҳрамонимиз ҳақида шундай деди:

— Ҳозирги кунда ўз машиналарида бир сменада 95—100 килограмдан ип йигириб бераётган Мартия Раҳматова билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Эндигина қирқ беш ёшни қаршилаган бу моҳир йигирувчимиз шарофати билан ҳиссадорлик жамиятимиз

Президентимизнинг назарига тушди. У туфайли «мамлакатимизда биринчи бўлиб «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони ва Олтин Юлдуз медалига сазовор бўлган ип йигирувчи меҳнат қиладиган жамоа» деган шаънга мушарраф бўлдик. Мартияхонни ип йигирувчилик соҳасида ўзига хос мактаб яратган устоз ишчи, деб баралла айта оламиз. Ҳиссадорлик жамиятимизнинг, фабрикаларимизнинг эртанги ютуқларида ҳам шундай фидойиларимизнинг ҳиссалари катта бўлишига ишонаман. Ватанпарвар меҳнаткаш, дилбар инсон ва ажойиб оила бекаси Мартия Раҳматова бизнинггина эмас, балки, бутун Бухоронинг фахридир!

Директор ҳақ гапни айтди. Мартия Раҳматова аҳил-иноқ оиланинг мерибон бекаси ҳам. Унинг турмуш ўртоғи Садриддин Қўзиев ип йигирув фабрикасида таъмирчи бўлиб ишлайди. Уларнинг бир-биридан одобли, бир-биридан ширин иккита фарзанди бор. Ўрта мактабнинг охирги синфида ўқиётган Санжаржон, еттинчи синфда таҳсил олаётган Нарзиябонулар Қаҳрамон оналари билан фахрланишаркан, «Энг муҳими, сизга муносиб бўлсак бўлди, ойижон!» дейишни тез-тез такрорлаб туришади.

Мартияхон фарзандларининг ниятлари албатта вожиб бўлишига ишонади. Чунки, унинг ўзини худди шундай эзгу орзу-ҳавас камолга етказди!

МУБОРАК МАРДУ МАЙДОНИ



Бўрон ака поезднинг купе вагонига жойлашиб олиб, ҳамроҳларига «байрам шарофати билан Тошкент томонларга бир шамоллаб келадиган бўлдикида, биздай оддий одамларни шундай улуғ айём давраларига тақлиф қилган раҳбарларгаям раҳмат» деб, Ўзбекистон мустақиллигининг 4 йиллиги тантаналарида қатнашиш учун пойтахтга бораётган делегация составида йўлда кетаётган эди. Радио навбатдаги «Сўнгги ахборот»ини Президентнинг Фармони ни ўқиш билан

бошлади. Диктор «мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодий қудрати ва шон-шарафини оширишга қўшган шахсий ҳиссаси ҳамда ишлаб чиқариш тармоқларидаги қаҳрамонона меҳнати учун қуйидагиларга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилиб, олий нишон — Олтин Юлдуз медали топширилсин» дедида, рўйхатни ўқиди: тўртинчи Қаҳрамонни «Рўзиев Бўрон — «Ўзбекнефтьгақазибчиқариш» давлат акционерлик бирлашмаси «Муборақгаз» газ кони бошқармасининг нефть ва газ қазиб чиқариш оператори, Қашқадарё вилояти» деб эълон қилди! Бўрон ака кутилмаган бу хушxabардан шошиб қолди. Ўз қулоғига ишонмади. Ҳамроҳи — жамоа хўжалиги етакчиси Ҳамро Раҳмонов ўрнидан сакраб туриб, «акахон, қўлни ташланг, унвон билан табриклайман!» деганида ҳатто «йўғ-эй» деб юборди. Иккинчи ҳамроҳи — техникум директори Олим Хайруллаев «Нега йўғ-эй» дейсиз, биродар, Муборақда битта Бўрон Рўзиев бор, қучоқни беринг» дея уни бағрига босди. Бир пасда купе одамларга — табрикловчиларга тўлиб кетди. Анча наридаги вагондан етиб келиб, йўлакда туриб қолган таниш сафдошларидан бири «бизларгаям навбат келадими?!» деб ҳазиллашди. Ҳатто одамларнинг 19-вагонга югуриб қолганини кўриб, «у ерда нима гап, тинчликми?» деб, поезд бригадири ҳам етиб келди.

Проводникдан нима гаплигини аниқлаган бригадир «улкан тўйга Қаҳрамон олиб бораётганлигимизни билмас эканмиз-да, акахон, унвон, олтин медаль қуллуқ бўлсин», деб Бўрон аканинг қўлини олди. Бундан Ҳамро Раҳмонов янада фахрланиб кетди:

— Энди, начальник, гап бундай, поездни тўхтатиб, орқага қайтарасиз, биз Қаршидан бир семиз қўчқор сўйиб олиб чиқамиз, бу ютуқни унвонни иссиғида сизлар билан ювмасак бўлмайди, ахир?!

Ҳамма кулиб юборди.

Бригадир қашқадарёликларнинг севинчу ҳазилини тушуниб турарди. Шунинг учун у:

— Ака, орқага қайтиб, овора бўлиб нима қиласиз, поездни тўхтатиб, сизга қўй топиб берсам бўлдимиз? — дея кулди.

Бунақа бўлишига ишонмаган Ҳамро ака:

— Бўлди, — деди.

— Пул етадимиз, ишқилиб?

— Ундан хотиржам бўлаверинг, биродар, Бўрон ака учун нима керак бўлса ҳаммасини топиб берамиз!

— Яхши, бизнинг ҳам қўй топганимиз бўлсин. Ҳу ана, кўряпсизми ўтлаб юрган сурувни, — бригадир вагон деразасидан кўзга яққол ташланиб турган қўйли адирлар томон ишора қилди.

— Кўряпман.

— Унда, энди беш минутга поездни тўхтатамиз. — Бригадир шундай деб, проводник хонаси томон юрди.

— Аввал ўзингиз тўхтанг, дўстим, — ҳазил рosta-камига жиддийлашиб кетаётганини сезган Ҳамро Раҳмонов дарров унинг қўлидан ушлади.

— Қойил! Қойил! Яна ҳамма бирдай самимий кулиб юборди.

— Муборакка қайтгач, Ҳамрожон ютқазган қўйни ҳам ўзим сўйиб, унвонни ювиб бераман, бригадир ука, меҳмонимиз бўласиз, — деди Бўрон ака ҳазилга якун ясаркан.

— Раҳмат, амаки, албатта бораман, Ўзбекистонимизнинг биринчи Қаҳрамонларидан бўлган сиздай табаррук кишиларнинг хонадонида бўлиш биз учун айрича шараф-ку!

...«Китоб — Тошкент» поезди Ўзбекистон Қаҳрамонини навбатдаги қутловчилар даврасига етказишга шошилгандай шиддат билан олға еларди.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг тўрт йиллигига бағишлаб Мустақиллик майдонида ўтказилаётган тантанали томошаларда байрам иштирокчилари ва меҳмонларини табриклаган юртбошимизнинг «Ўз Гербимиз, Байроғимиз, Мадрҳиямизга эга эдик, мана бугун, азизлар, ўз Қаҳрамонларимизни ҳам қутлаб турибмиз» деган сўзлари Бўрон акани ниҳоятда тўлқинлантириб юборди. Унинг кўзларидан беихтиёр ёш чиқиб кетди.

Ахир, ҳаяжонланмай бўладими? Яқиндагина (эллик олти йил чопагон умр учун олис муддат эмас) отонаси «Худога шукр, битта бўлса ҳам ўз фарзандимизга етказди», деб уни еру кўкка қўймай, ишонмай ардоқлаб юришарди... Қандай бахт! Бугун уни Ватан, халқ ўз қаҳрамоним деяпти, эъзолаб турибди...

Асли ҳозирги Баҳористоннинг Помуқ қишлоғидан бўлган, Фиждувоннинг Ванғози қишлоғида яшаётган чўпон Рўзи ака ва уй бекаси Жумагул опалар турмуш қуришгач, кетма-кет фарзанд кўришди. Лекин биронтасини сақлаб қолишолмади. Аксарияти ёшига етмай вафот этди. Ўн иккинчи фарзанд туғилганда «ўғлимиз ўлимнинг йўлини буриб юборсин, ўлимни бўрондай даф қилсин» деб унга ирим, ният билан Бўрон деган исм қўйишди. Ота-онанинг айтганидай, тилаганидай бўлди. Ўғилча ҳеч қандай касалликка чалинмай, соғлом, зийраклиги, тетиклиги билан ота-онасини хурсанд қилиб ўсди. Лекин, афсуски, Рўзи ака ёлғиз фарзандининг камолини кўролмади. У фашистлар билан бўлган урушдан қайтмади.

Ҳарбий хизматга бориб, йигитлик бурчини ўтаб келган йигирма ёшли Бўрон аввал озгина вақт шофер бўлиб ишлади. Сўнг танишларининг таклифи билан Бухоро нефть-газ экспедициясига оддий ишчи бўлиб ишга кирди.

Олтмишинчи йилларнинг ўрталарида Муборақда газ конларини қидирув ишлари авжига чиқаётган эди. Нефть қидирувчиларнинг кўпини танийдиган, уларни кузатиб юрадиган газ конлари участкасининг бошлиғи Хасби Дарчиев бир куни Бўрон Рўзиевни чақириб, «биз билан бирга ишламайсанми?» деб қолди. Ўз ишининг бетакрор пири сифатида довуғ таратган бу одамнинг таклифини ерда қолдириш... «Лекин, мен бу соҳани унчалик билмайман-ку? Балки, ўқиш керак-

дир»? — Ўйланиб қолди Бўрон Рўзиев. Сўнг у фикри-ни Хасби Антоновичга айтди.

— Бўлмасам-чи, — деди хурсанд бўлиб Дарчиев, — гап — сенинг «хўп» дейишингда. Бухорода, олти ойлик операторлик курсида ўқишни алақачон гаплашиб қўйганман.

— Унда, қачон юборсангиз, тайёрман, Хасби ака.

— Раҳмат, Бўронжон. Келгусида ўзбекнинг ҳақиқий газчиси бўлишингга ишонаман. Бизга худди сендай дадил йигитлар керак!

Газчилар устози адашмаган эди. Бўрон ярим йиллик махсус курсни тугатиб келгач, дадиллигини, чинакам газчи бўлишга иштиёқи астойдиллигини, зўрлигини амалда исботлади. Уни аввал Ўртабулоқ газ қудуқларини қазувчилар сафига юборишди. Иккинчи устози Шониёз Бозоров билан ёнма-ён меҳнат қилган, унинг тажрибаларини пухта ўрганган, газ қудуқларини қазишда фойдаланилиши мумкин бўлган янги имкониятларга ўч Бўрон Рўзиев тез орада тилга тушди. Шундан сўнг уни машхур Заварди газ қудуқларини қазишга таклиф этишди. Қултоғ газ қудуқларини қазишдаги муваффақиятларда ҳам Бўрон Рўзиевнинг хизмати, ҳиссаси ниҳоятда катта бўлди.

Сомонтепа, Қорақум, Шўртепа, Шимолий Майма-ноқ, Жарқоқлардаги нефть-газ конларининг очилиши миллий саноатимизда, бутун мамлакатимиз ижтимоий, иқтисодий ҳаётида тарихий воқеа бўлганлиги барчага маълум. Ана шундай табиий бойликларни топиб, эл, Ватан хизматига йўналтирган жасоратли мардмай-донларнинг олдинги сафида Бўрон Рўзиев бўлди. Бугунги кунда бутун дунёга маълуму машхур Кўкдумалоқ ва Муборак нефть-газ қудуқларини ишга туширишда ҳам унинг жасорати ва фидойилиги алоҳи-дадир. Кўкдумалоқдаги нефть-газ кони қудуқларининг ҳавозаларини ўрнатган бизнинг устоз бўлади, дейди унинг шогирдлари фахрланиб. Бўрон ака ва унинг ҳамнафслари меҳнати туфайли у ишлаётган жамоада газ, нефть конденсати қазиб олиш топшириқлари доимо, муттасил биринчилардан бўлиб ортиғи билан бажарилади.

— Бўрон Рўзиевнинг касби — операторлик ниҳоят-да мураккаб, жасоратталаб иш, — дейди Муборак нефть-газ конлари бошқармасининг бошлиғи И. Р. Келеш. — Топилган, оқиб келаётган нефть ва газни

қайта ишлаш корхоналарига, буюртмачиларга мунтазам юбориб туриш учун бир неча жараёнда юмушлар бажарилиши лозим. Ана шу ишларнинг энг асосийсини кечаю-кундуз мижжа қоқмай, оёқда туриб, хушёр юриб оператор амалга оширади. Унинг профессионал маҳорати, ўз ишини пухта билиши туфайлигина конлардан оқиб келаётган нефть ёки газнинг миқдори, тинимсизлиги, ускуналарнинг узлуксиз ишлаши таъминланади. Бизнинг Бўрон Рўзиев эса, мана чорак асрдирки, ўз ишининг, шарофатли операторликнинг чинакам устаси, ўзбекча айтганда, пиридир!

Бўрон аканинг фидокорона меҳнати аввал орден билан, кейинроқ эса «Хизмат кўрсатган оператор» деган унвон билан тақдирланди. Вилоятимиздан, Муборак газчилари орасидан биринчи бўлиб Бўрон Рўзиев шундай юксак эътирофга сазовор бўлган эди.

— Орденни менга раҳматли Рўздат Ғойибов топширган, — дея ҳикоя қилади Бўрон ака. — Ажойиб вилоятимиз раҳбари бор эди-да. Меҳнат кишисини ўз жигаридай, укасидай яқин тутиб, кўпинча ҳазил аралаш гапирарди. Масалан, ўшанда менга орденни топшираётиб, «Сен туркманмисан?» деб қўлимни ўн беш-ийгирма минут ушлаб турган. Нега шундай деган — билмайман. Балки, қўшни Туркменистон чегараларига, чўлларига туташ сўнгсиз, олис чўлу сахроларда газ конлари қидиравериб, газ қудуқларини қазийвериб, қардошларимизга ўхшаб кетганманми...

Бўрон Рўзиев ўз ишини пухта билиш, маҳоратини ошириб бориш билангина кифояланиб қолмади. Муборак учун ниҳоятда муҳим бўлган долзарб вазифа — маҳаллий ёшлардан нефтчи, газчи кадрлар тайёрлашдек олижаноб ишда ҳам ўзини кўрсатди. Қурбон Алиқулов, Хўжа Бозоров, Тешавой Турсунов, Тўймурод Жўраев, Қўлдош Қулбоев каби ўнлаб ёшлар унинг йўл-йўриқларига, маслаҳатларига, тажрибаларига амал қилиб, изланувчан оператор сифатида танилдилар. Эндиликда уларнинг ҳар бири бошқарманинг муваффақиятига ўз ҳиссасини қўшмоқда.

— Биз устоздан фақат иш ўрганиб қолганимиз йўқ, — дейди Қ. Алиқулов. — Бўрон ака биз, шогирдларига ҳақиқий инсонгарчиликнинг кўплаб фазилатларини улашган азиз инсон сифатида ҳам чуқур эҳтиромга лойиқдир. Сабр-тоқатни, шукроналикни кўпроқ у кишидан ўрганганмиз, десам муболаға қилмайман.

— Бўрон акадай одамлар биз учун катта омад, бахт, — дейди Муборак газни қайта ишлаш заводи-нинг директори Нуриддин Зайниев. — Худди шундай садоқатли, ҳалол, масъулиятни мутафаккирлардай ҳис этадиган ажойиб инсонларнинг қўлидан, назоратидан ўтадиган газ туфайли заводимиз мунтазам ишлаб турибди. Худди шундай олов ичра олов бўлиб ёнадиган мардимайдонлар шарофати билан заводимиз ҳар йили қарийб 27 миллиард куб метр газни тозалаб, саноат марказларига, шаҳар ва қишлоқларга юборяпти. Ҳар қандай газ бўронларини тинчита оладиган Бўрон ака — бизнинг фахримиз!

* * *

Бўрон ака ишдан қайтгач, кийимларини ечиб, юз-қўлларини ювиб, энди ёстиққа ёнбошлаган ҳам эдики, орқасидан кириб келган ўғли Эралижон «айтмоқчи, ота, сизга Шўртандан телеграмма келибди, мана» деб қўлига қоғоз тутқазди.

— Кимдан экан? — деди бу янгиликни кутмаган Бўрон ака.

— Абдуназаров деган одамдан.

— Ҳа, Абдуллажон-да, Шўртан газ заводининг директори. Қани, нима деб ёзибди? — у шошилишч номани ўқий бошлади: — «Қадрли Бўрон ака, сизни заводимизда Ўзбекистонимизнинг қутлуғ олти йиллигига бағишлаб ўтказиладиган «Истиқлол байрами»га лутфан таклиф этаман. Эҳтиром ила: завод директори А. Абдуназаров».

— Шўртанда ҳам ишлаганмисиз, — деди Эралижон, беихтиёр мамнун бўлиб телеграмма қоғозини ушлаб турган отасига қараб.

— Бўлмасам-чи, Эдик, шунинг учун бу одобли йигитлар тез-тез отангизни йўқлаб туришади-да. — Бўрон аканинг хурсандчилиги фахрига айланган эди! — Шўртанда бир неча йил олиб борган қидирув ишларимиз ниҳоятда самарали бўлган. Кечами, ўтган куними, телевизорда «Истиқболли Шўртан газ конининг бугунги фидойилари» деб беш-олти йигитни кўрсатди-ку, ана шулар орасида операторликда мендан ўтиб кетаётган ажойиб шогирдларим бор.

Чин юракдан, ажиб бир ғурур ила айтилаётган бу сўзларни эшитган ўғилнинг дилида ҳам фахр ҳислари пайдо бўлди!

— Ойингни чақирасанми, — деди ота ўғлига.

— Ташқарида эди, сигир соғаётган бўлсалар керак, ҳозир чақираман.

Эрали чиқиб кетгач, Бўрон ака ўйланиб қолди. Икки йил бурун худди шундай байрамга айтишганда боргандик. Яна бориш шартмикин? Тез-тез чопиб бориш ҳам яхшимас. Бормаса ҳам бўлмайди. Вақт ва бошқа имкониятларини тўғрилаш учун анча олдин таклиф қилиб қўйгандик, шунда ҳам келмади, деб, шогирдларим, қолаверса, директорнинг ўзи хафа бўлиши мумкин? Телефон қилиб ёки биров орқали, узр, байрамларингизга бора олмайман, дейиш эса, одамгарчиликка тўғри келмайди.

.. — Тинчликми, хўжайин?

Бўрон аканинг хаёли бўлинди.

— Тинчлик, Жумагулой, тинчлик, — турмуш ўртоғини ўтиришга таклиф қиларкан, давом этди: — Шўртанга тўйга айтишибди, шуни сен билан маслаҳатлашиб олсамми дегандим.

— Шогирдларингиздан биронтаси қиз-пизини чиқараяптимикин ёки ўғил уйлантираяптимикин?

— Йўқ, халқ тўйига, Мустақиллик байрамига чақиршибди.

— Қайсинисига борасиз? У куни Қаршидан, техникумдан келган домла сизга атаб, махсус «Қашқадарёлик биринчи Ўзбекистон Қаҳрамони — меҳмонимиз» деган байрамолди тадбири ўтказамиз деб, розилигингизни олиб кетди-ку?

— Хаёлимда бор, лекин унинг числоси, вақти сал олдинроқ, буларники айна байрам кунлари экан.

— Унда ўйлаб кўриш керак, сизда нима кўп — шўртанлик қадрдонлар, шогирдлар кўп.

— Уларни қўявер, Жумаой, мен сени ўйлаб, у ёққа ҳам борсаммикин, деб турибман. Ахир, анчадан бери Фузорнинг қиру адирларини соғиниб қолдим, деб қўймай юрибсан-ку?

— Қизиқмисиз, хўжайин, — кулди Жумагул опа, — қиру адирларга чиқишнинг вақти — баҳор, ҳозир — ёз-ку?

— Менга деса куз бўлмайдимми? Бизнинг Гулимиз бор, уни олиб борамиз, ёзи баҳорга айланиб кетади. Гулсиз баҳордан худо сақласин!

Гапнинг маъзини дарров англаган Жумагул опа турмуш ўртоғининг ҳазилидан беихтиёр хурсанд бўлиб кулиб юборди:

— Сўзга бунча уста бўлмасангиз, отаси!

— Бир кун-бир ярим кун ҳеч нарсамас, кампир, демак, борсам қаршилик қилмайсан?

— Йўғай, нима деяпсиз, наборот, улуғ айём кунлари кадрдонларингиз билан дийдорлашиб келсангиз яхши-масми. Фақат у ерда кўп қолиб кетмасликнинг иложини қилиш керак. Қўйиб берсангиз, улар ўта меҳмон-дўстмасми, ҳали «меникидан чой ичиб кетинг», ҳали «уникида меҳмон бўлмасангиз бўлмайди», деб бир ҳафта олиб қолишади. Эсингиздами, ўтган гал худди шундай бўлган.

— Бу гапинг тўғри, байрамда қатнашиб, ўша ерда барчаси билан кўришиб, бирга бўлиб, баҳорда биттаси ўғлининг суннат тўйига айтганда боролмовдим, фақат ўшаникига кириб, тўй қуллуқ бўлсин, қилиб қайтаман.

— Унда тўёна ҳам қилиш керак, етадиган пулингиз борми?

— Бор. Аванс олганман, ҳали сенга бермадим, ҳозир топшираман, Ғузорга кетаётганимда проценти билан қайтарасан!

Эру хотин бирдай самимий хохолаб кулиб юборишди...

* * *

Қаршининг энг олди билим масканларидан ҳисобланган техникумда учрашув уюштирилаётганидан хабар топган вилоят радиоси журналистлари тараддуа кўриб келиб, тадбир бошланишидан аввал Бўрон акага бир неча савол билан мурожаат қилишди.

Мулоқот бошланишидан олдин Бўрон ака мухбирларга қараб:

— Ишқилиб сизлар ҳам «уйланганмисиз?», «севган таомингиз нима?», «қандай ўйинларни ёқтирасиз ёки машқ қиласиз?»дай саволлар бермайсизларми? — дея ҳазиллашди.

Журналистлар ҳам анойи эмас экан, бирдан:

— Йўқ, ака, саволларимиз асло унақа енгил-елпи эмас, муборак саволлар, — деб жавоб беришди.

Ўртада беғубор, самимий кулгу янгради.

Ижодкорларни, айниқса, улар билан гаплашишни айрича хуш кўрадиган Бўрон ака тагин бўш келмади:

— Унда, майли, саволларингизга тайёрман, ҳеч қандай қаршилик йўқ!

Даврада яна кулгу кўтарилди...

Радиожурналистлар Бўрон акадан энг аввал «Қашқадарёда чинакам, улуғ меҳнатсевар кишилар ўтишган, ҳозир ҳам оз эмас, улардан кимларни алоҳида таъкидлаб ўтишни хоҳлайсиз?» деган саволга жавоб беришини илтимос қилишди.

— Биласизми, укалар, — сал ўйланиб жавоб бера бошлади Бўрон ака, — чинакам меҳнатсевар ҳеч қачон умрсевар бўлмайди. Шу маънода сиз, ижодкорларнинг гоятда топиб айтилган «меҳнатсевар фидойи» деган таърифларингизга юз фойиз қўшиламан. Ҳақиқатан ҳам ҳақиқий меҳнатсевар одам ўзини қишлоғига, туманига, қолаверса, юртига нафи катта меҳнатга, ҳа, меҳнатга фидо қилади, бахш этади, аммо, ўзини, умрини, яъни соғлигини ўйламайди. Бўлмасам, қаршилик Чўли ота Бегимқулов, шахрисабзлик Жўра Элбоев, китоблик Каромат Рустамова, косонлик Холиёр Даминовлар узоқ умр кўрмасмиди, бутунги ажойиб кунларга етиб келмасмиди?! Бу раҳматли инсонлар меҳнатга садоқатнинг, улуғ меҳнатсеварликнинг буюк тимсолларидир!

Вилоятимизда ўз ишининг бутунги фидойилари деб танилганлардан усмон юсуповлик эл сардори Шодмонқул Чориқулов, Муборак газчиларининг етакчиси Нуриддин Зайниев, қамашилиқ бобо дехқон Дўстбўри Раҳмонов, шахрисабзлик раис Бозор Эшдавлатовларнинг номларини алоҳида фахр билан қайд этиб ўтишни истайман. Вилоятимизнинг истиқлол йилларида эришган ютуқларида худди шу меҳнатсевар инсонларнинг ҳиссалари катта.

— Одамлардаги қайси инсоний хислатларни алоҳида ёқтирасиз, қайсинисини жудаям ёмон кўрасиз?

Бўрон ака худди шундай саволни кутаётган эди. Шунинг учун унга яйраб жавоб берди:

— Ватанпарварлик юксак инсоний фазилатларнинг энг олий намунасидир. Пайғамбаримиз ўзининг муборак Ҳадисларида бежизга «Ватанни севмоқ иймондандир» демаганлар. Президентимиз ўзининг тарихий маърузаларидан бирида бу табаррук ўғитни алоҳида таъкидлаб, ҳозирги кунимизнинг асосий шиорига айлантирганида минг бора ҳақ эди. Инсон зотидан бу биринчи хислат узоқлашмасин илойим.

Меҳнатсеварликни қанчалик қадрлашимни юқорида мисоллар билан айтдим. Мен меҳр-оқибатлилик, мардлик каби хислатларнинг ҳам қулиман.

Фирромлик, беқарорлик каби ноинсоний «фазилатлар»ни ниҳоятда ёмон кўраман. Айниқса, турланувчанликни. Биласизми, бундай разил хислатни ҳатто Соҳибқирон Амир Темурдай улуғ аждодимиз ҳам қоралаган. Масалан, ул Ҳазратнинг шеърга айлангилган бир ўғитида шундай армонни ўқиганман:

Турланади олам минг хил,
Шундай, ҳаёт қонуни бўл.
Аммо-лекин тенглашолмас
Турланишда одамга ул.

Ниятимиз шулки, бу соҳада олам доим одамдан олдин юрсин!

Мухбирлар «Бўрон ака, тилакларингизга биз ҳам қўшилаемиз, вақт ҳам бўлиб қолибди, раҳмат, қолганини аввалги запислардан фойдаланиб ўзимиз тўғрилаймиз», деб учрашувга муваффақият тилашди.

Учрашув мезбонлари Қаҳрамон меҳмонни ўринларидан туриб, қарсақлар ва гуллар билан кутиб олишди. Залда Истиклолни, меҳнатни шарафловчи қўшиқ янграб турарди. У тугаши билан бошловчи талаба маҳаллий ҳаваскор шоирнинг «Бизнинг Қаҳрамон» деган шеърини ўқиди. Сўнг техникум директори микрофон олдига юриб келиб, «Бўрон ака ҳақида сўз»и билан ўртоқлашди. Кейин бир вақтлар Муборақда Бўрон ака билан ҳамнафасликда ишлаган, ҳозир вилоят бошқармасида фаолият кўрсатаётган газчи-муҳандис гапирди. Мусиқа, қўшиқлардан кейин ёшларни қизиқтирувчи савол-жавоблар бошланди. Бўрон ака саволларга иложи борича аниқ мисоллар, ўз кузатмалари билан, жайдари тилда жавоб беришга интилди. Навбат унинг ўзига етиб келиб микрофонга таклиф этилганда залда яна чапақлар янгради.

Бўрон ака операторлик касби, устозлари, шогирдлари, ўзининг шу даражага етишувига бетакрор ҳисса қўшган жамоадошлари, қадрдон Муборақ шахри ҳақида тўлқинланиб гапирди. Айниқса унинг яқунловчи сўзлари янада эса қоларли бўлди.

— Мухтарам мураббийлар, бахтиёр ўғил-қизларим, — деди Бўрон ака, — улуғ айём арафасида бу ерга таклиф этганликларингиз учун яна бир бор раҳмат. Лекин қашқадарёлик биринчи «Ўзбекистон Қаҳрамони» мен эмас. — Залнинг диққати янаям кучайди. — Кўпроқ ўқитувчилар яхши билади. Саксонинчи йилларнинг охирида вилоятимизни Президентимиз Ислон

Каримов бошқарган. У киши бу ерда кўп эмас, уч йилга етар-етмас ишлаган. Лекин у киши шу қисқа вақт ичида ҳам вилоятимиз учун жуда катта, буюк ишларни амалга оширган. Бу тарихий фаолиятнинг кўлами меҳнат тартиб-интизомини йўлга, кадрларни жой-жойига қўйишдан тортиб, беқиёс қурилиш ва ободонлаштириш ишларигача қамраб олади. Бирданига бундай ўзгаришларни мақсад қилиб, уларга эришиш учун кишида, энг аввало, журъат, жасорат бўлиши керак эди. Ислом акадаги ана шундай жасорат бизнинг кўз ўнгимизда ўзига хос қаҳрамонлик сифатида намоён этилган.

Иккинчидан, республикамизнинг, мамлакатимизнинг биринчи раҳбари лавозимига бизнинг вилоятдан кўтарилиб борган муҳтарам Президентимиз улкан тантаналар, учрашув ва йиғилишларда «қашқадарёликларни ўзимнинг азиз жигаргўшаларимдай биламан, бағримга босаман», «ўзимни Қашқадарёнинг фарзанди деб ҳисоблайман» деган сўзларни бир неча бор такрорлади. Шундай экан, нега энди биз улуғ йўлбошчимизни қашқадарёлик биринчи Ўзбекистон Қаҳрамони демаймиз?!

Зални қарсақлар гулдуриси тутиб кетди...

* * *

Ота-онасининг ёлғиз, биттаю-битта фарзанди бўлган Бўрон аканинг беш қизи, тўрт ўғли бор. Қизларнинг ҳаммаси уйли-жойли бўлиб кетишган. Катта ўғил Шералижон отаси ёнида электр пайвандчи бўлиб ишлайди. Эралижон токарлик касбини танлаган. Кичиклари — мактабда. Неваралар чувиллашиб бостириб келишиб қолишганда баъзан Жумагул опа «ишқилиб, сизлар билан тез тил топишиб кетадиган буваларинг, бутун тезроқ келсин-да», — деб шошиб қолади.

Муборакликлар эса, Бўрон Рўзиёв истиқомат қиладиган Газчи кўчасини алақачон Қаҳрамоннинг кўчаси дейишадиган бўлишган!

ЧИМБОЙНИНГ ЧИН ҚИЗИ

ТАНИШУВ

Президентимиз «Соғлом авлод учун» деган қутлуғ шиорни ўртага ташлаган, республикада унинг дастури бўйича ишларни амалга оширишга киришилган кунларнинг бирида Тошкентда шифокорларнинг худди шу мавзуга бағишланган катта йиғилиши бўлди.

Йиғилиш тугаб, залдан унинг қатнашчилари чиқиб келарди. Кўп ўтмай, кутиб турган кишим — пойтахтнинг машҳур шифокорларидан бири, Би-



ринчи тиббиёт институти клиник касалхонасининг бош ҳақими, дўстим Муродин Қодиров ёши қирқлардан ошган чиройли бир аёл билан чиқиб келди. Йиғилишда қардош республикалардан ҳам меҳмонлар иштирок этишади, дейишаётганди, кўринишидан бу опа Олма-ота ёки Бешкеқдан бўлса керак, деб ўйладим.

Улар яқинлашиши билан Муродин Холматович меҳмонни кўрсатиб:

— Танишинг, дўстим, бу киши Қорақалпоғистоннинг биринчи рақамли гинеколог-ҳақимаси Онесия Саитова бўладилар, — деди. — Опани сиртдан яхши билсангиз керак. Чунки, бу киши ҳақида ҳамкасбларингиз кўп ёзишган.

— Мақтовни ошириб юборманг, Муроджон, — деди опа чинакам аёлларга хос камтарлик билан.

Мен у кишини журнал-газеталардан кўра, нукуслик ҳамкурс дўстим Марат Кусекеев ҳикоялари орқали яхши билишимни айтдим.

Шунда опа:

— Э, Кусекеев билан бирга ўқиганмисизлар? — деб хурсанд бўлиб кетди. — Маратжон зўр йигит-да. Кўришиб қолсак, баъзан шоира Ҳалима Худойбердиева менинг курсдошим бўлади деб, бизга унинг ажойиб шеърларини ўқиб беради. Ўзи ҳам яхши ижодкор.

— Шунақа, мен сизларнинг, кўришмаган бўлсаларингиз ҳам, бир-бирларингизни сиртдан танишларингизни яхши билардим-да, — дея самимий кулди М. Қодиров.

— Вақт йўқ-да, ҳамкасб, — деди Онесия опа, — агар бемалол бўлиб, бир-биримизни суришгирсак, бу киши билан қариндош ҳам чиқиб қолишимиз мумкин, ахир кўрмаяпсизми, — у менинг қорақалпоқ, қозоқ башаралигимга ишора қилди: — бир-биримизга ўхшаб турибмиз-ку?

— Бу — бошқа гап, Онесия Сайтовна, — дея дилдан самимий қаҳ-қаҳ отиб, ҳамкасбининг қўлини олди Муродин Холматович...

Опа мен билан «биз томонларга ҳам албатта боринг», ҳамкасби билан эса, «беморни икки-уч кун ичида сизга тайин юбортираман, бўпти», деб хайрлашди.

У узоқлашгач, Муродин Холматович алоҳида бир фахр билан «бунақа фидойи шифокорлар — халқнинг, айниқса, аёлларимизнинг бахти», деб қўйди. Сўнг, у машина катта йўл томондадир, кетдик, деб олдинга юраркан, гапида давом этди:

— Мана ҳозир ҳам, яъни сафардалиқ вақтида, йиғилиш пайтидаям беморни, аёлни ўйлаб юрибди. Ўзининг қўлида, ўзининг касаллиги бўйича шифоланиб, тузалиб чиққан бир аёлга биздаги таниқли невропатологнинг ёрдамини илтимос қилди.

— Худди шу опанинг ташаббуси билан ташкил этилган махсус гинекология бўлими кейинчалик, номи эсимдан чиқибди, қандайдир касалликка ихтисослаштирилган дейишади а?

— Септологик хасталикка, — деб бирдан жавоб берди дўстим. Сўнг у сўрашимни кутиб ўтирмай ангиликни изоҳлади:

— Тиббиётда, тўғрироғи, гинекологияда «септология» деган тармоқ бор. Қон ва тўқималарда йиринг ҳосил қилувчи микроорганизмлар ва уларнинг токсинлари тушиши натижасида пайдо бўладиган касалликларни ўрганиш ва даволаш ана шу тармоқ вазифасига киради. Онесия Сайтованинг жонкуярлиги, елиб-югуриши туфайли 1990 йилда Нукусдаги республика шифохонасида очилган махсус гинекология бўлими худди шу септологик хасталикларни даволашга ихтисослаштирилган. Бу соҳада унинг олдига тушадиган мутахассис Қорақалпоғистонда йўқ, деганларнинг гапига ишонаверинг. Бу — факт!

Ҳар кимни ҳам тан олавермайдиган, ниҳоятда талабчан дўстимнинг мазкур сўзларидан кейин нукуслик бу ажойиб аёл ва фидойи шифокорга бўлган қизиқишим янада кучайди, уни яқиндан билишга интилдим...

«ОҚ ҚАЛПОҒИНГНИ ЎЗИМ ЮВАМАН»

Шифокор бўлиш орзуси унда болаликда тўсатдан пайдо бўлган... Ўшанда у кичкинагина қизалоқ, яъни ўрта мактабнинг учинчи синфида ўқирди. Улардан бир кўча нарида турадиган таниш хонадоннинг бекаси кутилмаганда иссиғи чиқиб, қон босими кўтарилиб, касал бўлиб қолди. Болалари «отанг уйдами, онамнинг мазалари бўлмай қолди, дўхтир чақиршига ёрдам беринглар» деб уларникига йиғлаб келди. Отаси ишда эди. Ойиси Гулзира опа «ҳозир-ҳозир, болажонларим, дўхтирни албатта чақирамиз, сизлар йиғламасдан уйга тез қайтиб бориб, оналарингга қараб туринглар», деб уларни сал тинчлантирди-да, қўшнисининг ўсмир ўғлини медпунктга югуртириб юборди.

Кўп ўтмай, у пунктда ҳеч ким йўқ экан, деб қуруқ қайтиб келди. Гулзира опа ўсмирни яхши сўзлар билан сийлаб, унчалик узоқ эмас, йигит кишига бу нима, балки, йўловчи машиналарга қўл кўтарсанг биронтаси тўхтаб, миңдириб кетар, у ерда албатта навбатчи шифокорлар бўлади, тез топ, болагинам, ишқилиб дўхтир топиб кел, деб уни энди туман касалхонасига жўнатди.

Онесияни баъзан ўз сингласидай кўриб «Анис» деб чақирадиган ўсмир тезда келавермади. Бемор аёлнинг болалари «холажон, дўхтир келмаяпти-ку?» деб яна келишганди, онаси унга, қизим, сен буларнинг уйини биласан-а, агар шифокорлар кепқолишса, уларни тўғри бизларнинг орқамиздан бошлаб борасан, деб бир кўча нари қўшнисиникига чопиб кетди.

Дўхтирлардан ҳам, уларни қидириб кетган ўсмирдан ҳам дарак бўлмади. Келишмадими, олиб борган до-риларимнинг иккитасидан ичирдим, деб онаси қайтиб келди. «Ҳозир пахта сезонида, болам, — деди Гулзира опа, ҳеч ким билан ҳеч кимнинг иши бўлмайдиган, фақат ва фақат пахта керак, дейдиган вақт. Ким билади, дўхтирларни ҳам битта қолдирмай машинага босиб, да-лага теримга олиб кетишганми? Бола бечора яна қуруқ борсам бўлмайди, хола албатта, дўхтир топиб кел, деб

тайинлади-ку, деб уларни кутиб ўтиргандир балки. Ҳар бир оиланинг ўз шифокори бўлса қандай яхши, деганлар минг бора керакли, ҳақ гапни айтишганда, қизим. Шундай вақтда билинади ўзингники. Қанийди бизнинг оиладан ҳам биттагина дўхтир чиқса».

У ёқда бемор ва унинг болалари, бу ерда онаси, касалхонада дўхтир қидириб кетган ўсмирнинг анча вақтдан бери безовта бўлиб, кўзи тўрт бўлиб шифокор кутиб ўтирганини кўрган, ҳис қилган зийраккина Онесия ниманидир дейишга чоғланаётган эди. Онасининг кутилмаган кейинги сўзлари унинг кўнглидаги гап бўлдимми ёки фикрини ойдинлаштириб юбордимми, бирдан:

— Онажон, у куни отамнинг мазаси бўлмай қолганда ҳам у кишига укол қиладиган одам тополмай қийналдик. Мен мактабни битирсам, мединститутга кириб, албатта врач бўламан! — деди.

— Раҳмат, Анисжон! — қизининг фаҳмлилигидан, орзу-армонини тез англаганидан чексиз хурсанд бўлиб кетган Гулзира опа боласини бағрига босди. — Агар дўхтир бўлсанг халатларингни, ҳатто бошга киядиган оқ қалпоғингни ҳам ўзим ювиб, дазмоллаб бераман...

Онесия онасининг рухсати билан синфдошининг бемор ойисини кўриб келиб, ичирган дориларингиз таъсир қилибди, деди.

Дарвоза олдида машина тўхтагани эшитилиши билан эшиқдан шифокор қидириб кетган ўсмир пайдо бўлди.

— Ҳамма дўхтирлар пахтада экан, холажон, навбатчи фельдшер оғир касалнинг ёнидан бир қадам ҳам жилолмаслигини айтди, нима қилай, кутиб турдим, бу киши, — ўсмир орқасидан ҳовлига кириб келган оқ халатли одамни кўрсатди, — келиши билан бу ёққа бошлаб келаяпман, — деди у узр сўрагандек.

— Майли, болажоним, раҳмат, ҳар ҳолда топиб кепсан-ку, деб хурсанд бўлди Гулзира опа. Сўнг тиббиёт қутигаси кўтарган кишига деди: — Юринг, ука, бемор бошқа ҳовлида эди.

Шифокор унинг орқасидан юрди.

Тиббиёт ёрдамини олган, бир кўча нарида яшаса ҳам оқибатини аямаган қўшнисидан хурсанд бўлган бемор Гулзира опага Онесияни кўрсатиб:

— Мана шу қизингиздан келажакда албатта дўхтир чиқади, мен буни унинг кўзларидан англаяпман, — деди.

— Айтганингиз келсин, опа. Туманимиз Чимбой — врачларга бўлсин бой, — дея унинг тилагига қўшилди «тез ёрдам» шифокори...

«СИЗ ТАЛАБАМИСИЗ, АСПИРАНТМИСИЗ?»

Онесия еттинчи синфда ўқиб юрган кезлари Гулзира опа ундан: — Врач бўламан деганинг эсингдан чиқмадими, ишқилиб, қизим? — деб сўраб қолди.

— Йўқ, ойижон, ҳатто мединститутга кириш учун қайси фанлардан имтиҳон топширишни ҳам билиб қўйганман, — деди бирдан Онесия.

Гулзира опа хурсанд бўлиб, қайси фанларни кўпроқ ўқишини кимдан сўраб билгани билан қизикди. Шунда қизи:

— Валентина Владимировнадан, — деди алоҳида ҳурмат билан. — У киши мединститутга борсанг жуда тўғри қиласан, бунинг учун биология ва химияни янаям чуқурроқ ўргангин, хоҳласанг, сенга бу фанларга оид қўшимча адабиётлар ҳам топиб бераман, дедилар. Сўнг «умуман қизларга врачлик ярашади, иккинчидан, бу ерда ҳали ўқиган, олий маълумотли шифокорлар ниҳоятда кам», деган гапни ҳам айтдилар.

— Рус тили ўқитувчинг а бу аёл?

— Ҳа, синфимиз раҳбари ҳам.

— Жуда ақлли аёлда. Қорақалпоқчани биладими?

— Бўлмасамчи, тилимизда бемалол гаплашади.

— Ҳа; Анисжон, яхши ўқитувчиларинг бор. Бошқалари ҳам ажойиб. Фақат сизлар уларга муносиб ўқувчилар бўлсаларинг бўлди. Шундай бўлиш керакки, келгусида ўша меҳрибон мураббийлар «Фалончини мен ўқитганман», «Фалончи менинг синфимдан чиққан» деб фахрланиб юрсин!

Онасининг бу ҳавасли юрак сўзи Онесиянинг билимга, касбга бўлган қизиқишини янаям кучайтириб юборди. Ичида ҳатто «Қанийди шундай ўқувчи бўлсам!» деб ҳам қўйди...

У ўнинчи синфда ўқиётган йили туман халқ маорифи бўлимининг ташаббуси билан улар таълим олаётган мактабда «Ким бўлсам экан?» мавзуда кеча уюштирилди. Унда турли соҳадан мутахассислар иштирок этишди. Соғлиқни сақлаш бўлимининг вакили сўз олганда шундай деди: «Бизда тиббиётчилар, айниқса, олий маълумотли шифокорлар ҳали жуда кам.

Шунинг учун биология ва химияни яхши билган, тиббиётга қизиққан болаларнинг мактабни битиргач, қўрқмасдан мединститутларга ҳужжат топширишларини, дўхтир бўлишларини маслаҳат бераман. Ишонаманки, ораларингда шундай ниятли ўқувчилар бор. Энди уларга бир оғиз маслаҳатимни айтмоқчиман. Биласизларми, бизда тиббиётнинг баъзи соҳалари бўйича умуман кадр йўқ. Ёшларимиз эса, нуқул умумий пландаги терапевт бўлишга, зубтехникликка интилишади. Бизга эса олий билимли стоматологлар, невропатологлар, акушер-гинекологлар ҳам керак. Масалан, ўзимизнинг мутахассисларимиз камлиги, йўқлиги сабабли, бизда аёллар ва болалар ўлими бошқаларга нисбатан кўпроқ. Бундай камчиликка эса, ўзимизнинг малакали акушер-гинекологлар бўлгандагина тезроқ барҳам беришимиз мумкин. Бўлмаса, қийналиб қоламиз. Шунинг учун мен бу ерда имкониятдан фойдаланиб, касб танлаётганда сизлардан, айниқса, қизлардан акушер-гинеколог бўлишни ҳам унутмасликларини илтимос қиламан».

Залда чин юракдан айтилган бу сўзларни қўлловчи қарсақлар янгради.

Онесияга соғлиқни сақлаш идораси мутахассисининг «бизда аёллар ва болалар ўлими нисбатан кўпроқ» деган сўзи айрича таъсир қилди. У бошқа соҳа вакиллариининг тавсия ва маслаҳатларини тинглаётганда ҳам шу сўз таъсирида ўйланиб ўтирди.

Учрашув тугаб, уйга қайтганида, кечкурун кўнглидагини онасига ёрди. Қизини дарров тушунган Гулзира опа унчалик ўйланиб ўтирмасдан ўз фикрини айтди:

— Тўғри ўйлабсан, Анисжон, бу касб, ўзи, биз томонларда деярли йўғамда. Бечора аёлларимиз доим табиб момо қидириб юришади, туғишаётганда ҳам уларни кампирлар қутқаришади. Устига устак, замон ўзгарган сайин бунақа момолар тобора камайиб кетяпти. Ҳозирги 40—50 ёшли аёллар эса ҳеч нарсани билишмайди. Бўпти, қизим, ўқиб, Чимбойнинг, Қорақалпоғистоннинг бир зўр гинекологи бўл!

Ўқияжак институтини, ҳатто мутахассислигини барвақт аниқлаб қўйиб, мактабда, синон арафасида пухта тайёргарлик кўрган Онесия олтиш олтинчи йили биринчилар қаторида Андижон Давлат тиббиёт олийгоҳининг талабаси бўлди.

У институтда оддий, ўртамиёна тингловчи бўлиб қолмади. Семинарларда фаол иштирок этиб, дастлабки

курслардаёқ илғор талаба сифатида танилди. Студентлар даврасида ўтказиладиган ҳар хил баҳс-мунозараларда, савол-жавоб кечаларида ўзининг теран фикри, топқирлиги, янгиликдан тез хабардорлиги, дадиллиги билан кўзга ташланди. Дарсдан бўш вақтларининг кўпини институт кутубхонасида ўтказишга ҳаракат қилди. У кутубхонада бадиий китобларни эмас, тиббиётга, мутахассислигига оид, домлаларнинг лекцияларидан уққан мавзуларни янада кучайтириб, ўзлаштиришга ёрдам берадиган қўшимча адабиётларни ўқиди. Ёзилишнинг иложи бўлмаган, газета дўконларидан ололмайдиган ёки тополмайдиган, ўз даврининг қизиқарли наشري — «Медицинская газета» билан ҳам асосан худди шу ерда танишарди.

Онесия курсдан курсга ўтаркан, танлаган мутахассислигимни ҳали кўнгилдагидек ўзлаштира олмаяпман, деб ўйларди ва ўз устида астойдил ишларди. У домлари жаҳоннинг буюк гинекологлари деб таърифлаган Д. Отт, В. Снегирев, А. Губаревларнинг айрим китобларини кутубхонада махсус муфассал ўрганди. Атоқли ўзбек акушер-гинеколог, профессор Асолат Қодирова қаламига мансуб «Дарслик» қўлида доимо бўлса-да, унинг вақтли матбуотда эълон қилинган мақолаларини ҳам топиб, мунтазам ўқиб борди. Бунда ҳам унга институт кутубхонаси ёрдам берди. Бир гал зиёхона библиографи ундан навбатдаги буюртмани олаётиб, ажабланди ва:

— Синглим, сиз талабамисиз, аспирантмисиз, — деб сўради.

— Талабаман, нимаиди? — ўз навбатида Онесия ҳам ҳайрон бўлди.

— Одатда илмий иш қилаётган аспирантлар, олимлар бу ерга шундай кўп келишади ва кўп заказлар беришади-да, мен сизни шундай одамлардан деб ўйлабман, узр...

У ҳали ўзини кўрмасдан, танимасдан туриб, уни улуғ устозим деб билган профессор А. Қодированинг «Правда Востока» газетасида эълон қилинган бир мақоласини бу ердан тополмай, вилоят кутубхонасида ўқиган. Ўша вақтларда А. Қодирова Ўзбекистон гинекологлари жамиятининг раиси эди.

Онесия бевосита шифохоналарда, клиникаларда бугун олиб борилаётган амалий дарслар эрта, яъни институтни битиргач, бошланадиган иш фаолиятининг мазмунини белгилашда ҳал қилувчи аҳамият касб

этишни яхши биларди. Шунинг учун бундай сабоқлар жараёнида иложи борича бемор ва шифокор ўртасида бўлишга интилди. Тиббиёт фанига катта ҳисса қўшган, айнаи вақтда фаол даволов билан шуғулланадиган машҳур устозларининг ҳаётбахш операцияларида иштирок этишни ўзи учун бахт деб билди. Энг аввало қўли, кўзи, зеҳни ниҳоятда «операциябоп» бўлганлиги учун ҳам у бундай шарафга бир неча бор муяссар бўлди.

— Олтмишинчи йилларнинг охирига келиб Андижон тиббиёт институти ТошМИ, СамПИлар каби бақувват илмгоҳга айланган эди, — дейди ўша даврни эслаб Онесия Саитова. — Энг аввало, бу ерда профессор-ўқитувчиларнинг назария ва амалиётни пухта ўй-ғунлаштирган ажойиб гуруҳи таркиб топганди. Иккинчидан, муҳит, тартиб-интизом ғоятда ибратли эди. Учинчидан, ўша даврга келиб, институтнинг тиббиёт муассасалари билан алоқаси, ҳамкорлиги ҳавас қиладиган даражада кучайган. Буларнинг бари биз — талабаларни малакали мутахассислар, врачлар қилиб тайёрлашга хизмат қиладиган шарофатли омилар эди. Шундай имкониятларни, жонқуярликни бизга раво кўрган меҳрибон жамоани, табаррук илм масканини унутиб бўладими?! Мен, масалан, ҳар куни ишга келиб халатим ва иш қалпоғимни киярканман, биринчи гада уларни эслаيمان ва уларга таъзим қиламан. Чунки, бу оқ либосларни мен илк марта Андижонда кийганман!

ЎЗ КАСБИНИНГ МАЛИКАСИ

Олий тиббий илм маскани мураббийларидан йўлланма — оқ йўл олган Онесия мустақил шифокорлик ишини Шуманай туманидаги қишлоқ касалхонасидан бошлади. Чунки, унинг тақдирини бахт юлдузи Андижонда, институтнинг охирги курсларида ўқиб юрган кезлари шу ердаги Пахтачилик олий илмгоҳининг талабаси, шуманайлик Қурбонбой Есенбоев билан боғлаган эди. Деярли қўшни, яқин бўлганлиги учун у ҳаёт тарзи, одат-удумлари, ҳатто муомалалари жуда ўхшаш Шуманай аҳли, хусусан, тиббиётчилари билан тезда тил топишиб кетди. Ёш ҳакима одамларни энг аввало киришимлилиги билан хурсанд этди. Аёллар унга «бу дўхтир одамни аввал ширин муомаласи билан даволаркан, сўнг асосий шифога ўтаркан», деб баҳо бера

бошлашди. Қисқа вақт ичида унинг мутахассислигини ҳам яхши билиши аён бўлди. Туман соғлиқни сақлаш бўлимининг раҳбарлари «Хайрият, гинекология бўйича яна битта яхши кадрга эга бўлибмиз, энди аёллар ва болалар саломатлигини ҳимоя қилишдаги камчиликларни тугатишни тезлаштиришга эришсак керак», деган хулосага келишди.

Ёш ҳакиманинг ташаббуси билан шифохонада биринчи марта махсус «Аёлларга маслаҳат берадиган хона» ташкил этилди. Онесия ишдан бўш кунларини ҳам тиббиёт ташвишлари билан ўтказди. Масалан, йўл узоқлик қилиб ёки уялиб тиббий маслаҳат олиб туришга келмаётган келинларни, жувонларни истаб, вақти-вақти билан қишлоқларга чиқди. Шундай сафар пайтларида ҳатто машҳур халқ табиблари — момолар билан танишди. Улар ёш шифокорга «беш кетиб», тан беришиб, уни «Онесия момо» деб эъзозлашади...

Онесия айни вақтда туман соғлиқни сақлаш бўлимининг ёрдамида шифохоналар, поликлиника ва тиббиёт пунктларида ишлаётган, техникум ва билим юрларини тугатган акушер қиз-жувонларни вақти-вақти билан тўплаб, махсус суҳбатлар ўтказиб туришни йўлга қўйди. У ана шу суҳбатларида акушерлик ўрта махсус маълумот билан чекланган мутахассислик бўлсада, нечоғлик масъулиятли касб эканлигини амалиётчи сифатида такрор эслатиб қўярди.

Изданишлар, елиб-югуришлар кўп ўтмай ўзининг кутилган ажойиб самарасини берди. Онесия ишлайдиган касалхона ҳақиқий шифохонага айланди. Шуманай эса, оналар ва болалар соғлиги мукамал ҳимояланган, аёллар касалликлари кескин камайган, аниқроғи, бу борада деярли йўқотиш учрамайдиган туман сифатида тилга тушди. Ҳатто бу ердаги янгиликлар ва ибратли тажрибаларга бағишлаб, тиббиётчиларнинг туманлараро йиғилиши ҳам ўтказилди.

Ўз ишига, касбига садоқати билан тилга тушган изланувчан ҳакиманинг довуғи Нукусга ҳам бориб етганди... Уни Қорақалпоғистон Соғлиқни сақлаш вазирлигига ишга қақиринди. У бу ерда етакчи мутахассис сифатида фаолият кўрсатди. Имкониятдан фойдаланиб, бир неча бор Россиянинг гинекология мактаблари билан довуғ таратган шаҳарларида ва Тошкентда малака ошириб қайтди. Нукусдаги республика туғруқхонасига бош ҳакима қилиб юборамиз, дейишганида, ўзига ишонганидан, ҳеч иккиланмай рози бўлди.

У бош шифокор сифатида ишга киришаркан, биринчи галда ҳамкасблари ва акушерларнинг мавжуд касб малакаларини тағин ҳам оширишни ўйлади. Туғруқхона ходимларидан уч-тўрттасини кетма-кет Тошкентга, тажрибали ўрганиш ва алмашишга юборди. Айни вақтда маҳаллий соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Тошкентдаги гинекологлар жамиятининг ёрдами билан Ўзбекистоннинг машҳур акушер-гинекологларини Нукусга таклиф этиб, жамоасига уларнинг тажрибаларини улашди. Туғруқхона қошида тиббий мавзуларда мунтазам ишлаб турадиган машғулоти йўлга қўйди. Тошкент ва Нукусдаги вазирликлар ҳамда шаҳар раҳбариятининг кўмаги билан туғруқхонани замонавий, энг сўнгги тиббиёт техникалари, асбоб-ускуналари билан жиҳозлади.

Жонкуяр, тиниб-тинчимас, жамоапарвар бош ҳакимадан хурсанд бўлган туғруқхона шифокорлари эса, янада жипслашиб, масъулиятни қалбдан янада чуқурроқ ҳис этиб, дилларида қандайдир янги бурч туйиб ишлашарди. Шу боисдан туғруқхона қисқа вақт ичида Қорақалпоғистоннинг энг олди тиббиёт масканларидан бири сифатида эътироф этилди.

Онесия Саитова бош туғруқхонада ишларкан, хайрли ишни амалга оширди. У 1990 йили дўстлари ва мутасадди кишиларнинг хайрихоҳлиги билан Нукусдаги биринчи республика шифохонасида ихтисослашган гинекология бўлими ташкил қилди. Ўзи раҳбарлик қилаётган туғруқхонада очилган қон қуйиш бўлимида илк марта синовдан ўтган плазма олиш тажрибасини бу ерда ҳам муваффақиятли қўлади. Биринчи шифохона раҳбарияти бўлимни бошқариб боришни унинг ўзидан илтимос қилди.

Мен Нукусда бўлганимда ҳамкурс дўстим Марат Кусекеевдан бу машҳур гинеколог ҳақида илк бор фахрли сўзлар эшитгач, тележурналист ҳамкасбаримга ҳавас қилиб, шаҳар кўчаларини айланиб юриб, бир неча одамга «Онесия Саитовани биласизми?» деб мурожаат қилдим.

Ўзини «Ўқитувчиман, исмим Ойдин опа» деб таъништирган аёл саволга шундай жавоб берди:

— Бўлмасамчи, ука, Саитовани бутун Қорақалпоғистон аёллари, оналари яхши билади. У кишининг доялигида фарзанд кўрганларнинг сони мингта. Шу дўхтир бизда пайдо бўлдию оналар ва болаларнинг ўлими деган, қулоққа умуман ёмон, ёқимсиз эшитила-

диган нарсадан кескин узоқлашдик. Бош туғруқхонани халқ, биз «Саитованинг туғруқхонаси» деймиз. Бунда катта маъно бор, мухбир ука.

— Дўхтир Саитова ҳақида гапираяпсизларми? — олдимиздан оҳиста қадам ташлаб ўтиб кетган етмиш ёшлардаги чол киши орқасига қайтиб келиб биздан сўради:

— Ҳа, нимаёди, амаки, бу киши газетадан, — деди суҳбатдошим.

— Унда менам гапирсам бўлама? — деди отахон.

— Бемалол, — дедим хурсанд бўлиб.

— Биласизми, болам, биз оиламиз билан бу аёлдан бир умр миннатдормиз, — чолнинг сўзлари дилдидан қуйилиб келаётгани шундоқ кўриниб, билиниб турарди. — Ўтган йили ҳомиладор қизимни шу Саитова операция қилиб бир ўлимдан сақлаб қолди. Хурсанд бўлганимдан мен ҳам, кампирим ҳам унинг ҳаётбахш қўлларини ўпганмиз. Яқин орада қиз невара кўрсак, отини Онесия қўйишга аҳд қилганмиз!

Отахоннинг кимлигини сўрагандим, «фронтвик Реимбой амаки десангиз, эликқалъаликларнинг ҳаммаси билади», деб жавоб берди у киши.

Навбатдаги учратган суҳбатдошим Тамара Исмоилова деган тиббиёт ҳамшираси бўлди.

— Онесия опани билмаслик биз, тиббиётчилар учун гуноҳ-ку, — дея кулди у. Сўнг давом этди: — У кишининг қабулида ҳам, ишхонасида ҳам бўлганман. Инсон сифатида тилло аёл. Энг аввало муомала — медицинанинг биринчи малҳами, деган ўғитни ўзига шиор қилиб олган фидойи врач. Ўз касбининг, яъни гинекология соҳасининг беназир маликаси. (Пири маъносида айтаяпман.) Худди шу устоз туфайли Қорақалпоғистонда кейинги йилларда аёллар касалликлари кескин камайди. Мен буни она сифатида ҳам, тиббиётчи сифатида ҳам баралла айта оламан!

Фидойи ҳакимага Президентимиз Фармони билан Ватанимизнинг энг олий унвони берилган кунларда унинг кадрдон ҳамкасбларидан бири, реанимациянинг моҳир устаси Мухтор Сейдабуллаев Саитова ҳақида гапиратиб, журналистларга бир воқеани алоҳида фахрифтихор билан мисол қилиб кўрсатди.

— Одатдаги иш кунларининг бирида узоқ Чимбойдан, яъни опа туғилиб ўсган тумандан ёшгина келинчакни олиб келишди, — дея ҳикоя қилади М. Сейдабуллаев. — Беморнинг саккиз ойлик ҳомиласи бор

бўлиб, аҳволи ниҳоятда оғир эди. Уйда, яна йўлда келаётиб бир неча марта тутқаноқ ружу қилиб, ҳушидан кетган экан. Кўпчилик кўриб, «Кеч келибди, келинчакнинг ҳаётини сақлаб қолиб бўлмайди», деган фикр билдирди. Шунда Онесия Саитовна: «Йўқ, вақт ўтган эмас, операция қиламиз», деди. Операцияни ўзи бошқарди. Ҳомила олиб ташланди. Беморни сунъий таъминотга ўтказдик. Хаста келинчак, сизлар ишон-масликларингиз мумкин, лекин бу — факт, кўзини очмасдан ўн етти, ҳа, ўн етти кун ётди. Фақат юраги уриб турарди, холос. Тошкентдан чақирилган мутахассислар ҳам «умид қилиш қийин», деб кетишди. Онесия опа эса, ҳар кун беморнинг бошида. Хуллас, юздан бир имконият бор эди — бетакрор фидойи опамиз шу имкониятни топди! Бемор соғайиб кетди. Қўш бахтнинг ато этилишини қарангки, чақалоқ ҳам соғ-омон қолди. Бу Онесия Саитова учун муваффақиятли ўтган 1800 операциядан бири эди!

Онесия Саитова меҳрибон, ўта шогирдпарвар устоз сифатида ҳам ажралиб туради. Унинг қўл остида ишлаган, йўл-йўриқларини пухта ўрганган, тажрибаларини ўзлаштирган, ёрдамидан баҳраманда бўлгани ундан ибрат олган, унга ҳавас қилган ёш тиббиётчиларнинг — акушер-гинекологларнинг саноғи йўқ. Уларни бугунги кунда республиканинг исталган бурчагида топиш мумкин. Бир сўз билан айтганда, Онесия Саитова Қорақалпоғистонда ўзининг гинекология мактабини яратди.

Ҳозир Нукусдаги биринчи туғруқхонанинг гинекология бўлимидан бошқараётган Онесия Саитова садоқатли умр йўлдош, меҳрибон она ҳамдир. Нукусликлар унинг оиласини муносиблик, маданиятлик ва иноқ-иттифоқлилигининг ўзига хос рамзи деб биладилар. Шифокорнинг турмуш ўртоғи Қурбонбой Есенбоев айна кунларда Қорақалпоғистон дон маҳсулотлари уюшмасида етакчи мутахассис вазифасида ишлаб келмоқда. У эл ўртасида шу соҳанинг чинакам жонкуярларидан бири сифатида обрў қозонган. Катта ўғли Шоддикжон Тошкент техника дорилфунунини тугатган. Ҳозирги кун эҳтиёжи учун ғоятда муҳим бўлган кичик корхонани бошқаряпти. Рустамжон яқинда Қорақалпоғистон Давлат дорилфунунининг иқтисодиёт факультетини тамомлади. Шарофатжон ҳам шу олий илм масканида таҳсил олмоқда. Кенжатой ўғил Жалвазжон эса, дорилфунун ҳузуридаги иқтидорли болалар мактабининг аълочи ўқувчиларидан биридир.

— Ишдаги муваффақиятимни оиламнинг, айниқса, дўстим, ёрим, таянчим Қурбонбой Есенбоевнинг кўмагисиз тасаввур қилолмайман, — дейди Онесия Сайтова. — Тонгдан шомгача, шомдан тонггача шифохонада, бемор ёнида қолиб кетган кунларимда у киши ёнг демасдан оилага, болаларга қарарди. Ишимнинг муваффақиятли яқунланиши қийин бўлган дамларда яхши сўзлар ила руҳлантирарди, кучимга-куч қўшарди, ишонч улашарди. Баъзан «Қурбонингман!» деган бир оғиз табаррук ҳазили билан ўткинчи тушкун кайфиятимни осмон қадар кўтариб юборарди...

Қутлуғ етмиш беш ёшини қаршилаётган Гулзира момога Қорақалпоғистоннинггина эмас, балки, бутун мамлакатимизнинг момолари, оналари ҳавас қилса арзийди. У киши бир вақтлар қизининг орзуларини олқишлаб, «Майли, болам, ўқиб, Чимбойнинг, Қорақалпоғистоннинг бир зўр гинекологи бўл!» деб унга оқ фотиҳа бергандилар. Худди шундай бўлди! Бу оқ фотиҳа ҳатто Онесия опага Олтин юлдуз ҳам ато этди! Оналар тилак-ниятининг қудратини кўрдингизми?!

Гулзира момо, энг «зўр гинеколог» — Қаҳрамон қизингиз билан ҳар қанча фахрланишга ҳақдасиз!

ЗАР ҚЎШИҚ



Бухоролик Ўзбекистон Қаҳрамони Муяссар Темирова ҳаётини ўрганиб, у киши ишлайдиган «Зардўз» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ишчилари билан танишиб юрганымда Опанинг қадрдон ҳамкасбларидан бўлган Лола Ботирова машҳур жамоадоши ҳақида гапираётиб, шундай деб қолди:

— Ака, ишимиз бири-бирига ўхшайди. Сизлар қалам билан ижод қилсангизлар, бизлар игна билан. Масалан, ижодкорларнинг ҳақиқий изланишлари тўғрисида гапирилганда «игна

билан қудуқ қазигандай машаққатли иш» дейилади. Зардўзларнинг муваффақиятли ишлари хусусида гап борганда эса, «худди рассомнинг қалами билан чизилгандай» деган эътироф айтилади. Шундай экан, келинг, биродар, қаламимизни бир марта алмаштирайлик. Муяссар опа тўғрисида юрак-юракдан ўйлаб юрганларимизни бизнинг ўзимиз қоғозга тушириб берайлик.

Мен Ботированинг гапи жиддий маънода деб ўйлаб:

— Жудаям маъқул, опа, худди сиздай профессионал одамнинг ўз қўли билан ёзган мақоласини эълон қилсак, бизга — янаям яхши, — дедим.

Шунда, ёнимизда турган, бошқалар қатори бирдан самимий жилмайган цех устаси Гулнора Шахатова гапга қўшилди:

— Журналист ака, узр, бухороликмизда, Лолахон ўз фикрини бироз ҳазил аралаш айтди. У аслида «очеркингизда кўпроқ бизни, яъни Темированинг ҳамкасбларию шогирдларини гапиртирсангиз», деган илтимосни қияпти.

Таклифга рози бўлдим.

— Қиз болага, у кейинчалик зардўз бўлиб етишадими ёки тикувчи сифатида шаклланадими, барибир,

игна ушлашни энг аввало она ўргатган бўлади. Шунинг учун олдин Муяссар опанинг онаси — Муҳаббат момога озгина сўз берсак, нима дейсизлар?

Менинг бу таклифимни эса, ўз навбатида бухоролик зардўзлар дил-дилларидан маъқуллашди...

ҚАҲРАМОН ОНА НИМА ДЕЙДИ

Авалло, ўғлим, Оллоҳдан, ҳукуматимиздан, Президентимиздан бир умр миннатдорчилигимни, яъни шукроналигимни айтиб ўтай. Бўлмасам, умр йўлдошим, оддий деҳқон Темирхўжа Солиев билан ўн болани катта қилиб, ўқитиб, уйли-жойли қила олармидик, «Ўзбекистон Қаҳрамони»нинг онаси» деган шарафга муяссар бўлармидим?!

Бўлар бола — бошидан, деганларидек, тўнғич фарзандимиз Муяссаржон ҳали гўдаклигидаёқ одоби, зийраклиги билан бизни хушнуд этган. Биласиз, одатда бош фарзандлар, айниқса, болалигида бир мунча эркатой бўлишади. Лекин бу болалик хислатни биз жажжи Муяссаримизда ҳечам кузатмаганмиз. У олти-етти ёшларидаёқ уй ишларида менга ёрдам бера бошлаган. Оиламизда ўғил йўқлиги учун кейинчалик отаси ёнида юриб мол-ҳолларга ҳам қарашарди. Ўзидан кейин кетма-кет туғилган қиз укаларига, бошқа болаларга ўхшаб уришиб, жеркиб, ҳар нарсаларни қизганиб муомалада бўлмасди. Аксинча, уларга катталарга хос меҳрибончилик кўрсатарди. Мени кутмай, кийимларини ювиб берарди, дарс қилишларига ёрдамлашарди. Ишдан қайтган отасини тайёргарлик кўриб, мендан олдин кутиб оларди. Шунда отаси уни:

Менга дарё меҳри борим,
Бетакрор бир сеҳри борим, —

деб эркалатиб қўярди.

Муяссар мактабда ҳам яхши ўқиган. Муаллимларидан унинг ҳақида илиқ гаплар эшитардик. Ўсмирлик пайтида унда тикувчиликка алоҳида қизиқиш-иштиёқ уйғонди. Бирон нарса тикадиган бўлсам, ёнимдан кетмасди. Кўп ўтмай, мендан сўраб, материал олиб, сингиллари — Мубина, Мўминаларга уй кўйлаги тайёрлаб бера бошлаган. Шунинг учун дугоналари уни «Муяссар чевар» деб аташарди.

Анча кеч, олтинчи фарзанддан бошлаб ўғилли бўлганимиз, улар отасига қарашиниш учун ёшлик қилаётгани

учун шаҳарлик таниш оилалардан бирида туғилган Жўравой исмли ғоятда эсли-ҳушли, фаҳм-фаросатли етим ўспиринни ўзимизга ўғил қилиб олгандик. Ҳаётда, тақдир-да, унинг бахти қизимизникига қўшилган экан. Муяссар ўрта мактабни битиргач, улар келин-куёв булишди. Бизникида озгина туришгач, Жўравой катта бўлган ҳовлига кўчиб ўтишди.

Муяссар бир куни уйга бизларни кўргани келганида: «ойижон, шаҳар раҳбарларидан бўлган Бўринисо Омонова, Зардўзлик артелининг директори Робияхон Раҳматовалар бизларга яқин жойда туришар экан, артелга ишга таклиф этишяпти, нима дейсиз?» деб қолди. Мен ўзимга тенгдош Робияхонни яхши танирдим. У Бухоронинг дадил, ўт-олов аёлларидан эди. Эл ўртасида ўзига хос обрў-иззатга эга бўлган санокли маҳаллий аёл раҳбарлардан бири ҳисобланарди. Шунинг учун қизимга: «Робияхон муносиб кўриб, ишга таклиф этиятими, куёвинг рози бўлса, йўқ, демасдан дарров артелга боравер, у — ажойиб аёл, табиийки, бундай одамнинг бошқараётган жамоаси ҳам яхши бўлади», дедим.

Шу тариқа Муяссар 1958 йили Зардўзлик артелига қадам қўйган. Уни аввал моҳир зардўз Маҳсума Аҳмедова ёнига ўқувчи, яъни иш ўрганувчи қилиб қўйишди. У илк устози қўлида атиги икки ой ишлади. Сўнг уни усталар сафига мустақил ишчи қилиб ўтказишди.

Ҳеч эсимдан чиқмайди. Бир куни куёвим Жўравой уйимизга махсус келиб, «Муяссарларнинг ишхонасида индинга бўладиган байрам йиғилишига сиз ҳам борар экансиз, ойи, директорнинг шахсан ўзлари тайинлаб таклиф этибди», деб кетди. Хурсанд бўлиб шаҳарга тушдим. Директор тенгдошимни кўрмаганимга анча бўлганди. Муяссар икковимиз артелнинг ҳовлисига қадам қўйишимиз билан Робияхонга кўзим тушди. Шунда у югуриб келиб: «Муяссар туфайли сизни яна кўришга муяссар бўлдим, Муҳаббатжон!» дея мени бағрига босди. Гапга шунақа чечан қадрдоним сўрашиб бўлишгач, тилагини ҳам «Муяссар сизни кўп нарсаларга муяссар қилсин!» дея чиройли изҳор этди.

Янглишмасам, олтмишинчи йилда бўлган қўша байрам йиғилишида Муяссар илк Фаҳрий ёрлиқ билан тақдирланганди...

ҲАМКАСБНИНГ ДИЛ СЎЗИ

Эллигинчи йилларнинг охиридан бошлаб, зардўзлик артелида ўзига хос авлодлар алмашинуви юз берган, яъни ёшлари анчага бориб, кексайиб қолган бир гуруҳ ҳунармандлар пенсияга чиқишган. Табиийки, уларнинг ўрнини тайёр зардўзлар бўлмаса ҳам, ҳаракатчан, уқувли, касбни тезда ўрганиб кета оладиган, унга астойдил қизиққан ёшлар эгаллаши керак эди. Директоримиз Робияхон Раҳматова худди шундай қизларни истаб, қидириб, суриштириб юрганида танишининг фарзанди бўлган Муяссархонни учратиб қолади...

Ҳа, Муяссар Темирова артелимизга ана шундай бир мунча масъулиятли даврда ишга келган.

Лекин у, шаҳардан ташқарида яъни Бухоро туманининг Ўзбекон қишлоғида туғилиб-ўсганига қарамай, асосан қадим Бухоронинг одамлари, қиз-йигитлари ишлайдиган жамоага тезда ўрганиб, улар билан тил топишиб, қийналмай ишлаб кетди. Чунки, унда зардўзликка иштиёқ ниҳоятда кучли эди. Иккинчидан, биз унда биринчи кундан оқ ўзига хос туғма дадилликни, аниқроғи, бош устозимиз Робияхон опага ўхшаш ўт-оловликни, шиддатни сезганмиз, кузатганмиз. Баки, директоримиз худди шунинг учун ҳам уни кўриши билан «менда ишлайсан», дегандир.

Баъзи ёшлар расман касб ўрганиб бўлиб, мустақил ишга ўтгач, сохта «раҳмат»ини айтиб, илк устоздан узоқлашишади. Муяссархон эса, ўзига зардўзлик сирларини улашган Маҳсума опадан нари кетмаган. Ишдан бўш вақтларда, дам олиш пайтларида унинг ёнида бўлишга, атоқли зардўзлар ва уларнинг тажрибалари ҳақидаги мароқли, ибратли ҳикояларини тинглашга интиларди. Унинг мақсади иложи борича тезроқ муддатда ҳақиқий, чинакам малакали зардўз бўлиб етишиш эди. Шу боисдан устозга саволлари кўп бўларди. Бир куни Маҳсума опа шогирдининг саволларига жавоб беравериб чарчайди, аммо, унинг ўта қизиқувчанлигидан, яъни касбга ўзини бутунлай бағишлаганлигидан барибир такрор мамнун бўлади ва: «Муяссаржон, сен ёш зардўзмисан ёки зардўзшуносмисан?» дея кулиб шу заҳоти чарчоғини унутади.

Олтмишинчи йилларда артелимизда зардўзи кийим, бадий буюмлар асосан икки хил усулда — Заминдўзи ва Гулдўзи усулларида тикиларди. Биринчисида зар тикилаётган буюм ёки кийим гул-нақшининг таги

(фони, замини) ёппасига зар билан тикилса, гулдўзи усулида гул-нақшнинг таги очиқ қолдирилиб, фақат гул-нақшнинг ўзи зар билан тикилади. Иккинчи усул, кўриниб турганидек, бир мунча мураккаб. Бу усулда зар тикишда рассомлар томонидан махсус тайёрланган гул-нақш нусхаларидан фойдаланилади. Нусха картондан қирқилиб, зар тикиладиган мато (асосан сидирға бахмал)га қадаб чиқилади (омонат тикилади, елимланади), зардўз шундан кейин картон нусхани зар ип билан қолаб тикади, бироз бўртма нақш-гул ҳосил бўлади.

Муяссар Темирова қисқа фурсатда худди ана шу нисбатан мураккаб, аммо машхур зардўзлик усулининг ҳақиқий билимдонларидан, усталаридан бири сифатида танилди. Унинг қўлидан чиққан халатлар, нимчалар, чопонлар, кўйлақлар, дўппилар оддий безақдор кийимлар деб эмас, балки, қадимий миллий ҳунармандлик санъатимизнинг ўзига хос бетакрор асарларидан деб баҳоланади.

Бундай муваффақиятга эриша бошлашнинг яна қандай омиллари бор эди, дейишингиз мумкин. Билсангиз керак, қадим Бухоро — айна вақтда зардўзчилик ва улуғ зардўзлар Ватани. Ҳозир Тошкентдаги республика Амалий санъат, Ўзбекистон халқлари тарихи музейларини безаб, уларга файз улашиб турган ҳар хил паннолар, тўнлар, дўппилар, пешонабандлар, этиклар, ёстиқлўшлар, болишпўшлар, нимчалар, жулларнинг аксариятини бухоролик машхур зардўзлар ишлашган. Рассом-гулбур ва зардўз Нўъмон Аминов ана шундай беназир истеъдод соҳибларидан бири эди. У тилла, нуқра, ликкак ва зар иплар билан тиккан сўзаналар, пардалар ва портретлар ҳатто хорижий мамлакатларнинг музейларидан, Ҳукумат уйларидан, театр саҳналаридан жой олган. Унинг гул қўли билан битилган пардалар мана бир неча йилдирки, Тошкентдаги улкан маданият кошонаси — Алишер Навоий номидаги Катта Академик опера ва балет театри саҳнасини безаб турибди. Нўъмон Аминов Бухорода зардўзликнинг ҳақиқий мактабини яратганди. Муяссар Темирова муваффақиятининг асосий сирларидан бири унинг худди шу машхур мактаб тажрибаларини меҳр билан, ҳурмат билан ўрганганида эди! У бу илҳомбахш тажрибаларни кўпроқ Нўъмон отанинг шогирдлари бўлган Бибиш Султонова, Саида Қосимова, Саид Мавлонов каби моҳир зардўзлар орқали,

қолаверса, жамоадош устози Нурмат Султонов ёрдами билан ўзига хос ўзлаштириб олди.

1963 йили артелимиз негизида Зардўзлик фабрикаси ташкил этилди. Жамоа сафи кенгайиб, унга янги ёш кучлар қўшилиши керак бўлди. Шунда шахсан бошлиғимиз Робия Раҳматованинг тавсияси билан Муяссар Темирова фабрикага қадам қўяётган ёшларга касб ўргатувчи уста қилиб тайинланди. Уни ўқувчилар, ўрганувчиларнинг илк гуруҳига таништираётганда директоримиз фахрланиб шундай деган: «Муяссар опангиз яқиндагина, атиги етти йил бурун бизга ишга келганди. Ана шу қисқа даврнинг ўзидаёқ у зардўзликнинг ҳақиқий устаси бўлиб етишди. Сабаби оддий: унда энг аввало касбга иштиёқ, қизиқиш, муҳаббат ниҳоятда кучли эди. Сизлар ҳам шу йўлдан, яъни илк устозингиз изидан борсангизлар, кам бўлмайсизлар».

У янги вазифани ҳам кутилганидек уддалади. Қўлида кетма-кет иш ўрганган ёшларнинг деярли ҳаммасини ишчилар қилиб тарбиялаб, зардўзлар сафига қўшди. Кейинчалик ишлари, изланишлари устозлар, мутахассислар томонидан эътироф этилиб, номлари турли давраларда, ҳатто радио ва газеталарда таъкидланганда, «мен — Муяссар Темированинг шогирдиман!» дейдиганларнинг кўпи ўша илк гуруҳда таълим олган ёшлар эди.

Етмишинчи йилларнинг ўрталарида фабриканинг пойафзал цехи режаларини мутгасил бажаролмайдиган қолоқ участкага айланиб қолди. Нима қилиш керак? Фабрика раҳбарияти аввал камчилик сабабларини ҳар томонлама таҳлил этиб, хулоса чиқариб, ишни ўнглаб кетар, деган мақсадда цех бошлиғига қаттиқ ҳайфсан эълон қилди. Лекин, барибир, ишда кутилганидек ўзгариш бўлмади. Шунда директор цех бошлиғини махсус буйруқ билан бўшати-да, ҳеч иккиланмасдан унинг ўрнига Муяссар Темировани тайинлади.

Асосан эркаклар фаолият кўрсатадиган бу цехни оёққа турғазлаш осон бўлмади. Ваъдасига амал қилиб, унга раҳбаримиз Робияхон опа ҳам яқиндан ёрдам берди. Аёл киши бўлатуриб, цехга қадам қўйган куниданоқ тиниб-тинчимаётганини, елиб-югураётганини, яъни жамоани ўнглаш учун ўзини бутунлай бахш этганини кўрган эркаклар лоқайдликка чек қўйиб, иш интизомига қатъий амал қилиб, янада жипслашиб ишлай бош-

ладилар. Муяссар Темированинг ташаббуси билан цехдаги баъзи эскирган дастгоҳлар, ускуналар янгиланди. Нафақага чиқмоқчи бўлиб турган уч кекса ишчининг ўрнига умидли ёшлардан олинди. Ҳатто цех тузилмасига айрим ўзгаришлар киритилди. Янги етакчининг даъвати ва ўзининг амалий ибрати натижасида цехда дарров шунчалик уюшқоқлик, ишга масъулият пайдо бўлдики, бирон киши ўзига топширилган буюртмани бажармагунча ўрнидан жилмасди.

Пойафзал цехи атиги икки йил ичида бутунлай ўнгланиб, илғорлар сафига қўшилди. Бундан хурсанд бўлган фабрика раҳбарияти Муяссар Темировани навбатдаги мукофотга тавсия этди!

Зардўзлик буюмлари ва кийимларига эҳтиёж ошиб борганлиги, халқ амалий санъатининг бу ажойиб турига ёшлар даврасида қизиқиш тобора кучаяётганлиги, қолаверса, вилоят туманларидан «бизларнинг ҳам ўз зардўзчиларимиз бўлса», деган таклифлар тушаётганлиги туфайли жойларда фабриканинг филиалларини очишга тўғри келди. Гиждувон туманида ана шундай филиал очишга қарор қилинганда фабрика раҳбарияти Муяссар Темировани ҳам у ерга асосий ташкилотчилардан ва муаллимлардан бири қилиб юборди. Туманга машҳур зардўз келганини эшитиб, у кишининг қўлида мен ишлайман, деб интилганларнинг сони кўп эди. Йигит-қизларнинг бундай иштиёқларини кўрган филиал ташкилотчилари фабрика раҳбариятидан белгиланганидан кўпроқ ўринлар беришни илтимос қилишди.

Филиалга аввал ўқувчи, иш ўрганувчи сифатида қабул қилинган ёшларга асосан Муяссар Темирова ҳунар ўргатди. Ҳассос зардўзни махсус жадвал бўйича ўтказиладиган кундалик машғулотлар тутагандан кейин ҳам касбга чанқоқ йигит-қизларнинг даврасида кўриш мумкин эди.

Саксон олтинчи йилда иш бошлаган филиал кўп ўтмай ўзининг илк маҳсулотини халққа тақдим этди. Ўзларининг туманида ҳам чиройли зардўзлик буюмлари ва кийимлар тайёрлана бошлаганини кўрган гиждувонликларнинг қалбида беихтиёр ифтихор туйғулари пайдо бўлди. Бу — бетакрор миллий қадриятларимиз гултожиларидан бўлган халқ амалий санъатидан фахрланиш ҳис-ҳаяжонлари эди. Шунинг учун ҳам филиал асарларининг кўرғазмаси очилишига бағишланган йиғилишда гиждувонлик бир нуроний отахон тўл-

қинланиб шундай деганди: «Қадриятни қадрласанг — қадринг ошар, деган донолар. Сиз, Бухорои шарифнинг зардўзлари, ана шундай ҳикматга амал қилиб, яъни асрлар оша яшаб келаётган миллий амалий санъатимизни кўз қорачиғингиздай эъзозлаб, одамларга намуна бўлмоқдасизлар. Мен, масалан, бутун бизнинг Фиждувонга зар улашган қўли гул машҳур синглимиз Темировани Муяссар деб эмас, Муяссар деб қутлайман!»

Кейинчалик, Бухоро шахрининг Марказий бозор майдонида, Қоракўл, Бухоро туманларида, шунингдек, Навоий шахрида очилган филиалларнинг муваффақиятли фаолият кўрсатиб кетишида ҳам у ерларга махсус бориб муаллимлик қилган, айти вақтда етакчи уста сифатида ишлаган фидойи зардўз Муяссар Темированинг хизматлари катта. Кўп ўтмай, мустақил жамоалар сифатида ишлай бошлаган мазкур филиалларнинг раҳбарлари бежизга Муяссар опадан миннатдор бўлиб, унинг ташрифидан фахрланиб гапиришмайди.

Эҳтиёж, зарурат, туфайли у зардўзликнинг ташкилий ишлари билан кўпроқ шуғулланиб қолган бўлсада, асло ижодни ташлаб қўйган эмас. Масалан, юртимизда Президентимизнинг махсус қарори билан буюк бобокалонимиз, миллатимизни мангуликка муҳрлаган инсон Ҳазрат Баҳовуддин Нақшбанднинг қутлуғ тўйи нишонланганида унга атаб шогирдлари билан ажойиб панно яратди. Асарнинг марказида улуғ аждодимиз абадий қўним топган табаррук Мақбара, унинг атрофида эса, Бухоро вилоятида ишлаб чиқарилаётган саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тасвирланган. Эни 2, баландлиги 1,5 метр қилиб ишланган бу паннонинг зар иплар билан тикилиб ишланганини кўрган хорижлик меҳмонлар ҳайратдан ёқа ушлашди, наҳотки шундай масъулиятли асар игна билан тикилган? деб кўзларига ишонишмади...

Ҳа, ҳамкасбимиз, Ўзбекистон халқ рассоми Муяссар Темированинг қўли ҳам, игнаси ҳам, асари ҳам ана шундай ҳайратли, ана шундай мўъжизавий! Бизнинг юртдошларимиз эса, бунга алақачон, яъни Тошкентдаги муҳташам Халқлар дўстлиги, «Туркистон», Санъат саройларидаги шунингдек, «Бухоро» меҳмонхонасидаги нафис пардаларни кўрганларидаёқ, Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейида шеърят мулки султони-нинг улуғ тўйи муносабати билан ишланган, эни 6, ба-

ландлиги 4 метр бўлган улкан паннони томоша қилганларидаёқ такрор-такрор амин бўлишган!

Устоз зардўз тўқсон тўртинчи йилдан бошлаб юқори сифатли бадий буюмлар ишлаб чиқариш бригадасини муваффақиятли бошқариб келяпти. Бир сўз билан айтганда, эндиликда очиқ турдаги «Зардўз» ҳиссадорлик жамияти деб аталаётган ишхонамизнинг кейинги қирқ йил ичида эришган ютуқларида, юксалишларида қолаверса, бутун вилоятимизда зардўзлик санъатининг равнақида Муяссар Темированинг ҳиссаси ниҳоятда катта. Истиқлол йилларида эса, бу ҳисса янада салмоқдор бўлди. Бу хулоса фақат менинггина (Лола Ботинова, сифат текшириш комиссиясининг раиси — муалл.) эмас, балки, ҳозирги директоримиз Бахшулла Жумаев бошлиқ бутун жамоамизнинг дил сўзидир...

ШОГИРД ТАЪЗИМИ

— Муяссар Темировага биз шогирддан кўра, кўпроқ «жон»миз, — деди аввал ширин жилмайиб Зубайда Жумаева, сўнг гапини изоҳлади: — Биласизми, у киши биз, қизларнинг исмимизни ҳечам қуруқ, яъни чўнтоқ, ярим ҳолда айтмайди. Масалан, менга бирон марта «Зубайда» демаган, доимо «Зубайдажон», дейди. Дугоналаримни ҳам худди шундай деб, яъни Матлабни Матлабжон, Майрамни Майрамжон дейди. Бу бир қарашда оддий нарсадек туюлади ва ҳамма ҳам унинг моҳиятини тушунавермайди. Биласизми, Муяссар опа қўшимчасининг замирида катта маъно бор. Ёши катта аёл қиз болага, масалан, «Саидахон» деса сал ғалатироқ, дейлик, киноялироқ эшитилмайдими? Агар шу сўз опангиз тилидан «Саидажон» деб айтилса, аксинча, қандайдир ёқимли, аниқроғи, меҳрли эшитилади.

Шундай. Муяссар опа бизларни шогирдликка олган биринчи кунданок шу тариқа сийлаган ва ҳозир ҳам, яъни ҳар куни шу азиз меҳриларини бизларга улашади!

Биз ана шундай меҳрибон устознинг шогирдаримиз. Муяссар опа ўз шогирдларига зардўзликни, унинг сирларини ўргата бошларкан, уларга аввало мен мисолга олгандай инсоний сифатларни ҳам юқтиришга ҳаракат қилади. Ажойиб инсоний фазилатларга эга ўз ишида албатта муваффақиятларга ҳам-

қадам юради, деган ҳикматли даъват у кишининг тарбиясида муҳим ўрин тутати.

Илк зардўзлик сабоғини Муяссар опадан олган ўқувчи албатта малакали ҳунарманд бўлиб етишади, десам муболаға қилмаган бўламан. Чунки, у киши умид-ла касб ўрганаман деб, ҳузурига келган ёшлар билан ишлашдан асло чарчамайди. Ҳавас етаклаб келган йигит-қизларнинг қўллари баъзида ҳатто игна ушлашга тезда ўрганавермайди. Шунда ҳам опа айримларга ўхшаб, сиқилиб, жаҳлланиб ўтирмайди. Аксинча, устозни қийнаётганидан уялаётган бўлажак шогирдга «энг асосийси, сенда касбга астойдил қизиқиш, иштиёқ бор, жоним, шундай экан, торикма, албатта ўрганиб кетасан, ишнинг бошланмасида бунақа ҳоллар баъзан қайд этилиши табиий», деб далда беради, ишончини мустаҳкамлайди.

У кишининг яна бир ажойиб хислати — мустақил ишчи қилиб тайёрлаб кузатган шогирди билан «сен билан ишим тутати, буёғи — ўзингга боғлиқ», дея дарров хайрлашмайди. Ундан албатта хабар олиб туради, зарурат туғилса шу заҳоти ёрдам беради. Собиқ ўқувчиси ютуққа эришса, дил-дилидан қувониб табриклайди, мендан ўзмагунингча қўймайман, дея руҳлантиради.

Мана ҳозир Муяссар опа бизнинг бригадани — юқори сифатли бадий буюмлар цехининг жамоасини бошқаряпти. Жамоамизда асосан ёшлар меҳнат қилишади. Устоз уларнинг ҳаммасига, яъни каттаю-кичигага, тажрибалисю кун-кеча даврамизга қабул қилинган собиқ ўқувчигача бирдай кўз билан қарайди, бирдай муносабатда бўлади. Йирик, масъулиятли ишни бажариш керак бўлиб қолса, баъзиларга ўхшаб, «ўзимга тенгдош, ўзимдай сертажриба одам зарур» деб ўтирмайди. Шартта цехимиздан икки-уч шогирдини ёнига таклиф этиб, ишни бошлаб юборати. Масалан, Ҳазрат Баҳовуддин Нақшбанднинг қутлуғ тўйига бағишлаб улкан панно яратаётганида у кишига Матлаб Боймуродова, Гулчехра Шарипова, Рисолат Муҳамедова ва мен ёрдам берганмиз.

Муяссар опани биз фақат жонкуяр устозгина деб билмаймиз. У киши ишхонада бизга гўё иккинчи она. Негаки, ҳар биримизнинг шахсий ҳаётимиз, оиламиз, орзу-ниятларимиз билан ҳам мунтазам қизиқиб боради. Бизга шунчалик қадрдон, яқин, ишончга сазовордирки, туққан онамизга айтолмаган баъзи дардлари-

мизни, ўйларимизни бемалол Муяссар опага изҳор этамиз. Ҳатто бахтли ҳаёт қуриб кетишларингга оналаринг қатори мен ҳам масъулман, дейди устоз бизни эркалатиб.

Баралла айтиш мумкинки, бир вақтлар бухоролик машҳур зардўзлар мактабларининг тажрибаларини катта ихлос чуқур эҳтиром билан эринмай ўрганган Муяссар Темированинг ўзи ҳам бугунги кунда амалий санъатда мактаб яратган устоз. Муяссар опа мактабини ўтаган зардўзларнинг сони кўп, уларни Бухородан бошқа вилоятларда ҳам учратишингиз мумкин.

Биз Муяссар Темирова мактабининг талабалари бўлганлигимиз билан доимо фахрланамиз.

ОЛИМ ТАҲСИНИ

Муяссар опанинг Алишер Навоий тўйи муносабати билан бир неча йил бурун ишлаган машҳур панносини томоша қилгани яна улуғ шоир номи билан аталган Адабиёт музейига бордим. Ўйлаганимдай, амалий санъатнинг, зардўзлик ижодининг бебаҳо бу намунаси қаршисида унга ҳайрат-ла боқиб турган одамларни кўрдим. Уларга халақит бермай, четроқдан туриб асарга такрор разм соламан... Паннонинг ўртасида, марказида буюк шоирнинг сиймоси акс этган. У кўзимга ранг-тасвирчи rassom В. Кайдаловнинг ҳамма эллар ва юртларга маълуму машҳур картинасидан кам кўринмайди. Игна билан, зар ип билан тикилган панно гўё мўъжизакор рангларда мўйқалам билан чизилгандай. Иш шунчалик маҳорат билан бажарилганки, буюк шоирнинг игна билан, зар билан чизилган юзи, кўзи, қошлари, ҳатто салласи ғоятда табиийлик, жонлилик касб этиб, тасаввуримиздаги бетакрор улуғворлик ва заковатнинг айнан ўзини ифодалаб турибди гўё. Мир Алишер атрофида акс эттирилган мумтоз «Хамса» қаҳрамонлари тасвирида ҳам ҳеч қандай кам-кўстни сезмайсиз...

Паннога анчадан бери тикилиб турган кишилардан бири кўзига, шундай улкан асар игна билан, зар ип билан қўлда тикилганига яна ишонқирамай, уни ушлаб кўрмоқчи бўлиб картинага яқинлашди. Шунда, музейни томоша қилиш шартлари, маданияти эсига тушиб кетдими, бирдан тўхтади. У асарга яна ҳайрат билан

узоқ тикилиб қолди... Унга яқинлашганимда пичирлаб айтилган: «Инсон, мўъжизакор кўлингга, сеҳрли игнангга балли-ей!» деган овозни эшитдим!

Шундай ҳайратнинг гувоҳи бўлиб, яна бир бор кўнглимда фахр туйиб турганимда ёнимда музей директори, адабиётшунос Саидали Ҳасанов пайдо бўлди.

— Улуғ Алишер Навоийга игна билан зардан қўйилган ҳайкал-да бу асар, биродар, — деди у ҳам фахрланиб. — Ноёб истеъдод соҳиби Муяссар Темирова ҳамкасби Николай Нам билан ишлаган бу паннони мен айна вақтда инсон имкониятларининг қудрати ҳақида ҳикоя қилувчи ўзига хос дoston, қўшиқ дегим келади.

Таниқли олимнинг юрақдан айтилган бу фикрига беихтиёр қўшилдим.

«ИККАЛА МОМОМ ҲАМ — ГЕРОЙ!»

Муяссар опани конституция куни — байрам билан табриклаб кетай деб, у кишининг хонадонига ташриф буюрганимда кичик ўғли Таваккалжон билан турадиган Муҳаббат момо меҳмонда экан. Қарийб саксонга бориб қолган бўлса-да, ҳали ҳийла тетик онахон мени дарров таниди.

— Болаларингизни, неварачевараларингизни маҳсус жадвал бўйича айланиб кўриб турасизми, момо? — деб ҳазиллашдим.

— Йўғ-эй, унчаликмас, болам, — деди у киши кулиб.

— Бўлмасам, адашиб қоласиз-да?

— Ҳаммаси аллақачон уйли-жойли, бола-чақали бўлиб, ўзидан тиниб кетишган бўлса, хавотирланадиган жойи йўқ, Борсам, уларга халақит беришим мумкин. Лекин, фойдам тегмайди-да. Қари бўлсам. Шунинг учун баъзан-баъзан, таклиф этиб қўйишмаса — бориб турман.

— Фарзандларингизнинг ҳаммаси сиз билан чолингизга маъқул келган касбларни танлашган дейишади. Тўғрими?

— Шундай, болам, шундай. Масалан, Шарофатжон билан Музайямжон бизлар эскидан орзу қилган муаллимликка ўқишди. Толибжон селхўз, Мусаллам текистил, Юсуфжон полтехника институтларини би-

тиришган. Мўминабону, Неъматжон, Таваккалжонлар савдода хизмат қияпти. Мубинажон эса, Муяссар опасининг изидан бориб, зардўз бўлди. Ҳаммаси ўзининг ишини яхши билади. Биронтаси ҳақида ҳозиргача ёмон гап эшитмадим. Шунинг учун, худога шукур, деб, уларнинг тиловини қилиб ўтирибман-да, болам.

Шу пайт чеваралардан бири эшиқдан чопиб келиб, Муҳаббат момонинг қучоғига отилди.

— Қаҳрамон момонгни яхши кўрасанми? — дедим мен унга.

— Қайси момомни айтяпсиз, амак, менинг иккала момом ҳам — Герой, иккаласини ҳам яхши кўраман, — деди қизалоқ эркаланиб...

Муяссар опани Конституция куни, шунингдек, унвон олганига уч йил тўлиши билан табриклайдим.

— Тўғри айтасиз, укажон, — деди қаҳрамоним беихтиёр хурсанд бўлиб. — Ҳақиқатан ҳам муҳтарам Президентимизнинг табаррук қўлларидан Қаҳрамонлик гувоҳномаси ва Олтин Юлдуз медалини олганимга бутун роппа-роса уч йил бўлибди. Вақт ўтишини қаранг. Аммо, биласизми, улуф Йўлбошчимизнинг: «Аёлларимиз орасида сиз биринчи бўлиб «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонига сазовор бўлдингиз, табриклайман!» деган қутлуғ сўзлари қулоғим тагида ҳамон жаранглаб турибди.

Мен опадан ўзим билган ҳамкасбларини сўрадим, жамоасидаги янгиликлар билан қизиқдим.

— Яқин ҳамкасблар билан хабарлашиб турмай бўладими, укажон, — деди Муяссар опа беихтиёр рағбатланиб. — Ахир, шулар-ку, муваффақиятларга эришувимда менинг ёнимда турганлар. Масалан, Шамсия Ғаниева, Фотима Аббосова, Олия Ўринова, Музайям Тошева, Саиджон Мавлонов, Хайруллажон Ҳамроевлардан бир умр миннатдорман. Фидойи расомлар— Салом Ғуломов, Нигора Тўхтаева, шунингдек, раҳматли Ферс Мальковларнинг кўмакларисиз ўзимнинг ижодий изланишларимни тасаввур қилолмайман. Шунинг учун бундан уч йил бурун ўзим муносиб кўрилган олий эътирофни ҳамон уларга ҳам, қолаверса, бутун жамоамизга берилган мукофот деб биламан!

Бухороликлар Муяссар Темирова хонадонига Қаҳрамон хонадони дебгина эмас, балки, аҳил, иб-

ратли оила деб ҳам ҳавас қилишади. Опанинг турмуш ўртоғи, меҳнат фахрийси Жўравой Саъдуллаев билан тарбиялаб ўстирган фарзандлари — Рустамжон ва Шарифжон эл-юртда иззат, олқиш топган ота-оналарига муносиб бўлиб вояга етишди. Уларнинг бири Ички ишлар соҳасида хизмат қилаётган бўлса, иккинчиси олий мактабни битириб, савдо тизимида фаолият кўрсатяпти. Уларнинг фарзандлари эса, бошқалар ҳавас қиладиган, яъни, Қаҳрамонларнинг чевара-невараларимиз, деган фахрдан айрича завқ туйишади.

ҚАЛМОҚҚИРДАГИ ЙИГИТ



Олмалик кон-металлургия комбинатига қарашли «Қалмоққир» коннинг машинист экскаваторчиси Жонсаид Турдиевни қидириб у ишлайдиган марказий карьер майдонига борсак, Қаҳрамонни биздан олдин тошкентлик ҳамкасбларимиз — радиожурналистлар «ишғол» қилишган экан. Начора. Улар ҳар ҳолда одатий интервьюсини тезда олиб қайтишса керак, деган хаёл билан бироз кутишга қарор қилдик. Радиожурналистлар «очиқ ҳавода запис яхши бўлади, Жонсаид ака»

дейшиб, уни кондан ташқарига бошлаб кетишибди. Ҳамроҳим — карьер бош муҳандиси Турғун Бўрибоев: унда сиз Турдиевнинг «тулпорлари» билан танишиб туринг», деди менга қараб. Чин юракдан, ҳам бироз ҳазил, ҳам фахр билан айтилган бу гап менга ёқди.

— «ЭКГ-10» деган экскаватори шуми? — дедим дарров ҳамроҳимга, биздан салгина нарида савлат тўкиб турган, баландлиги 4—5 қаватли уйдайд бўлган ниҳоятда баҳайбат машинани кўрсатиб.

— Ҳа, худди шу «суперқоплон», — деб кулиб жавоб берди бош муҳандис.

Қаҳрамоннинг жуссаси кичиклигини кўз олдимга келтириб:

— Бунинг ҳатто ўриндиғида Жонсаиджон кўринмай қолиши мумкинку? — дедим бироз ҳазил ва ҳайрат билан.

— Нима деяпсиз, ака? Аксинча, Жонсаид ўриндиққа ўтиргач, таслим бўлиб, бу «суперқоплон»нинг ўзи унинг тағида кўринмай кетади!

Кулишдик.

— Биласизми, биродар, — дея энди жиддий гапира бошлади Турғун ака, — Жонсаид бошқарадиган мана

шу экскаваторнинг чўмичи бир олганда йигирма тонна тошни кўтаради. 110 тонна ҳажмли қудратли, бутун дунёга маълуму машҳур «БелАЗ» машинасини атиги тўрт марта ортганда бемалол маъданга тўлдириб беради. Бир сменада 18—19 марта машина қатнайди. Масалан, 1998 йилнинг ўтган бир оyi ичида 65 минг тонна юк ортиб, режани ҳар доимгидек ошириб бажарган. Шу йилнинг ҳозиргача бўлган саккиз оyi режасини эса, 107,5 фоиз ёки 740 минг тонна қилиб уддалади.

— Юкни олиб кетувчи машина, айниқса, юкловчи экскаватор гоътада оғир экан. Шундай экан, унда ишловчи машинист чарчаши бор. Демак, баъзан кутиб туришлар ҳам бўлиши мумкин-да?

— Мумкиндир, лекин биз ҳозиргача Жонсаиднинг экскаватори ёнида машина юкка қараб қолганини кузатган эмасмиз. Бу боисдан «БелАЗ» чилар, умуман, ҳайдовчилар Турдиев билан ишлашни ёқтиришади. Унинг сменаси куни: «Ҳа, жонингдан, Жон!» дея қадрдонини эркалатиб келишаверади.

— Уларнинг бригадири Валерий Киселев «юк ташувчи машинани куттирмасликка эришиш қийин, ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди», деган фикрга бекорга урғу бермаган экан-да?

— Тўғри. Чунки, портлатиш пайтида доим ҳам тош бирдай чўмичбоп бўлиб майдаланмайди, уни олишда қийин ҳолатлар ҳам учрайди. Бундай пайтда маҳорат билан, ишнинг кўзини билиб ҳаракат қилинмаса, елкаси «уммон» машинанинг бекор туриб қолиши ҳеч гапмас. Жонсаид портлатувчиларнинг сифатли портлатишларидан бошлаб, парчаланган тошларни жамлаб олишгача бўлган жараёнларга эътибор беради, тинмай ишлаб машина келишига тайёрлаб қўяди.

Бош муҳандисдан шу тариқа Жонсаид Турдиевнинг иши ҳақида керакли тасаввур, маълумотларни олиб турган эдим, «куттирганим учун узр, акалар», деб ташқаридан Қаҳрамон кириб келди.

— Бизларни қўявер, машиналарингни куттирма-санг бўлди, Жон? — деди ҳазиллашиб Турғун ака.

— Қандай саволлар беришди? Ишқилиб, уйланган-мисиз, деб сўрашмадимми? — Бош муҳандис кичик даврамизга яна руҳ улашмоқчи бўлди.

— Йўғ-эй, ўсмир ёки йигитча эмаслигимни қўриб туришибди-ку, — деди кулиб Жонсаид.

— «Севган таомингиз нима», деб сўрашгандир?

— Йўқ, — деди кулиб аввал машинист, сўнг жиддий оҳангда давом этди: — Аксинча, бу саволни мен уларга бериб, меҳмон бўлингизлар, дегандим, унашмади. Эшиттириш бугун эфирга узатилади, узр, деб шошиб кетишди.

— Бўлмасам, бундай қиламиз, Жонсаиджон, — деди Турғун Бўрибоев. — Ака билан таниш экансизлар. Бу киши сизни истаб Тошкентдан махсус келибди. Ҳаммаларингиз шарт эмас, ишга халақит бермайин менга қаҳрамоннинг ўзи бўлса-бўлди, деган илтимосни қияптилар. Шунинг учун сизга бугун рухсат, сменадошингиз Валерий Шукин ўрнингизга ишлаб туради. Сиз бемалол меҳмон билан бирга бўлинг. Хоҳласалар, конларни, иш жараёнларини кўрсатинг, ҳамкасбларингиз, устозу шогирдларингиз билан учраштиринг. Бирор ёрдам ёки маслаҳат керак бўлса, мен ўзимдаман, телефон номеримни биласиз. — Бош муҳандис шундай деди-да, менга юзланди:

— Ака, сиз билан эртага албатта кўришайлик.

Қаҳрамоннинг сардори, устозига раҳмат айтиб, ишига муваффақиятлар тиладим.

Жонсаид Турдиев билан Марказдан чиқиб бўлувдик ҳамки, радиокарнай орқали конда навбатдаги сунъий портлатиш қилиниши, барча иш жараёнлари тўхтатилиши, ҳамма хавфсиз жойларда бўлиши лозимлигини уқтирувчи, огоҳлантирувчи овоз янгради. Орадан кўп ўтмай, коннинг энг тубида портлаш содир этилди, унинг гумбурлаши бутун атрофга урилиб, қудратли акс-садо берди...

* * *

Ҳа, Жонсаид Турдиев ана шундай мураккаб, тез-тез «хавфсиз жойларда бўлиб туриш лозим»лик тақозо этиладиган иш жараёнида меҳнат қилади. Лекин бундан у асло нолимайди, нолиган эмас. Чунки, бундан йигирма етти йил бурун, яъни ўрта мактабни битираётганида «фақат ўзимизнинг Олмалиқ кон-металлургия комбинатида ишлайман», деган аҳдни юрагига қаттиқ туккан. Бунга оддий бир воқеа сабаб бўлганди:

Олмалиқ шахрига яқин Тяньшан тоғлари ёнбағридаги қишлоқда, оддий чўпон оиласида туғилган Жонсаид мактабнинг юқори синфларидан бирида ўқирди. Бир куни билим масканида шахарнинг машҳур ишчилари билан учрашув бўлди. Кон-металлургия комбинатидан вакил бўлиб қатнашган икки ишчининг бири

рус, иккинчиси татар эди. Учрашувда қатнашаётган ота-оналардан бири бундан ҳайрон бўлиб, «наҳотки, ўзимизнинг маҳаллий йигитлар йўқ бўлса, ёки, бор бўлсаям илғормаслиги учун бу ерга таклиф этишмаганмикин?» деди ёнидаги кишига. Шунда унинг ҳамроҳи қуйидагича жавоб қилди: Тўғриси, биродар, комбинатда ўзимизнинг Тўравой ва Жўравойлардан деярли йўқ. Бор бўлса ҳам — саноқли. Негаки, у ерда иш офир-да. Бир неча метрмас, бир неча километр чуқурликда, ҳар бири тоғдай-тоғдай келадиган экскаваторларда, машиналарда ишлаш осонми? Бизнинг бўшанг йигитлар бундай ишларга чидай оладими?

Бу армонли сўзларни эшитиб ўтирган гавдаси миттигина, аммо, миқтигина Жонсаид аввал уялиб кетди, сўнг бирдан ғурури қайнаб тошди. Шу заҳоти «чидай оламиз, ишлай оламиз, амаки!» демокчи бўлдию, учрашув давом этаётганини ўйлаб, одобсизлик бўлади деб шаҳдидан тушди. Учрашувдан сўнг албатта «армонли» амакининг кўнглини кўтариб қўймоқчи бўлди.

Учрашув охирида даврани бошқариб бораётган шаҳар халқ таълими бўлимидининг вакили: «бошқа ҳеч кимда сўз йўқми?» деб қолди. Жонсаид бирдан қўлини кўтарди. Марҳамат, ука, деди, ўзининг «дарди» тушунилганидан хурсанд бўлган раислик қилувчи.

Жонсаид ўқувчилар номидан учрашув ташкилотчиларига миннатдорчилик билдиргач, айтган юрак сўзлари ўзининг ҳам, бошқа кўпчиликнинг ҳам эсида узоқ вақт сақланиб қолди.

Ўшанда у шундай деганди:

— Ҳақиқатан Олмалик шаҳримиз — саноат шаҳри. Шунинг учун бу ерда «унга маҳаллий ёшлардан ҳам кўпроқ кадрлар керак», деган фикр тўғри айтилди. Мен, масалан, тоғ-металлургия комбинатидан бу учрашувда иштирок этаётган Валерий ва Рафаэл акаларга ҳавас қилиб ўтирдим. Иши ҳар қанча офир, мураккаб бўлса ҳам, мактабни битиргач, албатта уларнинг комбинатига ишга бораман!

Залда қарсақлар янгради.

Жонсаид ўрнига келиб ўтиргач, «армонли» амаки ёнига секин узалиб, унинг қўлини ушлади ва қисиб, «маладес!» деб пичирлаб қўйди...

Мактабни битириб, комбинатга борганида унга аввал ҳайдовчиликка ўқишни маслаҳат беришди. У комбинат қошидаги автокорхонада олдин махсус касб курсини ўтади, сўнг мустақил ҳайдовчи бўлиб ишлай

бошлади. Кўп ўтмай, уни йигитлик бурчини ўташ учун армияга чақиринди. У Қуролли кучлар сафида хизмат қилган йиллари имконият туғилди дегунча, техника борасидаги билимини мустақамлашга интилди.

Хизматни бажариб қайтган собиқ аскарни комбинат кайвонилари ҳеч иккиланмай экскаватор машинистига ёрдамчи қилиб ишга олишди. Илк устози Дмитрий Макаренко миқтигина бўлса-да, ниҳоятда тиришқоқ, ҳар нарсага қизиқувчан, айнаи вақтда ўта интизомли, ишини билиб, англаб қилишга интилувчи шогирдига касбни астойдил, қунт билан ўргатди.

Кейин уни комбинатнинг моҳир машинистларидан ҳисобланган Матқосим Худойбердиевга шогирдликка беришди. Қўли ишга анча келиб қолганини сезган иккинчи устоз уни комбинат ҳузуридаги махсус экскаватор машинистлиги курсига тавсия қилди. Олти ойлик курсни муваффақиятли тамомлаб, диплом олгач, 1982 йили унинг ўзига алоҳида экскаватор беришди.

Ҳайдовчилик ва ёрдамчилик пайтида устоз машинистлар ва уларнинг «уловлари»ни кузатавериб, кўзи анча пишиб қолган Жонсаид қудратли, баҳайбат кон техникаси олдида ёки рулида асло шошилиб, ҳаяжонланиб қолмади. У турли маркадаги экскаваторларда ишлади. Авваламга чўмичининг ҳажми 4 куб метр бўлган техникани бошқарди. Кейинчалик ихтиёрига 6,8 куб метр ҳажмли машинани беришди. Ҳозир чўмичининг ҳажми 10 куб метр бўлган энг замонавий экскаваторни бошқариб келмоқда.

— Аввалги, бошқа машиналарга нисбатан қуввати анча катта бўлса-да, бу улкан экскаваторни бошқариш бир мунча осон, — дейди Жонсаид Турдиев. — Чунки, ҳамма жараёнлар автоматлашган, фақат тутмачаларни босиб-ўчирсангиз кифоя. Мана шу экскаваторим тўртинчи йилдирки, тўхтовсиз ишлаб келяпти.

Моҳир машинистнинг бу гапини эшитгач, унинг устози Матқосим Худойбердиев айтган қуйидаги сўзларни эсладим:

— Халқимиз дилида ва тилида доноларнинг, отабоболаримизнинг бир ажойиб ўғити яшаб келади:

Уловга қарасанг, оласан улоқ,
Қарамасанг, билки, бўласан чўлоқ!

Менинг шогирдим Жонсаиджон ана шу ҳикматга қатъий амал қилади. Масалан, иш бошлашидан аввал барвақт келиб қадрдон улови — экскаваторини шош-

масдан кўздан кечиради. Ҳамма қисмларини, мойларини, тозалигини бир бор эринмай текшириб кўради. Айни вақтда иш тугагач, уни шеригига ораста қилиб топшириб кетади. Темир арқонларни, зарур қисмларни эҳтиёт сақлашга алоҳида эътибор беради. Кейин, экскаваторни тежаб-тергаб, бетаъмир, узоқроқ ишлатиш учун курашади. Кутилмаганда у ёки бу қисм бузилса, иложи борица бировнинг қўлини теккизмасликка ҳаракат қилади. Тузатишни кўпинча ўзи бажаради.

Ўз ишига пухта, иш қуролига, уловига ана шундай айрича муҳаббат билан қаровчи Жонсаид Турдиев тўқсонинчи йилларга келиб, «Қалмоққир» конининггина эмас, балки, бутун комбинатнинг энг илғор машинистларидан бирига айланди. Номии, ютуқ-кўрсаткичлари кон-металлургия комбинатининг асосий жонкуяри, директор, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Виталий Сигединнинг маърузаларида, ҳисоботларида тез-тез тилга олинадиган бўлди.

Шундай кунларнинг бирида, Жонсаид экскаваторчи бўлиб ишлай бошлаган кунии эсига тушиб қолиб, уни сменадоши, қадрдони Валерий Тужиковга аниқ айтганида, у «Э, қойил, Жон, буни махсус нишонлаш керак!» деб ҳазиллашди ва бу ҳақда бригадир ҳамда муҳандисларни хабардор қилди. Шунда улар Жонсаидни ўзига хос бу сана билан табриклаётганда совғага қўшиб, «шу давр ичида режадан ортиқча бир неча минг тонна ҳажмдаги маъданни қазиб чиқарибсиз, биродар, яшанг, уни тайёр маҳсулотга айлантириб ҳисобласа, бир неча юз тоннага яқин тозаланган мис демақдир», деган «сюрприз» кўрсаткични ҳам улашишган!

Лекин, моҳир машинист иш жараёнидаги бундай ютуқларини бригада етакчиси, экскаватор қисмларини йиғиш ишининг устаси Владимир Киселев, бош муҳандис Турғун Бўрибоев, карьер бошлиғи Ринат Носировлар ёрдами — даъвати, маслаҳати, рағбатисиз тасаввур қилолмайди. Унинг сменадошлари — Валерий Шукин, Валерий Тужиковлар ҳам ўзига хос малакали машинистлардир. Карьер раҳбарлари бир гал уларни алмаштирмоқчи бўлишди. Шунда иккаласи ҳам «йўқ, биз фақат Жон билан ишлаймиз!» деб туриб олишди.

— Жонсаид Турдиевни кўпинча ўта камгап дейишади, — дейди биз билан суҳбатда Валерий Шукин. — Бу — тўғри. Лекин ўша кам гап унинг миясида кўп

фикр сифатида мавжуд-да. Шунинг учун у ажойиб инсоний сифатлари билан ҳам бошқалардан ёрқин ажралиб туради. Ғоятда оқибатли, одамсевар, дўстпарвар. Ўзидан кечиб бўлса ҳам бировларнинг кўнглини олишни, ўзгаларга яхшилик қилишни, ёрдамлашишни ёқтиради. Танбеҳ бериш ўрнига ўзи қилиб қўя қолади. Миннатни, юзига солишни жинидан ёмон кўради. Ёнидаги одам ютуққа эришса, албатта ўз вақтида дилдидан табриклайди, муваффақиятсизликни кузатса, кўнглини кўтаради. Шундай ажойиб ҳамкасбдан узоқлашиб бўладими, биродар?!

Биз билан хайрлашиб, ишини давом эттираётган Жонсаиднинг экскаватори олдига яна 110 тонна ҳажмли автоюктўккич келиб тўхтади. Машинист чаққонлик билан бошқариш пульти хонасига кўтарилиб, бир ерга уюб қўйилган маъдандан беш чўмични ортган ҳам эдики, улкан кузов лиқ тўлди. Машиналар кетма-кет кела бошлади. У ҳар бирига бир зумда маъдан юклаб, уларни яна орқаларига қайтариб юборарди...

Комбинат раҳбарлари Мустақиллигимизнинг 7 йиллигига тайёргарлик кўриб, давлат мукофотларига тавсия этиладиган ишчиларни танлашаётганда, айниқса, Жонсаид Турдиевнинг кўрсаткичларидан айрича мамнун бўлишди: У экскаватор машинисти бўлиб ишлаётган ўн олти йил давомида режадан ортиқча бир неча минг тонна ҳажмдаги маъданни қазиб чиқарган ва автотомашиналарга ортганди. Уни тайёр маҳсулотга айлантириб ҳисобласа, тоннага яқин тозаланган мисни ташкил этади! Бунинг натижасида Мустақил юртимизга қанчалик катта фойда келтирилиши ҳисоблаб чиқилса, одамга олам-олам завқ ва фахр улашилиши аниқ.

Ватанимиз фидойи фарзандининг бундай жасоратли меҳнатини муносиб тақдирлади. Президентимизнинг 1998 йил 26 августдаги Фармони билан яна тўрт илғор замондоши қаторида Жонсаид Турдиевга ҳам «Ўзбекистон Қаҳрамони» фахрий унвони ва Олтин юдуз медали берилди!

Моҳир машинист, яхши инсон Жонсаид Турдиев айни вақтда меҳрибон устоз ҳам. Қирқ тўрт ёшли машҳур экскаваторчи ҳозиргача ўнга яқин шогирд тайёрлади. Масалан, илк шогирдларидан бири, аллақачон ўзининг мустақил «улови»га эга бўлган Барот Очилов бугунги кунда олмалиқлик ёш машинистларнинг энг пешқадами саналади. Леонид Магда, Ғайрат Масодиқов, Дмитрий Широкий, Леонид Кимлар ҳам

экскаваторни бошқаришдан тортиб, мураккаб касбнинг баъзи сирларигача ундан ўрганишган. Ҳозир улар илк устозининг ёнида, унинг ҳамкасбларига ёрдамчи бўлиб ишлашмоқда. Устоз шогирдларидан мунтазам хабар олиб туради. Ўзлари маслаҳат сўраб келишса, улар учун доим вақт топади. Ўқувчилик, ўрганувчилик даврини ўтаган янги шогирдларини ҳамкасблари: «Ҳа, сен Турдиевнинг қўлидамидинг?» деб ҳеч иккиланмай ёнларига олишга рози бўлишади.

Олмалиқ конида Турдиевлар сулоласи меҳнат қилади, деган фикрни бемалол айтиш мумкин. Негаки, Жонсаиднинг акаси Парпивоё мана бир неча йилдирки, қонда бурғиловчи уста бўлиб ишлаб келяпти. Укаси Баҳодир эса, қон темир йўлининг ишчиси сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Олмалиқлик оддий чўпон, камтарин, ва камсуқум инсон Ибодулла отага энг суюқли ва энг ишончли фарзандининг ибратли камолини кўриш насиб қилмаган экан. Етмиш бешинчи йили, яъни Жонсаид ўғли эндигина йигирма ёшга қадам қўйганда у киши оғир касаллик туфайли тўсатдан вафот этди. Ҳозир табаррук 75 ёшга тўлган Каромат момо бевақт вафот этган чоли учун ҳам, ўзи учун ҳам Қаҳрамон ўғлининг даври даврени суриб, унинг, невараларининг тиловини қилиб ўтирибди. Бутун Олмалиқ момолари, оналари у кишига ҳавас қилишади, десак, лоф урмаган бўламиз.

Олмалиқнинг Ибн Сино маҳалласида яшаб, саккиз фарзандни тарбиялаб вояга етказётган Жонсаид ва Савринисо Турдиевлар хонадони қишлоқдан шаҳарга интилиб келиб, ундан бахт топган, унга шаън улашган оддий ўзбек оиласининг ўзига хос тимсолидир!



Ота-она учун ўз фарзандини унвон билан, унвон бўлгандаям энг олийси — Қаҳрамонлик унвони билан табриклашдан ортиқ бахт борми?! Асли Тошкентнинг Қашқар маҳалласидан бўлган, етти фарзандини аллақачон уйли-жойли қилиб, уларнинг ҳузурини кўриб юрган, бир-биридан ширин невараларнинггина эмас, чевараларнинг ҳам меҳрибон бува-бувижонисига айланган меҳнат факрийлари — Мукаррам ота ва Хатира ая энг улуғ айём — Мустақиллик куни байрами арафасида худ-

ди шундай бахтга мушарраф бўлишди. Ғоятда эслихушли, одобли, камтарин ўғил-қизлар ўстирганликлари учун уларга ҳавас қилиб юрганларнинг ҳаваслари янада ортиб кетди. Президент Фармонини телевизордан, радиодан эшитган эски маҳаладош қадрдонлари, қариndoш-уруғлари, қолаверса, «Қурувчи» мавзесининг бутун иззатли кишилари уларнинг ҳузурига — қутловга шошилишди. Хонадон бир зумда одамга тўлиб кетди. Бахтиёр ота-онани ҳали униси кучоқлаб ўпади, ҳали буниси бағрига босади. Шунда биттаси:

— Бизларга ҳам навбат келадими, биродарлар? — деди шошилганидан.

— Ўзи очирид олганмисиз? — деди иккинчиси ҳазиллашиб. — Тағин очириднинг ўзи келади деб ўтирманг.

Ўртада самимий кулгу янгради.

— Менинг имтиёзим бор демасалар бўлди, — деди учинчиси.

Давра яна жонланди.

— Имтиёзим-ку бор, — деди Мукаррам отанинг қадрдонларидан бири. — Лекин бу ерда ҳали Қаҳрамоннинг ўзи йўқ-ку?

— Ишхонасидан одам келиб чақириб кетишди, — деди Хатира ая.

— Бу — табиий. Ахир у ерда ҳам бутун байрам-да. Касбдошлари, бирга ишлайдиганлари, устозу шоғирдалари тўпланишган. Табрик йиғини бўлаётгандир.

— Холхўжабек бемалол келаверса ҳам биз розимиз, шошилмаймиз, чунки биз асосий Қаҳрамон Мукаррамхон Умаровни ўз вақтида табрикладик, — деди отанинг қадрдон, ҳазилкаш дўстларидан бири, даврага яна руҳ улашиб.

— Гапингизга юз фоиз кўшиламан, биродар, — деди етмишларни қоралаб қолган бир отахон жиддий оҳангда. — Ҳақиқатан ҳам асосий Қаҳрамон — Холхўжанинг отаси, яъни бизнинг ҳамкасб дўстимиз Мукаррамхон. Кўпчилигингиз яхши биласиз: агар Мукаррамхон эпчил, чаққон ўғлига ўз касбини ўргатмаса, уни уста қилиб тарбияламаса, устачилик ниҳоятда савобли эканини тез-тез англашиб, руҳлантириб турмаса, у ишида мунтазам равишда муваффақиятларга эришармиди?! Ва, оқибатда эл ўртасида обрў қозониб, юрт, ҳукуматнинг бундай юксак эътирофига сазовор бўлармиди?!

— Тўғри-тўғри, мутлақо ҳақ гап, — дейишди ўтирганлар.

— Саидалихон, мени асосий Қаҳрамон деб сал ошириб юбордингиз, — деди қадрдонларининг ташрифидан, уларнинг дил сўзларидан боши осмонга етиб ўтирган Мукаррамхон ота. — «Қаҳрамоннинг отаси» десангиз ҳам бўлади.

Чин юракдан, фахрланиб айтилган бу сўздан кейин даврадагиларнинг ҳаваси янада кучайди. Баъзиларининг дилидан беихтиёр «қанийди мен ҳам шундай ота бўлсам», деган фикр кечди.

— Хатирахон, Холхўжани кўксида кўтариб катта қилган сизми ёки бу ишни ҳам уста бува бажарганми?

Аяга тенгдош онахоннинг бу беғубор ҳазилидан сўнг хонада яна самимий кулгу янгради.

Хатира опа қадрдонининг гапидан «нега нуқул ота, ота, дейишди, фарзандни туққан она ҳам бор-ку, нега индамайсиз» деган маъни уқса ҳам:

— Холидахон, ота барибир ота-да, шунинг учун сиз билан бизга ота ва ўғилнинг тиловини қилиб ўтириш ҳам етади, — деб жавоб берди.

— Хатирахон, сизга минг раҳмат, — деди дарров отахонлардан бири гўё «айб»ларини ювиш учун. —

Ҳақиқатан ҳам сизлар — бизларнинг тиловчиларимизсизлар. Сизлар бор — бизлар бор. Сизларнинг яхши ниятларингиз туфайли ишимиз доим олға босади, ҳамма вақт баракали бўлади. Шундай экан, Холхўжажоннинг бугунги ютуғида сизнинг ҳиссангиз беқиёс. Сиз Қаҳрамоннинг онасиман деб ҳар қанча фахрлансангиз арзийди, бунга ҳаққингиз бор!

— Тўғри, — деди маҳалла кўмитасининг масъул котиби. Сўнг у сўзида давом этди. — Мактаб ўқувчилари билан бўлган учрашувларнинг бирида Холхўжажон бир ажойиб гапни айтганди. Ҳозир шу эсимга тушиб кетди. Яъни, у саволларга жавоб бераётиб, мен отамнинг шогирдиман, онамнинг ўқувчисиман, деган.

Ўтирганлар бу ғоятда пурмаъно сўзни эшитиб, «баракалла, тўғри, боғчадан, мактабдан олдинги тарбиячи она-да» дегандай беихтиёр бош ирғаб қўйишди.

Айвонда телефон жиринглади. Унинг гўшагини чопиб бориб набира — Холхўжанинг қизи Барнохон кўтарди. У қайтиб кириб, Термиздан отасининг Чоршамби деган шогирди қўнғироқ қилганини, унвон билан табриклаганини айтди.

— Холхўжа Сурхондарёда ҳам ишлаганми? — меҳмонлардан бири Мукаррам отага юзланди.

— Йўқ, — деди у киши, — Халқлар дўстлиги саройини битказишаётганида қўл остида ишлаганлар орасида термизлик йигитлар ҳам бор эди. Ўшалардан бири бўлса керак. Жуда эпчил, ўқувчан йигитлар эди.

Яна телефон жиринглади. Барнохон энди Жиззахдан қўнғироқ қилишганини, улар ҳам отасини, барчасини унвон билан қутлашганини етказди. Эртага уйга келиб табриклашармиш, деди у.

— Жиззахда эса, Холхўжа ишлаган, у ердаги, яъни вилоят марказидаги «Ўзбекистон» меҳмонхонасини ишга туширишда иштирок этган, — деди Мукаррам ота. — Шаҳарда бирон йирикроқ тадбир ўтказишадиган бўлишса, албатта ўғлимизга ҳам таклифнома юборишади. Меҳмонхонани Тошкентдаги ўзимизнинг гостинсага қиёслашиб, Жиззахнинг «Ўзбекистон»и дейишади.

— Ҳа, дўстим, донолар бежиз айтишмаганда «Яхши ишинг яхшилар эслар мудом» деб. Мен телевизордан кўрганман, жуда чиройли, салобатли бино. Жиззахликлар унинг бунёдкорларидан бежиз миннатдор бўлишмаган.

— Умуман, отахон, сиз Холхўжа акани ўз касбингизга, устачиликка бошлаб ғоятда тўғри қилгансиз, —

деди маҳалла қўмитаси масъул котиби. — Биринчидан, у киши сизнинг ишингизни қўйилмақом қилиб давом эттиряпти. Иккинчидан, Холхўжа ака юз, минг йиллар оша одамларга хизмат қиладиган қандай тарихий масканлар қурилишида иштирок этмади!! Халқлар дўстлиги саройи, Темурийлар тарихи давлат музейи, шаҳар ҳокимиятининг янги биноси...

— Биласизми, ука, — деди бирдан Мукаррам ота, — аслида уни устачиликка мен бошламаганман, мен ҳам, онаси ҳам унинг дўхтир, врач бўлишини хоҳлаганмиз, менинг касбимни, устачилик билан шуғулланишни унинг ўзи истаган, танлаган...

Шу пайт ташқаридан машина сигнали эшитилди. Балкон деразасидан бўйлаган Барнохон «адамлар келдилар» деди ва «Баҳромдан олдин адамни яна бир мириқиб табриклаб қўяй», дея ташқарига югурди. Ўтирганларнинг барчаси бирдай дувв этиб ўринларидан туришди. Қаҳрамонга пешвоз чиқишаётиб, улардан бири ҳазиллашди:

— Саидалихон, менга ҳам очирид олинг...

* * *

Ҳа, уста Мукаррамхон ота билан Хатира ая ўғиллари — Холхўжанинг шифокор бўлишини орзу қилишганди. Доим меҳрибон ота-онасининг раъйига қараб иш тутадиган зийрак Холхўжа уларнинг бу истагига ҳам амал қилди. Ўрта мактабни битириб, армияда йигитлик бурчини ўтаб қайтиши билан Тошкент Давлат тиббиёт институтига ҳужжат топширди. Аълочи синфдошлари даврасида кимё ва биология фанларига алоҳида эътибори, қизиқиши билан ажралиб турадиган Холхўжа кириш имтиҳонларини муваффақиятли топшириб, тиббиёт институтининг талабаси бўлди. Афсуски, у бу ерда ўқишни охиригача давом эттира олмади. Олтмиш олтинчи йилда бехосдан рўй берган мудҳиш зилзила эски шаҳарлик Мукаррам отанинг хонадонига, аниқроғи, ҳовлисига ҳам таъсир қилмай қолмади. Хонадон бошқалар қатори шаҳарнинг Янги-Обод мавзесига кўчирилди. Ташвиш қанчалик катта бўлмасин, бари-бир давлат, ҳукумат қуриб беради-да деб кутиб ўтирмасдан ажратилган ерда дурустроқ уй-жой қилиш керак эди. Шунда бироз ўйчан бўлиб қолган отасини кузатиб юрган катта фарзанд Холхўжа бир куни дилидагини дангал ёрди:

— Ада, сиз ва ойим йўқ демасаларингиз ўқишни сал тўхтатиб турсам, аввал, қиш, ёмғирли, совуқ кунлар келиб қолмай яхшироқ бир уй қуриб олсак, сиз — устасиз, мен ёнингизга кираман.

— Қандай бўларкан, Холжон (ота ўғлини эркалатиб гапирса шундай дерди), анча ўқиб қўйдинг, иккинчидан, ҳар бир оилада ўз дўхтири бўлса, қандай яхши, деб юрардик, ниятимиз амалга оша бошлаганди.

— Ҳали ёшман-ку, кейинчалик тиклаб, давом эттиришим мумкин.

Мукаррам ота беихтиёр ўйланиб қолди. Сўнг у «Қани, биз ойинг билан бир маслаҳатлашиб кўрайликчи, сен ҳозирча ўқишни қолдирмай тур», деб ўрнидан қўзғалди.

Аҳволни, ўғилнинг астойдил истагини ҳар томонлама ўйлашиб кўрган ота-она Холхўжанинг таклифига рози бўлишди.

Зилзила оқибатларини тугатиш шаҳар комиссияси ўз кучлари билан уй қуриб оламиз деган кишиларни, жумладан, Умаровлар оиласини миннатдор бўлиб қурилиш материаллари билан таъминлади. Уста Мукаррам отанинг шаҳар атрофидаги туманларда ҳам шогирдлари бор эди. Улар ёрдамга келишди. Шу тариқа, кўп ўтмай, эзгу ният амалга ошди: Тўққиз жондан иборат Умаровлар оиласи асосан ўзларининг кучи билан уй қуриб, кириб олишди. Бу ишнинг қишли-қировли кунларга қолмасдан амалга ошганидан беҳад хурсанд бўлган Мукаррам ота ўғлининг пешонасидан ўпди:

— Раҳмат, Холжон, агар сен дадиллик кўрсатмаганингда ҳечам уйни совуқ тушгунча қуриб битказа олмасдик ёки ҳамон палаткаларда ҳукуматнинг ёрданини кутиб ўтираверардик...

Холхўжалар уйда ишлашаётганда тез-тез ўтиб турадиган «ҳорманг»чилар, баъзан яқинроқ келиб, чарчамаяпсизларми, деб аҳволлашиб кетадиганлар орасида қурилиш бошқармасининг бригадирлари, прораблари ҳам бўларди. Улардан бири бир куни Умаровлар хонадонига ташриф буюриб, «Уй муборак!» қилгач, Мукаррам отага шундай деди:

— Уста бува, ўғлингиз ўзингизга муносиб, сергайрат, дидли, уқувли йигит экан, қўлидан кўп иш келади-ганга ўхшайди, бизга ёқиб қолди, сиз хўп десангиз уни бошқармамизга ишга оламиз.

— Ўзи нима дейди? — деди кутилмаган бу таклифни эшитган Мукаррам ота ўғлига қараб. — Ҳали бунинг ўқиши бор.

— Ўқишни тиклаш учун институтга фақат августда мурожаат қилиш керак экан, ада. Ҳозир — декабрь. Яна етти ой бор. Унгача бекор юраманми? Майли, сиз хўп десангиз мен қурилишда ишлаб тураман.

Ўғлининг шу заҳоти ақлли жавоб берганидан, ҳар сафаргидек дадиллигидан мамнун бўлган Мукаррам ота «республикамиз ўз бошидан кечираётган ғоятда масъулиятли, ташвишли шу дамларда, кунларда сизлардай малакали қурувчилар сафида ишлаш ёш йигитлар учун ҳам бурч, ҳам шараф, маъқул, Холжон», деди.

...Ватан бошига тушган оғир синов кунларида ҳам азиз юртининг, ҳам табаррук хонадонининг ғамини ўйлаган, бу борада ҳатто падари бузруквори олқишини олган Холхўжа Умаров устачилик оламига, қурувчилар сафига шундай кириб келган эди!

Ота касбининг бетакрор сеҳрлари, шарофатликлари ўзига мафтун айладими, қизиқтирдими ёки янги Тошкент бунёд этаётган давр марду майдонлари сафида бўлишни ўзи учун бурч, фахр деб билдими, шушу Холхўжа қурувчилар қаторида, сувоқчи усталар ёнида қолиб кетди. Худо хоҳласа ўқишимни фарзандларим давом эттиради, деб ният қилди. Ниятнинг холислигини қарангки, унинг бош фарзанди Баҳромжон ўрта мактабни битириши билан тиббиёт институтига ҳужжат топшириб, синов имтиҳонларидан муваффақиятлй ўтди. Ҳозир — бўлажак шифокорлар даврасида аълочи талаба. Мукаррам ота ва Хатира ая уни ҳозирдан «ўзимизнинг дўхтир» деб суюшади.

Мен етмишинчи йилларнинг ўрталарида қурувчиларнинг Тошкентда бўлган бир неча шаҳар ва республика йиғилишларида хизмат юзасидан иштирок этганман. Ана шу давраларда янги Тошкентнинг илғор, ёш қурувчилари ҳақида гап кетганда «Холхўжа Умаров» деган исм-фамилия ҳам тилга олинганини аниқ эслайман. Саксонинчи йилларнинг бошланишида бир ҳамкасб дўстим унинг ҳақида «Сувоқчининг қувончи» деган яхшигина мақола ҳам ёзганди. «Тошкент оқшони» газетасида босилган бу мақолада муаллиф алақачон сувоқчилар бригадасининг моҳир етакчиси сифатида танилган Холхўжа Умаровнинг навбатдаги меҳнат ютуқлари, тажрибалари, ташаббуслари ҳақида тўхта-

либ, унинг қурилиш майдонларидаги фаоллиги республикамиз раҳбарияти томонидан махсус мукофот билан тақдирланганини алоҳида қайд этган эди.

— Саксон биринчи йили ҳаётимда рўй берган бу воқеани ҳеч қачон унутмайман, — дея ҳикоя қилади Холхўжа Умаров. — Гап менга «Москвич» енгил автомашинасини мукофот сифатида совға қилишганида эмас, гап менга уни, совгани ким топширганида! Уша йиллари, биласиз, республикамиз раҳбари, раҳматли Шароф Рашидов эди. Машина калитини худди шу ажойиб инсон қўлидан олганман! У киши менинг қўлимни қисиб табриклаётиб, «Янги Тошкентни қуриш учун ҳали кўп иш қилишимиз керак, сиздай гайратли ёшлар бор экан, буни уддалаймиз, умрингиз узоқ бўлсин, Умаров!» деган...

Тошкентдаги Халқлар дўстлиги саройи йигирманчи аср миллий меъморчилигимизнинг бетакрор намуна-сидир. Қолаверса, у қурувчи-бунёдкор меҳнатига қўйилган ҳамиша илҳомбахш ҳайкал ҳам. Сарой асрлар оша миллий-маданий қадриятларимизнинг гултожиларидан бири сифатида келажак авлодларни ҳам ҳайратга солиб туришига ҳеч ким ҳеч қачон шубҳа қилмайди.

Холхўжа Умаров ана шундай тарихий иншоотни бунёд этишда иштирок этган бахтли инсонлардан бири! У қўли гул сувоқчи уста сифатида Саройга жило беришда, уни мўъжизакор қилиб безашда, қуйма бўёқлар танлашда алоҳида жонқуярлик кўрсатди.

— Тўғри, бу ғоятда масъулиятли иншоотни бунёд этиш чоғида мутахассислар ҳам, малакали қурувчию усталар ҳам кам эмасди, — дейди ҳозир 42-қурилиш бошқармасига раҳбарлик қилаётган Сайфулла Мирзаев. — Лекин Холхўжа Умаров улардан алоҳида изланувчанлиги, қўлдан ўтар қабилада ишлашни ғоятда ёмон кўриши, иложи борича ишга ижодий ёндашишга интилиши, қисқаси, фидойилиги билан ажралиб турарди. У бу ерда ҳам сувоқчилар бригадасини бошқарарди. Унинг ўз аъзоларига «Устозлар тўғри айтишяпти, бу Сарой Тошкентнинг Бош иншооти, миллий меъморчилигимизнинг чинакам кўзгуси бўлиб ишга тушиши керак, шуни унутмайлик», деган, қуюнчаклик билан йўғрилган дил сўзларини кўп бор эшитганман иш жараёнида. У кишининг тақлифлари доимо кутилмаган бўларди. Шунинг учун мутахассислар ва бош етакчилар уларни албатта инобатга оларди. У ишга

келаркан, Саройдан бирмунча олисда транспортдан тушиб, пиёда юриб, унга узоқдан қараб келарди. Бир куни «нега бундай қиласиз?» десам, ўзим оддий сувоқчидан, лекин Саройнинг салобати кутилганидек босадиган бўляптими-йўқми — ҳар куни шуни ўлчаб, чамалаб келаман, деб ҳазил аралаш жавоб берган. Кейин билсам, Холхўжа ака амалга ошириладиган улкан ишдан, тобора юксалаётган Сарой кўринишидан ўзига кун бўйи куч бўлиб улашиладиган завқ, илҳом оларкан!

Менинг ўзим Холхўжа аканинг шогирдиман. У кишининг қўл остида, бригадасида сувоқчи бўлиб ишлаганман. Устачилик сирларини ўзим учун гоёта қадрдон бўлган худди шу одамдан ўрганганман. Холхўжа ака ниҳоятда шогирдпарвар устоз. Ёшларда сал укув сездими, уни юзага чиқармай, тарбияламай, ўстирмай қўймайди. Тажрибасини эринмай ўргатади. Баъзиларга ўхшаб «қўлинг қачон гул бўлади?» деб шошилмайди, шошилтирмайди. Айрим ҳамкасб дўстлари муомаласида баъзан учрайдиган «сен кимнинг қўл остида ишлаганингни биласанми?» деган сўзни бирор марта ишлатмаган. Аксинча, кўнгилдагидек ишлай бошлаган шогирдини маънан рағбатлантиришни яхши кўради.

Унинг бригадасини бемалол иноқ-иттифоқликнинг рамзи дейиш мумкин. Энг аввало, ана шундай яқдиллик, ҳамжиҳатлик туфайли улар қурилиш майдонларида мунтазам равишда муваффақиятга эришиб келмоқдалар.

Миннатдор шогирднинг бу юрак сўзлари жуда кўпчиликнинг, қолаверса, элнинг қалб эттирофидир. Чунки, кейинчалик Холхўжа Умаров ва унинг бригадаси аъзолари қўлидан жило топган бинолар ҳам асосан халқнинг маиший хизматига, унинг ўзига аталган маскан ва турар жойлардир. Жиззах вилоятининг марказидаги ҳашаматли «Ўзбекистон» меҳмонхонаси, Тошкентдаги Ибн Сино, Бойтепа мавзеларидаги турар жойларни бунга ёрқин мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Мен Ибн Сино мавзесида яшайдиган олим дўстимнинг уйида меҳмонда бўлганимда унинг падари бузруквори, меҳнат фахрийси, олтимиш етти ёшли Носир ота шундай деганди:

— Мен ҳам ўзимизда қурувчи бўлганман, сувоқчилик ҳам қилганман. Лекин барибир Тошкентнинг қурувчилари бошқача-да. Айниқса, мана шу ошнангнинг уйида ишлаган сувоқчилар бало экан. Қаранг,

сувашу бўяшдан тортиб, бинони кичкина плиткалар билан қоплашгача қандай пишиқ-пухта, мустаҳкам қилиб бажаришган! Тасодифни қарангки, куни кеча невараларим билан телевизор томоша қилиб ўтирсам, унда мана шу ишларни қўлдан чиқарган қурувчи-усталарнинг етакчисини кўрсатиб қолса бўладими?! Бир оддий, камтаргина, мўйловли ўзбек йигити. Диктор уни «Тошкентнинг қўли гул усталаридан Холхўжа ака... (фамилияси ёдимдан кўтарилибди, ҳозир эслаб топаман)» деб таништирди. Тўғри, гапга йўқроқ экан, лекин юз-кўзидан, ўтиришидан, қолаверса, экранда кўрсатилган лавҳалардан билдимки, бу йигит ўз ишининг чинакам устаси, ўзбекча айтганда, пири экан. Катта ўғлимнинг авиация заводида ишлаб, техникумда сиртдан ўқиётган ўғлини, отаси хўп деса, шу йигитга шогирдликка беришни ният қилиб қўйдим.

Холхўжа Умаровнинг фидокорона меҳнати саксон тўққизинчи йили яна енгил машина — «ВАЗ-2106» билан тақдирланди.

— Ўшанда у киши дастлаб «иккинчи марта машина олишим ноқулай эмасми, бошқага ёки бригада аъзоларидан биронтасига берайлик» деб унамаган, — дейди Холхўжа Умаровнинг бригадасида меҳнат қиладиган усталардан бири Раҳматулла Раҳмонов. — Уларга ҳам аталганлари бор дейишгач, машина калитини олган. Унинг бундай хислатидан, яъни камтарлиги, жамоопарварлигидан биз ҳамиша фахрланамиз. Масалан, бирга ишлаётганимизга бир неча йил бўлган бўлса-да, бирон марта аввал ўзим деган ҳаракатини шахсан мен кузатмаганман. Доимо жамоани, унинг манфаатини ўзидан олдин қўяди. Бригада аъзоларидан биронтаси шахсий ҳаётда муваффақиятга эришса, худди ўзи эришгандай унинг билан бирга қувонади. Муваффақиятсизлик юз берса, ўша заҳоти аввал кўнгилни кўтариб, таскин беришга интилади. Сўнг аҳволни ўнглашга ўзи бош-қош бўлади. Бу эса, орамиздаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибатни, жипсликни янада кучайтираверади. Шунинг учун ҳам бригадамиз доимо голиб, шунинг учун ҳам пойтахтда ниҳоясига етказилаётган гоятда масъулиятли иншоотларни кимлар безаши, суваши, ишга тушириш ҳақида фикрлашув бошланиши билан кўпинча кўпчилик «Холхўжа Умаров бригадаси-да!» деган таклифни айтишади, қўллаб-қувватлашади!

Бу тўғри гап. Масалан, Президентимизнинг махсус қарори билан буюк бобокалонимиз — Соҳибқи-

рон ҳазратларининг Тошкентда қад ростлай бошлаган Темурийлар тарихи давлат музейи иншоотининг сувоқ, безаш ишлари ҳам юбилей арафасида моҳир уста Холхўжа Умаров бригадасига ишониб топширилди.

— Бу иш, ишонч — масъулиятнинг масъулияти эди, — дейди бригадир. — Аввалига роса ҳаяжонландим. Устига устак, қандай бўларкин, бундай масъулиятли ишни кўнгилдагидай уддалай олармиканмиз, устоз, деб, жамоамизнинг деярли ҳар бир аъзоси ўйланиб қолди. Барибир маслаҳатлашиш керак, деган фикрни дилимга тугдим. Аввал бу ҳақда отамга гап очдим. Шунда у киши бирдан шундай дедилар: «Аввало бундай ўта масъулиятли ва бароят шарафли иш ҳар кимга ҳам тавсия қилинавермайди, Холжон. Улар ҳар томонлама ўйлашиб, маслаҳатлашиб, сенинг имкониятларингни, яъни тажрибанг ва бригадангни ҳисобга олишиб, бу фикрга келишган. Шундай экан, ҳеч иккиланмасдан, қўрқмасдан, белни янада маҳкам боғлаб, ишга дарров киришавер. Сени бундай таклиф билан, шарафли вазифа билан табриклайман, ўғлим! Бизлар ҳам ёш бўлсак қани эди, агар бундай ажойиб ишлар топширилса, шу заҳоти раҳмат айтиб қабул қилиб олардик. Нима қиламиз, ёш ўтиб қолди-да. Иккинчидан, Холжон, боя «қўрқмасдан» деганимнинг сабаби, сизларни албатта ҳазрат Соҳибқироннинг руҳи поклари қўлаб-қувватлайди. Ахир, кўрмаяпсанми, сизларку оддий қурувчи-устасизлар, Президентимиздай улкан раҳбарни буюк Амир Темурнинг мангу волиб руҳлари доимо қўлаб-қувватлаб турибди! Чунки, уа киши улуғ аждодларимиз — Ҳаким ат-Термизий, Ҳазрат Баҳовуддин Нақшбанддан тортиб, Соҳибқирон бобомизгача — руҳларини шод этди!

Ҳа, ўғлим, сизларга, умуман, Темурийлар тарихи давлат музейи иншоотини бунёд этаётган барча кишиларга ниҳоятда шарафли вазифа топширилган. Бу ишда омадларингни берсин илойим!»

Кейин устозларнинг олдидан ўтдим. Улар ҳам бир овоздан дадил бўлишимни тилашди. Айниқса, бетакрор инсон ва меҳрибон устозим Мадиёр Ҳошимовнинг сўzlари кутилмаган ва руҳлантирувчи бўлди.

— Биласанми, Темурийлар тарихи музейини қурганлар рўйхати минг йиллар оша тарихда қолади, Холхўжажон, — деди у киши чин юракдан. — Иккинчидан, бу маскан музей, яъни ҳар хил экспонатлар

сақланадиган жой бўлади. Ахир, иншоот ишга тушгач, биронта мард чиқар, музейни қурган меъморлар ва усталарнинг суратларини ҳам залнинг бирор камтароқ жойига қўйиб қўййлик деган!

Шунда мен «устоз, бизлар темурий эмас-да», дедим ҳазиллашиб.

— Кечирасан, биз, ўзбекларнинг ҳаммамиз — асл темурийлармиз, — деб жавоб берган Мадиёр ака ўшанда...

Холхўжа Умаров ва унинг бригадаси Амир Темур йили деб эълон қилинган йилнинг Бош иншооти бўлиб ишга тушиши керак бўлган бинонинг сувоқ, бўёқ ишларини бажаришда, деворларга жило беришда бутун куч ва тажрибаларини ишга солиб тер тўқди. Халқ устачилигининг минг йиллар оша яшаб келаётган анъана ва усуларидан ижодий фойдаланиб ишлашга интилди. Сувоқчиликни қанчалик санъатга айлантирган айлантирмаганимиз худди мана шу ерда ёрқин кўринади, азизлар, дерди бригадир дам олиш пайтларида, аъзоларини янада пухтароқ ишлашга даъват этиб. У меъмор кўрсатмасига астойдил амал қиларкан, ўзи ҳам унга баъзан таклифларини айтиб, у маъкул деса, шу заҳоти уни ишда қўллаб, ўзларидан кейин «эстафета»ни давом эттирадиган, яъни навбат кутиб турган безовчи рассомлар билан мунтазам алоқада бўлган ҳолда ишларди. Айни вақтда уста отасига ишлари ҳақида маълумот бериб, фикр, тавсия сўраб туришни қанда қилмасди. Бир гал Мукаррам отани бўлажак музей қад ростлаб қолган жойга машинада махсус олиб келиб таассуроту таклифларини ҳам эшитди.

Миннатдор Соҳибқироннинг руҳи қўлаганиданми, тарихий иншоот қурилишига оид барча ишлар ўз вақтида сифатли қилиб бажарилиб, музей мўлжалдаги вақтда тайёр бўлди. Унинг очилиши (1996 йил 18 октябрь) улкан байрамга айланиб кетди. Президентимиз И. Каримов шу тарихий дамларда бу ерга ташриф буюриб, аввал музей иншооти ижодкорларини бирмабир табриклади. Сўнг йиғилганлар олдида катта нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбарининг «Меъморлар, муҳандислар, рассомлар, қурувчи-усталарнинг алоҳида фидойиликлари, заҳматли меҳнатлари туфайли биз бугун қадриятнинг мана шундай бебаҳо гултожига эга бўлдик, биз уларга ҳар қанча тасаннолар айтсак арзийди», деган юрак сўзларини эшитган Холхўжа Умаровнинг кўзларидан беихтиёр ёш чиқиб кетди!

Уста Холхўжа Умаров ва унинг бригадаси меҳнати сингган, уларнинг гул қўлидан сайқал топган мухташам бинолар Тошкентда жудаям кўп. Лекин бу ерда улардан яна тўрттасини алоҳида таъкидлаб ўтмаса бўлмайди. Ҳозирги замон бинокорлик санъатининг энг сўнги тажрибалари, анъаналаридан ижодий фойдаланиб барпо этилган бу маъмурий ва оммавий-маданий масканлар пойтахтимиз кўркига кўрк бўлиб қўшилди, унинг чиройини янада оширди. Булар — Тошкент шаҳар ҳокимлигининг, қимматли қоғозлар фабрикасининг маъмурий, ҳайвонот боғининг янги бинолари, шунингдек, Юнусободдаги халқаро мусобақаларга мўлжалланган теннис кортидир.

— Пойтахт раҳбариятининг янги биносини ўзига хос кўзгу дейишаётганлар фикрига қўшиламан, — дейди шаҳар маданият ишлари Бошқармасининг бошлиғи, атоқли режиссёр Рустам Ҳамидов. — Тўғри, масалан, бинонинг сиртидаги материаллар хориждан келтирилган. Лекин улардан фойдаланиб, мўъжизавий ойнавонлар ясашда маҳорат кўрсатганлар — ўзимизнинг кучлар, ўзимизнинг йигитлар. Холхўжа Умаров мен яхши билган ва яхши танийдиган ана шундай усталарнинг энг моҳиридир. Унинг қўли — гул, бу қўллар ҳали кўп мўъжизалар яратади!

Қаҳрамон устани истаб унинг уйига қўнғироқ қилдим. Телефон гўшагини унинг турмуш ўртоғи Людмила опа кўтариб, умр йўлдоши маҳалла кўмитасида йиғилиш ўтказаётганини айтди.

Дарвоқе, ўз ишининг бетакрор устаси Холхўжа Умаров фаол жамоатчи ҳам. Сирғали туманидаги «Ёшлик» маҳалласи аҳли уни ўзларига Оқсоқол қилиб сайлашган. Маҳаллада ўн мингдан ортиқ одам яшайди. Туманда ўттиз битта маҳалла бўлса, «Ёшлик» уларнинг орасида тинч-осойишталиги, тозалиги, баҳамжиҳатлиги билан ажралиб туради.

— Бу, энг аввало, маҳалла Оқсоқолимиз Холхўжажон туфайлидир, — дейди миннатдор бўлиб нафақахўр Шарофиддин ота. — У ҳар бир оилани беш қўлидай билади. Қариялар билан аҳволлашиб, кичик-ўсмирлар билан қизиқиб туришни қанда қилмайди.

Ногиронлар, қаровчисини йўқотганларга меҳр-оқибат кўрсатишни ҳам инсоний бурчи, ҳам оқсоқоллик вази-фаси деб билади. Кам таъминланган оилаларга зарур ёрдамни ўз вақтида уюштириб беради. Тўйми-таъзиями, оммавий байрам-сайилларми — барчасини ўзи назорат қилади, аксариятини ўзи бошида туриб ўтказди. Маҳалланинг ютуғи — унинг ютуғи, маҳалланинг ташвиши — унинг ташвиши. Ҳатто «Ёшлик»да яшайдиган бирон оиланинг фарзанди мактаб ўқувчиларининг анъанавий олимпиадасида ғолиб чиқса ҳам унинг ота-онаси қаторида қувонади. Менимча, Холхўжажонга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони беришаётганда унинг мана шундай элпарварлигини ҳам ҳисобга олишган бўлса керак раҳбарлар.

Мўлжални тўғри олган эканман. Маҳалла идорасига кириб келишим билан йиғилиш тугади. Устани яна бир бор олий унвон билан табрикларканман, қўлини қўйиб юбормай, бир кун бурун унинг ҳақида радиода эшиттириш берилганида эфирда янграган қуйидаги дил сатрларини беихтиёр такрорладим:

Бу қўллар
Кўп қабарик қўллардир.
Саройлару музей қурган
Хўб табаррук қўллардир!

— Ҳамкасбингиз ҳам, сиз ҳам ошириб юбордингиз, ака, — деди шу заҳоти Холхўжа Умаров. — Қанақасига «қабарик» бўлади? Энди қирқ иккига кирган бўлсак. Ҳали нима қилибмиз қўлимиз қабариб? Кейинги сўзга умуман қўшилмайман.

— Сарой, музей қурганингизни тан оласизми ишқилиб? — дедим ҳазиллашиб.

— Бу — бошқа гап, — деб жавоб берди уста жиддий оҳангда. Сўнг дарров давом этди: — Ака, яхшиси, мендан «шундай олий унвонни кутганмидингиз?» деб сўранг. Мен «йўқ» деб жавоб бераман. Ахир, ўзингиз ўйланг, қайси юртда, қайси замонда оддий сувоқчи уста биринчилар қаторида бундай олий эъзозга сазовор бўлган?! — У юрак-юрагидан мамнун бўлиб, фахрланиб гапирарди. — Тўғри, баъзи даврларда, баъзи мамлакатларда моҳир халқ усталари дилдан шарафланганини, уларга зар тўнлар кийдирилганини, ҳатто отлар совға қилинганини эшитганмиз. Лекин, ака, сизни билмайману, мен, масалан, сувоқчи ёки таъмирчининг миллий Қаҳрамон деб эълон қилинга-

нини билмайман. Бундай иззат-эътибор, эъзоз илк марта бизнинг ҳур Ўзбекистонимизда, буюк инсонпарвар ва қадриятпарвар Президентимизнинг ташаббуси билан қайд этилди. Билсангиз керак, усталар орасида «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонига биринчи бўлиб самарқандлик моҳир таъмирловчи Мирумар ота Асадов сазовор бўлган эди. Энди менга шундай омад, йўқ, бахт насиб этди! Бундай эътирофдан ҳаяжонланмай, тўлиб-тошиб гапирмай, бундай меҳрибончиликка қуллуқ қилмай бўладими, биродар! Бундай табаррук оқибатлар маскани — азиз юртнинг, Ватаннинг хизмати учун белни янада маҳкам боғлаш биз учун, менинг учун ҳам қарз, ҳам фарз-ку! Шунинг учун шахсан йўлбошчимизнинг ташаббуси билан бутунлай қайта қурилаётган Тошкентга янада кўпроқ хизмат қилишга дил-дилимдан қатъий аҳд қилдим.

Холхўжа дўстим! Аҳдингизга асло шубҳа қилмаймиз. Лекин бир нарсани айтиб қўяй: бош шахримиз барибир Сиздан бир умр миннатдор. Чунки, донолар таъкидлаганларидек, Юлдуз — аввал юртники. Яъни Сиз унга, Тошкентга биринчилардан бўлиб Юлдуз улашгансиз!

ДЕНОВ ДЕГАНДА

ЁКИ ТАҚАЧИДАН ЧИҚҚАН РАИС



Денов туманида мавжуд уруғларнинг азалдан обрўли, ўзига тўқ бир нечта шажараси бор. Улар орасида уста Қаландарбой авлоди алоҳида ажралиб туради. Англашилганидек, бу сулоланинг бошловчиси ҳунармандчилик билан шуғулланган, яъни уста бўлган. Бу касбни Қаландарбойнинг ўғли Абдухолик, невараси Абдуқодир, чевараси Файзуллолар ҳам давом эттиришди. Файзулло бобонинг оиласида ўн ўғил ва бир қиз тарбия топиб, вояга етди. Биз сизга та-

ништирмоқчи бўлган Иброҳим ака ана шу серфарзанд оиланинг тўнғичидир...

У ҳам меҳнат фаолиятининг аввалида боболари, қолаверса, отаси изидан бориб, ўзи туғилиб ўсган жамоа хўжалигида оддий темирчи, аниқроғи, от тақаловчи бўлиб ишлаган. Пахтачилик бригадаси етакчисига ёрдамчи керак бўлиб қолганда, қишлоқ кайвониларидан бири «Иброҳимжон, ҳисоб-китобга чаққонроқ кўринадан, ке, устачиликни кўй, уни укаларинг давом эттираверади, сен, яхшиси, бригадир ёнида табелчилик қил» деб, унинг бошқа соҳа билан шуғулланиб кетишига сабаб бўлганди. У ёрдамчиликда унчалик кўп ишламади. «Туғма табелчининг ўзи» деб эътироф этилиб юрган кунларининг бирида, эҳтиёж туғилиб қолганда, жамоа хўжалиги раҳбарлари уни бригадага етакчи қилиб тайинлашди. Зоотехник, ферма мудир бўлиб ишлаб юрган кезлари Самарқанд қишлоқ хўжалик институтини сиртдан ўқиб тугатди. Олий маълумотли агроном дипломини қўлга олгач хўжалиқда аввал агроном, кўп ўтмай бош агроном бўлиб ишлади.

Малакали мутахассис, ўзига хос кайвони сифатида танилган Иброҳим Файзуллаевни 1971 йилда туман

қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва уларнинг сифати бўйича давлат инспекциясига бошлиқ қилиб кўтаришди. У бу масъулиятли вазифада муваффақиятли фаолият кўрсатиб келаётган кунларнинг бирида — саксон иккинчи йилнинг декабрида кабинетига эшик тақиллатиб Собир Раҳимов номли жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси Қурбон Жўраев кириб келди. Унинг ташрифидан хурсанд бўлган Файзуллаев сўрашишгач:

— Биз томонларга қандай шамол учирди, устоз? — деди.

— Қаердан билдингиз? — дея саволга савол билан жавоб қайтарди раис.

— Нимани?

— Мендай қариб, кексайиб қолган одамни шамол учирашини...

— Йўр-эй, Қурбон ака, — деб кулди Файзуллаев, — мен ундай демадим, бу — одатий гап-да, сизга шамол тугул бўроннинг ҳам кучи етмайди, аксинча, сиз уларни тирқиратиб юборасиз-ку.

— Бу гапни етти-саккиз йил бурун айтсангиз ярашарди, қабул қилардим, энди у даврлардагидек куч қолмади-да, ука. Шунинг учун хузурингизга келдим.

Файзуллаев котиба қиз дамлаб кирган чойни қайтариб, меҳмонга ундан бир пиёла узатаркан, хаёлидан бутунлай бошқа ўй: «устоз хўжалигининг бизнинг идорадан ҳеч қандай қарзи ёки уларга бизнинг эътирозимиз йўқ, нимага келдйкин», деган фикр кечди.

Раис ҳам тушунгандай дарров мақсад-муддаога ўтди:

— Иброҳимжон, соғлиқ қалай, дедингиз. Мен ҳам одатий гап қилиб, яхши, дедим. Тўғриси айтсам, соғлигим ёмон, бир яхшилаб даволанмасам бўлмайди. Бунинг учун ишни топширишим керак. Топширганда ҳам фидойи, ҳалол, тадбиркор одамга топширишим керак. Бўлмасам, кўнглим тўлмайди. Дўхтирларнинг ҳар қандай дориси, шифоси ҳам поримайди (кор қилмайди маъносида — изоҳ). Шунинг учун қабул қилсангиз — таклиф, йўқ десангиз илтимос қилиб келдим, ўрнимга раис бўлиб ўтсангиз?

Раиснинг бу мақсад-нияти ҳақида олдиндан орқаваротдан эшитиб юрган Файзуллаев ўйланиб ўтирмади. Дарров:

— Қурбон ака, майли, колхозга бораман, лекин раис бўлиб эмас, сизга ўринбосар бўлиб ўтаман, хўжаликнинг ҳамма ишини қиламан, сиз истаган вақтингизда хоҳлаган жойингизга бориб даволаниб келинг, — деди.

Жўраев ундан бундай жавобни кутмаган эди. Шунинг учун бироз ранжиган оҳангда:

— Тўғри, сиз бормаганингиз билан хўжалик раис-сиз қолмайди, — деди. — Лекин, бу вазифани бир амалпараст эгалласа, колхознинг баракасини учиради, халқнинг насибасини ярим қилади, мавжуд муҳитни бузади, одамлар нотинч бўлиб қолади. Мен кўпроқ шуларни ўйлаб сизнинг олдингизга келгандим.

Унинг бир сўзлилигини азалдан билган раис «ҳа, майли, нима ҳам дердик» дея ўрнидан қўзғалди...

Туман раҳбарлари, шунингдек, Деновнинг кўпчилик фаоллари Қурбон Жўраевни қўллаб-қувватлашди. Унга розилик беришдан бошқа чора қолмаганди. 1983 йилнинг 11 февраль куни Собир Раҳимов номли хўжаликда ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлди. Унда аввал хўжаликка ўттиз беш йил самарали раҳбарлик қилган Қурбон Жўраев совғалар билан пенсияга кузатилди. Сўнг Иброҳим Файзуллаев кўпчилик овоз билан унинг ўрнига раис этиб сайланди.

Лекин, унинг раис бўлиб сайланиши хўжалик сардорилигига даъвогарлик қилиб, от солиб юрган баъзи мансабсеварларга ёқмади. Улар ютқазганликларидан армон қилишаркан, Иброҳим Файзуллаевнинг дангаллигини, чўрткесарлигини, муросасизлигини ўйлаб, «Кўрамиз, қандай қилиб хўжаликни бошқарар экан? Раислик — мажлисларда раҳбарларни танқид қилиш эмас!» дейишди пана-панада, ичларида. Бу кимсалар бежизга «ваҳима» қилишмаганди. Ўша йиллари хўжаликларнинг аҳволи жуда ночорлашиб қолган эди. Қулоғигача қарзга ботган, маҳсулот таннархи қимматлашганидан фойдадан кўра зарар кўраётган жамоалар бир амаллаб яшаб келарди. Бундай аҳвол Собир Раҳимов номли хўжаликни ҳам четлаб ўтмаганди. Аммо, янги раис яхши билардики, хўжаликнинг қолақлиги Қурбон Жўраевнинг ёмон ишлагани билан изоҳланмасди. Чунки, қишлоқ хўжалиги тизимидаги бошқаришнинг номувофиқлигидан барча баробар жабр кўрарди.

Худди шундай шароитда хўжаликка раҳбар бўлиб келган Иброҳим Файзуллаев ишни ҳар томонлама

пишиқ-пuxта бошлашга ҳаракат қилди. Олдида турган ғоятда масъулиятли синовдан муваффақиятли ўтиш учун интилди. Лекин, аксига олиб, табиат ҳам ўша йили кутилмаганда айрича найранг кўрсатди.

— Ўшанда «Олти ойлик раис» деган ном олишимга, яъни, хўжаликни топшириб кетишимга сал қолган, — дейди кулиб Иброҳим Файзуллаев, ўзининг илк раислик йилини эсларкан. — Фақат халқ кўллаган.

Маълумки, Сурхондарёнинг жанубий туманларида асосан ипак пахта етиштирилади. Мен ҳам 1983 йили майдоннинг кўпчилик қисмига ингичка толали пахта уруғини эктирдим. Чунки, хўжалик молиявий аҳволини яхшилашнинг бирдан бир йўли шу эди. Аммо ўзар табиат ҳамиша ҳам инсонни сийлайвермас, унинг хоҳишига бўйсунавермас экан. Ўша йили, мансабсавар биродарларимизнинг «нолалари» инobatта олинганми, — раис самимий жилмаяди, — бир кечада 600 гектардан зиёд майдонни дўл уриб кетди. Бундай вазиятда кунлар эмас, соатлар ҳам, ҳатто дақиқалар ҳам ғанимат. Тезда хўжалик фаолларини, мутахассисларини, ишбошиларни йиғиб, барбод берилган майдонга жуда қисқа муддатда чигит экиб, уруғни дўлдан қолган ернинг намига кўкартириб олиш вазифасини қўйдим. Чунки, кунлар исиб кетган, агар экишни икки кун кечиктирсак, ердан нам кўтарилиб, эгатларни яна суғориш лозим бўларди. Режа бўйича кечаси билан ер тайёрланиши, тонгда сеялкалар ишга тушиши зарур эди. Тонг отар чоғи ҳеч ким қилинаётган ишлар ҳақида хабар бермай қўйса бўладими? Гўё ҳаммаёқ жимиб қолгандек. Шунда, дўл уриб кетган бригадаларнинг бирига йўл олдим. Тупроқ устида Шерали деган тракторчи йигитимизнинг донг қотиб ухлаб ётганини кўрдим. Уни бир амаллаб уйғотдим. Шералибой чарчоқнинг зўридан оёқда туролмасди. Уни кучоқлаб, ўрнингга одам олиб келгунча ҳеч бўлмаса яна бир соат чидагин, дея ялиндим. У орийтли йигит экан, ўрнидан даст туриб тракторига қайта минди.

Ўшанда, биласизми, 600 гектар ерни бир ярим кунда қайта экиб бўлганмиз. Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир, деб шуни айтсалар керак-да!

Барибир экин кечикди. Ноябрь ойида ҳам йиллик режа ўтгиздан ошмаганди. Қўшни хўжаликларнинг аксарияти эса, етмишдан ошиб кетган. Қуңдалик пахта йиғим-теримининг боришини таҳлил этаётганда туман раҳбари дабдурустан хўжалик маълумотномасини

юзимга отиб юбориб, партиядан ўчираман, ишдан оламан, деб дағ-даға қилди. Мен ҳам бўш келмадим. Қўлингиздан келганини қилинг, деб маълумот қоғозларини биринчи котибнинг ўзига қайтариб отдим.

Бу воқеа турлича талқин ва тафсилотлар, қўшимчалар билан бир зумда бутун вилоятга тарқалди... «Собир Раҳимов»га раис бўламан деб юрганлар яна ғимиллаб қолишди...

Шу куни оқшомда хўжалик фаолларини йиғиб, уларга бор гапни айтиб бердим, ишдан бўшаш ҳақида маслаҳат сўрадим. Гапим тугаши билан минбарга гапга чечан бир сувчи йигит кўтарилди. Бир неча ой илгари худди шу сувчининг уйидан ҳужжатсиз олинган бир тележка сомонни колхознинг фермасига қайтариб тушуртиргандим. Ўртамизда бироз аччиқ-нордон гаплар ҳам бўлиб ўтганди. Ичимда энди мени роса бопласа керак, деб ўйладим. Сувчи ҳам ўз сўзини худди мен хаёдан ўтказган воқеадан бошлади: «Ўшанда мен раис билан кўп баҳслашдим, тортишдим, ғаллани суғорганман, истаганча сомон олишга ҳаққим бор, дедим. Иброҳим ака эса, «нима, пахтани суғораётганлар одам эмасми, пахтани суғориш ғаллани суғоригандан қийин-ку?» деди. Кейин ўйласам, мен ноҳақ эканман. Ўзбошимчалик қилиб, ҳеч кимдан сўроқсиз иш қилган эдим. Бу мен учун бир умрлик сабоқ бўлди. Азизлар, бизга худди Файзуллаевдай ҳалол, қатъий тартиб-интизом учун курашадиган, қаттиққўл раис керак!»

Гулдурос қарсақлардан сўнг деярли ҳеч ким гапирмади. Халқ ишончи менга қанот бўлди. Мажлис якунида шундай қатъий таклифни ўртага ташладим: Агар мен раис бўлиб қоладиган бўлсам, эртага қимирлаган одам далага чиқсин!

Эртасига пахта майдонларини одам босиб кетди. Ўшанда ҳар беш кунда натижалар умумлаштирилар, яъни, мусобақалар якунланарди. Хўжалигимиз ноябрь ойининг ўзида туман, вилоят, ҳатто республика мусобақаларининг ғолиби бўлди. Бир неча механизатор ва бригадирга «Жигули» енгил машинаси мукофотга берилди. Йиллик режани эса, туманда биринчи бўлиб бажардик. Мени энг аввал туманимизнинг «дағдағачи» раҳбари табриклади. У ўшанда «тан бердик» демаса ҳам, шу оҳангда «Ўртоқ Файзуллаев, «Собир Раҳимов»га файз олиб келганингиз рост бўлсин!» деган гапни айтган...

У барибир илк синовдан муваффақиятли ўтдим, деб ҳовлиқиб қолмади ёки ўзини хушламаганларга «кўрдингми?» дея керилиб кетмади. Аксинча, янада дадилроқ, изланувчанроқ бўларкан, кўпроқ куни кеча ўзининг кунига яраган халқни ўйлади, унинг дилига қулоқ тутиб, имкониятларини тағин ҳам дўржироқ юзага чиқариш, кучларидан тўғри, оқилона фойдаланиш учун интилди. Шу мақсадда аввал Қурбон Жўраев каби эл кайвонилари, қишлоқ оқсоқоллари ва тажрибали меҳнат фахрийларини ҳузурига тўплаб, улар билан дилдан суҳбатлашиб олди. Унинг дадиллигидан бохабар қариялар «бу албатта курашувчан, кесадиган раис бўлади» деб, ўзлари эришолмаган орзу-ниятларини ўртоқлашишди, юракларида, ўй-фикрларида армон бўлиб яшаб келаётган конкрет таклиф-мулоҳазаларни ҳам очиқ-ойдин, батафсил айтишди. Файзуллаев уларнинг деярли ҳар бирига «Хўжаликни янада яхшилаш учун сизнингча нима қилиш керак?» деган маслаҳат билан мурожаат қилди.

Жавобларни, қандайлигидан, амал қилса бўлади-ми-йўқмилигидан қатъий назар, эринмай, диққат билан эшитди. Лекин учрашувда бир кексанинг фикрини эшитгач, иккинчисидан бу киши шундай деяпти, сиз бу мулоҳазаларга нима дейсиз, тўғрими, деб сўрамади. Айни вақтда оқсоқолларга ўзининг мақсад-режалари ҳақида яширмасдан, иккиланмасдан рўй-рост гапириб берди. Уни эшитган фахрийлар: «режаларингиз фоятда эзгу экан, ука, уни амалга оширишда ҳеч бўлмаса ўзимизнинг дуо, тиловларимиз билан албатта ёрдам берамиз!» дейишди.

Орадан икки-уч кун ўтгач раис хўжаликнинг мутахассислари ва ишбошиларини йиғди. Мулоқот аввалида ўз хўжалиқда ишлаган йиллари, шунингдек, туман идорасида фаолият кўрсатган даврда кузатган таассуротларидан келиб чиқиб, баъзи хулосаларни, таклифларни ўртага ташлади. Йиғилганларни булар менинг армонларим эмас, балки, орзу-ниятларим эди, деб огоҳлантириб қўйди. Мутахассисларнинг дилида «ўзимизга авлоддош раҳбар, демак, ўй-режаларимиз ҳам яқин», деган ишонч аллақачон устувор эди. Шунинг учун уларнинг ҳар бири навбати билан ўзининг шахсий тавсияларини айтди. Масалан, бири экин уруғларининг янги навларини синаб кўриш керак, деган фикр билдирган бўлса, иккинчиси бир неча йилдан бери узлуксиз фойдаланиб келинаётган

техникаларни янгилаш керак, деган таклифни айтди. Учинчиси ер ва куч имкониятлари ҳақида тўлиб-тошиб гапирди. Яна бири одамларнинг турмуш шароитини тагин ҳам яхшилашдан келадиган шарофатли омиллар тўғрисида тўхталди... Буларнинг барчаси, мутахассислар ўйлаганидек, раис Иброҳим Файзуллаевни ҳам тўлқинлантираётан муаммоларнинг айнан ўзи эди. Шунинг учун у амалий мулоқот-маслаҳатни тугатаркан, мен кутгандан ҳам зиёда яқдил эканмиз, демек, биз ҳар қандай меҳнат муваффақиятларига эриша оламиз, ҳар қандай маррани эгаллашга кучимиз етади, деган илҳомбахш хулосани қадрдонларига улашди!

Биринчи галда янги раис шарофати билан кучайтирилган ана шу яқдиллик туфайли Собир Раҳимов номи жамоа хўжалиги навбатдаги йилни ҳам барча соҳалар бўйича муваффақиятли якунлади. Иқтисодий аҳволини бутунлай ўнглаб олди. Кейинги йил янада самарали бўлди. Хўжалик пахта ҳосилдорлиги бўйича тумандагина эмас, балки, бутун Сурхондарё вилоятида тилга тушди, танилди. Термизда бўлган катта бир йиғилишда вилоят раҳбари Собир Раҳимовчиларнинг янги чигит навларига бўлган дадил муносабатларини бошқаларга ибрат қилиб кўрсатаркан, бу ишнинг бошида турган раис Иброҳим Файзуллаевнинг номини алоҳида таъкидлаб ўтди. Ўша йили республика газеталарининг бирида Собир Раҳимов номи жамоа хўжалиги ва унинг ташаббускор бошчиси ҳақида «Ўнгла ниш» деган кичкинагина мақола эълон қилинди. Лекин унда журналист «Иброҳим Файзуллаев ўзидан бир қарич баландда турадиган одамларнинг гапини қўл қовуштириб ижро этадиган мўрт раис эмас, балки, изланувчан, ўзининг мустақил фикрига эга бўлган, ўз фикрини ҳар қандай шароитда муҳофаза қила оладиган бутунлай янги раҳбар» деган катта ҳақиқатни айтган эди.

Саксонинчи йилларнинг иккинчи ярмида бошқараётган хўжалиги ва номи бутун Ўзбекистонда тилга тушган Иброҳим Файзуллаевни республика миқёсида бўладиган тадбир, йиғилишларга ҳам таклиф эта бошлашди. Масалан, шўролар даврининг «садоқатли» раҳбарларидан бўлган ўртоқ Рафиқ Нишонов гўё қишлоқ хўжалигининг самарадорлигини оширишни мақсад қилиб, олимлар билан деҳқонларнинг учрашувини уюштирганда унда «Собир Раҳимов»нинг сардори ҳам

иштирок этди. Ўша учрашув Иброҳим акада қуйидагича таассурот қолдирган эди:

— Бу йиғинга Сурхондарёдан тўрт киши бордик. Учрашув бошланди. Бир-биридан титулдор академиклар, хизмат кўрсатган таниқли фан арбоблари, профессорлар гапиришяпти. Бечоралар гапиришганда ҳам аниқ мисоллар келтириб, таклифлар айтиб, жонкуярлик билан гапиришяпти. Нишонов эса, айтилаётган фикрларнинг биронтасига ҳам қулоқ солмайди, ёнидаги киши билан пичирлашиб гаплашиб ўтирибди. Бу намойишкорона қилинаётган эди. Ана шу беписандлик йиғилишнинг қимматини бир тийин қилди. Мен ҳам сўзга ёзилгандим, иложсиз минбарга чиқдим. Гап орасида Нишоновга қарайман, афсуски, у фикрларимнинг биронтасини ҳам эшитмади.

Лекин раис Тошкент сафаридан асло ачинмади. Негаки, биринчи котиб жаноблари номигагина тадбир ўтказиб, ўзининг кимлигини яна бир бор намойиш этган бўлса-да, бошқа деҳқонлар қатори у ҳам нуфузли илмий-амалий давранинг мулоқотларидан, таклифу тавсияларидан баҳраманд бўлганди. Айни вақтда ўзи ҳам деҳқонлар сардори сифатида фан арбобларининг назарига тушди. Шунинг учун бўлса керак, кўп ўтмай улардан бири унинг хўжалигига махсус ташриф буюриб, бу ердаги ўзига хос тажрибаларни ўрганди. Баъзи янги чигит навларига бўлаётган қизиқишларни эшитиб, тегишли маслаҳатлар берди. Йил охирида Тошкентда пахтачиликка оид махсус илмий-амалий анжуман уюштирилганда худди шу олим Собир Раҳимов номли жамоа хўжалиги деҳқонларининг ингичка толали пахта етиштириш борасидаги ибратли изланишлари ҳақида маъруза билан чиқди.

«Одам билан одам, айниқса, раҳбар билан раҳбар кўпинча бир-биридан ер билан осмон қадар фарқ қилади». Бошқалар қатори Иброҳим Файзуллаев ҳам кўп ўтмай бул фикрнинг нечоғлик кучли ҳақиқат эканлигига амин бўлди.

Республикага янги раҳбар бўлиб келган Ислон Каримов ҳам даставвал барча вилоятлардан уста деҳқонларни чорлаб, катта суҳбат ўтказди. Бу мулоқотга Иброҳим ака ҳам таклиф қилинган эди. Шунинг учун у Тошкентга йўл оларкан, суҳбатда ўзига сўз бериладиган бўлса нималар ҳақида гапиришини ўйлаб, уларни кўнглида пишитиб борди. Энг аввало пахтанинг харид нархи арзонлигини, ҳозирги нархлар билан хўжалик-

ларнинг аҳволини яхшилаб бўлмаслигини, хўжаликларнинг иқтисодий аҳволи ўнганмас экан, тўлақонли фаолият кўрсатишнинг, қишлоқда яшаётганлар турмуш тарзини яхшилашнинг мутлақо иложи йўқлигини бу улкан даврада айтишни кўнглига тутиб қўйди. «Дехқонлар билан олимларнинг ҳамкорлигини жиддий яхшилаш керак, чунки, уруғчиликнинг мазаси йўқ. Ёмон уруғдан яхши ҳосил олиб бўлмаслигини ҳамма билади, аммо ҳеч ким сара уруғ етиштириш учун жавобгар эмас». У бу масалани иложи борича пахтачи-навшунос олимлардан олдинроқ кўтаришни мўлжаллади. Раисни тўлқинлантираётган учинчи муаммо эса, дехқонларнинг турмуш даражасини яхшилаш билан боғлиқ масалалар эди. У қишлоқларда айниқса ичимлик сув масаласи жуда ёмонлигини айтиб, ўз оти билан оби-ҳаёт деб аталган бу заруратга эътиборсизлик натижасида юқумли касалликлар, хусусан, сариқ касали кўпаяётганлиги ҳақида тегишли муассасалар ва мутасаддиларни огоҳлантириб қўймоқчи бўлди. Ён дафтарчасига битилган, урғу бериб айтмоқчи бўлган қуйидаги гапларнинг тагига алоҳида чизиб қўйди: «Жигари хаста одамдан юқори меҳнат унумини кутиб бўладими? Қишлоқ билан шаҳар ўртасидаги тафовутни йўқотамиз, деб кўп гапирамиз, бонг урамиз, чиранамиз, аммо, ҳозиргача бу масалада қилинган ишлар эҳтиёжнинг юздан бирини ҳам қаноатлантирмайдикун? Бу масалаларнинг ҳаммасини ҳал қилиш эса, Марказга, яъни, Москвага боғлиқ. Шунинг учун юқори лавозимда ўтирган раҳбарлар бу масалани Москванинг олдига жуда қаттиқ қўйиши, қўйганда ҳам натижаларга эришиладиган қилиб қўйишлари керак!»

Иброҳим ака тахминан ана шундай гапларни айтмоқчи эди. Аммо, даврани доно англайди деганларидек, бу фикр-мулоҳазаларнинг ҳаммасини ундан олдин Ислом Каримов ипга тизгандек бирма-бир айтиб, раисни ҳайратга солди. Республика раҳбари қишлоқ хўжалигининг айна пайтдаги аҳволини, унинг долзарб муаммоларини худди шу соҳа билан бир неча йилдан бери этик кийиб шуғулланиб юрган устоздай батафсил таҳлил қилиб берди. Пахташунос олимлар ва моҳир дехқонлар сўзга чиқиб гапираётганида уларни диққат билан тинглади. Ибратли фикр-мулоҳазалар, таклифлар айтилганда биринчи бўлиб маъқуллади. Ўзи билган, танийдиган одамлар сўзини тугатганда уларга

баъзи саволлар билан мурожаат қилиб, ўртага ташланаётган масалаларга бўлган қизиқишни янада кучайтирди. Суҳбат ниҳоясида шахсан у кишининг таклифи билан пахтачиликка оид муаммоларни москвалик масъул кишилар ва у ердаги махсус идоралар олдига қўядиган Ҳайъат тузилди.

— Ислом Абдуғаниевич Каримов ўша биринчи учрашувдаги чиқишидаёқ халқ кўнглидаги гапларни жонкуярлик билан айтиб, бизга, яъни, мулоқот иштирокчиларигагина эмас, балки, бутун республикамиз аҳлига қалбан нечоғлик яқин эканлигини намоён этган эди, — дейди Иброҳим Файзуллаев. — Шунинг учун одамлар кун тартибидаги бошқа мавзулар тўғрисида ҳам қўрқмасдан, эмин-эркин гапиришган. Масалан, ўшанда республикамиздан сайланган СССР (собиқ) Халқ депутатларининг фаолияти ҳақида илк марта очиқчасига, ошкора гаплар айтилди. Учрашув иштирокчилари уларнинг ниҳоятда сузглигини, Москва-нинг «олий» залида савлат тўкиб ўтиришларини, кун тартибидаги масалаларнинг муҳокамасига фаол қатнашаётганликларини, республикамиз манфаатини ҳимоя қилишни жиддий ўйламаётганликларини таъна-дашном, армон билан қайд этишган. Шунда Ислом Каримов бу танқидий мулоҳазаларни умумлаштириб, яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига бўладиган сайловларда худди сизларга ўхшаган жонкуяр одамларнинг номзодини депутатликка кўрсатишимиз керак, деган. Худди шундай бўлди. Навбатдаги сайловда ўша йиғилишда иштирок этганларнинг асосий қисми депутатликка номзод қилиб рўйхатга олинди.

Иброҳим аканинг номзоди депутатликка ўзи раислик қилаётган Собир Раҳимов номли жамоа хўжалиги меҳнаткашларининг умумий йиғилишида кўрсатилди. Шунда, раисликка сайланаётганида кўзга чалинган фирромлардай уч-тўрт кимса яна унга халақит бермоқчи бўлди. Улар «агар Файзуллаев депутат бўлиб олса, сизларнинг колхозингизга сув ўтказмай қўяди!» (ҳақиқатан ҳам сув унинг хўжалигини оралаб ўтади — изоҳ.) дейишиб, қўшни хўжалиқдаги сайловчиларни, яъни, аҳолини чалғитишга уринишди. Лекин, бироз содда бўлса-да, оқдан қорани яхши ажрата биладиган кишилар: «бу бўлмаган гап, Иброҳим ака асло бундай одам эмас, ахир, биз у кишига ҳавас қилиб ўтирибмизку?!» дейишиб, бу ифвогарликка, ҳасадга учмадилар.

Иброҳим Файзуллаев ўзига тегишли барча сайлов участкаларида кўп овоз олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши депутатлигига сайланди.

Куни кеча биргина хўжалик ташвиши билан яшаб юрган эл сардорининг зиммасида энди бир неча хўжалик, қолаверса, бутун Денов тумани муаммолари билан шуғулланиш, бу масалаларни катта давраларда, идораларда ҳал этиш вазифалари турарди. У асло ҳаяжонланиб ёки эсанкираб қолмади. Халқ томонидан ўзига билдирилган ишончни ўз вақтида оқлашга, нақазларни курашиб бўлса-да бекаму кўст бажаришга интилди. Сессияларда асло «штатли қўл кўтарувчилар», «қўлбола тасдиқловчилар» хилидан бўлиб қолмасликка, аксинча, ҳаммавақт ўзининг мустақил фикрлари билан фаол қатнашишга, юрт ва халқ манфаатини ҳимоя этиш ишига ҳисса қўшишга аҳд қилди.

Ҳақиқатан ҳам депутат бўлгандан сўнг Иброҳим Файзуллаевнинг биз билмаган фазилатлари, имкониятлари ёрқин намоян бўлди. У киши илк сессиясидаёқ ўзининг иқтидори — маърифатли ва одобли, айна вақтда қатъий сўзли, энг муҳими, тайёр жамоат арбоби эканлигини бутун республикамизнинг кўз ўнгиде баралла намоён қилди. Ўша кунлари тележурналистларга интервью берган Комил Яшиндай улуг ижодкор ва машҳур одам: «Депутат дегани аслида сурхондарёлик мана шу раисдай бўлиши керак!» деганди алоҳида фахр билан.

— Мен халқимга бир умр таъзим қилсам арзийди, — дейди Иброҳим Файзуллаев. — Негаки, у мени муносиб кўриб, ўзига депутат қилиб сайламаганида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1990 йил 18 июнда Тошкентда очилган, Мустақиллик декларацияси лойиҳаси муҳокама этилиб, қабул қилинган ўша тарихий Иккинчи сессиясида иштирок этиб, унинг ҳақида фикр билдириш бахтига муяссар бўлмасдим. Лекин пойтахтда бунга эришиш осон бўлмаган. Агар сиз ўзига хос кураш деб тан олсангиз, бу шундай бўлган: Мустақиллик декларацияси лойиҳаси тайёрланган экан. Уни биз, депутатларга тарқатишди. Кимдир уни бир олам қувонч билан, иккинчи бир киши бироз хавотирланиб, учинчи депутат эса, ҳадик билан қўлга олди. Бу масалани дарров кун тартибига киритиш, овозга қўйишга уринишлар бўлди. Лекин,

Олий Кенгаш Раиси бу таклифларни қатъиян рад этди. Бир неча депутат қаторида мен ҳам ушбу масалани барибир сессия кун тартибига киритиш тўғрисида таклиф билан чиқмоқчи бўлиб сўз сўрадим. Белгиланган регламент бўйича айни бир масала хусусида ҳар бир депутат истаса гапириши, аммо фақат бир марта гапириши мумкин эди. Бироқ, Олий Кенгаш Раиси бошқа депутатларга бир масала юзасидан бир неча бор сўз берди. Менга эса навбат беришмасди. Микрофон ёнидан жилмай, тик турганимча сўз сўрашда давом этдим. Шунда залдаги депутатларнинг аксарияти «сурхондарёлик раис бувага ҳам сўз берилсин», дея хитоб қилишди. Ноилож қолган мажлис раиси 5-микрофонни улашга мажбур бўлди. Мен шу заҳоти унга «нега ўзингиз маъқуллаган тартибга ўзингиз амал қилмайсиз? Нима учун фалончи депутатга бутуннинг ўзида уч марта сўз бердингиз-у, вилоятдан келганларга эътибор қилмайсиз, бу ишингиз регламентга бутунлай хилоф-ку?» деб мурожаат қилдим. Мажлисга раислик қилаётган (собик) М. Иброҳимов: «бўпти, асосий мақсадга ўтинг» дейишга мажбур бўлди.

Мен бу масала халқимиз тақдирини ҳал қиладиган роятда муҳим масала эканлигига алоҳида ургу бериб гапирдим. Тўғри, декларациянинг бироз таҳлил қилинадиган, ортиқча ҳаяжон билан битилган ўринлари йўқ эмас, лекин, бу жиддий масалани албатта депутатлар муҳокамасига қўйиш керак, дедим.

Олий Кенгаш Раиси бу масала ҳали пишиб етилмаганлигини бир неча бор қайд этиб, тушлик учун танаффус эълон қилди.

Танаффусдан кейинги йиғинда Ислом Каримов ҳам иштирок этди. Президентимиз сўз олиб, республикамиз ҳаётига оид кўпгина муҳим масалаларга тўхталаркан, депутатлар гуруҳи томонидан тайёрланган Мустақиллик декларацияси лойиҳаси хусусида ҳам ўз фикрини билдирди. «Мен депутат Иброҳим Файзуллаевнинг Мустақиллик декларацияси ҳақидаги фикрини эшитдим. Нега унинг таклифини овозга қўймадингизлар? Бу регламентга хилоф-ку, — дея мажлис раисига ўтирилди. — Шахсан менга бу фикр маъқул. Депутатлар ҳам маъқулласа, албатта, уни кун тартибига киритиш керак», деди. Сўнгра у кишининг таклифи билан Мустақиллик декларацияси лойиҳасини қайта тайёрлаш учун депутатлар гуруҳи тузилди.

Эртасига, яъни, 1990 йил 20 июнь куни Мустақиллик декларациясининг янги таҳрирдаги лойиҳаси сессия кун тартибига қўйилди ва бир овоздан қабул қилинди!

Ҳали «СССР» деган империя парчаланмасдан туриб республикамызда жасоратли Президентимиз Ислам Каримовнинг шарофати билан улуғ қадриятпарварлик ҳаракати бошланганда, яъни, бир вақтлари топталган миллий қадриятларимизни тиклашга, саксонинчи йилларда адолатсизликка учраганларнинг номларини оқлашга киришилганда Иброҳим Файзуллаев ҳам халқ вакили, ҳам жамоат арбоби сифатида бу эзгу ишларга ҳисса қўшишни ўзининг бурчи деб билди. Масалан, у ўзбекистонлик уч олим москвалик ҳомийларининг, «устозлари»нинг даъвати билан «Хўжайинни қўмсаш ёки Рашидовни оқлаш кимга керак?» деган мақола ёзиб, уни «Известия» газетасида эълон қилганида, уларга қарши мақола билан чиқди. «Халқ сўзи» газетасининг 1991 йил 23 февраль сонисида «Ҳайф!» сарлавҳаси билан босилган ушбу мақолани ўқувчилар, одамлар «бутун ўзбек халқининг дилидаги гап бўлибди!» дея кутиб олди.

«Кези келганда айтай: камина Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари қўмитасининг аъзоси сифатида малакали, пешқадам юристлар билан тез-тез мулоқотда бўлиб тураман, — дейилганди мақолада. — Уларнинг айтишларича ва қонун бўйича, бирон фуқарони айблаш учун аввало уни айбига иқроқ қилдириб, устидан суд ҳукми чиқарилиб, кучга киритилади, суд ҳукми кучга киргандан сўнггина уни айбдор аташ мумкин, бусиз бошқа ҳеч вақт эмас. Ва, аксинча, то шунгача уни бирор жиҳатдан айблаш ёки камситиш шахснинг қадр-қимматини поймол этиш билан баробардир».

Ушбу мақолани ўқиган муштарийлар ва кенг жамоатчилик унга дарров ўз муносабатини билдирдилар. Улар депутат раис республикамызининг собиқ, марҳум раҳбари мисолида адолатни, миллатимиз, юртимиз шаънини, энг муҳими, Президентимиз раҳбарлигида олиб борилаётган инсонпарвар, қадриятпарвар сиёсатни мардона ҳимоя қилган, деган яқдил хулосага келдилар.

Бир гуруҳ ғаламислар, сохта демократлар 1992 йили Тошкентдаги талабалар шаҳарчасида тартиббу-

зарликлар уюштирганида республикамиз раҳбарияти уни тинч ҳал этиш учун ўзи оддий раис бўлса-да, мамлакат миқёсида фикрлай оладиган, ҳар қандай даврага кириша биладиган, ҳар қандай давра билан бемалол баҳслашишга қодир, туғма кайвони Иброҳим Файзуллаев бошчилигида Парламент комиссияси тузди. Мана шу фактнинг ўзи ҳам ҳассос эл сардорининг юртимизда, раҳбарлар даврасида нечоғлик обрў-эътибор қозонганини, ишончга сазовор бўлганини яна бир бор тасдиқлайди.

Ўшанда Иброҳим ака масъулият ниҳоятда жиддийлигини ҳис этганидан бир неча кун деярли ухламади, шаҳарчадаги деярли ҳар бир талаба билан шахсан учрашиб, уларга тўғри йўл кўрсатиб, маслаҳат улашиб чиқди. Истиқлолнинг ёруғ кунларига, тинч давраларига раҳна солмоқчи бўлган тартиббузарларнинг асил ниятлари ҳақида тушунтириш бераркан, ёшларни доимо ҳушёрликка, ҳеч қачон гаразли мақсадларга қўшилмасликка даъват этди. Айни вақтда талабаларнинг муаллимлари ва ота-оналари билан ҳам юзма-юз кўришиб, ёшларнинг бутуни учунгина эмас, балки, эртаси учун ҳам барчамиз бирдай масъулмиз, жавобгармиз, деган огоҳлантирувчи маслаҳатларни айтди. Олий таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар раҳбарлари билан ётоқхоналар ва ўқув залларини айланганида бундай фавқулодда аҳвол қайд этилмаганида ҳам барибир шароитларни яхшилаш керак экан, деган адолатли фикрни алоҳида таъкидлади.

— Ўшанда баъзи дўстларимизнинг шошма-шошарлиги, деҳқончасига айтганда, ҳовлиқиши натижасида қизиқ воқеалар рўй беришига сал қолган, — дейди Иброҳим Файзуллаев. — Тошкентда таълим олаётган, республикамизнинг турли шаҳар ва қишлоқларидан бўлган барча ёшларни оммавий равишда уйларига қайтариб юбориш керак, деган таклифни ҳам эшитганмиз. Ҳатто, биласизми, талабалар шаҳарчасидан анча узоқда жойлашган бир институтнинг ректори менга «вилоятлардан бўлган барча студентларимни бугун поездга солиб, қишлоқларига жўнатаяпман», дея «рапорт» кўтариб келган. Шунда, Комиссиямиз аъзолари билан дарров вокзалга югуриб бориб, вагонларга чиқарилаётган ёшларимизни қайтариб қолганмиз. Қолаверса, Комиссиямиз ишга отланаётганда Президентимиз бизга маслаҳат бераётиб, «Мен бу тар-

тибузарликка Тошкентдаги ҳамма талабаларнинг хайрихоҳлигига ёки қўшилганига ишонганим йўқ, ишонмайман ҳам, маълум бир гуруҳ ёшларимиз адашиб, чалғитилиб шундай қилишган, шунинг учун уларни аниқлаб, хато қилганликларини яхшилаб тушунтириш, тўғри йўлга қайтариш керак, жазо деган чорани эса, иложи борича бу бузғунчиликни уюштирган, унинг орқасида турган ёмон ниятли кимсаларга қўллаш тўғрисида ўйлаш зарур», деганлар.

Йўлбошчимиз билиб айтган эканлар. Фараз ниятда уюштирилган тартибузарликка адашиб қўшилиб қолган ёшларимиз тезда хатоларини англаб етдилар. Улар ҳеч қанақа тазйиқсиз яна ўзларининг қадрдон илм даргоҳларида ўқишларини давом эттириб кетишди. Биласизми, бу ёшларнинг баъзилари эндиликда республика миқёсидаги идораларда ишлашмоқда. Уларнинг айримларини ҳамон танийман. Улуф айёмларда, байрамларда мени махсус табриклаб туришади!

Бу мисолларни ўқигач, Файзуллаев депутат этиб сайлангач, бутунлай жамоатчилик иши билан машғул бўлиб кетган экан, деган хулосага бормаслик керак. Иброҳим ака барибир биринчи галда раис эди. Шунинг учун у бу фаолиятини янада садоқат билан давом эттириб бораркан, энг ишбилармон, энг тадбиркор эл сардори сифатида танилди. Масалан, 1994 йилда давр даъватларидан келиб чиқиб, қолаверса, хўжалик аъзоларининг истак-хоҳиши билан бошқа экинлар қатори пахта билан деҳқончилик қилинадиган майдонларни ҳам хонадонларга бўлиб берди. Қоидага мувофиқ, ерни ҳайдаш, чигит экиш ва трактор билан ишлов бериш юмушларини умумий тартибда хўжалик бажариб берди. Ягана, чопиқ, суғориш, чеканка, терим сингари кейинги ишларнинг барчасини биркитилган хонадон эгалари ўз зиммаларига олишди. Уша йили Собир Раҳимов номли жамоа хўжалиги йиллик пахта тайёрлаш режасини Сурхондарё вилоятида биринчилардан бўлиб бажарди. Иброҳим ака қўшниларининг аксарияти эса, орқада қолиб кетди... Қирқ уч гектар ерга пиёз эккан собир раҳимовчилар бу экиндан ҳам мўл ҳосил етиштириб, 8 миллиард сўм-купон даромад қилдилар. Иброҳим ака тижжорларга ҳар кило пиёзни 7—8 минг сўм-купондан пуллади. Аммо бировдан ҳам купон сўрамади — ўрнига маҳсулот олди. Тумандаги бошқа хўжаликларнинг раислари эса, маҳсулотларини

икки сўмдан ҳам пуллай олмади. Чунки, Файзуллаев пиёзни эрта етиштирган эди, шунинг учун нархини келиштириб пуллади. Бошқалар эса, эл қатори етиштирганлиги учун ҳатто арзонга ҳам сотишолмади. Тадбиркор эл сардори бошқа экинлардан ҳам ана шундай даромад олди.

Иброҳим Файзуллаев пойтахтга депутатлик ишлари билан тушганида, вақт топиб Тошкент яқинидаги поллизчилик ва сабзавотчиликка ихтисослаштирилган туманларнинг хўжаликларига чиқиб, у ерда меҳнат қилаётган машҳур деҳқонларнинг баъзилари билан учрашиб, танишиб, тажрибаларини ўрганган эди. Шунинг учун уларга ҳавас қилиб, уларнинг тажрибалари асосида 1995 йили ўз хўжалигида 30 гектар ерга эртаги карам эктирди. Кўчат етти-саккиз қулоқли бўлгунча иссиқхонада сақланди. Сийрак кўчатнинг ўсиш авжи қутилганидек яхши бўлди. Белгиланган муддатда уни тагидаги тупроғи билан далага олиб чиқилди. Апрельнинг учинчи ўн кунлигида тайёр бўлган карамни россиялик харидорлар кўзига суртиб сотиб олиш ҳоҳишини билдириб туришган эди. Уларга мол айрибошлаш таклиф қилинганда, бажонидил рози бўлишди. Шу тариқа эрта баҳорда хўжалик эҳтиёжининг деярли асосий қисми таъминлаб олинди.

Карамдан бўшаган ерларга дарров чигит экилди. Бу майдонлар ҳам хўжаликнинг бошқа ғўза пайкаллари қаторида ҳосилдор бўлди. Ғалладан одатдагидек улкан хирмон уйган собир раҳимовчилар йиллик пахта тайёрлаш режасини туманда биринчилардан бўлиб бажариб, ҳар гектар ер ҳисобига 41 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олишди.

Даромад мўл-кўл бўлгач ҳамма нарсага қўл етади. Собир Раҳимов номли жамоа хўжалиги туманда биринчилардан бўлиб ўз хонадонларини юз фоиз ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлади. Ўз ҳудудида фаолият кўрсатаётган мактабларнинг таъмирини, ҳатто жиҳозлаш ишларини раиснинг ташаббуси билан оталиққа олди. Болалар боғчалари, тиббиёт пунктлари, маданий-маиший иншоотлар, шунингдек, савдо шаҳобчалари кўпайтирилди. Ёшлар шаҳарниқидан қолишмайдиган стадион ва спорт майдончаларига эга бўлишди. Денов тумани хўжаликлари орасида биринчи бўлиб кичик корхона ташкил этганлар ҳам Иброҳим Файзуллаев ва унинг шогирдлари бўлишди. Раиснинг лойиҳаси, маслаҳатлар асосида қурилган «Қариялар чой-

хонаси» безаклари ва имкониятлари, шароитлари билан йирик шаҳарлардаги худди шундай ҳордиқ масканларидан қолишмайди.

Тўқсон бешинчи йили Халқаро ЮНЕСКО ташкилотининг бир вакили Сурхондарё ва Қашқадарёга саёҳат қилгач, республика телевиденияси ижодкорларига берган интерв்யусида «Денов туманидаги Собир Раҳимов номи жамоа хўжалиги ҳатто ўзининг темирчилик, этиқдўзлик устахоналарига ҳам эга эканлигини кўриб қойил қолдим!» деганини кўп кишилар эшитган ва ҳамон эслашади.

1996 йил Иброҳим Файзуллаев ва унинг хўжалиги ҳаётида алоҳида тарихий йил бўлиб қолади. Ўша йили 500 гектар ерга ғалла уруғи сепган собир раҳимовчилар вилоятдагина эмас, балки, республикада биринчилардан бўлиб йиллик дон тайёрлаш режасини бажардилар, ҳар гектар ер ҳисобига 50 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. 610 гектар ерга чигит экилиб, худди шундай иккинчи меҳнат зафарига эришиш арафасида Президентимизнинг атоқли эл сардори Иброҳим Файзуллаев ва республикаимизнинг яна тўрт фидойи меҳнатчисига «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони ва Олтин юдуз медали бериш тўғрисида Фармони эълон қилинди.

— Фармон эшитилгач, Собир Раҳимов номи жамоа хўжалигида, Деновдагина эмас, балки, бутун вилоятимизда ўзига хос тантана-тўй бўлиб кетди, десам хато қилмаган бўламан, — дейди туман ҳоқими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Тилло Менглиев. — Негаки, Иброҳим Файзуллаев Мустақил Ўзбекистонимиз Сурхондарёсининг биринчи Қаҳрамони эди. Негаки, республикаимизда эл-юртга танилган раислар орасида биринчи бўлиб бизнинг устоз эл сардоримиз Иброҳим Файзуллаев Ватанимизнинг шундай табаррук Унвонига сазовор бўлганди!

Халқнинг севимли сардори ана шундай қутлуғ эъзозга сазовор бўлган кунларда у кишини минглаб одамлар астойдил қутлашди. Шунда Иброҳим ака:

— Одамлар, узоқ-яқиндаги қадрдонларим мени табриклашапти, мен эса, хўжалик аъзоларини, — деди алоҳида бир самимийлик ва хурсандчилик билан. — Негаки, яхши биласизлар, битта раиснинг бир ўзи ҳеч қачон ҳеч нарса қилолмайди. Шунинг учун муҳтарам Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов томони-

дан ўзимга муносиб кўрилган бу мукофотни бутун хўжалигимиз аҳлига билдирилган юксак ҳурмат-эътибор деб ҳисоблайман. Шунинг учун мен бу қувончли дамларда Равшан Маматқулов, Тўра Бойқобилов, Турсунқул Ҳамроев, Қудрат Тоғаев, Муқаддас Муродова, Жума Қурбонов сингари фидойи дала етакчиларининг, Асқар Азимов, Иноятулла Ҳикматуллаев, Тилло Йўлдошев каби бош мутахассисларнинг, шунингдек, асосий таянчларим, яъни, муовинларим — Жўра Жонқобилов, Хуррам Ҳасановларнинг номларини алоҳида таъкидлаб ўтаман. Айниқса, Истиқлол йилларида хўжалигимизда эришилган меҳнат ютуқларини уларнинг баракали ҳиссасиз, кўмагисиз тасаввур қилолмайман. Мен ҳатто кексалик гаштини сураётган бўлсаларда, бизга ўзларининг ибратли маслаҳатларини улашиб турган Қурбон Жўраев, Қурбон Ёдгоров, Туроп Мерганов каби устозларимнинг, фахрийларимизнинг ёрдамларини ҳам қайд этиб ўтишни истайман. Қолаверса, деҳқонпарвар Йўлбошчимизнинг бу табаррук эътирофига янги меҳнат муваффақиятлари билан жавоб бераман деганимда ҳам, мени энг аввал худди шу қадрдонларим кўлаб-қувватладилар!

Туман, вилоят, республика газеталарида Қаҳрамон раис ҳақида босилган мақолаларда, радиоэшиттиришларида Иброҳим ака қадрдонларининг фахрли дил сўзлари, фикр-мулоҳазалари ҳам илова қилинди. Мана, улардан айримлари:

Қурбон Жўраев: — Раисликни топшираётганда ўрнимга бежизга Иброҳимжонни таклиф этмагандим. Унда туғма кайвониликни, сардорликни сезганман. У одамлар билан ишлашни аввал одамларни англаш, имкониятларини юзага чиқариш ва қадрлаш деб билади. Шунинг учун ҳам нисбатан қисқа муддатда ўзини афсонавий эл сардорлари — жиззахлик Ҳамроқул Носиров, қашқадарёлик Чўли Бегимқулов, тошкентлик Абдужамил Матқобуловлардай раис сифатида кўрсата олди. Истиқлол йилларида мамлакатимиз раислари орасида биринчи бўлиб унга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилиши бунинг ёрқин далили эмасми?!

Жўра Жонқобилов: — Мустақиллик йилларининг биринчи кунлариданоқ юртимизга ташаббускор, билимдон, тадбиркор, улкан давраларда ҳам ўз мулоҳазалари билан бемалол иштирок эта оладиган раислар янада кўпроқ керак эди. Ишбилармонлик ва удабу-

ронликда алоҳида ажралиб турадиган Иброҳим ака худди шундай эл сардорларидан бири сифатида ярқ этиб кўриниб, ҳатто ҳурматли Президентимизнинг назарига тушди.

Равшан Маматқулов: — Биз, яъни, бир неча йилдан бери муттасил далада ишлаб келаётган кишилар Иброҳим аканинг деҳқончиликини, унинг сир-асрорларини ғоятда пухта билишига ҳамиша қойил қоламиз ва ҳавас қиламиз. Вилоятимиз шимолида ипак пахтадан мўл-ҳосил етиштириш, ғалланинг маҳаллий шароитга мослашган навларини излаб топиб, баракали дон хирмони яратиш борасида раисимизнинг олдига тушадиган хўжалик раҳбарлари бўлмаса керак. Иброҳим ака, бемалол айтиш мумкинки, қишлоқ хўжалиги амалиётида ўзига хос мактаб яратди.

Қурбон Ёдгоров: — Иброҳимжон фақат халқни ўйлайдиган, уни яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам эътиборсиз қолдирмайдиган сардор. Шунинг учун ҳам Собир Раҳимов номли жамоа хўжалигининг ҳар бир аъзоси, каттаю кичиги ўзини унинг раҳбарлигида амалга ошириладиган эзгу иш учун бурчли деб ҳисоблайди.

Асқар Азимов: — Қишлоқларимизда туғилиб, ўсиб, вояга етиб, кўзга ташланган ҳар қандай иқтидорли ёшни Иброҳим ака назардан қочирмайди. У киши ҳатто йирик шаҳарлардаги олий илм масканларида таълим олаётган ёшларимизни ҳам мунтазам йўқлаб туради. Махсус диплом билан жонажон қишлоғига қайтган, умидли собиқ талабани ўз фарзандидай қабул қилади.

Муқаддас Муродова: — Турмуш шароитимиз Иброҳим ака туфайли янада яхшиланди. Раисимиз фидойи меҳнатчи, фахрийларнинггина ғамхўри эмас, у киши ёшларнинг, ҳатто ҳунарга ишқибоз қизларнинг ҳам жонқуяридир. Хўжалигимизда ташкил этилган зардушлик корхонаси бунга ёрқин мисол. Бу ерда ҳунар ўргатаётган бухоролик усталар шахсан раисимизнинг тақлифи билан келишди.

Она Ватаннинг Олтин юлдузли эътирофи Қаҳрамон ва унинг хўжалиги аҳлини янада руҳлантириб юборди. Масалан, 1997 йилда 604 гектар ерга чигит эккан хўжалик деҳқонлари ҳар гектар ердан 44 центнердан пахта йиғиштириб олишди. Ғаллакорлар эса, 262 гектар ерга барака уруғи сепиб, қарийб 13,5 минг тонналик хирмон уйдилар. Бу ютуқлар 1998 йилда ошиғи

билан такрорланди. Олдинги йилга нисбатан анча кўп, яъни 154 миллион 879 минг сўм даромадга эришган хўжалик дарров йилига 8 минг тонна шакар, 2 минг тонна спирт ишлаб чиқарадиган завод қурилишига илк гиштларни қўйди.

* * *

Иброҳим Файзуллаевни иш кабинетида учратиб, Республика Марказий Сайлов комиссиясига аъзо бўлишдек навбатдаги ютуқ, яъни, ҳар кимга ҳам насиб қилавермайдиган улуғ ишонч билан табрик-ладим.

Маданиятпарвар эмасми, Иброҳим ака суҳбат чоғида биз, зиёлилар ҳаёти ва ижоди билан қизиқиб:

— Ижодлар қалай, газета чиқиб турибдими, қоғоз масаласи қийнамаяптими? — деб сўради.

Мен эътибори учун миннатдорчилик билдириб, янги тўплам қўлёзмасини нашриётга топширганимни, бундан хабардорлардан биттаси «янги китобга Қаҳрамонларнинг ўзлари ҳомийлик қилаётганмиш», деган ёлғон гап тарқатганини айтиб, бу гап сизнинг қулоғингизга етиб келмадими ишқилиб? дедим.

— Йўқ, эшитмадим, — деди раис. Сўнг бирдан давом этди: Одамлар қизиқ-а, ука. Ҳали-ку, китобга ҳомийлик қилиш тугул, ҳатто бу ҳақда таклиф эшитганимиз йўқ. Агар, бордию, тўпламнинг нашрига ҳомийлик қилишга қўшилсак, «ўзлари ҳақида китоб ёзиб, унга ўзлари ҳомийлик қилиб, уни ўзгаларнинг номидан чиқаришяпти» дейишдан ҳам тоймас экан ўша номард!

Самимий кулишдик.

Раис мени хўжалик бошқаруви рўпарасидаги қурилиш майдонига бошлади.

— Мана бу иншоот маъмурий бино бўлиб ишга тушади. Ёнидагиси эса, ўзига хос маданий-маиший мажмуа сифатида қад кўтариши керак. Уни, Худо хоҳласа, пойтахт Тошкентдаги биноларга ўхшатиб ойнаванд қилиб фойдаланишга топширамиз.

Мен Қаҳрамон раиснинг бундай эзгу ишларига муваффақиятли якун тилаб, хайрлашдим. Йўлда автобусда келаётганимда ёнимда ўтирган нуроний киши: «Қаерда бўлдингиз, меҳмон?» деб сўради. «Деновда,

Файзуллаевни биласизми, ўша кишининг хўжалигида», дедим. Шунда отахон:

— Билмай ўлибмизми, болам. Агар, ҳозир бизда Денов деганда иккита кишининг номи тилга олинадиган бўлса, биттаси албатта ўша Иброҳим раис бўлади! — дея алоҳида фахрланиб жавоб қайтарди.

Муҳаммади отанинг бу сўзларидан мен она Ватан эътирофига муносиб халқ эътирофини яна бир бор қалбан ҳис этгандим!

ХАЛҚ ҲАКИМАСИ

Гинеколог врач (ҳакима) Ойшаҳон Қўчқорова ишидан қайтаётганда шогирдларига бугун фарзанд кўрган аёллардан бири ҳақида гапириб, «бу синглизминг ўзини сезиши, ҳис қилиши ҳозирча ёмонмас, бордию бирон нарса бўлса, дарров уйга телефон қиласизлар, агар эҳтиёж бўлмаса — янаям яхши, лекин, шунда ҳам барибир соат ўн бирларда бир марта менга қўнғироқ қилиб қўйинглар, деганди. Шу вақтгача телефон бўлмади. Демак,



аёлнинг аҳволи яхши. Соат ўн бирга яқинлашапти. Энди қўнғироқ қилишади». У шу хаёллар билан ўғилкелинларининг даврасидан чиқиб, секин катта уйга ўтган эди, турмуш ўртоғининг ҳам ухламай, эркатой невараси билан «гужунглашиб» ўтирганини кўрди.

— Ҳа, хўжайин, мен-ку телефон кутяпман, сиз нимага ухламай ўтирибсиз, ахир, ишга барвақт кетсангиз? — деди дарров.

— Бемор фақат сизда борми, момоси, биз ҳам врач, — дея кулиб жавоб қилди турмуш ўртоғи жарроҳ Маҳмуджон ака. Сўнг жиддий тусда гапида давом этди: — Боя, сиз болаларингизнинг олдига чиқиб кетгач, шифохонага қўнғироқ қилиб, анув чувслик амакининг аҳволи билан қизиқувдим, йигитлар «вақтида телефон қилдингиз, устоз, консултациянгиз керак эди», деб қолишди. Эшитиб, нима қилиш кераклигини шу заҳоти айтдим. Кейинроқ даъвонинг таъсири, ўзгариш ҳақида албатта мени хабардор қилиб қўйинглар, дегандим. Полвонжон билан, — у неварасига ишора қилди, — шунга қараб ўтирибмиз.

— У амакини бутунлай яхши бўлиб қолди, эртаиндин жавоб беришади деётгандингиз-ку?

— Биласиз-ку, Ойшаҳон, баъзи беморлар тартиб-режани бузишади, ўзибилагонлик қилиб қўйишади.

— Ишқилиб, офир бўлмаса — бўлди-да.

— Йўқ, унчалик хавотирланадиганмас, лекин, барибир, шифокормизда, ойиси, керакли ахборотни ўз вақтида олиб, кўнглимиз тинчимаса, ухлаб бўладими?

— Яхшиям, шифокор бўлган эканмиз, хўжайин, бўлмасам радиодан Туйғуной опанинг дилбар «Алла»-сини эшитибок ухлаб қолармидик.

Эру хотин самимий кулишди.

Шу пайт телефон жиринглади. Унинг гўшагини Ойшахон опа кўтарди. Шогирди экан. Уни тинглаб бўлгач, «яхши-яхши, навбатчилик ҳам яхши ўтсин, сингилжон», деб гўшакни жойига қўйди.

Сал ўтмай, Маҳмуджон ака ишлайдиган «Тез ёрдам» шифохонасининг жарроҳлик бўлиmidан ҳам кўнғироқ бўлди. Шифокор йигит устознинг тавсияси бўйича қилинган енгил муолажадан сўнг бемор яна ўзини яхши ҳис этаётганини маълум қилиб, миннатдорчилик билдирди.

— Энди «Хайри тун!» қиламизми, хўжайин.

— Маъқул.

Ойшахон опа ота-онасининг олдига кетаман деб турган жажжи неварасини етаклаб ҳовлига чиқаркан, уни «ҳа, жонимнинг жонидан!» деб эркалатди...

Лекин, барибир, ўша куни, яъни 1998 йилнинг 26 декабридан 27 декабрга ўтар кечаси Ойшахон опа учун янгилик бўлмаган яна бир ҳаловат бузилиш содир этилди: Унга шифохонасидан — вилоят туғруқ-хонасидан телефон қилишиб, Норин туманига бормаслигининг иложи йўқлигини, бир ҳомиладор аёлнинг аҳволи ниҳоятда офирлигини, умри хавф остида эканлигини, операция қилишга тўғри келишини айтишиб, отланиб, тайёр бўлиб туришини, ҳозир махсус машина боришини айтишди.

У кийиниб бўлиши билан уйнинг кичик хонасидан Маҳмуджон ака унинг сафарда олиб юрадиган махсус тиббиёт қутчасини олиб чиқди ва: «ҳар эҳтимолга қарши ичини бир кўриб қўйдим, ҳамма асбоб-ускуналар жойида, виездной дорилар бор», деди. Шунда хушёр ҳамкасб турмуш ўртоғидан хурсанд бўлган Ойшахон опа:

— Сиз барибир супержарроҳсизда, хўжайин! — деди.

— Сиз сафарда одатдагидай ҳеч ҳаяжонланмасдан ишни дўндириб келадиган Ойшахон Қўчқорова бўлсан-

гиз — бўлди, — деди Маҳмуджон ака, уни эшик олдига келиб тўхтаган машина томон кузатаётиб.

Моҳир гинеколог тушган машина Наманган шаҳридан қарийб қирқ километр узоқликда жойлашган Норин туманига ярим соатга қолмай етиб келди. Ойшахон опани туманнинг бош ҳакими бошлиқ шифокорлар интизорлик билан кутиб туришганди. Уни кўриши билан хурсанд бўлганларидан, биттаси беихтиёр «Норинимизда гўё қуёш чиққандай бўлди-ей, опахон!» деб юборди. Ҳақимани дарров палатага бошлашди. Ҳомиладор беморни кўриб, аҳволни танишган Ойшахон опа аёлларимизнинг ўзига, соғлиғига бўлган ўта лоқайдлигидан ич-ичидан куюниб кетди: Йигирма тўққиз ёшли адвокат жувоннинг бачадони ёрилганди! Шуниси ачинарли ва афсусланарли эдики, бу ёш аёл биринчи фарзанд кўраётганда операция қилинган экан. Бу галгисида туғишга тайёрлаш бўлимига анча барвақт келиб ётиши шарт эди? У эса, эрининг ҳозирча мана бу дорини ичиб тур, роддомга эрталаб борасан, дейишига амал қилиб, ўзига бундай кулфатни орттирган. Энг қизиғи, эри фельдшер, яъни кичик шифокор, онаси эса, анча ёшга бориб қолган «момо», муаллим. Аҳвол ҳақиқатан ҳам оғир эди, яъни, қон қорин бўшлиғига тарқалган. Бу — ўта хавфли. Нима қилиш керак? Фақат ва фақат операция. Ўз иш тажрибасида бундай фавқулодда ҳолатларга бир неча бор дуч келган ва ҳамиша оналарнинг кунига яраган Ойшахон опа дарров, кўрқмасдан жарроҳлик қайчиси қўлига олди...

Қарийб уч соат давом этган операция муваффақиятли якунланди. Ўзига эътиборсизлик қилган аёл энди туғмайди. Лекин, унинг жар ёқасида турган ҳаёти сақлаб қолинди!

Жарроҳлик столидан даволаш хонасига ўтказилган бемор аёлнинг оиласи, қариндош-уруғлари, ўлим билан олишувга гувоҳ бўлган норинлик шифокорлар ўз ишининг фидойиси — Ойшахон опага беихтиёр таъзим қилдилар, бутунги тонг айрича серкуёшлик билан отдими, дейишиб, бир-бирини чин дилдан қутладилар!

Улар Ойшахон опани кузатаётганда ҳаётга қайтган жувоннинг онаси кўзидаги севинч ёшлари билан дуога қўл очди:

— Илойим, халқимиз соғлигининг сиздай халоскор ҳимоячисини Худоийм доим ўз паноҳида асрасин!

У йўлда келаётиб, операция қилинган аёл қайнота-сининг «Отанга раҳмат, синглим!» деган гапини эслади ва: «Менга эса, ҳатто отамнинг қўлига сув қуйиш ҳам насиб қилмаган», дея ўкинди. Сўнг раҳматли волидаи муҳтарамасининг «энг муҳими, қизим, энди отажонингнинг руҳини шод этиб юрсанг бўлди», деган ўтити ёдига тушиб, ўзига сал таскин бергандай бўлди...

* * *

Ҳа, Ойшахон опага отасининг қўлига сув қуйиш тугул ҳатто эсини танигандан кейинги илк кўриш ҳам насиб этмаган. У падарибузрукворидан 36 кунлик етим қолган. Қишлоқда аввал оддий дехқон, кейинчалик бригада ҳисобчиси бўлиб ишлаб юрган Қўчқор ака 1942 йилда, йигирма саккиз ёшида вафот этади. Унинг яна бир армони шуки, отажонисидан ақалли бир дона сурат ҳам қолмаган. У ўн етти ёшида бева қолган онаси — Турсунхон опанинг таъриф тавсифларига, ҳикояларига асосланиб, падарибузрукворининг расмини қалбида чизиб олганди.

Ойшахон опа ҳозир ана шу, юрагидаги отасининг руҳини шод этди. Аслида, у эсини таниганидан бери Қўчқор аканинг руҳини шод этиб келяпти...

У Намангандаги 5-ўрта мактабга қадам қўйиши биланоқ энг одобли, энг зийрак, энг аълочи ўқувчи сифатида муаллимларининг меҳрини қозонди. Саккизинчи синфда ўқиб юрган кезлари кутилмаганда елкаси билан бўйни орасида пайдо бўлган оғриқ туфайли шифокорга учрашишга мажбур бўлди. Малакали маслаҳат ва ўз вақтида кўрилган муолажа натижасида касаллик тезда чекинди. Ойшахон бутунлай соғайиб кетди. Лекин унда, дўхтирларнинг ўзига хос фидойиликларини кузатиш жараёнида, қолаверса, бошидан кечирган ўша оғриқ сабабларини ўзича ўрганиш мобайнида тиббиётга меҳр уйғонди. Ўша йили, яъни саккизинчи синфни битирибоқ Намангандаги тиббиёт билим юртига кириб ўқимоқчи бўлди. Шунда унинг синф раҳбари мактаб директори А. Йўлдошевга қуйидаги таклифни айтди:

— Домла, Ойшабону ниҳоятда иқтидорли ўқувчи. Лекин, ҳозир мактабдаги ўқишни тугатиб, шаҳримиздаги медицина билим юртига ҳужжат топшираман, деяпти. Менга қолса, ўнинчигача ўқиса яхши бўлади. Бир йўла тиббиётнинг институтига кирарди.

Директор Ойшахон билан гаплашиб, тиббиётчи, шифокор бўладиган бўлсанг, яхшиси, бир йўла унинг олий мактабига кирганинг маъқул, кимё ва биология фанларига алоҳида эътибор бериб ўқисанг, бемалол ўз кучинг билан кириб кета оласан, биз сенга ишонамиз, деди. Сардор муаллим бу фикрини Турсунхон опага ҳам айтди. Таклиф болага ҳам, онага ҳам маъқул келди.

Ойшахон муаллимларнинг ишончини оқлаб, эллик саккизинчи йили биринчилар қаторида Андижондаги Давлат тиббиёт институтининг акушер-гинекология факультети талабаси бўлди.

У Фарғона водийсида ягона олий тиббиёт илмгоҳи ҳисобланиш бу даргоҳда ўқиркан, ўртамиёна, аниқроғи, «удовл» билан кун кечириб юрган ёшлардан бўлиб қолмади. Иккинчи курсдаёқ институтнинг аълочи талабаларидан бири сифатида танилди. Ҳатто студентларнинг анъанавий конференцияларида махсус маърузалар билан қатнашди.

— Талабалик пайтимдаги кундалик маршрутим асосан «ётоқхона — институт — кутубхона — ётоқхона» эди, — дейди ўша йилларни эслаб Ойшахон опа. — Институтимизнинг кутубхонаси ғоятда бой эди. Қўлланмалардан ташқари керак бўладиган қўшимча адабиётларни, яъни китобларни, ҳатто қардош республикаларда нашр этилган, соҳага оид рисоаларни, тиббиётга оид махсус газета ва журналларни ҳам бу ердан топиш мумкин эди. Масалан, ўша давр машҳур академикнинг «Медицина» журналида босилган «Европанинг Ибн Синога таъзими» деган мақоласи билан илк бор шу қадрдон даргоҳда танишганман. Кутубхонада тиббиётшунос олимлар билан мунтазам учрашувлар уюштирилиб туриларди. Мисол учун, атоқли акушер-гинеколог, кейинчалик республикамиз акушер-гинекологлар Жамиятининг раиси бўлган Асолат опа Қодировани шундай учрашувлардан бирининг шарофати билан худди шу ерда биринчи марта кўрганман ва саволлар билан мурожаат қилганман. У киши «ўқишни битиргач, агар илмий иш билан шуғулланадиган бўлсангиз, тўғри менинг олдимга, Тошкентга боринг, қизим», деган.

Ойшахон домлаларининг «Пухта назария ва пухта амалиётга кириш!» шиорига қатъий амал қилиб, ўқув ва амалий практикаларни ҳам ҳар томонлама пухта ўтказишга интиларди. У шифохоналарда малакали тиббиётчилар ёнида бўларкан, ўзини асло оддий кузатув-

чи деб эмас, балки, устоз амалиётчи томонидан бутун беморга улашилаётган шифонинг қўлланиш тажрибасини шу заҳоти ўзлаштирувчи, деб биларди. Практика ўтказаятган шаҳар Марказий касалхонасининг жамоаси билан ниҳоятда қадрдонлашиб кетганди. У ерда меҳнат қилаётган, даволовчиликда ўзига хос мактаб яратган ҳақим ва ҳақималарнинг тажрибаларига ниҳоятда ҳурмат билан қарар, иложи борича уларни ўзлаштириб олишга ҳаракат қиларди. Шунинг учун тайёр мутахассис бўлиб чиқаётганини кўрган, умидди истиқболига астойдил ишонган андижонлик шифокорлар унга «институтдан кейин бизда бемалол қолиб ишлашингиз мумкин», деган таклифни ҳам айтишди.

Институтни муваффақиятли битиргач, унга ўзи ва онаси Турсунхон опа истаганидек, қадрдон Наманганга йўлланма беришди. Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармасидагилар уни шаҳардаги 2-туғруқхонага акушер-гинеколог қилиб тайинлашди.

— Рақами иккинчи бўлса ҳам ўзи Наманганда биринчи, яъни, энг яхши роддом, — деди унга оқ йўл тилаган Бошқарма бошлиғининг муовини. — У ерда жуда машҳур, тажрибали акушер-гинекологлар ишлашади. Уларга муносиб шогирд бўлишга интилсангиз, асло кам бўлмайсиз, синглим.

Ҳақиқатан ҳам 2-туғруқхона шаҳарнинг энг олди тиббиёт масканларидан ҳисобланарди. Бу ҳақда Ойшахон институтга боргунча ҳам, талабалик пайтида ҳам орқаравотдан кўп бор эшитганди. Ҳатто Андижонда ўқиб юрган кезлари у ерлик шифокорларнинг «Наманган шаҳридаги 2-туғруқхона — энг зўр роддом, чунки, у ерда бутун Фарғона водийсига, қолаверса республикамизга таниқли акушер-гинеколог Роза Абрамова ишлайди», дея айтилган эътироф-ҳавасларига гувоҳ бўлганди.

Омадни қарангки, уни худди шу машҳур тиббиётчи — туғруқхона бош ҳақимаси Роза Абрамова ўз ёнига шогирдликка олди.

Аёл организмида ҳомиладорлик, туғиш вақтида ва туғишдан кейин содир бўладиган жараёнлар, шунингдек, аёл жинсий органларининг физиологияси ва патологиясини, аёл жинсий аппаратлари касалликларнинг олдини олиш ва даволашни ўргатадиган фаннинг чинакам билимдони, амалиётчиси сифатида касбдошлари даврасида катта обрў-эътибор қозонган ҳақима ёш мутахассиснинг иқтидорини дарров пайқай

олди. Унга илк кунларданоқ мустақил муолажаларни ишонич баробарида ўзининг «обход»и пайтида янги синчков шогирдини мунтазам ёнида олиб юриди. Мураккаб операциялар содир этилиб қоладиган бўлса, унга ёш акушер-гинеколог Ойшахонни ҳам албатта таклиф этарди.

Кўп ўтмай шогирд ҳам ўзининг илк операциясини амалга оширди.

— Ўшанда қизиқ бўлган, — дейди Ойшахон опа, — бир кунда кетма-кет иккита аёлни операция қилишга тўғри келиб қолган. Биринчисини устознинг ўзи ҳар доимгидек муваффақиятли бажариб чиқди. Иккинчисига белгиланган тажрибали ҳакима уйида кутилмаганда бетоб бўлиб қолиб, операцияга келолмади. Нима қилиш керак? Жарроҳлик хонасига ким киради? Шунда Роза Натановна менга юзланиб: «Ойшахон, операцияни сиз қиласиз», деди. Мен шартта жарроҳлик қайчисини кўлимга олдим. Лекин барибир, устозим «биринчи операция, ҳаяжонланиши мумкин», деб ўйладими ёки ишончининг тасдигини кўрмоқчи бўлдимми, операция пайтида мени ташлаб кетмади. Қараб турди. Операция муваффақиятли тутагач, Роза опа мени табриклаб, «Гулим (у киши баъзан мени шундай деб атади), номигагина маслаҳат сўрадинг-а?!» деб ҳазиллашди.

Йил охирида вилоят тиббиётчиларининг умумий ҳисобот-йиғилиши бўлганда унда «бизда аёллар ва болалар ўлими кескин камаймаяпти, айниқса, туманларда, қишлоқларда аҳвол ёмон, аёллар, хусусан, ёш оналар ўртасида тарғибот-тушунтириш ишлари қониқарли эмас», деган танқидий фикрлар ҳам айтилди.

Йиғилишда иштирок этган Ойшахон Қўчқорова устозига «агар вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси туманларга чиқадиغان тарғибот-тушунтириш гуруҳини тузса, мен ҳам бораман», деди. Шунда бу дадилликдан, жонкуярликдан хурсанд бўлган Роза опа:

— Отангга раҳмат, қизим. Туманларимизда аёллар ва болалар соғлигини ҳимоя қилиш кўнглидагидай эмаслигининг сабабларидан бири вилоятимизда сиздай ўзбекча акушер-гинекологларнинг камлигидир. Шу боис жойларда баъзан, номигагина олиб борилаётган тарғибот-тушунтириш ишлари пайтида оммавий тиббий таълимнинг тушунилишида жиддий етишмовчиликлар бор. Қишлоқларимиздаги бир мунча уятчан,

тортинчоқ аёлларимизга Эшмат Тошматовларнинг, яъни, эркакларнинг ҳар хил китоб ва дарслик-қўлланмалардан кўчириб тайёрланган «қўлбола лекцияси» ни мажбуран эшитиш яхшими ёки сиздай опа-сингисининг туғиш ва туғишга тайёргарлик, аёллар касалликлари ҳақидаги амалий суҳбатлари, савол-жавобларидан баҳраманда бўлиш афзалми?! Шунинг учун фикр-таклифингиз менга маъқул. Гуруҳ тузишса, барибир биздан одам сўрашади. Бемалол бораверасиз, — дея уни қўллаб-қувватлади.

Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси тузган тарғибот-тушунтириш гуруҳи қиш чиқиши билан иш бошлади. Унинг таркибида аллақачон бутун Наманган шаҳрида кўзли, ниҳоятда аёлпарвар, меҳрибон акушер-гинеколог сифатида танилиб қолган Ойшахон Қўчқорова ҳам бор эди. У анча вақтдан бери дилига туғиб келаётган нияти, яъни қишлоқ аёллари, хусусан, ёш оналар ва келинчаклар билан яқиндан кўришиб, гаплашиб олиш истагининг амалга ошишига имконият туғилганидан хурсанд бўлди.

Туманларда юрганида унинг ҳузурига «бу аёл ҳакима анув, шаҳардаги Абрамова опанинг шогирди эмиш», дея умид, ишонч билан келганлар кўп эди. Ойшахон тушунтиришлари аёллар касалликлари, шунингдек, ҳомиладорлик пайтида амал қилинадиган шартлар ҳақида маълумотлар беришдан бошларди. Сўнг туғишга тайёргарлик ва туғиш жараёнида аёл нималарга кўпроқ эътибор бериши тўғрисида батафсил тўхталарди. У суҳбатларини иложи борича аниқ, ўзи шоҳид бўлган мисоллар билан ўтказишга ҳаракат қиларди. Улашилаётган фикр-мулоҳазаларининг бошланғич асосий манбалари қилиб энг аввало Шарқ табобатининг, тиббиётининг нодир намуналарини оларди. Масалан, у Абу Али Ибн Синонинг машҳур «Тиб қонунлари» асарида хотин-қизлар тиббиёти ва касалликларига тўхталиб, у ерда бир қанча гинекологик касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари, уларни аниқлаш, даволаш ва олдини олиш йўллари баён этилганини, айни вақда акушерлик (доялик)ка ҳам махсус боб ажратилганини ҳикоя қилганида тушунтириш давраларидаги қизиқиш беихтиёр янада ортарди.

Деярли биринчи марта ўз ҳузурларида бундай имкониятга эга бўлган аёллар, айниқса, ёш оналар ва келинчакларнинг «ўз дўхтирлари»га саволлари кўп эди. Ойшахон Қўчқорова уларга ҳар томонлама мала-

кали, қониқарли жавоб бериб, раҳмат эшитарди. У айнаи вақтда олис қишлоқларда, тибпункт ва поликлиникаларда хизмат қилаётган ўрта маълумотли акушер-ҳамширалар билан ҳам суҳбатлар ўтказди, уларга йўл-йўриқлар, маслаҳатлар берди, соҳага оид энг сўнгги янгиликларни улашди. Сафарлари давомида қишлоқларда аёлларни туғдирувчи баъзи табиб момолар билан танишди. Уларнинг халқ табобатига асосланган фаолиятини бутунлай инкор этмаган ҳолда, ҳомиладор аёлларни хушёр бўлишга, лоқайдликка берилмасликка чорлашда ёрдамга даъват этди.

Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармасининг навбатдаги йирик йиғилишларидан бирида яна аёллар ва болалар соғлигини ҳимоя қилиш борасида гап кетганида бу соҳада ниҳоят қувонарли олға силжиш юз бераётгани таъкидланиб, ушбу ўзгаришга муносиб ҳисса қўшаётганларнинг исм-фамилиялари тилга олинганда биринчи навбатда Ойша Қўчқорованинг номи айтиб ўтилди!

Унинг эл соғлиги йўлидаги фидойилигини яна бир факт такрор исботлайди: 1974 йилдан Наманганда Санавиация хизмати янада кучайтирилди. Шунда, таклифни эшитиши билан у бу тезкор, лекин ғоятда масъулиятли ишда иштирок этиш хоҳишини билдирди. Бир ойда 8—10 марта навбатчилик қилишга тўғри келадиган бу хизмат пайтида у қанчадан-қанча одамларнинг кунига яради. У ҳозир ҳам вилоятда санавиация хизматининг сара фаолларидан ҳисобланади.

У, асосий иш жойи — 2-туғруқхонада ҳам малакасини муттасил ошириб бориб, энг моҳир акушер-гинекологга, Роза Абрамованинг ўнг қўлига айланган эди. Шахсан Бош ҳақиманинг тавсияси билан у 1963 йилда бўлим мудирини этиб тайинланди. Унинг муваффақиятларида яна бир фидойи ҳақиманинг хизматлари, ҳиссалари катта бўлди. Надежда Первенцева деган бу аёл ҳам Роза Абрамова каби Наманганда тиббиётнинг акушерлик-гинекология соҳаси бўйича ўзига хос мактаб яратган атоқли шифокор эди. Унинг қизи Людмила Первенцева шундай ҳикоя қилади:

— Бир кунини онам ишдан уйга айрича хурсанд ҳолда келиб, «Роза Натановнанинг бир ажойиб шогирди бор. Аллақачон ўз ишининг устаси деб танилган. Қўли ниҳоятда енгил. Яқинда туғруқхонада бир мурраккаб операция амалга оширилди. Абрамова бу ишни ҳам унга ишониб топширди. Қойилмақом қилиб уда-

лади. Она ҳам, чақалоқ ҳам омон сақлаб қолинди. Шу ҳамкасб синглимиз ҳатто менинг баъзи тажрибала-римдан, янгиликларимдан хабардор экан. Мени ҳам устоз деяпти. Опа-сингил, устоз-шогирд бўлиб боряп-миз», деган. Кейин билсам, бу акушер-гинеколог Ойшахон Қўчқорова экан. Раҳматли онам умрининг охиригача унинг билан фахрланиб юрди. Шогирдлари ҳақида гапиришга тўғри келса, ёки бирон учрашув, йиғинда Наманганнинг етакчи акушер-гинекологлари мавзуида гап кетса, биринчилар қаторида унинг номи-ни ҳам тилга оларди. Ойшахон Қўчқорова Наманган-даги ҳар қандай йирик тиббий жамоада намуна бўли-ши мумкин, миллий тиббиётнинг фахри бўлиб, бутун эл—юртга танилса ажабмас, дерди.

Чин устозлар — чалғимайди, деган ҳикматнинг нечоғлик тўғри айтилганини давр яна бир бор исбот-лади!

Уни 1984 йилда Бош ҳақима Лайло Турсунованинг таклифи ва Соғлиқни сақлаш бошқармасининг қўллаб-қувватлови билан Намангандаги Марказий туғруқхо-нага бўлим мудури қилиб ўтказишди. Шифохона етак-чиси унинг садоқатли шогирдларидан бўлиб, ажойиб ташкилотчилик қобилияти бор эди. Шунинг учун ўзи кўпроқ маъмурий-ташкилий ишлар билан шуғулла-ниб, даволаш ва жарроҳлик ишларининг кайвонилиги-ни устозидан илтимос қилди. Мақсад битта, яъни туғруқxonани чинакам, ҳар томонлама мукамал Мар-казга айлантириш эди. Ташаббускор Бош ҳақима ва моҳир акушер-гинекологнинг жонкуярлиги, қолавер-са, аҳил, яқдил жамоанинг меҳнати туфайли Марка-зий туғруқxона тезда вилоятнинг энг олди тиббиёт масканларидан бири сифатида назарга тушди. Кўп ўтмай, Марказий туғруқxона ҳузурида реанимацион-гематологик бригада тузилди. Чақириқларнинг акса-риятига Ойшахон Қўчқорова борарди. Чунки, бригада таркибида унинг иштирок этиши операцияларнинг муваффақиятига аниқ кафолат эди.

Ўша йиллари республика радиожурналистлари «Аку-шер-гинеколог Ойшахон Қўчқорова ҳузурида» деган репортаж уюштиришди. Шунда мухбирлар моҳир шифокорнинг шогирдларига «Биринчи навбатда сиз устозингизнинг қайси хислатларини алоҳида таъкид-лашни истайсиз?» деган биргина савол билан мурожа-ат қилишди. Мана, ўша жавоблар:

— Ўз ишига нисбатан бетакрор фидойилигини;

— Доялигида туғилган чақалоққа худди ўзининг фарзандидай меҳр улашишини;

— Дадилигини, ўзига, ўзининг имкониятларига қатъий ишонишини;

— Ишда қаттиқ қўл бўлса-да, табиатан кўнгилчан, инсонпарвар, истараси иссиқлигини;

— Айрича шогирдпарварлигини;

— Ҳавас қиладиган даражада камтарлиги ва изланувчанлигини...

Изланиш ишининг асосий мазмунига айланган Ойшахон Қўчқорова 90-йилларга келиб, наманганлик акушер-гинекологларнинг бош устози сифатида эътироф этилди. 1991 йилда у ишалайдиган Марказий туғруқхонага Вилоят туғруқхонаси мақоми берилган экан, бу энг аввало аёллар соғлигининг ана шу фидойи ҳимоячиси туфайлидир, десак хато қилмаган бўламиз.

Ойшахон опа доялигида соғ-омон туғилган чақалоқларнинг сони бутунга келиб ўн мингтага етибди. Бу ўн минг хонадон қувончи, ўн минг тўй, ўн минг оила, ўн минг авлод демақдир!

Мен бу ажойиб воқеани эшитгач, Ойшахон опани махсус дилдан табриклайдим. Шунда, ҳакима «бундай натижага эришувимда доим ёнимда бўлган садоқатли шогирдларимнинг, ҳатто акушерка-ҳамшираларнинг ҳам алоҳида ҳиссалари бор», деди. Опа билан унинг қадрдон ишхонасига бордик. Туғруқхона ҳовлисига қадам қўйишимиз билан қўлларида гул ушлаган аёлларни кўрдим. Ойшахон опа «Мунаввархон янги меҳмонни одатдагидек соғ-омон кутиб олибди», деб қўйди хурсанд бўлиб.

— Нима билан табриклаймиз, Саодатхон? — деди ҳакима, тез юриб ўзига пешвоз чиқаётган ўрта ёшлардаги аёлга.

— Ниҳоят қиз неваралик бўлдик, шукр, опажон, — дея аёл Ойшахон опа билан кучоқлашиб кўришди. У хурсандчилигида давом этиб:

— Шогирдингиз Мунаввархонга минг раҳмат. Кетмасдан, ўзи бошида туриб доялик қилди, — деди.

Сўнг аёл етаклаб юрган гўдагини чақириб, «Нуржаҳон, момонгга салом қилмайсанми», деди.

Бола икки қўлини кўксига қўйиб, бошини эгиб, жажжиларга хос ширинлик билан «Ассалому алайкум!» деди. Шунда аёл «яхши, энди, жоним, Ойша момонгга аталган анув шеърингни ўқиб бе-ра-сан-а?»

дея эркалатди. Бола хўп дегандай бошини ирғади-да.
Бирдан шеър ўқиб кетди:

Ойша момо — Ой момо,
Болаларга бой Момо.
Мен ҳам сизга ўғилман,
Биласизми, ҳой Момо?!

Кутилмаган бу «сюрприз» дан беҳад мамнун бўлган ҳақима дарров энгашиб, бийрон тилли боланинг юзидан меҳр билан ўпди ва:

— Биламан, ширинтой, биламан.

Сен ануви Нурсан-ку,
Ҳозирданоқ зўрсан-ку! —

дея такрор эркалатди. Сўнг у менга қараб, «шунақа, укажон, буларнинг ширинлиги баъзан бизларни сизларга ўхшатиб шоир ҳам қилиб юборади», дея самимий кулди.

Мен беихтиёр Ойшахон опанинг дилбар кулгусига, севинчига ҳавас қилдим.

Невара кўрган аёл Ойшахон опага мурожаат қилди:

— Энди, опажон, сиздан битта илтимосимиз бор.

— Эшитаман, жоним билан, — деди ҳақима.

— Янги неварамизга сизнинг исмингизни қўймоқчимиз, йўқ, демайсизми?

Бу кутилмаган савол эди. Шунинг учун ҳақима дарров:

— Исм қўйиш ҳар кимнинг ихтиёри-ку, лекин, қандай бўларкин, баъзилар нотўғри тушуниши мумкин, бундан чиройлироқ исмлардан бирини қўйсак бўлмайдими, Саодатхон? — деди.

— Биринчидан, сизнинг исмингиз ҳам жуда чиройли, сермаъни исм, биласиз, опажон, — деди аёл, — иккинчидан, биласизми, биз, оиламиз билан бу ниятни анчадан бери кўнглимизга тутиб юргандик. Аксига олиб келинларим, — жилмайди у, — кетма-кет ўғил туғаверишди. Мана, ниҳоят худо бизга ҳам қиз невара ато этди. Аввалги невараларимнинг ҳаммасига, яъни олти ўғилга ҳам ўзингиз, шогирдларингиз худди шу ерда доялик қилгансизлар. Қарийб бизники бўлиб қолгансиз. Лекин, барибир, сизни бизга Маҳмуджон ака, болаларингиз беришмайди. Шунинг учун янги неварамизга Ойшахон деган исм қўямизда, буларнинг катта момоси биз билан деб, ўзимизни овунтириб юрамиз, опажон!

Аёл болаб кўндирдимми, дегандек юрак-юрагидан овоз чиқариб, самимий кулди...

Ойшахон опа «баъзилар нотўғри тушуниш мумкин» деганида аввал ҳам шундай таклифлар қайд этилганини, яъни битта она унга астойдил ҳавас қилиб, иккинчиси эса, ҳурмат ва беқиёс миннатдорчилик рамзи сифатида қизларига исмини беришганини ўйлаб, бу «удум»га айланса, менга ноқулай бўлади, деган хаёлга борган эди.

Туғруқхона эшигидан чақалоққа доя бўлган акушер-гинеколог чиқиб келди. Кўкси гулларга тўлган шифокорни таништираётиб, Ойшахон опа фахр билан шундай деди:

— Менинг энг суюкли шогирдларимдан бири — Мунаввархон Шокирова. Сизлар газетада «Аёл билан мунаввар олам» деб ёзасизлар, бизлар эса, «Мунаввар билан мунаввар роддом», деймиз.

Шогирд:

— Ошириб юбордингиз-ку, устоз? — дея самимий кулди...

Ойшахон опа бутунги кунда ўз шогирдларига ана шундай миннатдорлик кулгуларини, севинчларини улашиб келаётган меҳрибон устоз сифатида ҳам машхур. Унинг йўл-йўриқлари асосида иш ўрганиб, касб сирларини ўзлаштириб, тажрибаларига амал қилиб фаолият кўрсатаётган тиббиётчиларнинг сони беҳисоб. Улар орасида ҳозирги кунда Наманган акушерлик-гинекология мактабининг йирик жамоаларини муваффақиятли бошқариб келаётган ташкилотчи тиббиётчилар бор. Масалан, шундай садоқатли шогирдларидан бири — Клара Муҳиддинова у ишлаётган Вилоят туғруқхонасининг бош ҳақимаси, Лайло Турсунова Наманган шаҳридаги 1-туғруқхонага раҳбарлик қиляпти. Мунаввар Шокировани у ўзига муовин қилиб олди. Мамлакат Худойберганова эса, шаҳардаги 3-аёллар маслаҳатхонасининг мудирини. Туманларда ишлаётган шогирдлари орасида Дилбар Тожибоева, Санобар Холиқова ва бошқа изланувчан акушер-гинекологлар бор.

Ойшахон Қўчқоровага Президентимиз Фармони билан «Ўзбекистон Қаҳрамони» фахрий унвони ва Олтин Юлдуз медали берилган кунларда К. Муҳиддинова журналистларга берган интервьюсида моҳир устози ҳақида қуйидаги дил сўзларини айтган эди:

— Биз, бутун жамоамиз Ойша опа билан фахрланамиз. Масалан, мен меҳнат фаолиятим давомида

унинг бирон марта ҳам иш, касб мураккабликларидан нолиганини, оғир соатларда ўзини четга олганини эслай олмайман. Устоз ўз касбига фидойиликнинг ўзига хос тимсолидир. Меҳнат фаолияти даврида у минглаб ҳомиладор аёлларга тиббий ёрдам кўрсатди. «Ойшахон опанинг қўли тегса бўлди, ҳар қандай оғриқдан асар ҳам қолмайди» — бу миннатдор она-ларнинг дили сўзидир.

Шу ўринда мен бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Ойшахон опа оғир операциялар чоғида ҳомиладорлар вужудидаги бутун аёллик иқтидорининг соф қолиши учун астойдил курашади. Ҳолбуки, айрим жарроҳлар шошма-шошарлик қилиб, гўё тезкорлик билан иш юритаётганга ўхшаб, аёлларни муҳим без ёки аъзоларидан маҳрум қилишади. Бундай оналар, охир-оқибатда ўз ҳаётларидан кўнгли тўлмай яшашади.

Биз шунинг учун чексиз хурсандмизки, вилояти-мизда устозимиз Ойшахон Қўчқорова яратган ўзига хос акушерлик-гинекология мактабининг ибрати, даъвати ва таҳлилари туфайли бундай камчиликларга ҳам барҳам берилаётир.

Ойшахон опа оилада садоқатли жуфти ҳалол, бетакрор уй бекаси, меҳрибон она. Унинг турмуш ўртоғи Маҳмуджон Аҳадов ҳам тиббиётчи. Улар Андижонда деярли бир пайтда, бир институтда ўқишган. Маҳмуджон Аҳадов айни кунларда Намангандаги «Тез ёрдам» вилоят шифохонасининг жарроҳлик бўлимини бошқармоқда. У вилоятнинг энг моҳир, энг етакчи жарроҳи ҳисобланади. Маҳмуджон ака ўтгиз йилдан ортиқроқ иш фаолияти давомида қанчадан-қанча беморларнинг кунига ярамади?! Қанчадан-қанча одамларни ўлим чангалидан қутқариб қолмади?! Наманганда унинг жарроҳлик қайчисини мўъжизавий, шарофатли, ҳаётбахш деб аташади. Шунинг учун ҳам вилоят аҳли юксак ҳурмат ва эҳтиром рамзи сифатида уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутат қилиб сайлашган.

Наманганликлар уйда ҳам, ишда ҳам бир-бирига ҳамкору ҳаммаслаҳат бўлиб, ёрдам улашиб, ўзларининг соғлиги учун курашиб келаётган Ойша Қўчқорова ва Маҳмуджон Аҳадовни «вилоятимиз тиббиётининг қўшчинори», дейишади фахр билан.

Уларнинг суюкли қизлари Гулузрахон ҳам онаси изидан бориб, Давлат тиббиёт институтини битирди. У ҳозирги кунда онасига муносиб акушер-гинеколог бўлиб ишлаяпти. Демак, бемалол айтиш

мумкинки, Наманган эндиликда ўзининг яна бир шифокорлар сулоласига эга.

Фидойи тиббиётчиларнинг ўғиллари — Баҳодиржон ва Жаҳонгирбек Тошкентдаги Автомобиль йўллари институтини аъло баҳолар билан тугатишган. Биринчи вилоят автотрестида, иккинчиси автокорхонада муҳандис бўлиб ишлаётир.

Халқ соғлигининг Қаҳрамон ҳимоячиси, халқ ҳақимаси Ойшахон Қўчқорова ҳақидаги ҳикоямни тугатар эканман, беихтиёр тўрт яшар ширинтой ўқиган «Болаларга бой Момо» шеърини эсладим. Шунда, унга «сен энди «Момоларга бой бола» деган шеър ўқигин, дегим келди. Чунки, ўша Нуржаҳон ва унинг укачаларини, бугун-эрта дунёга келаётган мурғаккина чақалоқларни қўлида кутиб олаётганлар сафида Ойшахон опадай улуғ момолар кўплиги учун ҳам улар бизнинг, Истиқлолимизнинг эзгу нияти — Соғлом авлод сафига йиғлаб эмас, қўшиқ айтиб қўшилишяпти!

БОҒОТДА БОР БИР САРДОР...



— Машарип! — шундоқ даҳлиздан эшитилган бу таниш овоз кабинетда ишлаб ўтирган раиснинг хаёлини бўлди. У ўрнидан тураркан, дарров:

— Лаббай, — деди.

Қараса, эшиқдан кулиб устози Абдулла ака кириб келяпти.

— Кетибсиз-ку ёшариб! — меҳмон шундай дея кучоғини очди.

У киши билан кучоқлашиб кўришаётиб, Машарип оға ҳам бўш келмади:

— Қолганмасман мен қариб!

Устоз-шогирд дилдан хоҳолаб кулишди.

— Биру бир, — деди Абдулла ака. Сўнг у бирдан давом этди. — Аслида, сизни мот қилиш учун бундай дейишим керак экан, Машарипвой:

Юрибсизми тинчгина
Ютуқларни «ўмариб!»

Кабинетда яна самимий кулгу янгради...

Ҳа, ўша куни устоз. — Абдулла Худойберганов шогирди — саксонинчи йиллардан бошлаб моҳир жамоа хўжалиги раҳбари сифатида танилган Машарип Қувақовни навбатдаги меҳнат ютуқлари билан табриклагани келганди. Улар бир пиёла чой устида дилдан суҳбатлашишди. Мезбон иззатли оқсоқолга яқин орадаги режаларини гапириб берди. Устоз қишлоқларнинг ҳаммаси табиий газ ва ичимлик сув билан тўлиқ таъминланганидан хурсандчилигини изҳор этди. Йигирма икки йил бурун бўлган воқеалар эсланганда эса, Абдулла оға, «Мен сени билардим ва сенга ишонардим, шунинг учун ҳам ўшанда баралла овоз билан «Қўрқмай, хўжаликка боравер, эплаб кетасан», деганман, деди ифтихор билан...

Шундай. Бутунги кунда кўксига «Ўзбекистон Қаҳрамони» Олтин Юлдузи порлаб турган Машарип Қува-

қовга Хоразмдагина эмас, балки, бутун республикада таниқли эл сардори Абдулла Худойберганов «оқ йўл» тилаган...

Етмиш биринчи йили Боғот туманининг Юмалоқ тўқай деган жойида шолчиликка ихтисослаштирилган давлат хўжалиги тузилди. Анатолий Тегай бош бўлган янги хўжалик ишни ёмон бошламади. Минг гектар ерда деҳқончилик қилинди. Ҳар гектар ер ҳисобига 28—30 центнердан қирмизи дон йиғиштириб олинди. Режа бўйича ерларни кенгайтириш, ҳосилдорликни ошириб бориш керак эди. Аммо хўжалик раҳбарияти ҳа деганда бу имкониятлардан фойдалана бермади. Устига устак — кутилмаганда директорнинг соғлиги ёмонлашди. Нима қилиш керак? Туман раҳбарияти директорни алмаштиришдан бошқа иложимиз йўқ, деган қарорга келди. У ерга кимни юбориш, кимни тайинлаш тўғрисида фикрлашув бўлганда туман раҳбари М. Воисов Боғот ёшларининг етакчиси Машарип Қувақов номзодини ўртага ташлади. Бу таклифни бошқалар «жуда муносиб» деб қўллаб-қувватлашди.

Ўша кунни туман раҳбари ҳузурига М. Қувақов таклиф қилинди. У муддаони эшитгач, эплаб кета олармиканман, ўйлаб кўрай, устозлар нима дейди, деди. М. Воисов удалаб кетасиз, ука, майли, ўйлаб кўринг, фақат тезроқ бўлинг, деб ўрнидан турди.

Абдулла Худойберганов унинг сўзларини эшитиши билан «иккиланиб ўтирмай, қўрқмай боравер, эплаб кетасан», деди.

Искандар Дўсов туман раҳбариятининг шогирдига бўлган таклифиңи ишончини эшитиб, ўзида йўқ хурсанд бўлди. Хурсанд бўладида! Ёшгина Машарип ўз иш фаолиятни худди шу машҳур раис қўл остида оддий табелчиликдан бошлаган эди. Бир қанча вақт ҳисобчилик қилди. Кейин бош иқтисодчи бўлиб ишлади. Шу йиллари Халқ хўжалиги институтини сиртдан ўқиб битирди. Сўнг хўжалик ёшлар ташкилотига раҳбарлик қилди. Қаерда, қайси лавозимда ишламасин, Искандар оғанинг кўнглидагидай фаолият кўрсатди. Туман ёшлар ташкилотига етакчиликка ўтиши ҳам Дўсовнинг маслаҳати билан бўлган.

— Сен бундай масъулиятли ишларни бемалол эплаб кетишга қодир, етилган кадрсан, Машарипвой,— деди Искандар оға. — Туман раҳбариятига раҳмат. Буни ўз вақтида англабди. Сени хўжаликка юбориб ютади, асло ютқазмайди. Улгурсанг, шу бугу-

ноқ белни маҳкам боғлаб, янги ишга отланавер. Ёрдам керак бўлса, мен тайёрман. Пенсияонер бўлсак-да, тўкилиб қолганимиз йўқ!

Меҳрибон устознинг кейинги сўзлари унга айрича руҳ ва куч бағишлади.

— Ишончларингиз учун раҳмат, оға, уни оқлашни ўзимнинг асосий бурчим деб биламан, — деди у ўрнидан тураркан.

Машарип Қувақов ўша куни М. Воисовга учрашиб, розилигини айтди. Шунда туман раҳбари:

— Ўзимам Абдулла отанинг, Искандар оғанинг шогирди бир оғиз «хўп»ни чўзиб юради ёки «узр» дейди, деб ўйламагандим, — дея унга янги ишда муваффақият тилади...

Машарип Қувақов хўжалиқдаги ишини кадрларни ўзининг «қовоғига қаратиш» ёки уларни «тозалаш»дан бошламади. Туман ёшлар ташкилотида ишлаб юрган кезлари бу ерда кўп бўлган, кўзга кўринган одамларини яқши билар, умуман, хўжаликка бегона эмас, аксинча, яқин эди. Шунинг учун энг аввало маъмурият ходимлари ва бош мутахассасларни йиғиб, улар билан дилдан, ҳеч қанақа расмиятчиликсиз фикрлашиб олди. Ишни талаб қилинганидай давом эттириш, имкониятлардан самаралироқ, кенгроқ фойдаланиш учун нималар қилиш кераклиги тўғрисида биринчи навбатда уларнинг мулоҳазаларини, таклифларини эшитди. Бирон баҳсли фикр айтилган бўлса, унга ундай эмас, бундай, деб эътироз билдирмади. Собиқ директор ҳақида таниқидий фикр билдирилганида «дўстлар, биласизлар, бировнинг орқасидан гапириш ноқулай, у киши ўз имконияти даражасида ишлади, балки, соғлигини шу хўжалик деб йўқотгандир, шунинг учун директорга тезроқ соғайишини тиласак, етади», деган илтимосни айтди. Сўнг ўзи ихчамгина қилиб, ҳеч қанақа буйруқ ёки кўрсатма топшириқсиз ният-режаларини ўртоқлашди.

Эртаси куни эса, у бригадаларнинг етакчилари ва таниқли меҳнат фахрийлари билан самимий гаплашиб олди.

Хўжалиқдаги мавсумий, жорий юмушларни ўз вақтда бошлайтиб юборган директор фақат деҳқончилик ёки «дала-дала» деб қолмади. Янги ерлар очиш билан бир қаторда хўжаликнинг иқтисодий имкониятларидан, шунингдек, қўшимча имкониятлардан келиб чиқиб, уй-жой, ишлаб чиқариш, маданий-маиший бино-

лар қурилишига алоҳида эътибор берди. Хўжалик тезроқ ўзининг янги турар жойлари, мактаблар, болалар боғчаси, клуб, маъмурий биносига эга бўлиши учун интилди. Ишлаб чиқаришнинг эҳтиёж сезилган ҳал қилувчи участкаларига, бригадаларга бошқаларга нисбатан ишнинг кўзини биладиган, тажрибали, маълумотли кишилар раҳбар этиб тайинланди.

Хўжаликнинг дастлабки йиллардаги муваффақиятлари ҳақида гап кетганда Машарип оға доимо Искандар Сафоев, Машарип Ражабов, Қодир Оллоберганов, Рустам Султонов, Исмоил Жабборов, Шоназар Матёқубов, Самандар Сафоев каби ишбошиларнинг номларини алоҳида ҳурмат билан тилга олади.

— Энг аввало худди мана шу фидойилар туфайли дастлабки тўрт йил ичида шоли ҳосилдорлигини гектар бошига 28—30 центнердан 45—50 центнерга етказганмиз, — деб ҳикоя қилади раис. — Ялпи ҳосил икки баравар кўпайди. Етакчи сифатида 15—20 йилдан бери мунтазам фаолият кўрсатиб келаётган бу сертажриба бригадирларни мен эркалатиб «Юмалоқ тўқайнинг шерлари» дейман. Одам арслондай, арслонсифат бўлмаса, «тўқай»да ғаллазор яратиб, деҳқончилик қилиб бўладими?!

Бош ҳосилот Комилжон Абдуллаев, бош иқтисодчи Ортиқбой Тожиёв, бош ҳисобчи Юсуфбой Нурматов, шунингдек, Ёқуббой Рўзимов, Қурёз Абдуллаев, Аминбой Примов каби фаолларимиз ҳам — менинг чинакам таянчларим, маслаҳатчиларим, ишонганларим. «Боғот» илк қадамларининг зафарли бўлишида уларнинг хизмати катта. Ҳар қандай ишда, ташвишда ҳар бири менга муносиб елкадош бўлган.

Саксонинчи йилларнинг ўрталарига келиб хўжаликда деҳқонбоп ерларга янгидан икки минг гектар ер кўшилди. Бошқа жойлардан кўчириб келтирилган 300 дан ортиқ оила барча эҳтиёжларга эга турар-жойлар билан таъминланди. Хонадонларни электр, табиий газ, тоза ичимлик сув билан таъминлаш ишлари ниҳоясига етказилди.

У экин ерларни кенгайтириш, ҳосилдорлигин оширишдек вазифани уддаладигу, аммо хўжалик кўп тармоқлимас-да, деб ўйланиб юрган ўша йиллари, аниқроғи, 1983 йилда «Боғот»га вилоят миқёсида қишлоқ хўжалик масалалари билан шуғулланувчи раҳбар Ф. Машарипов ташриф буюрди. Шунда у киши айна раис кўнглидаги гапни айтди:

— Шундай номдор, бақувват хўжалик қачонгача кўптармоқлиқдан узоқ юради, ёшулли? Буни кечиктирмай ўйлаб кўриш керак.

— Файрат Назарович, кўнгил яқин-да, дилимдаги гапни айтдингиз. Бу ҳақда ўзим ҳам анча вақтдан бери ўйлаб юргандим. Маслаҳатлашиш учун ҳузурингизга бормоқчи эдим. Сизни худо етказди. Энди бемалол гаплашиб оламиз. Эътирозингиз мутлақо ўринли.

— Қандай ёрдам керак бўлса, биз тайёр, муаммолар бўлса, айтинг. Шу тариқа қадрдонларнинг «дилдаги гап» бўйича маслаҳатлашуви бошланди...

Кейинги йили хўжалиқда чорва учун бир қисм ерга маккажўхори, беда, бир йиллик хашаки ўтлар экилди. Боғлар кенгайтирилиб, 110 гектарга етказилди. Буғдойдан бўшаган ерларга шу заҳоти шоли, маккажўхори, полиз экинлари уруғи сепилиб, ердан йилига 2 марта ҳосил олиш йўлга қўйилди. Боғотликлар кунжут билан ҳам деҳқончилик қилишга киришар эканлар, унинг ниҳоятда фойдали ва сердаромад экин эканлигини вилоятда биринчи бўлиб исботлашларини ҳечам ўйлашмаган эди.

— Кунжут экилган далаларнинг ҳар гектари ҳисобига 150 минг сўмдан ошириб даромад олдик, — дейди бош ҳосилот К. Абдуллаев. — Бу бошқа экинлар даромадидан уч-тўрт баробар кўп, харажати эса шунча кам.

— Кейинчалик «Боғот боғистони» деб эътироф этилган мевазор ва дарахтзорларимизнинг ташаббускори, ташкилотчиси ҳам раисимиз Машарип оға бўлган, — дейди боғдорчилик мутасаддиларидан бири А. Примов. — Ҳозирги кунга келиб, масалан, мевазорларимизнинг умумий майдони юз гектардан ошиб кетди. Хўжалигимизда киши ҳисобига 100 кв метрдан дарахтзор тўғри келади. Биласизми, биргина шафтолизорларимизнинг ўзидан дастлабки йилларда 200 минг сўмга етказиб даромад олганмиз. Ҳозир бу рақам 340—350 минг сўм бўлиб қайд этиляпти.

1986 йили Машарип Қувақовни вилоят агросаноат уюшмаси раисининг иқтисодий масалалар билан шуғullanувчи биринчи муовини қилиб кўтаришди.

Ўша йиллари, бутун республикамизда бўлгани каби, Хоразмда ҳам қишлоқларда ерни бригада пудрати, оила пудрати асосида ишлашга ўтиш ҳаракати кенг авж олган пайт эди. Кўп ўтмай, бу усулда ижара пудратига ўтилганини кўпчилик билади. Вилоят агро-

саноат уюшмаси раисининг ўринбосари Машарип Қувақов зиммасида ана шу масаалар билан шуғулланиш вазифаси турар эди. Бу масъулиятли ишни кўнгиладгидек бажариш учун тинмай қишлоқларни айланишга тўғри келди. М. Қувақов эринмай деҳқонларга янгиликларнинг афзаллигини тушуңтирди, ҳатто давраларда, семинарларда «Пудрат ва моддий манфаатдорлик» мавзуларида махсус маърузалар билан чиқди. Шу тариқа у беш йил вилоят миқёсида самарали фаолият кўрсатди. Ўзига топширилган янги ишни ҳам муваффақиятли уддалагани учун вилоят раҳбарияти унга катгароқ лавозимлар таклиф этди. Лекин у, қишлоқларда юравериб қишлоғини соғиниб қолганиданми, қадрдон хўжалигига қайтишни истади. Қолаверса, уни қишлоқдошлари ҳам орзиқиб кутишарди...

Хўжалик аъзоларининг талаби билан тўқсон биринчи йили у яна қадрдон «Богот»ига қайтди. Ишни ер ўзлаштиришдан давом эттирди. Фаоллар, мутахассислар билан кенгашиб, ҳар йили ўртача 100—150 гектардан янги ер ўзлаштириб боришни асосий мақсадлардан бири қилиб қўйди. «Тўпчи», «Юмалоқ» тўқайлари ўрнида янги серҳосил боғлар, дарахтзорлар барпо этилди. ШОли майдонлари кенгайтирилди. Натижада ялли маҳсулот ҳажми янаям ошди, масалан, бир вақтлар бир йилда 4,5—5 минг тонна қирмизи дон тайёрланган бўлса, кўп ўтмай, бу соҳада 13 минг тонналик маррага эришилди.

Бундай изланишлар, ўзгаришлар ҳисобига келган даромад — маблағни раис ўз анъанасига содиқ қолиб, яна энг аввало одамларнинг турмуш ва иш шароитларини яхшилашга сарфлаттирди. Яъни, алоқа хизмати яхшиланди, савдо, тиббиёт, маданий-маиший хизмат тармоқлари кўпайтирилди. Далачилар ва чорвадорларга яратилган қулайликлар алоҳида назардан ўтказилди. Шу тариқа тўрт-беш йил ичида кетма-кет ўнта янги дала шийпони ва ферма қуриб фойдаланишга топширилди.

Тўқсон бешинчи йили давлат хўжалиги жамоа хўжалигига айлантирилди. Кун тартибидаги асосий вазифа бир қатор иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишдан иборат эди. Шунинг учун аввало ерлар аъзоларга тақсимлаб берилди. Илгариги бригадалар ўрнида 13 та ижара бирикмаси ташкил этилди. Ҳар 100 гектар ҳисобига ҳайдов ва чопиқ тракторлари, бошқа ер ишлаш қуроллари бўлиб берилди.

Кейинги йил хўжалик тарихига алоҳида йил бўлиб кирди. Хоразм учун кутилмаганда қийинроқ бўлган ушбу йилда «Богот» вилоятда йилни зарар кўрмай яқунлаган ягона хўжалик сифатида яна довруф таратди. Хўжалик ҳамма соҳаларда 39 фоиз рентабелликка эришди. 165 миллион, яъни олдинги йилга нисбатан 81 миллион сўм кўп даромад олинди. Оддий деҳқоннинг ўртача йиллик даромади 125, механизаторники эса 155 минг сўмни ташкил этди.

— Худди шу йилдаги даромадлар шарофати билан икки йил бурун бошланган ажойиб ишларимизни ниҳоясига етказганмиз, — дейди фахр ила раис. — Булар учта новвойхона, макарон ишлаб чиқариш, мева қуриштиш, консервалаш цехлари, мойжувоз, тегирмонлардир. Энг муҳими, хизматимизда бўлган 2,5 минг гектардан ортиқ ер ана шундай даромадли экан, биз келгусида албатта цехларимизни заводга, новвойхоналаримизни эса худо хоҳласа, комбинатга айлантирамиз!

«Богот»нинг каттасидан кичигигача 1997 йилнинг 27 январини ҳеч қачон унутмайди. Ўша куни Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасида бўлган йиғилишда Президентимиз Ислом Каримов хўжаликни энг яхши меҳнат жамоаси сифатида тилга олиб, бутун республикага ибрат қилиб кўрсатди!

— Бу табаррук эътирофдан кейин эришилган ютуқлар билан кифояланиб қолишга ёки янгиликлар қилмасликка, изланмасликка ҳаққимиз йўқ эди, — деб сўзида давом этди Машарип Қувақов. — Биринчидан, 1997 йилда 730 гектар ерда пахтачилик билан шуғулланишга киришар эканмиз, андижонликлар тажрибасига амал қилиб, унинг бир қисмига плёнка остида чигит экдик. Иккинчидан, шолини кўчатлаб экиш тажрибасини бошладик. Ижарачиларимиз 15, хўжалик эса, 60 гектар ерга қирмизи дон уруғини кўчатлаб экди. Июль ойи бошларида буғдойи йиғиб олинган майдонларга кўчириб ўтқазилган ниҳолларнинг ҳосили ҳатто асл шолিপоялардагидан ҳам мўл.

Фидойи эл сардори жонажон хўжалиги аъзолари билан ана шундай ташаббускорликнинг, янгиликнинг самараларини кутиб турган, навбатдаги йилни ҳам муваффақиятли яқунлашга барча асослар яратилиб қўйилган бир пайтда унинг ҳаётида тарихий воқеа юз берди: 1997 йил августда Президентимиз И. Каримовнинг Машарип Қувақов ва яна унинг уч замондошини «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони ва

Олтин Юлдуз билан мукофотлаш тўғрисида Фармони эълон қилинди.

— Машарип Қувақов муваффақиятининг сирларини, менимча, энг аввало, унинг халққа яқинлигидан қидирмоқ керак, — дейди ҳозир Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг вилоят Кенгашини бошқараётган Ғайрат Машарипов. — Кўпчиликка маълумки, Хоразмнинг Абдулла Худойберганов, Искандар Дўсов каби раислари халққа яқинликнинг бетакрор тимсоллари эди. Уларнинг ҳар бири эл сардорилик бобида ўз вақтида ўзига хос мактаб яратган. Машарип Қувақов ана шу машҳур мактаблар таълимини олганлиги учун ҳам қисқа фурсатда эл меҳрини қозонди. Яъни, ишга киришар экан, биринчи галда «план»ни эмас, халқни, унинг турмуш шароитларини ўрганди, ўй-дардларини тинглади, қувонч-ташвишларига шерик бўлди. Эл эса, унинг ва ўзларининг олдида турган вазифалар устида бош қотирди, уларни муносиб бажариш ҳаракатида бўлди.

Иккинчидан, бул раис ғоятда имкониятқувар раҳбар. Хўжаликка, одамларга ёрдами тегадиган бирор имконият сездими, пайқадими, у қўшимча ерми, янги наври, мукофот-рағбатлантиришми, бундан қатъий назар, ундан иложи борича фойдаланишга интилади. Унинг яна бир фазилати — мажлисбозликни, расмиятчиликни ёмон кўради. Одамларни овора қилиб қишлоқлардан чақириб, йиғиб ўтирмайди, ўзи уларнинг хузурига боради. Яна бир нарса, у ҳозирча далада ишлайдиган ота-оналарнинг фарзандлари бўлган, келгусида ўқиб, хўжалик учун янги кадрлар бўладиган, унинг шаънига шаън қўшадиган болалар ўқиётган мактабларга жуда катта эътибор беради.

Доимо ана шундай диққат-эътибор, ватхўрлик билан сийланган миннатдор одамлар раиснинг обрўнуфузи, қиёфасини белгиладиган хўжалик муваффақиятлари учун курашади-да!

Биз ЎзХДПнинг Машарип Қувақовдай аъзолари борлигидан эса алоҳида фахрланамиз. У партияимизнинг куюнчак фаоли сифатида тадбирларимизда мунтазам жонкуярлик билан қатнашиб, ёрдам бериб, ўзининг ҳар томонлама сиёсий етук инсон, раҳбар эканлигини алақачон исбот этган.

Бош ҳосилот Комилжон Абдуллаев шундай ҳикоя қилади:

— Машарип оға ҳам машҳур устозлари каби ниҳоятда шогирдпарвар, кадрпарвар раҳбар. Баралла

овоз билан айтиш мумкинки, бугунги кунда у кишининг ҳам ўзига хос мактаби бор. Биз — шогирдлар бу мактабдан, энг аввало, одамлар билан қандай ишлашни, меҳнатсеварликни, фидойиликни, садоқатни ўргандик. Устознинг ўта одамийлиги, меҳр-оқибатлилиги ҳам биз учун доимо ибрат. У киши ҳаммага бирдай самимий, кулиб, меҳр билан муносабатда бўлади. Бировда бирор камчилик сезса ёки кечикиш, улгурмаганлик юз берса, бошқаларга ўхшаб, тилло топгандай бақириб, уришиб, жеркиб, ёки «муҳокама» қилиб ўтирмайди. Бир оғиз «такрорланмасин» деб қўя қолади.

Табиийки, ҳаётда истамасак ҳам, йўқотишлар бўлиб туради. Шундай пайтда Машарип оға бошига ғам тушган одам кимлигидан, у мутахассис ёки бригадирми, подачи ёки қоровулми, бундан қатъий назар, биринчилардан бўлиб унинг хонадонига бориб кўнгили сўрайди, ёрдам уюштиради. Шахсий ҳаётда ва ишда муваффақиятга эришган одамни табриклашни эса, агар хабар топган бўлса, ҳеч қачон қанда қилмайди. Қариялар, меҳнат фахрийларига алоҳида хурмат билан қарайди, тўю байрамларда, ҳайит кунлари уларни албатта ўзи бориб йўқлайди, улгуролмаса, фаолларни, бизларни юборади.

Машарип оғанинг мутахассислиги — иқтисодчи. Лекин у киши деҳқончиликни, яъни агрономияни меҳдан яхши билади, десам ишонаверинг. Шу ўринда бир характерли фактни мисол қилиб келтирмоқчиман: Хўжалигимизда боғ яратишга киришилаётганда баъзилар шоли экилган жойларда боғ яратиб бўлмайди, мевали дарахтлар заҳда йўқ бўлиб кетади, деган эътирозни билдиришди. Шунда устоз дадил туриб «баланд ва атрофидан заҳқаш ўтказиладиган далаларда бемалол боғ бунёд этиш мумкин, мен бу ҳақда ўқиганман, Тошкентга тушганимда машҳур мутахассислар билан фикрлашганман», деган. Шу тариқа кейинчалик «Боғот боғистони» деб таърифланган ўзимизнинг улкан боғга эга бўлганмиз!

«Боғот»нинг бош боғбони ким деганда ҳеч иккиланмай раисимизни — устозни ёзаверинг, ёшулли!

— Мен ҳозир пенсиядаман, — дейди хўжалик равнақиға муносиб ҳисса қўшган бободехқон Искандар Сафоев. — Вақти-вақти билан ўзимизнинг шифо масканларимизда соғлигимни мустаҳкамлаб тураман. Мактабларда, ёшлар ҳузурида бўладиган учрашувлар-

да иштирок этаман. Шундай давраларда тиббиётчилар, муаллимлар, ҳатто ўқувчилар ҳам Машарип оға ҳақида миннатдор бўлиб, алоҳида ҳурмат билан гапиришади. Шунда қадрдоним — раисимиз билан беихтиёр фахрланиб кетаман, теримга сиғмайман. Яқинда, навбатдаги учрашувлардан бирида ўқувчилардан биттаси қуйидагича шеър ўқиб қолди:

Боғотда бор бир раис,
Элда довруғ таратган.
«Тўпчи» тўқай ерида
Ғаллазор, боғ яратган!

Ҳа, бизнинг раисимиз элда чинакам довруғ таратган раҳбар. Бундай замондошлар, Қаҳрамонлар ҳақида шеърларгина эмас, дostonлар ҳам ёзса арзийди!

Меҳнат фахрийсининг бу юрак сўзларига биз ҳам қўшилдик.

АНВАР САРКОР



— Сиз истаб бораётган ўша сирдарёлик биринчи Ўзбекистон Қаҳрамони жаноб Анвар Қурбонов (бу сўзлар юрак-юракдан, алоҳида фахр билан айтилди)нинг синфдоши, дўсти бўламан, — дея ўзини таништирган ҳамроҳим Кўнглимдан чиқиб, «агар хоҳласангиз у ҳақда икки оғиз гапириб ҳам беришим мумкин», деб қолди. Мен бажонидил рози бўлдим.

— Биласизми, Анваржон билан бир гўшада, яъни Гулистон туманининг «Боёвут» қишлоғида тўп тегишиб, кўча чангитишиб катта бўлганмиз. — Йўлдошимнинг сўзларидан ҳамон ифтихор туйғулари сезилиб турарди. — У болалигидаёқ фоятда эслахушли, одобли, ота-онасининг бир гапини ҳеч қачон икки қилмайдиган ўғил бўлиб ўсган. Унинг Норбой деган акаси бўларди. У бир мунча шўхроқ, ўжарроқ эди. Шунинг учун уйдагилари кўпроқ Анваржонни яхши кўришарди. Ёшимиз тенг бўлганлиги учун мактабга ҳам у билан бир пайтда, бирга борганмиз. У даставвал дарсларга ўртамиёна ўқувчи сифатида қатнашиб юрган. Кейинчалик, тўртинчи-бешинчи синфлардан бошлаб аълочилар сафига қўшилган. Анваржон спортга, айниқса, футболга ниҳоятда қизиқарди. Бир гал, ўсмирлик пайтимизда уч-тўрт ошна бир бўлиб радиодан «Пахтакор»нинг ўйини ҳақидаги репортажни эшитдик. Кутилмаганда сеvimли командамиз қайсидир жамоага ютқазиб қўйди. Бизлар хафа бўлдик, койиндик. Шунда Анваржоннинг «офайнилар, кўп эсилаверманглар, бу мағлубият «Пахтакор»нинг кейинги ғалабаси учун замин тайёрлайди», деган ақлли, катта ёшлиларга мос бамаъни гап айтганини ҳамон эслайман.

Анваржоннинг ишсеварлик хислати ўша ўсмирлик пайтидаёқ кўзга ёрқин ташланган. Тўғриси айтсам, у

бу борада биз, тенгқурларидан ажралиб турарди. Масалан, бизлар дарсдан кейин, мактабдан қайтгач, тўп суриш билан машғул бўлсак, у молларига қўшимча емиш учун ўт (баҳорда), ўчоққа ёқиш учун янтоқ (ёзда) ўргани далага чиқиб келарди.

Донолар «Бўлар бола — бошидан» деб бежизга айтишмаган. Бир куни, янглишмасам, ўнинчида ўқиётганимизда бўлса керак, синфдошларимиздан биттаси, «ҳовлимизда қурувчилар ишлаётган эди, иккитаси бирданига касалликка чалинган экан, балнисага олиб кетишди, акамнинг тўйигача қуриб битказилиши керак бўлган ошхонамиз энди кечикади», деб қолди хафароқ оҳангда. Шунда Анваржон «қурувчиларнинг бошқалари шу ердами, кетмаганми, ошна?» деб сўради. У «йўқ, ҳозирча уйда, ўзлари уч киши эди, энди барибир ёлғиз бир одам ишни давом эттира олмайдику?» деди. «Унда, биз унга ёрдам берамиз, асосий ишни бажарадиган одам бор бўлса бўлди-да, шу баҳонада иш ҳам ўрганамиз, майлими, ошналар?» деб Анваржон бизларни дарс тугагач, синфдошимизникига бошлаб борган. Худди келишилгандай эртасига навбатдаги каникулимиз бошланиб, иш тугагунча қурувчига ёрдам берганмиз. Яъни, иккитамиз лой тайёрласак, яна иккитамиз уни девор кўтарилаётган жойга ташиб турганмиз. Анваржон эса, қурувчига фишт олиб бериб турган. Биласизми, қурувчи «ҳумори тутиб қолди, болажонлар, узр, икки минут» деб папирос чекиб турганда у «ёмонмасми, бўладими, амаки», дея қўлидан келганича унинг ўрнида фишт терган. Шунинг учун иш битгач, қурувчи, ҳаммамизга миннатдорчилик билдираётганида Анваржонни уй эгасига кўрсатиб, «мана шу ёшида фишт теришга қўли келяптими, бу йигит, кўрасиз, келажақда мендан ҳам зўр қурувчи бўлади!» деган.

Ўшанда чин дилдан айтилган бу тилакка Оллоҳ ҳам «Омин!» деганми ёки моҳир қурувчининг юрак сўзи дўстимнинг бинокорликка бўлган қизиқишини кучайтириб, ишончини мустаҳкамлаганми, у ўрта мактабдан кейин армияда йигитлик бурчини ўтаб келиши билан, институт ёки техникумга кираман деб юрмасдан, тўғри қурилиш майдонига — 60-кўчма механизациялашган колоннага ишга борган. Уни туманимизда, қолаверса, бутун вилоятимизда бинокорлик ишининг ҳақиқий пирларидан деб танилган Акром ака Менгжигитов ўзига шогирд қилиб олган.

Мана шу фактда ҳам катта маъно бор, биродар. Биласиз, аксарият талабчан усталар ундай-бундай ёшларни қўл остига олишавермайди. Ким билади, ўшанда кўпни кўрган, тажрибали Акром ака Анваржоннинг кўз, сўзидан, ҳаракатларидан бирон нарсани англаганми, уч йил бурун танг аҳволда қолган ҳам-касбини қутқарган ёшлардан бири ҳузурига келганини савол-жавобдан билганми, ёки, унинг оиласини, хусусан, отаси — ажойиб инсон, фидойи меҳнаткаш Сарман Қурбоновни яхши таниганиданми, биринчи кундаёқ фақат мен билан ишлайсан деб, уни ўз ёнига, бригадасига таклиф этган. Орадан беш йил ўтар-ўтмас, ўзи ишини бошқа ерда давом эттирадиган бўлганда, «бемалол эплаб кетишига ишонаман» деб, ўрнига Анваржонни тавсия қилган.

«Чин устозлар чалғимади» деган ҳикматнинг ил-ботини кўрдингизми?! Анваржон ўқувчилик пайтидаёқ ўзига оқ йўл тилаган устанинг (минг афсуски, у кишининг исм-фамилияси ёдимдан кўтарилибди) ниятини амалга ошириб, «Энг зўр қурувчи» бўлиб етишди. Акром Менгжигитовдай машҳур бинокорнинг ишончини қойилмақом қилиб оқлади! Тасдиғи ҳаммага равшан: у вилоятдагина эмас, балки, бутун мамлакатимизда қурувчилар орасида биринчилардан бўлиб «Ўзбекистон Қаҳрамони» деган қутлуғ унвон билан тақдирланди.

Ҳикоям сал чўзилиб кетди, узр, биродар. Илож қанча?! Қаҳрамоннинг ошнаси, синфдошимизда!

— Ҳечқиси йўқ, Абдурахмон ака, — дедим ҳамроҳимга ҳавас билан, — сизга буюрган фахр бошқаларга ҳам насиб қилсин!

* * *

Ҳа, Анваржон йирик кўчма механизациялашган коллоннинг номдор бригадаларидан бирининг етакчилигига анча барвақт тавсия қилинганди. Лекин у шошиб ёки қийналиб қолмади. Аллақачон ака-ука бўлиб, қадрдонлашиб кетган жамоа аъзоларининг «қўрқманг ёки иккиланиб ўтирманг, Анваржон, биз бормиз, ҳаммаси, яъни, иш Акром ака даврида қандай давом этган бўлса, худди шундай давом этади, сизни асло уялтириб ёки ҳижолатга қўймаймиз», деган чин юрак сўзлари унинг кучига куч, ишончига ишонч қўшди.

Бригада янги мактаб қурилишида ишларди. Билим маскани Фрунзе номли (собик) жамоа хўжалиги ҳисо-

бидан барпо этилаётган эди. Шунинг учун улардан раис Шербек Эшонқуловнинг шахсан ўзи тез-тез хабар олиб турарди. Шундай ташрифларининг бирида, тушлик пайтида у:

— Анваржон, кеча эрталаб тонгда туман марказидаги катта мактабнинг дарвозасидан кириб кетяпминдигиз, у ерда ҳам ишлайсизми ёки меҳнат-пеҳнатдан дарс берасизми? — деб қолди бироз жиддий, бироз ҳазил оҳангида.

Ҳамма бирдан кулиб юборди.

У жавоб беришга улгурмасдан унинг тенгдош, қалин дўстларидан бири, кутилмаганда, гапни чинакамига ҳазилга айлантириб юборди:

— Биласизми, раис бува, ўртоқ Қурбонов спортдан, дзю-додан ҳам мутахассис, мактабда дарс беради!

Яна дўстларнинг самимий қаҳ-қаҳаси янгради.

— Буларга шундай гаплар бўлса — бўлди, Шербек ака, — деди ўзи ҳам кулишдан тўхтаб Анваржон. Сўнг хўжалик раҳбарига қараб давом этди: — Тўғри, раис бува, кеча амакимниқидан келаётганимда ўша мактабга киргандим. Билсангиз керак, у мактаб ҳам янги мактаб. Икки йилми, уч йилми бурун ишга тушган. Шу билимгоҳни бинокорлар, яъни ҳамкасбларимиз ғоятда замонавий, барча қулайликларга эга қилиб қуришган дейишади. Кўрмагандим. Иккинчидан, ҳозир ўзимиз ҳам мактаб қурилишида ишляпмиз-ку. Шунинг учун, ўша томонларга йўлим тушиб қолганлиги боис, у ерга бирров кириб чиқдим. Ҳақиқатан ҳам мактаб ажойиб қилиб қурилган экан. Агар истасангиз, ёрдам берсангиз, ўзимизнинг мактабни ҳам, айнан шундай бўлмаса ҳам (чунки, бу ерда алақачон иш бошланиб кетган, лойиҳа тасдиқланган) шунга яқин қилиб қурамиз.

— Ниятингиз учун минг раҳмат, ука, — деди кутилмаган бу таклифдан чексиз хурсанд бўлган раис. — Мактаб ўзимизники бўлса, ўзимизнинг болалар ўқийдиган, ўзимизнинг кадрлар меҳнат қиладиган маскан бўлса, гап йўқ, ёрдам берамиз. Қисқаси, биздан — маблағ, бригадангизга мукамал шарт-шароитлар яратиб бериш, сиздан эса, қуриш. Келишдикми?

— Бўпти...

Чинакам эл сардори, маданиятпарвар раис сифатида танилган Шербек Эшонқулов сўзининг устидан чиқиб, қурилишда ишлаётганлар учун аввал яратилганидан ҳам зиёда шароитларни муҳайё этди. Ҳатто керак бўлганда фойдаланишлари учун бинокорларнинг ихтиёрига махсус транспорт бериб қўйди. Иш жараёни Анваржоннинг таклифи билан бўладиган баъзи қўшимчаларга сарфланадиган харажатлар учун яна маблағ ажратди.

Анваржон «янги мактабни туман марказидаги худди шундай таълим масканига ўхшатиб қурамиз», деганида кўпроқ бу иш ўзининг бригада бошлиғи сифатидаги энг биринчи мустақил иши бўлаётганини ҳисобга олиб гапирган эди. Шунинг учун бригадаси билан раиснинг ҳимматидан руҳланган ҳолда меҳнат қиларкан, масъулиятни қалб-қалбидан янада чуқурроқ ҳис этди. Бинони ўз вақтида ва сифатли ишга тушириш учун бор тажрибасини, малакасини сарфлаб тер тўқди. Тагин, иш тугаганда мана бу нарсага эътибор берилмабди-да, деб юрмасликлари учун янги мактабнинг бўлажак эгалари — муаллимлардан беш-олтитасини таклиф этиб, уларнинг кетаётган иш ҳақидаги таассурот, фикрларини сўраб кўрди. Устози Ақром Менгжигитовни ҳам таклиф этиб, ишларини яна бир бор обдон кўрсатиб олди.

Режалаштирилган муддатда мактаб қурилиб тайёр бўлди.

6-сон ўрта мактаб янги биносининг фойдаланишга топширилиши ўзига хос тантанага айланиб кетди. Билим маскани ҳовлисига хўжалик фаоллари, муаллимлар, ота-оналар, ўқувчилар ва туман халқ таълими бўлимидан вакиллар йиғилишган эди. Митингга ўз жамоаси номидан миннатдорчилик сўзлари айтган мактаб директори: «Азиз бинокорлар, сизлар барпо этган ушбу масканда ҳали қанчадан-қанча, юзлаб, минглаб болалар таълим олишади. Демак, сизлар ҳозир бу ерда янги, кенг, чарогон синфхоналарда билим олишга шайланиб турган бугунги кунимиз ўғил-қизлари учунгина эмас, балки, эртанги авлодлар вакиллари, аниқроғи, келажак учун ҳам қимматли меҳнат қилдингизлар», деганида, Анваржон хурсанд бўлганидан терисига сиймай кетди. Қанчалик керакли касб танлаганидан беихтиёр мамнун бўлди, фахрланди. Бийрон тили бир қизалоқ ўқиган шеърни эшитганида эса, боши осмонга етди. Шеър шундай сатрлар билан якунланганди:

Сизга олқиш, сизга таъзим! —
Шундай голиб юрингизлар.
Чунки, сизлар маърифатнинг
Масканини қурдингизлар!

Анваржонга навбатдаги қурилиш иншоотининг майдони деб туман марказий шифохонаси янги биносининг ўрнини кўрсатишганда баъзи ҳамкасбларига ўхшаб, йирикроқ идора ва ташкилотларнинг бўлажак маъмурий биноларидан бирортасини топширмайсизларми, деб ўтирмади. Ўз оти билан соғлиқни сақлаш муассасаси, яъни элга хизмат қиладиган маскан бўлса, қурувчига бундан ортиқ шарафли иш борми, дедида, таклифга дарров рози бўлди. Сўнг, иш бошланиши олдидан, одатдагидек (бу гал қурилишда иштирок этадиган иккинчи бригада етакчиси билан ҳамкорликда) меъмор лойиҳасини буюртмачиларга, тиббиётчиларга яна бир бор кўрсатиб олди. Эътирозимиз йўқ, меъмор бизларнинг барча таклифларимизни ҳисобга олди, деган фикр эшитгач ишни бошлаб юборди.

У ўзининг замонавий типда қурилган бош шифохонаси биносига эга бўлмаган туманда соғлиқни сақлаш ишлари унчалик яхши эмаслигини, айниқса, касалхоналарда беморларга мўлжалланган ўриндиқлар сони камлигини, одамлар баъзида қўшни туманларга, вилоят марказига бориб даволанишга мажбур бўлаётганлигини эшитиб юрарди, биларди. Шунинг учун янги иш жараёнининг дастлабки тушликларидан бирида кўнглида туғиб турган қуйидаги мулоҳазаларини ўртага ташлади:

— Азизлар, бу иншоотни иложи борича муддатидан анча олдин қуриб фойдаланишга топширайлик, бу гал ишга ҳар доимгидан барвақтроқ келиб, сал кечроқ кетсак ҳам майли, сабабини биласизлар, биз соғлиқни сақлаш муассасасида ишляпмиз.

— Сиз нима десангиз — шу, бригадир, — астойдил розилик билдиришди жамоа аъзолари.

— Тўғри, Анвар ака, беморни куттириб бўлмайдида, — деди шогирдларидан бири.

Анваржон унинг бу пурмаъно сўзидан ғоятда хурсанд бўлди.

— Иккинчи таклифим шуки, — деди етакчи, — бу ишни ниҳоятда сифатли, ҳатто ўзимиз ҳам кейинчалик ҳавас қиладиган даражада бекаму-кўст бажаришимиз керак. Негаки, янги бинонинг калити врачларга топ-

ширилиши билан бу ерга — шифохонага беморлар қабул қилинади. Шифобахш каравотларда ётиб, со-вайишга ошно бўладиган эртаси ҳақида ҳаёл суради-ган хаста киши бизнинг ишимизга ҳам назар ташлаши табиий. Шунда у «қурувчилар ҳақиқий шифохона бунёд этишибди, ҳеч қандай камчилик сезилмайди, сувоғи ҳам, ранглари ҳам, ҳатто бетон плиталарининг уланиши ҳам ажойиб», деса, биз тиббиётчиларга ёрдам берган бўламиз, яъни беморга маънавий рағбат улашамиз...

Анваржон ва унинг жамоаси қарорини иккинчи бригада ҳам ўз вақтида қўллаб-қувватлади. Натижада туман марказий шифохонаси муддатидан анча олдин бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди. Бундай ҳим-матдан чексиз хурсанд бўлган тиббиётчилар: «Қўли гул бинокор дўстлар, сизларнинг ўзларингиз ҳеч қачон касал бўлмангизлар, иссиқ жонда, эҳтиёж сезилади-ган бўлса, биз сизларнинг етти авлодингизга ҳам хиз-мат қилишга тайёрмиз», дея миннатдорчилик билди-ришди.

Марказий шифохонанинг барвақт қуриб биткази-лиши тиббиётчилар қаторида номдор жамоа хўжалиги раиси Ш. Эшонқуловни ҳам хурсанд қилди. Чунки, илгорлик туфайли эришилган даромад ҳисобига йил-дан-йилга бойиб бораётган унинг хўжалиги ўз ҳисоби-дан деҳқонларга атаб замонавий типда 80 та турар-жой биносини қуришни режалаштириб қўйганди. Уларни ким бунёд этиши ҳақида гап кетганда раис ҳам, бошқарув аъзолари ҳам бир овоздан «Анвар Қурбонов ва унинг бригадаси-да, майли, ҳозир бошқа ерда ишлашаётган бўлишса, кутиб турамиз», деган фикрга келишганди.

Бригада қадрдон хўжалигидаги навбатдаги ишига киришаётганда улар ҳузурига ташриф буюрган Қури-лиш трести бошқарувчиси: « Анваржон, харидорингиз нега бунча кўпайиб кетяпти, бир иншоотни қуриб тутатмасингиздан бошқа жойдан «фақат Қурбоновни берасиз» деган илтимос тушяпти», дея ҳазиллашди. Сўнг, яшанг, ука, ҳақиқий бинокор худди шундай эътибор қозонади, деб қўйди у. Бошқарувчи хайрла-шаётиб, «биздан, аппаратдан қўшимча бирон-бир ёрдам керак бўлса, бемалол, сизларга мумкин, Анваржон», деган гапни ҳам айтди.

Лекин бажарувчиларнинг, яъни бинокорларнинг катта идорасидан қўшимча ёрдам сўрашга ҳеч қандай

зарурат бўлмади. Чунки, қурилиш материалларидан бошқа ҳамма нарсани хўжаликнинг ўзи яратиб, муҳайё қилиб қўйди. Аввалгидек бу гал ҳам шахсан раиснинг ташаббуси билан биринчи навбатда бинокорларнинг дастурхонига, хусусан, таомномасига алоҳида эътибор берилди. Ҳатто, қурувчилар хоҳлаган, ёқтирадиган хонандаларнинг концерти уюштирилиб, ишдан кейинги ҳордиқларнинг мазмуни ўтишига кўмаклашилди. Шербек аканинг ўзи эса, одатдагидек, ишлаётганлардан мунтазам хабар олиб турди. У киши баъзан яқинлашиш билан Анваржоннинг бир адабиётчи дўсти томонидан ёзилган қуйидаги тўртликни такорлашни хуш кўрарди:

Анвар саркор,
Зўр бинокор,
Айтинг, биздан
Нима даркор?

Шунда Анваржон бирдан: «раис бува, табаррук «Ҳорманглар»ингизгача ўз вақтида ест қилиб турган бўлсангиз, яна нима керак бизга, раҳмат!» деб қўярди.

Турар-жой бинолари фойдаланишга топширилиши билан уларга кўчиб кирадиган хонадонлар фарзандларига мўлжалланган икки қаватли болалар боғчасининг қурилиши бошлаб юборилди.

Янги қурилишда иш авжига чиқаётган кунлар эди. Тушлик тугаши олдидан одатдаги «бригадирлик айланиши»га чиққан Анваржон бўлажак боғчанинг мусиқа зали-хонаси ёнида қутилмаганда «оббо?» деб туриб қолди. Ишнинг малакасиз бажарилганини кўриб, «Бу йигитлар бошқа қурилиш бригадаси учун бекорга «собиқ» бўлиб қолишмаган экан-да», — ўйлади у. Бригадир қурувчиларни кутди. Улар келиши билан бошқаларга ўхшаб дарров «ловуллаб» кетмади. Аксинча, оғир вазминлик билан, ҳатто «яхши дам олдингларми»ни айтгач, гап бошлади:

— Укажонлар, сал шошилиб ишляяпсизларми ёки бу, фишт теришда биринчи марта қатнашишларингми? Йигитлар жим туришарди.

— Қурувчининг чала-чулпа, номигагина, қўлдан ўтар қабилада ишлашга асло ҳаққи йўқ, — гапида давом этди Анваржон. — Айниқса, болаларимизнинг бундай табаррук илк тарбия масканларида. Шундай

қилсак, биз, одам топилмагандай, ишонч, бегуборлик, халоллик рамзи бўлган кичкинтойларимизни алдаб қўямиз-ку??

Унинг бақриб, уришиб ўтирмай, чин юракдан афсус билан гапирётганини сезган йигитлардан бири ниҳоят ёрилди:

— Анвар ака, узр, тўғриси, биз гишт териш ишида аввал иштирок этмаганмиз, ўша куни сизга ёлгон гапирдик...

У, ёшларда баъзан бўлса-да, бундай нарсалар такрорланишини, қолаверса, йигитларнинг ўз хатоларини дарров тан олиб, ерга қараб туришларини ўйлаб, гинг демади. Тушдан кейин улардан бирини қум элаётганлар, иккинчисини бетон қориётганлар ёнига қўйди.

— Ўшада менинг ўзимдан ҳам ўтган, — дейди Анвар Қурбонов, бу кичкина факт-воқеага изоҳ бераркан. — Дабдурустдан ҳузуримга «фалон ерда, фалончининг бригадасида гишт терувчи бўлиб ишлаганмиз» деб келган ёшларга, суриштириб ўтириш ноқулай, алдамаса керак, дея шартта ишонганмиз-да.

Лекин яхши етакчи ва аҳил жамоа сафига қўшилишганини ўз вақтида англаган йигитлар кўп ўтмай қурувчилик касбини ўзига хос тарзда ўрганиб олиб, ўзларини оқлашди. Бригаданинг навбатдаги иш майдонлари — кооператив уйлар (ҳозирги «Уч Қаҳрамон» жамоа хўжалигида), болалар боғчаси (Бобур номли жамоа хўжалигида) қурилишларига улар ҳам муносиб ҳисса қўшдилар.

— Кейинчалик сир-асрорларидан ҳам воқиф бўлганмиз — қурувчилик касбини энг аввало шоғирдларвар устоз Анвар Қурбонов туфайли ўзлаштириб олганмиз, — дейди Мирза Ўсаров.

* * *

Қурилиш ва ободонлаштириш ишлари изчил олиб борилаётганлиги натижасида 1996—1998 йилларда Гулистон шаҳрининг қиёфаси кескин ўзгарди. Бу ерда бир-биридан ҳашаматли, гўзал маъмурий ва маданий-маиший иншоотлар, дам олиш масканлари қаторида барча қулайликларга эга бўлган кўплаб турар-жой бинолари ҳам барпо этилди. Халққа совға этилган, замонавий типда қурилган ана шу уйларнинг

бунёдкорлари орасида 1996 йилдан бошлаб вилоят Қурилиш трестининг топшириғи бўйича фаолият кўрсатиб келаётган Анвар Қурбонов бригадаси ҳам бор.

Жамоа аввал шаҳарнинг 5-мавзесида қад ростлаши керак бўлган тўрт қаватли, 80 ўринга мўлжалланган турар-жой биносини қуришда иштирок этди. Бу ишнинг ўз вақтида ва сифатли тугалланганидан хурсанд бўлган Қурилиш трести раҳбарияти ва шаҳар маъмурияти Анвар Қурбонов ва унинг шоғирдларидан яна бир турар-жой биносини бунёд этиб беришни илтимос қилишди. Шаҳарнинг 2-микрорайонида режалаштирилган бу янги эл уйининг калити муддатидан анча олдин, яъни Мустақиллигимизнинг 7 йиллиги арафасида ўз эгаларига топширилди.

— Анваржон ўз бригадаси билан бу уйларнинг қурилишида ишлаётган вақтларида қаричилик, бетобчилик сабаб бўлиб Гулистонга тушолмагандим, — дейди биз билан суҳбатда А. Қурбоновнинг кўп йиллик қадрдони, меҳнат фахрийси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи Николай Патрюхин. — Ниҳоят, қутлуғ айёмда — Мустақиллик байрами кунларида анча ўзгарган, чирой очган шаҳарни томоша қилишга муваффақ бўлдим. Шунда, биласизми, янги уйларга сероб мавзеда кўзим тушиши билан Анваржон қурган уйларни танидим. Қандай қилиб дейсизми? Чунки, Анваржон барпо этган уйлар албатта қуёшга (кунчиқар томонга) қараган бўлади. Чунки, қадрдонимнинг қўлидан чиққан янги иморат ташида албатта унинг фақат биз, ҳамкасблари илғайдиган бетакроп почирки (буни сизлар ўз тилларингизда нима дейсизлар, билмайман) ёрқин кўзга ташланиб туради. Учинчидан, Анваржон бошчилигида бунёд этилган иншоотда меъморнинг изланишини, яъни янгилигини албатта кўрасиз. Негаки, у қолипга тушиб қолган, эски, даққиюнус лойиҳа билан ишлашни асло ёқтирмайди...

— Қурбоновнинг йирик ишларидан қайси бирини таъкидлашни истайсиз, Николай Дмитриевич? — сўрадик кекса қурувчидан.

Шунда у бирдан:

— Сиз мендан, яхшиси, «Анвар аканинг кичик иши борми», деб сўранг, — деди ва сўзида давом этди: — Анваржон амалга оширган ишнинг тўқсон тўққиз фойизи йирик иш. Эътибор берган бўлсангиз, у

асосан боғча, мактаб, тиббиёт, турар-жой бинолари қурилишида ишлайди. Бундай масканлар ва эл уйлари-ридан қайси бирини алоҳида ажратиб кўрсатиб бўлади?! Ҳаммаси бирдай сифатли бажарилган, улкан, фоятда қимматли иш-ку!

— Ҳамкасбингиз сирдарёлик қурувчилар даврасида қандай жиҳатлари билан ажралиб туради?

— Бу — бошқа гап! Юқорида Анваржоннинг меъмордан доимо янгилик кутишини таъкидлагандим. Агар тақдим этилаётган лойиҳада шундай изланишни сезмаса, иншоот мазмуни ва у барпо этилаётган жой характерида келиб чиқиб, дарров меъморга ўз шахсий мўлоҳаза-таклифларини айтади. Қурилиш жараёнларида унинг бундай амалий таклифларига амал қилишлари бир неча бор кузатганман. Шунинг учун ҳам меъморлар, қурувчи-муҳандислар унинг билан ишлашни ёқтиришади. Шунинг учун ҳам, масалан, мен Анваржонни ижодкор қурувчи деб ҳурмат қиламан. Иккинчидан, у ҳамкасбларининг даврасида, йиғилишларда касб малакасини ошириш ва соҳа муаммолари тўғрисида тез-тез ўз фикр-мулоҳазаларини дангал билдириб туради. Унинг яна бир хислати — у ниҳоятда тажрибасевар. Вилоятимизда, ҳатто республика-мизда доврўф таратган машҳур бинокорларнинг тажрибаларини аллақачон ўзлаштириб олган. Унинг ўзи ҳам эндиликда ўзига хос тажриба мактаби яратди, деб бемалол айтиш мумкин. Ўз касбдошларининг ютуқларидан қувонишни, уларни ўз вақтида қутлашни хуш кўради. Иши, изланишлари юзасидан дўстлари қандай фикр билдиришса, жон қулоғи билан тинглайди.

Шундай ажойиб қурувчи — Анвар саркор билан кўп йиллар майдондош, қўлқопдош бўлганлигимдан фахрланаман. Афсуски, ёшим етиб, нафақага чиқиб кетдим...

Анвар Қурбоновнинг касб малакаси, етакчилик маҳорати ва инсоний сифатлари ҳақидаги бундай юрак сўзларини мен «Сирдарёжамқурилиш» трестининг бош муҳандиси Алишер Сангиров, 49-кўчма механизациялашган колонна бошлиғи Неъмат Сарманов, «Боёвут» жамоа хўжалигининг ҳозирги раиси Абдурашид Эшонқуловлардан ҳам эшитдим.

Лекин моҳир қурувчи ишдаги ютуқларини ҳеч қачон ўз жамоаси иштирокисиз ёки кўмагисиз тасаввур қилолмайди.

— Қурилиш майдонларида нимага эришган бўлсам, бу энг аввало бригадам туфайлидир, — дейди у. — Масалан, Нуриддин Тожибоев, Бахтиёр Бобоқулов, Маҳмуд Бекқўзиёв, Абдуғани Эшонқулов, Мирза Ўсаров, Ҳабибулла Муқимов каби йигитларни мен оддий бригада аъзолари деб эмас, чинакам таянчларим, ишонганларим деб биламан. Худди шулар ёнимда фаол тургани учун ишим доимо олға босган, худди шу садоқатли шогирдларимга ишониб йирик, масъулиятли иншоотларнинг лойиҳасини қўлга олганман. Улар ҳеч қачон офир меҳнатдан қочишмайди. Агар зарурат туғилса, бу фидойи йигитлар қурилиш майдонида тунаб ҳам ишлашади. Қурувчилик касбини мукамал ўзлаштириб олганликлари туфайли қаерга қўйсангиз, бемалол удалаб кетишади. Мисол учун Бахтиёржонни алоҳида бригада етакчилигига сўрашганди, йўқ, демадим. Ҳозир у ўз жамоасини муваффақиятли бошқариб келяпти.

Ўз ишингизнинг пири бўлганингизда ҳам сизга бевосита раҳбарлик қиладиган одам яхши бошчи бўлма-са — бекор. Бу борада биз ёлчиганмиз. Колоннамизга бир неча йилдан бери раҳбарлик қилиб келаётган Неъматжон Сарманов жамоапарвар, меҳнатнинг қадрига етадиган инсон.

Анвар Қурбонов муваффақиятининг яна бир сирини унинг меҳрибон, аҳил оиласидан қидирмоқ керак. Ишдан қайтгач, турмуш ўртоғи Соҳиба опанинг «Раёнонгиз («Меҳробдан чаён», А. Қодирий) сиз севган таомни тайёрлаб қўйди, Анвар ака», деган дилбар ҳазилини эшитиши билан у чарчоқларини унутади. Изидан бориб, қурувчилик касбини танлаган ўғиллари — Шокиржон, Нодирбеклар «бутун бригадамиз янги иншоотнинг қурилишини бошлади» ёки «ишлаётган иморатни битказдик» деган «рапорт»ни етказишса, хурсанд бўлганидан терисига сиғмай кетади. Шунда, қизлари — Сафаргул, Гулнозбонулар дамлаган лимонли чойни ичиб, хушxabарнинг гаштини суради. Сўнг, «сизларда ҳам ишлар «беш»ми, полвонлар!» дея Отабек ва Улуғбекжонларнинг ўқишлари билан қизиқиб қўяди...

— 1998 йилда Гулистон шаҳрида 120 ўринга мўлжалланган, 3 қаватли соғломлаштириш Марказини қуришни режалаштирган эдик, — дейди «Сирдарёжамқурилиш» трести бошқарувчиси Ақром Тиллабоев. — Вилоят раҳбарияти ҳам, биз ҳам бу масъулиятли ишни фақат Анвар

Қурбонов ва унинг бригадаси бажара олади, деган яқдил қарорга келдик. Уни жиҳозлашни чет эллик дўстларимиз амалга оширишади. Ишончимиз комилки, сирдарёлик қурувчилар доврўфини бутун мамлакатта таратган қўли гул бинокоримиз ўз жамоаси билан бу йирик ишни ҳам вақтида ва сифатли яқунлаб, бизни албатта хурсанд этади.

Бўлажак янги иншоот фидойи қурувчининг Олтин юлдузли етакчи сифатида бажарадиган биринчи йирик иши бўлади. Шундай экан, унинг кўзга кўринадиган жойига «Ушбу бинони Ўзбекистон Қаҳрамони Анвар Қурбонов бошчилигидаги қурувчилар бригадаси бунёд этган!» деган лавҳа ёзиб қўйилса ажаб эмас...

«МИРИШКОР»НИНГ МИРИШКОРИ

«КИРИШИМЛИ ЙИГИТ»

Республикамиз қишлоқ хўжалигининг илғор намояндаларидан катта бир гуруҳини давлатизмизнинг орден ва медаллари, унвонлари билан мукофотлаш тўғрисида Президентимиз Фармони эълон қилинган кунни Тошкентда тасодифан Қашқадарёнинг бир неча туманига турли йилларда раҳбарлик қилган меҳнат фахрийси, пенсионер Қарол ота Маҳмудовни учратиб қолдим. Сўрашиб бўлишгач:



— Ордендорлар орасида ўзимизнинг тумандан ҳеч ким йўқ-ку, бува, — деб ҳазиллашдим.

Шунда у киши дарров:

— Сени билмайман, лекин менинг туманимдан бор, масалан, Шодмонқул Чориқулов, — деб жавоб қилди.

— Нима, Чориқулов асли яккабоғликми?

— Йўқ, Усмон Юсуповдан, миришкорлик, менинг қўлимда ишлаган. Агар Шодмонқулбек тан олса, у — менинг шоғирдим.

— Э, ҳа, кечирасиз, бува, айтмоқчи, сиз у туманда ҳам ишлагансиз-ку, — шошилганимни сездим.

— Демак, табрикни ҳозирча бизга бериб турсангиз бўлаверади, полвон.

Кулишдик.

Мен ҳам Шодмонқул Чориқуловни икки-уч йиллардан бери яхши танийман. Лекин Қарол отага яқинлигини асло билмасдим. Устоз-шоғирдиклари менинг учун янгилик устига янгилик эди.

Шунинг учун, хурсанд бўлиб, имкониятдан фойдаланиб қолишга ҳаракат қилдим:

— Унда шоғирдингиз ҳақида икки оғиз гапириб беринг, бува.

— Бажонидил, — деди дарров Қарол ота. — Мен туманда ишлаган йиллари Шодмонқул «Миришкор» хўжалигида бош агроном эди. Ғоятда маданиятли, ки-

ришимли йигит. Янгиликка ўч, сермулоҳаза кадр. Ўзининг ишини, яъни, мутахассислигини жуда пухта биледи. Яхши биласан, Усмон Юсупов туманининг ҳозирги ерлари бир вақтлари зинғиган, қип-қизил чўл бўлган. Ҳозир қишлоқ хўжалик пайкалларига айлантирилган ана ўша ерларнинг тилини обдон билмасдан туриб, у томонларда кўнгилдагидек деҳқончилик қилиб бўлмайди. Бу борада Шодмонқулда катта бой тажриба бор. Туманда деҳқонларнинг қишлоқ хўжалиги масалаларига, муаммоларига бағишланган бирон йиғилиши бўлса, унинг фикрини, сўзини ҳам эшитишга ҳаракат қилардик. У бошқалардек умумий, ҳаммага маълум гапларни гапириб, одамларнинг вақтини олмасди. Аниқ-конкрет фикри, таклифи бўлса, лўнда қилиб ўртага ташларди. Баъзи агрономлар оддий звено бошлиқларини, бригадирларни сал хато қилишса, «ўзи, сен нимани биласан, мен биламан, мен мутахассисман», деб жеркиб юришади. Шодмонқулга эса, бундай «хислат»лар мутлақо ёт. У, аксинча, оддий деҳқонни яхши кўради, ернинг биринчи эгаси барибир — сиз, деб эъюзлайди. Шунинг учун ҳам иши доим олға босади.

Ана шундай афзаликларини ҳисобга олиб, мен Шодмонқулга алоҳида хўжаликка раҳбарлик қилишни таклиф этганман. Шунда у: «ака, узр, ўз соҳам бўйича яна бироз ишлай, кейин ўйлаб кўрарман» деган, унамаган.

Мана, ўн йилдирки, у тумандаги энг йирик хўжалик — «Миришкор»нинг раиси. Раис бўлганда ҳам таниқли раис. Давлатимизнинг унинг хизматларини «Меҳнат шухрати» ордени билан тақдирлагани ажойиб иш бўлди.

Мен Шодмонқулдай қадрдоним, шогирдим борлигидан фахрланаман! Шунинг учун «икки оғиз» гапим кичкина ҳикоя бўлиб кетди, ука, узр...

Таниқли меҳнат фахрийсининг ҳикояси чинакам дил сўзлари, ҳақиқий қалб эътирофи эди. Шу боис уни жон-жон деб тингладим, шу боис уни қандай бўлса, шундай қорозга туширдим!

«ИСМИНГИЗ — ШОДМОНҚУЛ, ДЕМАК...»

1987 йилнинг мартада содир бўлган бу воқеани Шодмонқул Чориқулов ҳеч қачон эсидан чиқармайди...

Туман раҳбарлари уни «Миришкор» жамоа хўжалигига раис қилиб юборишни мўлжаллашди. У йўқ

демади. Энди Қаршининг рухсати керак эди. Шундай кунларнинг бирида туман раҳбари З. Қодиров уни чақириб, эртага Қаршига таклиф қилишяпти, тайёр-гарлик кўринг, деб қолди.

— Ўша йиллари вилоятимизга ҳурматли Ислом Абдуғаниевич Каримов раҳбарлик қиларди, — деб ҳикоя қилади Ш. Чориқулов, — У кишининг ҳузурига, суҳбатга йўлда кетаётиб, аввал роса ҳаяжонландим. Ўзингиз ўйланг: куни кеча далада тупроқ кечиб юрган оддий агроном бутун — бирдан вилоятнинг биринчи раҳбарига юзма-юз келиб турса?! Сўнг Ислом аканинг ниҳоятда деҳқонпарварлигини, қишлоқ хўжалик мутахассисларини айрича бир эътибор билан ҳурмат қилишини эслаб, ўзимни сал босдим. Биласизми, Ислом ака бизда ишлаганда туманларни, далаларни мунтазам айланиб турарди. «Туманга вилоят раҳбари боради, келармиш, кетаётганмиш» деган ваҳимали сўзлар, олдиндан огоҳлантиришлар айтилмасди, эшитмасдик. Ҳеч қанақа «машиналар қуршови»сиз туманларга отланган Ислом акани шундоқ далада — сувчилар, култивациячилар, бригадирлар ёнида ёки тонгда шийпонда қоровул билан суҳбатлашиб турган ҳолда кўриб қолардик. У кишини, ишларнинг боришидан ташқари, одамларга яратилган шарт-шароитлар, далачиларнинг фикр-мулоҳазалари ҳам қизиқтирарди. Одамларимиз Ислом аканинг костюмини елкасига ташлаб, дала айланиб юришларини алоҳида бир муҳаббат билан ёқтириб қолишганди.

...Ислом ака мени худди қадрдонларидай қаршилаб, ўтиришга таклиф этди. «Делом» билан танишаётиб, ҳатто «Фарзандлар саккизта экан, нега ўнта бўлмади?» деб ҳазиллашди...» Сўнг мақсад, менинг олдимда турган вазифалар ҳақида гапирди. Баъзи масалалар хусусида «Сиз нима дейсиз?» деб менинг фикримни сўради. Суҳбат сўнггида яна ўрнидан туриб, «Исмингиз — Шодмонқул, демак, бизни янги ишда ҳам шод этасиз, ука», деб қўлимни қисди...

ТАБАРРУК ИМЗО

«Миришкор» асосан пахтачиликка ихтисослаштирилган хўжалик эди. Бир йилда қарийб ўн минг тонна «оқ олтин» топшириларди. Зиммасига ана шундай ғоятда оғир, масъулиятли вазифа юкланаётганлигини дил-ди-

лидан ҳис қилган янги раис аввал мутахассислар ва ишбошиларни йиғиб, улар билан обдон гаплашиб олди. Даладошларининг юракдан айтилган «қўрқманг, сизни ҳеч қачон уялтириб қўймаймиз, сизга билдирилган ишонч — бизга билдирилган ишонч», деган сўзлари унга янаям ғайратлироқ куч бағишлади. Сўнг вақт топиб, хўжаликнинг бепоён далаларида узоқ йиллар деҳқончилик билан шуғулланган, ҳозирда пенсияда бўлган меҳнат фахрийларининг фикр-мулоҳазаларини, маслаҳатларини эшитди.

Чигит экиш туталаниши билан у дала шийпонларини бирма-бир айланиб чиқди. Қаерда эҳтиёждаги шароит бўйича етишмовчилик сезса, дарров тузаттирди. Шароит кўнгилдагидай бўлган масканларни ўша ернинг имкониятларидан келиб чиқиб янада яхшилади. Одамларга қулайлиги билан ёқадиган кўчма савдо ёнида кўчма маиший хизмат ҳам ташкил этилди.

— Шодмонқул ака бош агроном вазифасини ўзгага топширса-да, унинг ташвишидан бутунлай узоқлашмаган эди, — деб ҳикоя қилади бош ҳисобчи Ҳ. Шоқулов. — Далаларни аввал қандай кезган бўлса, шундай кезарди. Ҳатто сувчиларнинг салофан қоғози етарлими-йўқмилигини олдингидай суриштирарди. Айниқса, далачиларнинг, деҳқонларнинг тушлик дам олишлари кўнгилли, бекаму-кўст ўтишига алоҳида эътибор берарди.

Вилоят раҳбари билан бўлган суҳбатда у киши «нуқул пахта якка ҳокимлигини олқишлайвермаслик керак, ғалла экишни ҳам ўйлаб кўриш лозим», деганди. Шу боис Чориқулов саксон саккизинчи йили ернинг бир қисмига ғалла эктирди. Давлатга режадаги 9 минг 640 тонна эмас, 8 минг 500 тонна пахта топширилди. Кейинги тўрт-беш йил ичида «Миришкор» давлатга 7.300 тонна пахта, 1.750 тонна ғалла топширадиган тармоқдор хўжалик сифатида танилди.

Янги ишда ўзини кўрсатган, ишончни оқлаётган, энг муҳими Қаршидаги суҳбатда умид билдирилганидек, элни, республика раҳбариятини шод этган раиснинг хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. 1991 йилда Ш. Чориқуловга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими» унвони берилди.

— Бу унвон менга шунинг учун ҳам айрича қадрли эдики, — дейди раис, — биринчидан, Фармон қуйисида менга вилоятимизда оқ йўл тилаган улуғ инсоннинг табаррук имзоси бор эди. Иккинчидан, бундай эъти-

рофга мен Мустақиллик йилида сазовор бўлдим! Буни унутиб бўладими?!

Тўқсон бешинчи йили хўжалик соф даромадга эришиш бўйича 32 миллион сўмлик маррани эгаллади. Бундай муваффақиятга эришувда раиснинг ташаббуси билан учинчи тармоқ бўлиб қўшилган чорвачиликнинг кўрсаткичлари ҳам қимматли аҳамият касб этди. Масалан, 110 бош қорамоли бор хўжалик ҳар йили давлатга ўртача 90—100 тоннадан гўшт топшириб келяпти. Бир неча йилдирки, ҳар йили ўртача 700 тоннадан сут ишлаб чиқарилмоқда.

Йилдан-йилга зафар қучиб, бойиб бораётган «Миришкор»нинг раҳбари ўзининг биринчи йилидаёқ даромаднинг бир қисмини, иложи бўлса катта қисмини одамларнинг турмуш шароитини яхшилашга, маданий-маиший объектлар қурилишига сарфлашни мақсад қилиб қўйган эди. Шундай бўлди. Ҳозир миришкорликлар учун Маданият саройи, учта кинотеатр, ҳаммом, бешта тиббиёт маскани муваффақиятли ишлаб турибди. Янги Миришкор қишлоғи ичимлик суви билан тўлиқ таъминланган. Эски Миришкорни сув билан таъминлаш масалалари тугалланиш арафасида. Ҳозиргача хўжаликнинг саксон фоиз хонадони табиий газ билан таъминланди. Пахтакорлар, ғалакорлар ва чорвадорларнинг фарзандлари таълим оладиган етгита мактаб доимо «Миришкор» бошқарувининг диққат-эътиборида. Уларнинг иккитаси хўжалик ҳисобидан қурилди. Вилоятда бешта лицей бўлса, шуларнинг биттаси «Миришкор»да фаолият кўрсатмоқда. 60 ўринли лицейнинг ўз ётоқхонаси бор. Ўқувчилар бепул овқатлантирилади. Улар ихтиёрида телевизор, компьютерлар бор.

Шодмонқул Чориқулов ва у бошқараётган «Миришкор» жамоа-ширкат хўжалиги муваффақиятининг қўшимча сирлари ҳақида ўйлаганимда, кўз олдимга энг аввало бу ердаги ғоятда уюшқоқ, яқдил фаоллар, мутахассислар, ишбошилар келаверади. Булар — бригадирлар: «Маматқул Содиков, Шоназар Бекназаров, Шароф Аллаев, бош агроном Ҳамроқул Баротов, бош муҳандис Ботир Қувондиқов, бош зоотехник Темур Бобоев, раис муовини Заҳриддин Қораевлардир.

— Жайдари қилиб айтганда, булар — менинг ишонганларим, яъни, чин дўстларим, маслаҳатчиларим, таянчларим, — дейди раис. — Худди шу фидойилар туфайли уялиб қолмадим. Худди шу иш усталари туфайли «Миришкор» ўзининг номи бежизга қўйил-

маганини оқлади! Қолаверса, худди шу ажойиб инсонлар ва улар бошчилигида ишлаётган одамларнинг ибратли меҳнати туфайли бу йилни ҳам барча соҳалар бўйича муваффақиятли якунлаяпмиз.

Раис бу гапларни менга сентябрнинг ўрталарида, яъни, жорий йилда ўтган йилдагидан анча кўп ғалла хирмони уюб, пахта теримини қизгин олиб боришаётган дамларда айтган эди. Кўп ўтмай, хўжалик заршунослари вилоятда биринчилардан бўлиб йиллик режани бажарганликларини, кейинроқ эса, улар 2.840 гектар ернинг ҳар гектаридан 32 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олганликларини ҳам эшитдим.

Ҳа, мана ўн йилдирки, Қарши чўлининг қоқ марказида жойлашган бу хўжалик аҳли ўзларининг бежизга миришкорликлар деб таърифланмаганини баралла исботлаб келишяпти. Чунки, уларга «Миришкор»га асл миришкор Шодмонкул Чориқулов раҳбарлик қилмоқда!

ЭШДАВЛАТБОЙНИНГ НЕВАРАСИ

«БИЗГА ҲИСОБЧИ РАИС КЕРАК»



Болта Фозилов номли хўжаликнинг бош бухгалтери Бозорбой Эшдавлатов асосан бош экономист ва бухгалтерлар кириб турадиган сокингина кабинетда ўтириб, тинчгина ишлаб юарди. Лекин, ҳар гал хўжаликнинг ярим йиллик, йиллик кўрсаткичлари тайёрланганда уни кўриб, ўқиб, беихтиёр безовта бўлиб қоларди: «Ўзгариш йўқ. Аксинча... Режалар ўлда-жўлда. Деярли ҳаммаси бой берилган. Яна орқага кетиш. Даромад йўқ. Қарз — ус-

тига қарз? Раҳматли Болта Фозилов туфайли элга, юртга танилган машҳур хўжаликнинг номи офиздан тушиб қолаверадими? Хўжалик бутунлай ўтириб қоляпти-ку?»

У бу фикрини ва бошқа мулоҳазаларини мавридини (вақти) топиб, кайфиятига қараб, сал тортиниброқ бўлса-да, раис Фани Тўрабоевнинг шахсан ўзига айтди. Шунда раис:

— Раҳмат, Бозоржон, қанийди ҳамма сизга ўхшаб хўжалик учун чин юракдан қайғурса, қанийди ҳамма сизга ўхшаб ўзига топширилган ишни ўз вақтида, кўнгилдагидай бажарса, — деб хурсанд бўлди.

Лекин, раис, нимагадир «ишни, аҳволни яхшилаш учун нима қилишимиз керак сизнингча, таклифларингиз бўлса айтинг», демади. Бозорбой ҳам, «тағин, сўрайдиган бўлсам» мутахассисларим етарли» демасин, раиснинг кўнглига келмасин, деган истиҳоло-мулоҳаза билан бу ҳақда офиз очмади. Аммо, яна безовта бўлиб, ўзини айбдор ҳис қилгандай, ичдан қийналиб қўйди...

Шундай «жавобсиз савол»ли кунларнинг бирида уни туман раҳбари Шухрат Алланазаров ўз ҳузурига чақирди. Ҳоким Болта Фозилов номли хўжалик бутунлай ўти-

риб қолганлигини, раис ёмон одам эмаслигини, лекин, энди хўжаликни ўнглашга унинг кучи етмаслигини, чарчаганлигини, бу ишни фақат янги, ёш кучлар амалга ошириши мумкинлигини айтиб, «раисликка сизни тавсия қилишга қарор қилдик, ука» деди. Шунда, кутилмаган бу таклифдан ҳаяжонланган Бозорбой дарров «қандай бўлади, мен — ҳисобчи бўлсам, Шухрат ака?» — деди. Тажрибали туман раҳбари самимий кулиб, балки, хўжаликни бошқаришда ҳисобдан адашилгандир, балки, таклиф шунинг учундир, деди-да, майли, ўйлаб кўринг, келишдик, дея суҳбатга яқун ясади.

Кўп ўтмай, хўжаликка туман ҳокими ташриф буюрди. У йиғилишни очиб, муддаони айтди ва хўжалик аҳлининг ҳурматини қилиб, аввал: «хўш, раис этиб кимни сайлаймиз, азизлар, нима дейсизлар?» дея залга мурожаат қилди. Шунда олдинги қаторда ўтирган Бозорбой ўрнидан туриб, менда бир таклиф бор эди, ҳоким бува, деди. Туман раҳбари буни кутмагани, албатта. Шундай бўлса-да, «марҳамат» ишорасини қилди. Бозорбой минбарга кўтарилди:

— Шухрат ака, сиз ҳам, хўжалигимиз аъзолари ҳам Зайниддин Шариповни яхши биласизлар. Яхши одам, гоятда тажрибали мутахассис-агроном, хўжаликка бир неча йил раҳбарлик қилган, одамларни яхши билади, биз тенги ёшларнинг кўпига устоз. Мен шу кишини раис қилиб сайлашни таклиф қилардим.

Зал бирдан жимиб қолди. Ҳоким ўз тавсиясини айтишга шошилмади. У навбатдаги фикрни кутиб, яна даврага юзланди. Одамлар эса, «ёки, олдиндан Шарипов номзоди келишилганмикин?» дегандай бир-бирларига қараб қўйишди. Шунда ўрта ёшлардаги, дўппили, мўйлови ўзига ярашган, костюми устидан чопон кийган бир киши рухсат сўраб, минбарга чиқди.

— Биродарлар, мен ҳозир кўрсатилган номзодни бўлмайти, демасдан, ўзимникини мақтамасдан, сизларнинг ҳукмингизга бир кишининг фамилиясини айтмоқчиман.

Ҳоким «бемалол» деб бош ирғади.

— Янгиликнинг кўпинча ёшлардан чиқиши табиий. Қолаверса, яхши биласизлар, куч-ғайрат, шиддат-шижоат ёшларда мўл бўлади. Худога шукур, бундай йиғитлар ҳозир бизда бор. Шундай экан, келинлар, уларни бир ишлатиб кўрайлик. Зора, хўжалигимизни тезроқ ўнглаб беришса.

Даврадан «тўғри, тўғри» деган овозлар эшитилди.

— Менинг таклифим шуки, — дея сўзида давом этди дўппили киши, — раисликка бош бухгалтер Бозорбой Эшдавлатовнинг ўзини сайласак.

— Маъқул фикр, — деди кўринишидан олтмишдан ошиб қолган отахон ўрнидан тураркан. — Тўғриси, ўзи бизларга ҳисобчи раҳбар керак эди. Ҳисобини билмаган — ҳаменидан айрилар, деб бекорга айтилмаган-ку. Хўжалигимиз ҳозир худди шу ҳолга тушиб қолган. Раис ҳисобчи-раис бўлса янаям зўр бўлади. Бозорбой — ҳам яхши ҳисобчи, ҳам кайвони йигит. Бемалол уни ўзимизга раис қилиб сайласак арзийди. Мен таклифни қўлаб-қувватлайман.

Ўтирганлар «тўғри таклиф», «кўпчиликнинг кўнглидаги гап айтилди», «чўзиб нима қиламиз, овозга қўйлик» дейишди.

Таклиф овозга қўйилди. Йиғилганларнинг барчаси бирдай қўл кўтариб, уни маъқуллашди.

Ҳоким: «Азизлар, сизлар менинг кўнглимдан чиқдингизлар, ўзи, кўнглимиз бир-да» дея хурсанд бўлиб, янги раисни табриклагани, олдинда турган вазифалар ҳақида гапиргани ўрнидан турди...

ЭЪТИРОФ

1996 йилнинг май ойи эди. Одатдагидек, бошқалардан анча барвақт ишхонасига келган Бозорбой Эшдавлатов бошқарув ходимларига кундалик керакли вазифаларни айтиб, кабинетидан энди чиқаётган ҳам эдики, телефон жириглади. Аппарат гўшагини кўтарганда ундан туман ҳокими муовинининг овозини эшитди. Муовин Шаҳрисабз шаҳрини томоша қилишга келган туристлар орасида канадалик бир Кенель деган пахта саноатчиси ҳам борлигини, у энг яхши хўжаликларингиздан, далаларингиздан биронтасини кўрсатинг, деб илтимос қилаётганини айтиб, ҳоким билан меҳмонни сизга олиб боришга қарор қилдик, тайёрланиб туринг, Бозоржон, деди.

Ҳам хурсанд бўлганидан, ҳам бироз ҳаяжонланганидан, раис ичида: «илғор бўлиш-ку, қийин, илғор бўлгандан кейин ундан ҳам қийин экан», дея ўзича кулиб қўйди.

Кўп ўтмай, ҳоким муовини чет элик меҳмонни бошлаб келди. У раиснинг исм-фамилиясини айтиб таништирди. Шунда, кутилмаганда меҳмон русчалаб «Что означает слово «Базар?» деб сўраб қолди. Муовин ҳам ўйлаб ўтирмасдан дарров «Рынок» дея жавоб

берди. Меҳмон бирдан кулди-да, ўз тилида нимадир деди. Ёнидаги таржимон унинг сўзларини «Ота-онангиз бозор иқтисоди шароитида фаолият кўрсатишингизни олдиндан билиб сизга шундай исм қўйган экан-да, қойил!» деяпти дея, ўзбек тилига ўтирди.

Меҳмонлар ва меҳмон самимий кулиб қўйишди.

Бозорбой меҳмонларга Шаматон қишлоғидаги ғўза пайкалини кўрсатди.

— Бу далага ғўзанинг қайси навидан эккансизлар? — деб сўради канадалик меҳмон.

— «Наманган-77» навидан деҳқончилик қиял-миз, — деди раис.

— Бу навни Ўзбекистонда машҳур ғўза навларидан бири деб эшитгандим, сиз унинг келиб чиқиши ва морфологияси ҳақида гапириб бера оласизми?

— Қўлдан келганича, оддий бир деҳқон сифатида изоҳ беришим мумкин.

Раис шундай дея генетик-селекционер олимларимиз томонидан яратилган эртапишар, тола чиқими юқори бўлган «Наманган-77» нави ҳақида ҳикоя қила бошлади. У ҳатто ҳар тонна пахта хом ашёсидан 370—420 кг тола олинадиган бу навнинг бошқа навлардан фарқи, афзалликлари ҳақида ҳам тўхталди.

Саволига анча мазмунли, илмона жавоб олган меҳмон:

— Оддий деҳқонман, дегандингиз, олим деҳқон экансиз, биродар! — дея раиснинг қўлини сиқди. — Бу йилги хирмонингиз ҳам баракали бўлсин!

Канадалик Кенель Тошкентга қайтиб, Ўзбекистон радиоси журналистларига интервью берганида, «Мен Шаҳрисабзда бўлганимда, ҳатто шаҳар яқинидаги пахта далаларига ҳам чиқдим., Бозорбой Эшдавлатов деган ажойиб, билимдон раис билан танишдим» деган сўзларни алоҳида фахр билан гапирди...

Йил якуни Бозорбой Эшдавлатов бежизга «олим деҳқон» деб таърифланмаганини кўрсатди: Қарийб 800 гектар ерда деҳқончилик қилган унинг хўжалиги ҳар гектар ер ҳисобига 44 центнердан пахта ҳосил йиғиштириб олди. Бу туманда энг юқори кўрсаткич эди!

ДУО

Бу гал Бозорбойни иш кабинетида учратолмадим. Мақсадим уни 1998 йилги пахта режасини ҳам туманда биринчилардан бўлиб бажарганлиги билан табриклаш эди.

— Нима, раис яна Тошкентга, янги техника олиб келгани кетганми, — дея ҳазиллашдим бош ҳисобчи Олимжон Менглиевга.

— Йўғ-эй, техникаларимизнинг ҳаммаси аллақачон, икки йил бурун бутунлай янгиланиб бўлинган. Ўзларига мукофотга «Ўттиз бир» беришувди. Шофёр билан шунга кетишган.

— Бизлар ҳам раис бувани... «Волга» билан табриклагани келгандик, — деди хўжалик бошқаруви эшиги олдида айланиб турган, ўзини мактаб директори Абдуманнон Арзиев деб таништирган киши. — Шунга қараб турибмиз.

— Келиб қолишади, — деди бош ҳисобчи.

Олимжон ва домла билан Болта Фозилов ёдгорлиги томон юрдим. Бюст пойига гуллар қўйилган.

— Раҳматли Болта бува хўжалигимизга 1953—1961 йиллари, яъни, саккиз йил раҳбарлик қилган, — дея ҳикоя қила бошлади Олимжон. — Худди шу даврда хўжалигимиз илк марта тилга тушган, худди шу даврда туманда, вилоятда донг таратган, республикада танилган. Мана шу сиз кўрган маъмурий бино, клуб, меҳмонхона, гаражлар Болта бува раҳбарлигида қурилган. Қутилмаганда тухматга қатағонга учраб, қамалиб, умри ҳазон бўлган марҳум раисимизга мана бундай ёдгорлик ўрнатилиб, номи абадийлаштирилиб, руҳи шод этилганидан барчамиз — каттаю-кичик бирдай мамнунмиз.

— Бу одамнинг руҳи, айниқса, ўзининг номидаги хўжаликнинг ўнгланишидан сўнг янада шод бўлди, — деб бош ҳисобчининг гапини давом эттирди мактаб директори. — Қаранг, отанинг юзида акс этган мамнунлик, миннатдорчилик бутун янада бўртиб акс этиб турибди.

Беихтиёр муаллимнинг фикрига қўшилдим.

Бош ҳисобчининг хонасида танишганим — меҳнат фахрийси Асад бува ҳам ёнимизга келиб, ёдгорликни томоша қилиб турганди.

— Ҳозирги раисимиз Бозоржон ютуқларининг сирларидан бири мана шу одамнинг анъаналарини давом эттираётганлигида, — деди у киши. — Худо раҳмати Болта ака ниҳоятда маданиятпарвар, одамларнинг турмуш шароитларини яхшилашдан ўзига айрича завқ оладиган раҳбар эди. Бозоржон ҳам худди шу йўлдан боряпти. Мана, мактаб директори шу ерда, фикримни тасдиқлаши мумкин. Масалан, хўжалигимизда ҳозир замонавий типда қурилган, зарур қулайликларга эга

бўлган тўртта мактаб муваффақиятли ишлаб турибди. Хўжаликнинг соф даромади ҳисобидан яқинда Оммағон қишлоғида 430 ўринли, икки қаватли янги мактаб биноси қуриб битказилди. Биз, фахрийларга-ку, ҳамма ҳавас қилади. Ун етгита одам хўжалик ҳисобидан пенсия олади. Хоҳлаган вақтида ёрдам пули беришади. Олимжон, эсингизда борми, бир йилда қарияларга ўртача қанча минг сўм ёрдам берасизлар, айтинг.

— 450—500 минг атрофида.

— Кўрдингизми, меҳмон, тағин, мунтазам санаторияларга путёвқалар бериб туришади, ҳар йили август, сентябрь ойларида махсус «Икарус» автобусида саёҳатларга, зиёратларга бориб келамиз. Қарийб юз ветераннинг дуосини олган хўжалик, унинг кайвониси зиёда бўлмай, ким зиёда бўлади, ука?!

Мен бундай фахр-ифтихор, миннатдорчилик билан йўғрилган дил сўзларини Оммағон қишлоғидаги стадионда, футбол учрашувини томоша қилиб ўтирганимда туман шифохонасининг бош врачлари, айни вақтда хўжаликдаги 7 та фельдшерлик-акушерлик пунктининг бош маслаҳатчиси Ғайрат Эргашев, туманда биринчи бўлиб тузилган «Камолот» ёшлар жамғармаси бўлимининг етакчиси Рашид Хуррамов, «Кейс» комбайнида тонналаб ғалла йиғиштириб танилган Бахтиёр Саидовлардан ҳам эшитдим. Хўжаликнинг ёш футболчилари эса, учрашувни ғалаба билан тугатиб, спортсевар раисга яна битта мукофот тайёрлаб қўйишди: улар вилоят биринчилигининг ғолиби бўлишди.

Бозорбойга табрикларимнинг айниқса иккинчиси ёқди.

— Билсангиз керак, — деди у бирдан, — олий лигада Тошкент вилоятдан «Дўстлик» деган жамоа хўжалиги командаси ҳам иштирок этади. Биз ана шу хўжаликка, ана шу командага ҳавас қилганмиз. Худо хоҳласа, йигитларимиз биринчи лигада ҳам муваффақиятли қатнашади. Агар вилоятда ҳаваскор санъаткорларнинг мусобақаси уюштирилса, қизларимиз ҳам ғолиб чиқарди. Булар умумий ишга ҳалақит бермаса керак, деб ўйлашингизга ишонаман. Шундай. Балки, ёрдам беради. Чунки, бизнинг мақсадимиз фақат ва фақат иш эмас. Ахир, бўш вақтини мароқли ўтказиб, ўз вақтида дам олмаган, кайфиятсиз, жисмонан носоғлом одамдан қандай қилиб иш талаб қиласиз? Қандай қилиб у ўзига топширилган вазифани уддалай олади? Қандай қилиб унга режа ҳақида гапирасиз? Ёш

футболчиларимиз эришган бу ютуқ хўжалигимиз аҳлининг, деҳқонларимизнинг кайфиятларини янада кўтарди, уларга куч-ғайрат бағишлайди. Ҳозир Шаҳрисабздан келаётиб, футболчи йигитлардан биронтаси уйланадиган бўлса, мукофотга олган енгил машинани унинг никоҳ тўйи хизматига бериб қўйишга аҳд қилдим. Биласиз, ёшларимиз ЗАГСга оқ «Волга»да боришни ёқтиришади. Майли, улар қачон сўрашса, машинани хизматларига бериб қўяман.

Раиснинг кейинги сўзларини эшитгач, беихтиёр ветеран Асад буванинг қуйидаги сўзларини эсладим:

— Бозоржонни отасига тортган дейишади. Тўғри, меҳнатсеварлиги қарийб қирқ йил пахтачилик бригадасига бошчилик қилиб, эл-юртга танилган, орден ва медалларга сазовор бўлган, ҳозир қариллик гаштини сураётган падарибузруквори Йўлдош акага ўхшайди. Лекин, унинг Эшдавлат исми ажойиб буваси ҳам бор эди. Одамлар у кишини ҳурмат қилиб «Эшдавлатбой» дейишарди. Бувада ҳеч қандай ортиқча мол-дунё йўқ эди, яъни, бой эмасди. Нега шундай дейишарди? Сабаби — Эшдавлат амаки бошқаларга, қишлоқдошларига нисбатан ниҳоятда элпарвар, бировга яхшилик қилишни умрининг мазмуни деб билган, дўсту-қадрдони учун жонини тиккан, бир сўз билан айтганда, меҳр-оқибатга ғоятда бой инсон эди. Бу кишига «Меҳр-оқибат» деган ноёб давлат эш бўлган, дейишарди одамлар ҳавас билан. Бозорбой бу томондан Эшдавлатбой амакига тортган, у — бувасининг чинакам невараси!

Ҳа, Асад бува ҳақ. Истиклол даврининг чинакам илғорларидан бири сифатида эл-юртга танилиб, «Дўстлик» орденидек юксак эътирофга сазовор бўлган Бозорбой Эшдавлатов заҳматкаш отасининг тарбиясини олган, бувасига тортган, устозларига муносиб эл сардоридир.

МУНДАРИЖА

Нурли умр соҳиблари	3
Нон иси (<i>Соғиқжон Абдурасулов</i>)	6
Чилангар (<i>Эркин Алимухамедов</i>)	17
Уста Мирумар (<i>Мирумар Асагов</i>)	31
Ўзингдан қўймасин, далам! (<i>Парга Зиёдов</i>)	43
Юнусобод юлдузи (<i>Мавлуда Исматова</i>)	57
Қизилқум чинори (<i>Николай Кучерский</i>)	74
Тошлоқ бободехқони (<i>Комилжон Мамажонов</i>)	94
Яралган ул маърифат учун (<i>Манзура Маъдалиева</i>)	106
Биз нечун севамиз шоирни (<i>Абдулла Орипов</i>)	118
Учкудук ўғлони (<i>Анатолий Панин</i>)	134
Мартиямас, Мардия (<i>Мартия Раҳматова</i>)	145
Муборак марду майдони (<i>Бўрон Рўзиев</i>)	156
Чимбойнинг чин қизи (<i>Онесия Саитова</i>)	167
Зар қўшиқ (<i>Муяссар Темирова</i>)	180
Қалмоққирдаги йигит (<i>Жонсаид Турдиев</i>)	194
Сувоқчи қўлидаги гул (<i>Холхўжа Умаров</i>)	202
Денов деганда (<i>Иброҳим Файзуллаев</i>)	216
Халқ ҳакимаси (<i>Ойшаҳон Қўчқорова</i>)	237
Боғотда бор бир сардор (<i>Машарип Қувақов</i>)	252
Анвар саркор (<i>Анвар Қурбонов</i>)	262
«Миришкор»нинг миришкори (<i>Шогмонкул Чорикулов</i>)	275
Эшдавлатбойнинг невараси (<i>Бозорбой Эшдавлатов</i>)	281